

Ӯ

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ ВА УСУЛИЯТИ

ТОШКЕНТ – 2005

Муаллифлар:

Абдуллаев А. – педагогика фанлари номзоди, доцент;

Хонкелдиев Ш.Х. – педагогика фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар:

Усмонхўжаев Т.С. – педагогика фанлари доктори, профессор.

Саломов Р.С. – педагогика фанлари доктори, профессор.

Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини тайёрлайдиган олий ўкув юртларининг талабалари, магистрлари, ўрта маҳсус таълим муассасаларининг ўкувчилари учун мўлжалланган ушбу дарслик жисмоний маданият ва жисмоний тарбия бакалаври ўкув дастури асосида ёзилган бўлиб, жисмоний тарбия мутахассисига касб тайёргарлигининг илмий, назарий ва амалий материалларини ўзида мужассамлаштирган ва жисмоний тарбия жараёнини ташкил этиши масалаларида ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан жисмоний тарбия институтлари ва педагогика олий ўкув юртларининг жисмоний тарбия ва жисмоний маданият, чакириқча харбий таълим «ихтисослиги» талабалари, магистрантлари учун дарслик сифатида тавсия қилинган.

Дарслик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси хузуридан Фан ва техника марказининг инновация ишлари дастури доирасида яратилган.

Дарслик Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари Вазирлигининг илмий-услубий кенгаши томонидан нашр этишга рухсат этилган (2005 йил 14 октябрдаги 4-сон баённома).

© ЎзДЖТИ нашриёт-матбаа
бўлими, 2005 й.

СҮЗ БОШИ

Эътиборингизга ҳавола этилаётган “Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси” ўқув предметининг мазмуни ҳозирги кунда нисбатан мустақил лекин бир-бири билан ўзаро узвий боғланган муаммоли цикллардан ташкил топган бўлиб, олий ўқув юрти мутахассисларидан жисмоний тарбия соҳаси учун маҳсус қасб-хунарга эга бўлган ихтисосликни пухта эгаллаган педагогни тарбиялашни назарда тутади.

Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини тайёрлайдиган Олий ўқув юргларининг талабалари, магистрлари, ўрта маҳсус таълим муассасаларининг ўқувчилари учун мўлжалланган ушбу дарслер жисмоний маданият ва жисмоний тарбия бакалаври ўқув дастури асосида ёзилган бўлиб, жисмоний тарбия мутахассисига қасб тайёргарлигининг илмий, назарий ва амалий материалларини ўзида мужассамлаштирган ва жисмоний тарбия жараёнини ташкил этиш масалаларида ёрдам беради.

«Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури»да кўрсатилган камчиликлар ва муаммолар «Жисмоний тарбия», «Чақириқча ҳарбий тайёргарлик ва жисмоний тарбия» ўқув предметига ҳам тегишли. Кадрлаш тайёрлашнинг миллий модели талабларидан келиб чиқиб жаҳон стандартдарига жавоб берувчи, илфор халқаро тажрибаларга таяниб ёзилган маҳсус адабиётларга айниқса, давлат тилида ёзилган ўқув материаллари мухтоҷлик катта. Биз мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб соҳанинг кенг кўламдаги илмий изланишларининг назарий ва амалий материалларини барчасини қамраб олиш имкониятидан йироқлигимизни назарда тутиб, русий забон олимларимизнинг (Л.П.Матвеев, А.Д.Новиков, Б.А.Ашмарин, М.Я.Виленский, В.М.Качашкин ва бошқа катор муаллифларнинг) дарслерлари асосида жисмоний тарбия назарияси ва методикасининг факат умумий асосларинигина баён қилишни мақсад килдик.

Дарслерда аввало, «Жисмоний маданият», «Чақириқча ҳарбий тайёргарлик таълими ва жисмоний тарбия» ихтисослиги берувчи олий ўқув юрти жисмоний маданият факультетлари талабаларининг «Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси»га оид назарий билимлар туркумини тўла қамрамай, факат жисмоний маданият ўқитувчиси учун лозим бўлганларинигина ўз ичига олган. Уни мутахассислик учун тўлақонли дарслер дейиш фикридан албатта узокмиз.

Рус тилида чоп этилган дарслерлардан фарқли ўлароқ, дарслернинг «Жисмоний тарбиянинг ижтимоий моҳияти» ёритилган бобида жисмоний маданиятнинг жамиятдаги ўрни, унинг хизматлари, спорт жисмоний маданиятнинг таркибий қисми бўлимида эса болалар, ўсмирлар спорти, профессионал спорт ва мактаб спортига оид мавзууни кенгрок бердик. «Жисмоний сифатларни ривожлантириш» бобида турли ёшдаги мактаб ўқувчиларининг ҳаракат сифатларини физиологик асослари ва уларни тарбиялаш методикаси, ҳаракат малакаси ва кўнникмаси захирасини ошириш

услубияти, таълим жараёнида содир бўладиган хатолар, уларни аниқлаш ва тузатиш услубияти, ўқитиш методларининг моҳиятини чукурлаштириш ва самарадорлигини оширишга оид назарий материал беришга уриндик.

Дарслик асосан жисмоний маданият факультетларининг талабалари, магистрлари умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, гимназиялар ва бошқа турдаги ўрга таълим ва ўрта маҳсус давлат таълими жисмоний тарбия мутахассислари, жисмоний тарбия ўқитувчилари, болалар, ўсмирлар спорт мактаблари тренерлари, физкултурда ва спорт йўриқчилари ва кўп сонли физкультура ва спорт ихлосмандлари учун мўлжалланган.

Тавсия этилган дарслик Фарғона, Наманган Давлат университетларининг, Кўкон Давлат Педагогика институтининг жисмоний тарбия факультети ўкув тарбия жараёнида 1990-2006 йиллар давосида синаалди. У камчилик ва мунозарали муаммолардан холи эмас. Айниқса, жисмоний маданият атамаларини кўллаш, уларнинг мазмунига оид изохлар баҳс ва фикр алмашинувини таказо этади. Шу йўсинда ўзларининг фикр мулоҳазаларини билдирган касбдошларимизга олдиндан самимий миннатдорчилигимизни изҳор қиласиз.

Манзилимиз: 712000, Фарғона шаҳри, Фарғона Давлат университетининг ўкув-услубий бўлими, Б.Усмонхўжаев кўчаси, 19 уй.

1-БОБ. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ ВА УСУЛИЯТИ ПРЕДМЕТИ

Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси фани мутахассисликка йўналтирилган ўқув предмети сифатида жисмоний тарбия мутахассислари учун фундаментал билимлар тизими, инсон жисмоний баркамоллиги ва унга эришиш ҳамда бошқаришнинг умумий қонуниятларини ўргатади.

Жисмоний тарбия назарияси илмий фан тарзида жисмоний тарбияя га оид мавжуд фактларни изоҳлаб беради ва умумлаштиради. Амалий фан сифатида инсонни жисмоний камолотининг воситалари, жисмоний тарбияси шакллари ва унинг усулиятлари хақидаги амалий, назарий билимларни беради, хаётий-зарурый харакат малакалари ва кўникмалари заҳирасини оширади.

Жисмоний тарбия назарияси ва унинг амалиёти ҳамиша ривожланишида ва такомиллашиб боради. Амалиёт натижалари, илмий тадқиқот маълумотлари жисмоний тарбия назариясини ва услубиятини янгича тамоиллар ва қонулар билан бойита боради. Шунинг учун ҳам жисмоний тарбия назарияси ва усулияти предмети қотиб қолган, ўзгармас маълумотлардан иборат бўлиши мумкин эмас.

Жисмоний тарбия назарияси ва усулияти *ижтимоий, табиий, педагогика* фанлари эришган ютукларга таянади. Жисмоний тарбия назарияси ва усулияти хар қандай холатда илмий педагогиканинг негизи ташкил этувчи энг умумий қонулардан, тамоиллардан усулиятлардан фойдаланади, шу жумладан, барча спорт фанлари учун ҳам бу қонулар, коидалар мос келади ва ўзига хос маъно касб этади.

Ўқув фани сифатида шаклланиши ва унинг ривожланишига жамият аъзоларининг жисмоний тайёргарлигини ошириш мумкинлиги хақидаги назарий фикрнинг вужудга келиши ва унга интилиш сабаб бўлди. Бу билан инсоннинг жисмоний ривожланишини бошқариш мумкинлиги хақидаги қоида ва қонулар ижтимоий меҳнат ва харбий амалиётда юкори самара беришлиги исботланади.

Жисмоний тарбия назарияси ва методикасининг мазмунига қуйидагилар киради:

- жисмоний тарбия ва уни ижтимоий ходиса тарзида жамият маҳсули тарбиянинг бошқа шакллари билан боғлиқлигига оид билимлар;
- жисмоний маданиятнинг мақсади, унинг умумий вазифалари ва назарий тамоиллари;
- жисмоний тарбиянинг воситалари ва уни усулиятларининг тамоиллари;
- харакатга ўргатиш, ўқитишнинг услубиятлари;
- жисмоний сифатларни ривожлантириш;
- жисмоний машқлар ва уни ўқитиш жараёнининг тузилиши;

- жисмоний машқлар билан шуғулланиш машғулотларини ташкиллашнинг шакллари;

- жисмоний тарбия жараёни ва уни режалаштириш;

- жисмоний тарбия услугубиятининг хусусиятлари;

-мактабгача ёшдаги ва мактаб ёшидаги болалар жисмоний тарбияси;

- спорт тренировкаси жараёни характеристика.

Педагогик жараён тарзида жисмоний тарбиянинг умумий қонуниятлари жисмоний тарбия назариясининг ўрганиш предмети хисобланади. Умумий қонуниятлар деганда, ахолининг хар қандай табакасини: болалар, ўсмиirlар, ёшлар, ўрта ёшдагилар, катталар ва қариялар ҳамда жисмоний машқлар билан шуғулланишни эндигина бошлаганларни, малакали спортчиларнинг жисмоний тарбиясининг хусусий томонлари тушунилади.

Бундан ташқари жисмоний тарбия усулиятлари жисмоний тарбияни ажратиб олинган айрим хусусий қонуниятларини ҳам ўрганиш предмети қилиб белгилайди ва педагогик жараённинг умумий қонуниятларини амалга оширишда «Умумий, маҳсус қасб жисмоний тайёргарлиги», «Спорт тайёргарлиги» усулияти деб аниқ йўналишдаги методикалардан фойдаланади. Бундай усулиятларни ҳар бирини ичидаги ўзларининг хусусий усулиятлари мавжуд. Усулиятларнинг турли-туманлиги шуғулланувчиликнинг қайси психологик типларга мансублигига, уларнинг ёши, жинси, қайси қасб эгаси эканлиги ва танланган спорт мутахассислиги (мактаб ёшидаги болалар жисмоний тарбияси методикаси, аёллар жисмоний тарбияси методикаси ва х.к.) га хос ва мос келиши керак.

Спорт педагогикасининг айрим фанлари (спорт ўйинлари, гимнастика ва х.к. ларни ўқитиши) усулияти усулияти алоҳида мустақил ажратилган илмий ва ўқув фанлари тарзида шаклланган. Жисмоний тарбия назарияси ва усулияти фани эса уларни ягона назарий ва усулий асослар билан қуроллантиради, ўрганиш предметлари характеристига кўра педагогика фанлари тизимидағи фан сифатида ўз коидаларини ижтимоий, психологик ва биологик факторлар ҳисобига тўлдиради.

1.1. Жисмоний тарбия назариясинининг манбалари

Жисмоний тарбия назарияси ва усулияти фанининг ривожланиши ва такомиллаши учун қўйдагилар **асосий манба** хисобланади:

- мамлакатимизда жисмоний маданият ва спортни юксалтиришнинг йўллари ва ҳозирги пайтитдаги ахволи ҳақидаги хукумат қарорлари, қонунлари;

- жамиятнинг ривожланиши давомида инсонни ҳар томонлама камол топтириш ҳақидаги прогрессив таълимотлар. Бу таълимотлар инсоннинг ҳар томонлама ривожланиши хукуқинигина овоза қилиш билан кифояланмай, унинг мазмуниниг очишга уриниш ҳамда шу ғояларни амалга ошириш йўлларини назарий, амалий жиҳатдан асослашдан иборатdir;

- жисмоний тарбия назарияси ва усулияти соҳаси бўйича олиб борилган ва олиб борилётган илмий изланишлар ва бошқа аралаш фанларнинг жисмоний тарбияга оид тўплаган назарий, амалий билимлари тизими;

- ижтимоий турмуш тарзи унинг ҳаётий амалиёти тажрибаси, жамиятнинг юқори жисмоний тайёргарликка эга бўлган кишиларга бўлган талабини қондириш бўйича тўпланган амалий тажрибалар;

-жамият аъзоларини жисмоний тарбия қонуниятларини билиши ва шу асосда инсон жисмоний камолоти тизимини тузиш ва уни бошқаришга оид билимлар;

-мавжуд жамият маънавиятининг бир бўлгаги ҳисобланган жисмоний тарбия тизимига жисмоний маданият концепциялари;

- жисмоний тарбия практикаси – манба сифатида назарий қоидаларнинг ҳаётийлигини текширади, амалиётдаги туғилган оригинал ғоялардан фойдаланади ва улар эса тарбия назарияси ва усулиятини бойитади;

- архив материаллари, шахсий кузатиш натижалари (кундаликлар, спортчилар ва уларнинг мураббийларининг режалари, мусобака баённомалари, конспектлар, маъруза матнлари ва х.к.лар) жисмоний тарбия назариясини бойитади ва унга манба бўлиб хизмат киласди;

- соғлом турмуш тарзи назарияси ва амалиёти тажрибаларининг назарий билимлари, одам экологияси.

1.2. Жисмоний тарбия назарияси ва усулиятини ривожланишининг даврлари

Жисмоний тарбия назарияси ва усулиятининг ривожланиши бир неча даврларни ўз ичига олади.

Биринчи давр – башарият тараққиётининг илк давридаги харакат фаолиятини организмга таъсири ҳақида энг дастлабки (эмперик) билимлар (Понамарев Н.И. 1975), уларнинг тўпланиши, «машқланганлик»нинг фойдасини сезиб, маъносига етиш ва тўпланган тажрибани авлоддан-авлодга узатиш усуllibарини англашга имконият яратилган «жисмоний машқлар»ни ва «жисмоний тарбия»ни пайдо бўлиши учун шарт-шароит яратилишига омилларни юзага келган даври.

Иккинчи давр – жисмоний тарбия жараёнида кўлланила бошланган биринчи усулияtlарнинг яратилиши – қадимги Юнонистонда қулдорлик давлати даври ва Ўрта асрни ўз ичига олади (Г.Д.Харабуга, 1974). Жисмоний тарбиядаги бу усулияtlар, тажрибалар орқали юзага келган бўлиб, философлар, педагоглар, врачлар одам организми фаолияти қонуниятлари билан уччалик таниш эмаслиги, ўрганиб улгурмаганликлари орқали жисмоний машқлар таъсирининг механизмини айтарли тушунтира олмас эдилар. Шунга кўра бу давр жисмоний машқлар билан шуғулланишнинг фойдасини ташки қўринишларга қараб баҳолangan давр деб қаралган. Бу

даврда Юнонистоннинг жисмоний тарбия усулияти айтарли даражада кенг тарқалган бўлиб, у мавжуд воситалар ва усулиятларни куч, чидамлилик ва бошқа харакат сифатларини ривожлантириш учун уларни ягона тизимига бирлаштирган давр деб қаралган.

Ўрта асрнинг ўрталарида жисмоний тарбия усулиятларининг хиллари ортди. Гимнастика, сузиш, ўйинлар, камон отиш, отда чопиш, қиличбозлик бўйича дастлабки кўлланмалар пайдо бўлди. Аждодларимиз Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Берунийларнинг тан тарбиясига оид илмий Дунё қарашлари вужудга келди (Усмонхўжаев Т.Н. 1995).

Учинчи давр – жисмоний тарбия ҳақидаги назарий билимларни интенсиз тўпланиши, уйғониш давридан XIX асрнинг охиригача бўлган даврни ўз ичига олади. Инсон тарбияси, уни ўқитиш, даволаш ҳақидаги фаннинг ривожланиши философлар, педагог ва врачларнинг жисмоний тарбия муаммоларига эътибор қила бошлашлари даври, жисмоний тарбиянинг моҳияти ҳақидаги фалсафий, педагогик ва тиббий маълумотларнинг, билимларининг вужудга кела бошлаган даври. Бу маълумотлар ҳали турлича, чунки, кўпинча ўша даврда мустақилроқ саналган философия, педагогика, медицина фанлари таркибида вояга етар эди. Йўл-йўлакай, аммо зарур бўлган даражада бундай илмий фанларнинг вакиллари кўпинча ўз муаммоларини жисмоний тарбининг ролини хисобга олмай ҳал қилиш мумкин эмаслигини тушуна бошладилар. Янгиланиш даврида ёк педагог-гуманистлар ва ҳаёлий социалистлар жисмоний тарбияда бир бутун тарбиянинг мажбурий қисмлардан бири деб қарай бошладилар.

Жумладан, швецариялик педагог И.Г.Песталоции томонидан (1746-1827) болаларҳаракат қобилиятини ривожлан-тириш учун тузилган жисмоний машқлар тизимида бўғинлар (составная) гимнастика умумий педагогика назарияси ичida алоҳида ўринни эгаллайди. XVIII асрда анатомлар томонидан жисмоний машқлар «биомеханика»си бўйича изланишлар олиб борилди, 19 асрда эса жисмоний тарбия ҳақида илмий-назарий ишлар вужудга келди.

Жамият ҳаётида жисмоний тарбиянинг роли тарбиянинг **синфий характерга** эга эканлиги илмий асосланди. Тарбиянинг мазмуни очилди ва унда жисмоний тарбиянинг ўрни хамда шахсни ҳар томонлама ривожлантириш йўллари аникланди.

Айнан шу даврда жисмоний тарбия назариясига асос солинди деб хисобга олиниб, шу соҳа бўйича илмий фаразлар ва билимлар тўпланиши орқали мустақил фан сифатида ажралиб чиқди.

Тўртинчи давр – 19 асрнинг охиридан илмий ва ўқув фани сифатида жисмоний тарбиянинг назарияси ва усулияти шакллана боради. Бу даврнинг характерли томони шундаки, фан сифатида жисмоний тарбия жамият ҳаётининг бошқа жабҳаларига ҳам таъсир кўрсата бошлади. Жисмоний тарбия соҳаси назарияси олимларидан бири Петр Франсевич Лесгафт (1837-1909) ўзининг тарих, анатомия, педагогика, антропология, жисмоний тарбия

методикасига оид асарлари билан ҳозирги замон жисмоний тарбия назарияси ва методикаси мустақил илмий-амалий исботлади.

Бешинчи давр – ривожланган мамлакатлар ва собик шүролар давлати олимларининг изланишлари даври бўлиб, фаннинг интенсив ривожланиши материалистик диалектикага асосланган ҳолда ўша даврда прогрессив ҳисобланган усулиятларга таяниб амалга оширилди.

Жисмоний тарбия муаммоларини комплексли ҳал этишда бутун бир олимлар жамоалари, мутахассислаштирилган илмий ва ўқув муассасалари самарали меҳнат қилдилар. Амалий материалларнинг мўллиги, янги конуниятларнинг очилиши, дастлабки ягона жисмоний тарбия назарияси ва усулиятининг дифференцияланишига олиб келди. Янги маҳсус фанлар «Жисмоний маданиятни ташкиллаш ва бошқариш», «Жисмоний машқлар биомеханикаси», «Спорт психологияси», «Спорт метрологияси», «Спорт физиологияси», «Даволаш физкультураси», «Жисмоний машқлар гигиенаси», «Валеология» ва бошқалар ажralиб чиқди. Юқоридаги фанларнинг айrim соҳалари жисмоний тарбия жараёнида бир неча аралаш фанларнинг билимларидан кенг фойдаланиш лозимлигини илмий-амалий исботлади. Масалан, болаларнинг спорт мутахассислиги муаммоси – бу факатгина спорт педагогикаси муаммосигина бўлиб қолмай, ижтимоий, психологик, социологик ва биологик муаммолардир. Жисмоний тарбия назарияси ва усулияти курси педагогик жараён муаммоларини умумий психология, педагогика, физиология ва бошқа фанларнинг далилларсиз тўла изоҳлаб, исботлаб олишни исботлади.

1.3. Жисмоний тарбия назарияси ва усулиятининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги

Жисмоний тарбия назарияси ва усулияти қатор илмий фанлар билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар қандай фан фақатгина ўзининг илмий изланишлари билан чегараланиб қолса тўлақонли натижа бера олмайди. Жисмоний тарбия назарияси ва усулияти бир неча фанлар қўшилиши орқали маҳсус педагогик муаммоларни ҳал қиладиган предметга айланган.

Жисмоний тарбия назарияси ва усулияти умумий педагогика, психология, инсон умренинг ёши даврларининг физиологияси ва жисмоний тарбия психологиясининг илмий изланишлари натижаларидан фойдаланади. Айниқса, спорт педагогикаси барча фанлар билан узвий боғланган. Олдинги ягона, бўлакларга бўлинмаган жисмоний тарбия назарияси ва усулиятидан алоҳида педагогик фанлари ажralиб чиди, булар қаторида спорт педагогикаси фанлари ҳам, лекин уларнинг сўнги ривожида бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқлик намоён бўлди, жисмоний тарбия назарияси ва усулияти томонидан ишлаб чиқилган умумий қоидаларга таянишга тўғри келди. Олинган далиллар янги умумлаштиришлар учун аниқ материал вазифасини ўтади. Бу жисмоний тарбия жараёндек бир бутун педагогик мухитини ўз ичига олган кенг илмий изланиш ва ўқитиш предметидан астасекинлик билан маҳсус спорт соҳаси фанлари ажralиб чиқа бошлаганлигидир: гимнастика, енгил атлетика, спорт ўйинлари фанлари ва бошқалар. Аммо жисмоний машқларнинг алоҳида турлари учун керакли бўлган, нисбатан умумий қонуниятлар ҳамма турлар учун таъсир кўрсата оладиганларигина алоҳида фан бўлиб ажралмади ва ажralиб чиқиши ҳам мумкин бўлмасди. Ана шунинг учун барча спорт фанлари учун умумий ва хусусий қонуниятларни ишлаб чиқиши ҳозирги замон жисмоний тарбия назарияси ва усулияти фанининг асосий мазмунини ташкил қилади.

Биология фани билан боғлиқлиги – жисмоний тарбия воситаларини шуғулланувчилар организмига таъсири реакциясини ўрганиш, жисмоний тарбия жараёнини самарали бошқаришда анатомия, физиология, биохимия, спорт тиббиёти фанларининг қонуниятларини ҳисобга олиш билангина амалга оширилиши мумкин.

Шунни эсда саклаш лозимки, жисмоний тарбия назарияси ва усулияти фанини бошқа фанлар билан боғлиқлиги бир томонлама бўлмай, икки томонламадир. Жисмоний тарбия ҳакидаги фаннинг ривожланиши аралаш фанларга таъсир этмай қолиши мумкин эмас. Масалан, спорт назарияси ва амалиёти психологлар ва физиологларнинг болалар ва катта ёшдагилар организмининг потенциал имкониятлари деган тасаввурига айтарли тузатишлар киритилишига олиб келди.

1.4. Жисмоний тарбия назариясининг етакчи тушунчалари ва жисмоний тарбиянинг ижтимоий моҳияти

У ёки бу касб эгалари ўзаро мулоқот давомида ўз касби ва хунарига оид маълум тушунчалар ва иборалардан фойдаланадилар. Фаннинг маълум

соҳасини ўрганиш ва уни ўзлаштириш ана шу етакчи тушунчаларнинг мазмунига боғлиқ. Уларнинг мазмуни ва ҳажмини аниқламай туриб, жисмоний тарбия назарияси ва амалиётининг кўпдан-кўп ходисалари ва масалаларини тўғри тушуниб олиш қийинлашади, жисмоний тарбия назарияси фанини муваффақиятли эгаллаб бўлмайди.

Жисмоний тарбия назарияси ва усулиятида кўлланиладиган етакчи тушунчаларга қуидагилар киради: *жисмоний ривожланиши*, *жисмонан тайёргарлик*, *жисмоний тарбия*, *инсон жисмининг маданияти, спорти*, жисмоний камолот. Нима учун юқорида санаб ўтилган тушунчалар асосий тушунчалар дейилади-ю, бошқалари, масалан, *жисмоний машқ*, *жисмоний сифатлар*, *жисмоний билимлар* тушунчалари асосий тушунча деб ҳисобланмайди? Тегишли фаолиятни тўғри акс эттирадиган барча тушунчалар ўз аҳамияти жихатидан бирдек мухимдир, булар тўғрисида дарсликнинг тегишли бобларида тўхтalamиз. Биз эса инсон жисми тарбиясининг асосий, энг мухим сифатлари умумлаштирилиб кўрсатилган тушунчаларига тўхтадлик холос.

Жисман ривожланиши инсон организмининг аста-секинлик билан табиий шаклланиши – ташки кўринишини ва унинг хизматининг ўзгарии жараёнидир.

Ривожланиш даври уч фазага ажратилади: унинг юқори даражаси, нисбатан стабиллашган (барқарорлик) ва инсон жисми имкониятларининг аста-секинлик билан пасайиши. У табиатнинг объектив қонунларига – организм ва унинг яшаш шароитларини бирлиги қонунига, хизмати ва тузилишининг ўзгаришларни бир-бирини тақозо этиш қонунига, организмда аста-секинлик билан миқдор ва сифат ўзгаришлари қонунига ва бошқа қонунларга бўйсунади. Бошқача айтганда жисман ривожланиш объектив ва биологик қонуниятлар мажмуасидан иборат. Булардан энг мухими, мухит ва организм ривожланишининг бир бутунлиги қонунидир.

Юқоридагиларни ўқувчиларга қўллаганимизда, ўқиш шароити, меҳнат ва мустакил ишлаш, дам олишни ҳисобга олишга тўғри келади. Буларнинг барчаси болаларнинг жисмоний ривожланишига таъсир кўрсатади.

Наслдан-наслга ўтадиган табиий-ҳаётин кучлар, инсон жисмининг қобилиятлари ҳам жисмоний ривожланишининг мухим замини эканлиги, шунинг учун ҳам юқори натижаларга эришиш ҳар қайси шуғулланувчи (индивидуид) учун насиб бўлавермаслигини, аммо ҳар қандай шахс ўз организмининг жисмонан ривожланишига сидқидилдан тизимли мақсадга мувофиқ равища мунтазам жисмоний машқлар билан шуғулланиш орқали ижобий таъсир эта олишларини эътироф этиш лозим.

Жисмоний ривожланишининг шиддатли (кескин) даври, мактабгача ёшдаги ва кичик мактаб ёшидаги даврга тўғри келади ва бутун мактаб ёши даври давомида давом этади.

Амалиётда жисмоний ривожланганлик кўрсаткичлари деган иборага дуч келамиз. Бу инсон баданининг аъзоларини бичимини ўлчами бўлиб,

шүгүлланувчиларни ёки индивиднинг жисмоний ривожланиши ҳакидаги антропометрик маълумотлар тарзида рўйхатга олинади.

Жисман ривожланишнинг йўналиши, характери, даражаси, шунингдек, инсон ўзида камол топтирадиган фазилатлари ва қобилиятлари турмуш шароити ва тарбияга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Жисман ривожланиш қонунларини эгаллаш, улардан ўз жисми тарбияси мақсадларида фойдаланиш – жисмоний тарбия назарияси ва амалиётининг муҳим вазифасидир.

Жамиятдаги ижтимоий шароит жисмоний ривожланишини ҳал қилувчи омилидир. Омиллар орасида меҳнат билан тарбия жараёнининг роли, айниқса жисмоний тарбиянинг роли муҳимдир.

Жисман ривожланишга эришиш учун «жисмоний тарбия» деб аталмиш маҳсус йўналтирилган ва ташкил қилинган фаолиятдан фойдалана бошланди.

Жисмоний тарбия – педагогик жараён бўлиб, инсон организмини морфологик ва функционал жиҳатдан такомиллаштиришига, унинг ҳаёти учун муҳим бўлган асосий ҳаракат малакасини, маҳоратини, улар билан боғлиқ бўлган билимларни шакллантириши ва яхшилашга қаратилган. Мана шу таърифда жисмоний тарбиянинг инсонни тарбиялашнинг мустакил тури сифатидаги ўзига хослиги таъкидлаб ўтилган.

Жисмоний тарбияга оид бўлган бу ўзига хосликнинг таркибида иккита алоҳида маънога эга бўлган «жисмоний билим» ва «жисмоний сифатларни ривожлантириш» деб аталган тушунча ётади.

«Жисмоний билим» термини янги даврдаги жисмоний тарбиянинг энг аввалги тизимларида учрайди. Масалан, Фит «ўз вужудини тарбия» қилиш максадида жисмоний машқлар зарурлиги ҳакида гапирган эди.

Жисмоний билим жисмоний машқларни бажаришга оид маҳсус назарий тушунчалар ва уларни лозим бўлганда турмушда қўллаш маҳорати ва кўникмаларини ўз ичига олади.

Песталоции болаларнинг «вужудини тарбиялаш»ни астойдил ёқлаб чиқкан. П.Ф. Лесгафт жисмоний билим беришни, жисмоний тарбиянинг кенгайтирилган маъноси деб тушунтирган. Лекин Лесгафтнинг жисмоний тарбия ҳакидаги таълимотнинг асосий ғояси том маънодаги жисмоний таълим ғояси эди.

П.Ф. Лесгафт жисмоний тарбия жараённида болалар «айрим ҳаракатларни ажратиб олишлари ва уларни ўзаро таққослашни, уларни онгли равишда бошқаришни ва тўсиқларга мослаштиришни, бу тўсиқларни иложи борича чаққонлик ва қатъият билан ўтишни (енгишни), бошқача қилиб айтганда, иложи борича камроқ вақт мобайнида оз меҳнат сарфланган ҳолда, онгли равишда энг кўп жисмоний иш қилишни, ёхуд кўркам ва файрат Билан ҳаракат қилишни ўрганишлари керак, деб хисобларди. Бу ерда гап, бир томондан, тўғри ҳаракат кўникмаларини ҳосил қилиш ҳакида, иккинчи томондан, ҳаракатларни бажаришга онгли муносабатда бўлиш негизида

кўникмалардан турли ҳаётий вазиятнинг турли тасаввур ҳамда маҳоратни қарор топтириш ҳақидаги бормоқда.

Жисмоний сифатларни тарбиялаши жисмоний тарбия жараёни деб қаралади. Бу тушунча куч, тезкорлик чидамлилик, эгилуввчанлик ва чаққонлик сифатларини ривожлантиришни ўз ичига олади.

Бир бутун жараённинг шу томонлари бир-бири билан мустаҳкам боғланган. Масалан, агарда ўқувчилар югуриш машқларини кўп маротабалаб, унинг бажарилиш техникасини ўзлаштириш мақсадида тақрорлайверсалар, шу вақтнинг ўзида ҳам куч, ҳам чидамлилик ва айрим ҳолларда тезкорлик ҳам тарбияланади. Бошқа томондан, ўша югуриш машқларни катта тезлик билан тақрорланса (тезкорликни тарбиялаш учун), у ҳолда машқ техникаси мустаҳкамланади ва такомиллашади, шу вақтнинг ўзида эса таълим, билим бериш вазифалари ҳам ҳал қилинади.

Жисмоний машқларни бажариш жараённида, ҳаттоқи шуғулланувчиларнинг руҳий ҳолатига, уларнинг эмоциясига (хис туйғусига), иродасига, ахлоқининг намоён бўлишига ҳам таъсир кўрсатади. Ана шулар хисобига тарбиявий вазифаларнинг ҳал қилиниши учун керак бўлган шароит юзага келди.

Жисмоний тарбия жараённидаҳамишаҳам тарбиявий, ҳам таолимий элементларнинг мавжудлиги уни бир бутун педагогик жараён деб қарашга олиб келади. Қайд қилинган элементлар кўйилган вазифага қараб, ҳар бири алоҳида кўринишда намоён бўлади.

Жисмоний тарбияда жисмоний ривожланиш қонунлари ҳам, жисмоний тарбиянинг ижтимоий қонунлари ҳам акс этади. Жисмоний тарбиянинг социал қонунларидан фойдаланиши, характеристи ва усули аслида жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий тузумидан келиб чиқади. Бу жисмоний тарбияга ижтимоий характер беради, синфий жамиятда эса тарбия хукмрон синфларнинг манфаатларига бўйсундирилди.

Жисмоний тарбия – абадий категориядир, шу маънодаки тарбиянинг бу йўналиши жамият пайдо бўлгандан бери мавжуд бўлиб, бундай тузум ҳам ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ва инсон ҳаётининг зарурий шартларидан бири сифатида давом этаверади (А.Д. Новиков, 1959).

Жисмоний тарбиянинг ижтимоий ҳодиса сифатида ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу асосан жамиятда инсон жисмоний қобилияtlарини ривожлантирувчи восита сифатида хизмат қила олишлиги ва айни пайтда унинг маънавий камолотига ҳам кучли таъсир кўрсата олишилигидадир. Мазкур хусусият жисмоний тарбиянинг барчага баробар умумий кўллайдиган хусусий белгисидир. Лекин жамиятнинг реал ҳаётида конкрет тарихий шароитлардан ташқарида бўлган жисмоний тарбия умуман йўқ. Ҳар бир ижтимоий-иқтисодий формацияда жисмоний тарбияни амалга оширишнинг конкрет тарихий типи ривож топади.

Жисмоний тайёргарлик. Жисмоний тарбияда учта асосий йўналиш мавжуд бўлиб, инсон жисмоний тарбияси ана ўша рамкалар асосида амалга оширилади. Улар умумий жисмоний тайёргарлик, касб-хунар жисмоний тайёргарлиги, спорт тайёргарлигидир.

Умумий жисмоний тайёргарлик соғлики мустаҳкамлашга, кенг доирада ҳаракат малакалари ва кўнилмаларига эга бўлишига, ўзидан кейинги маҳсус тайёргарликка замин бўлиши учун хизмат қиласиган асосий ҳаракат сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган.

Умумий жисмоний тайёргарлик мақсадида жисмоний тарбиянинг барча турдаги воситаларидан, хилма-хил жисмоний машқлардан, табиатнинг соғломлаштирувчи кучлари ва гигиеник омиллардан фойдаланилади. Умумий жисмоний тайёргарлик жисмоний тарбиянинг барча этапларида кўпроқ мактаб жисмоний тарбия тизимида, оммавий физкультура ишларида ва жисмоний машқлар билан индивидуал шуғулланиш шакллари орқали амалга оширилади.

Касб-хунар жисмоний тайёргарлиги – бу жисмоний тарбиянинг мутахассислаштирилган, аниқ меҳнат тури ва мудофаа фаолиятига тайёrlашга йўналтирилган жараёндир. Бунда асосан, жисмоний машқларнинг хунар ёки касбга якин бўлган турларидан фойдаланилади. Касбга йўналтирилган жисмоний тайёргарлик воситаларининг кўлланиши меҳнат ҳаракат малакаларининг шаклланишини эгаллаш жараёнини тезлаштиради, меҳнат унумдорлигини оширади, организмнинг, ташки мухит таъсирининг зарарли факторларига қашилик кўрсатишни яхшилайди.

Умумий ва касб жисмоний тайёргарлиги деб ажратиш маълум даражада шартли бўлиб, иккала йўналиши ҳам бир-бирини тўлдиради.

Спорт тайёргарлиги жисмоний тарбияда маҳсус йўналишни ифода этади. Бунинг вазифаси инсонни танлаб олинган бирор спорт турида юқори натижаларга эришишни таъминлашдир.

Жисмоний тарбияда спорт тайёргарлиги, организмнинг функционал имкониятларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган, юқори спорт натижаси кишиларнинг жисмоний тайёргарлигини баҳолаш критериясига айланади ва жисмоний тарбияга мўлжал сифатида жуда кенг кўламда кўлланилади.

Жисмоний тайёргарлик. Жисмоний тарбияда учта асосий йўналиш мавжуд бўлиб, инсон жисмоний тарбияси ана ўша рамкалар асосида амалга оширилади. Улар умумий жисмоний тайёргарлик, касб-хунар жисмоний тайёргарлиги, спорт тайёргарлигидир.

Умумий жисмоний тайёргарлик соғлики мустаҳкамлашга, кенг доирада ҳаракат малакалари ва кўнилмаларига эга бўлишига, ўзидан кейинги маҳсус тайёргарликка замин бўлиши учун хизмат қиласиган асосий ҳаракат сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган.

Умумий жисмоний тайёргарлик мақсадида жисмоний тарбиянинг барча турдаги воситаларидан, хилма-хил жисмоний машқлардан, табиатнинг соғломлаштирувчи кучлари ва гигиеник омиллардан фойдаланилади. Умумий жисмоний тайёргарлик жисмоний тарбиянинг барча этапларида кўпроқ мактаб жисмоний тарбия тизимида, оммавий физкультура ишларида

ва жисмоний машқлар билан индивидуал шуғулланиш шакллари орқали амалга оширилади.

Касб-хунар жисмоний тайёргарлиги – бу жисмоний тарбиянинг мутахассислаштирилган, аниқ меҳнат тури ва мудофаа фаолиятига тайёрлашга йўналтирилган жараёндир. Бунда асосан, жисмоний машқларнинг хунар ёки касбга якин бўлган турларидан фойдаланилади. Касбга йўналтирилган жисмоний тайёргарлик воситаларининг кўлланиши меҳнат ҳаракат малакаларининг шаклланишини эгаллаш жараёнини тезлаштиради, меҳнат унумдорлигини оширади, организмнинг, ташки муҳит таъсирининг зарарли факторларига қашилик кўрсатишини яхшилайди.

Умумий ва касб жисмоний тайёргарлиги деб ажратиш маълум дараражада шартли бўлиб, иккала йўналиши ҳам бир-бирини тўлдиради.

Спорт тайёргарлиги жисмоний тарбияда маҳсус йўналишни ифода этади. Бунинг вазифаси инсонни танлаб олинган бирор спорт турида юқори натижаларга эришишни таъминлашdir.

2-БОБ. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ТИЗИМИ

Жисмоний тарбия аниқ бир тизимга таянсагина, олдиндан кўзланган натижага эришилади.

Жисмоний тарбия тизими деганда, жисмоний тарбиянинг принциплари, воситалари, методлари ва уни ташкиллаш шаклларининг шундай умумийлиги тушуниладики, у жамият аъзосини манан бой ва ҳар томонлама гармоник ривожлантиришнинг мақсад ва вазифаларига мос бўлсин (А.Д. Новиков 1967).

Ватанимиз мудофааси масаласи ҳам жамиятимизда йўлга қўйилган жисмоний тарбия жараёнига қатор талаблар қўядики, бу талабаларни амалга ошириш натижасида жисмоний тарбия тизимининг объектив хусусиятлари намоён бўлади. Мамлакатимиз халқларининг ҳар томонлама жисмоний тайёргарлиги, жисмоний сифатларини яхши ривожланганилиги Ватан мудофаасига тайёргарлигининг кўрсаткичи бўлиб хизмат қиласди.

Шундай қилиб, Мамлакатимиздаги жисмоний тарбиянинг мақсади Ўзбекистон халқини жисмонан камолотга эришган, хукуқий давлатнинг актив курувчилари, ижодий меҳнатга ва Ватан мудофаасига тайёр қилиб тарбиялашдир. Бу мақсад мамлакатда жисмоний тарбияни амалга ошираётган барча ташкилот ва муассасалар учун умумийдир.

Жисмоний-маданий, маънавий ва оммавий театрлаштирилган томошаларни бир-бири билан мувофиқлаштиришдан намойишлар ва намойишкорона чиқишлир вужудга келади. Уларнинг тарбиявий аҳамияти бепоёндир.

Жисмоний маданиятни классификациялаш катта аҳамияга эгадир. У жамиятда жисмоний маданиятдан мақсадга мувофиқ фойдаланишини, унинг қайси йўлдан кетаётганлиги, йўналишини, физкультура амалиёти, вазифаларини ҳал қилиш учун тавсия этилган унинг хилма-хил турлари имкониятларини англашга ёрдам беради. Агарда мактабда жисмоний билим (маълумот), умумий жисмоний тайёргарлик бериш вазифалари ҳал қилинса, унинг ҳаёти давомида фойдаланадиган жисмоний маданиятнинг баъзаси яратилади. Маданиятнинг бошқа барча турлари қайд қилинган вазифаларни ечиши мумкин бўлсада, инсон жисмоний маданияти учун ўрнини алмаштира олмайди.

Жамиятда жисмоний маданиятнинг ривожланганлик даражаси куйидаги кўрсаткичлар билан баҳоланади:

- жамият аъзоларининг кундалик турмушга жисмоний маданиятнинг сингдирилганлиги даражаси билан;

- жамият аъзоларининг саломатлиги ва жисмоний тайёргарлиги билан;

- жисмоний маданиятининг машғулотларининг моддий-техник таъминланганлиги ва уларни сифати билан;

- жисмоний маданиятга раҳбарлик қилаётган ходимларнинг доимий таркиби (штати), квалификацияси ва фаоллиги ва иқтидори билан;

- жамият аъзоларининг спортдаги натижалари билан баҳоланади.

Мамлакатимиз мустақиллиги, жамиятимиздаги кечәётган ижтимоий, иктисолий ислоҳотлар юртимиз фарзандларининг жисман камолотга эришган бўлиши кераклиги талабини қўймоқда. Ҳар бир миллат, элат ўзининг пахлавонлари, жисмонан баркамол ўғлонлари билан фаҳрланишган. Ўз фарзандларини халқ оғзаки ижодидаги Алпомиш, Рустам, Гўрўғли, Барчиной каби жисман ва манан шаклланган бўлишларини орзу қилганлар.

Жисман баркамоллик – тарихан ўзгариб турадиганхар қандай тарихий давр учун ўзининг идеал таснифига эга бўлган тушунча тарзида турлича талқин қилинган, чунки бу идеалда аҳолининг иктисолий шароити, ижтимоий ҳаёти дунё қараши ифодаланган. Лекин асрлар давомида жисмоний баркамол авлод тарбияси мавжуд жамиятда объектив имкониятлар ва шароитни юзага келмаганлиги сабабли, абстракт ғоялигича қолиб реал ҳақиқатга айланмай қолган.

Жисмонан баркамоллик саломатликнинг меъёри ва ҳар томонлама жисмоний тайёргарликни даражаси ҳакидаги тарихан шаклланган тасаввур, улар меҳнат, жамоатчилик, ҳарбий ва одамларнинг ижодкорлик фаoliyatlарини узок давом этиши талабларига нисбатан оптималь жавоб беради.

Жисмоний камолот шахсни гармоник ривожлантиришда аник маъно ва ижтимоий моҳият касб этади. Фақат жисман камолотга эришиш учун бажарилган фаолият педагогик жараён давомида бир томонламаликга олиб келиши амалиётда исботланган. Фақат жисмоний машқ билан шуғулланиш, жисмонан камолот сари йўл олсада, бир томонламаликга етаклайди, уни гармоник тарбия элементлари – маънавий, маърифий ахлоқий, рухий, эстетик меҳнат тарбиясини олишдан узоклаштиради.

Мақсаднинг умумиyllиги жисмоний тарбия тизимининг асосий қонуниятларидан бириди.

Кўрсатилган мақсад ва шароитларга жавобан уни амалга оширишда шуғулланувчиларнинг ёши, соғлиги, жисмоний тайёргарлиги, шуғулланиладиган касби ҳисобига олинади ва жисмоний тарбияда конкрет вазифалар ҳал қилинади:

а) одам организмининг форма функциясини гармоник ривожлантириш, жисмоний қобилиятини ҳар томонлама камолга етказиш, соғлигини мустаҳкамлаш ва жамият аъзосини узок умр кўришини таъинлашга йўналиш бериш;

б) ҳаётий зарурий ҳаракат малакаларини ва кўнилмаларини, кундалик турмушда керак бўладиган жисмоний маданиятга молик маҳсус билимларни шакллантириш;

в) ҳар томонлама жисман ривожлантириш учун жисмоний сифатларни тарбиялаш;

Инсон жисмоний тарбияси мақсад ва вазифаси унинг бошқа тарбия жараёнлари билан боғлиқлиги шундагина мувофиқ деб

тушуниладики, бу мувофиқлик объектив характерда бўлади ва жисмоний тарбия жараёнига қонуний йўналиш беради. Жисмоний тарбия жараёнида тарбиянинг бошқа соҳаларида гидек мақсадга йўналтирилган фаолият, режалаштирилган натижага ҳар доим ҳам тўғри кела олмаслиги исботланган. Жисмоний тарбияда тарбия натижасини ёш спортчи ёки физкультурчи тренировкасига режалаштирилган жисмоний машқлар унинг организмига қандай тъсир килаётганлигини ҳисобга олишни тақазо қиласди, қисқа ва тор йўналишдаги спорт тренировкаларининг натижасига эътибор берсак, шуни кўрамизки, юкори натижаларга эришиш маълум давр ичидан бўлиб, олдингилари унутилса, тренировка машғулотлари кейинчалик ўзини оқламайди. Бу эса ҳар томонлама гармоник ривожланишга ҳалал беради ва спорт ютуқларини йўққа чиқаради.

Шунинг учун педагог ва тренер олдида узокни кўра билиш, башорат қила олиш талаби кўндаланг бўлади. Бу вазифани ҳал қилиш эса ўқимишли, ўз ишини биладиган, севадиган мутахассислар тайёрлаш тизимида амалга оширилиши лозим. Шунга кўра мақсад ва вазифаларни ижобий ҳал қилишга қодир, болалик чоғидан жисмонан соғлом, маънавиятини уйғун қилиб тарбиялашни улар ўзларининг асосий бурчлари деб билишлари керак.

Навқирон, ўзлигимизни эндиғина эътироф этаётган мамлакатимиз турли тоифадаги давлат ва нодавлат спорт жамиятлари, физкультура ҳавасмандлари уюшмалари орқали ягона жисмоний тарбия тизимини тузишга эътиборни кучайтириб, тизимда *маънавий бойлик, жисмоний баркамоллик, ҳалқчилик ва унинг илмийлик хусусиятларини* мужассамлаштирумокда.

Шарқ мутафаккирлари маънавий бой, жисман баркамол, *комил инсон* масаласига азал-азалдан алоҳида эътибор берганлар. Комиллик фазилатларидан энг улуги таннинг инсон жисмининг, баркамоллигидадир дейилади. Инсоннинг матонати, диёнати, риёзати, қаноати, илми, сабри, интизоми, нафси, виждони, ҳақонийлиги, назари, ибрати, иффати, ҳаёси, идроки, заковати, иқтисоди, итоати, ҳақшунослиги, авф эта олиши, ватанинни севиши каби ижобий хислатлари (А. Авлоний “Турки гулистон ёхуд ахлоқ” Тошкент “Ўқитувчи” 1992. 13-бет)га фақат соғлом жисм, танисиҳатлилик орқали эришилади деб қаралган.

Мамлакатимиз *жисмоний тарбия тизимини ҳалқчиллиги* деганда, биз миллий ўйинлар тарзида ҳалқ оммаси орасида кенг тарқалган жисмоний машқлар, миллий спорт турлари, оммавий спорт, олимпиадалар дастуридан ўрин олган “кatta спорт” билан кўп миллатли республикамиз ҳалқларини шуғулланиш имконияти борлиги тушунилади.

Илмийлиги шундаки, жисмоний тарбия соҳаси бўйича илмий тадқиқот ишларининг кенг тарқалганлиги ва уни амалиёт билан боғлаб олиб борилаётганлиги, жисмоний тарбия назарияси ва амалиётининг илмий фанлари ҳисобланган педагогика, психология, анатомия, физиология, биомеханика, спорт метрологияси, спорт тиббиёти, даволаш

физкультурасининг ва бошқаларга таянганлиги, уларнинг илмий ютуқлари? Халқимиз ҳаётий эҳтиёжини қондиришга йўналирилган. Жисмоний тарбия тизими бир-бири билан узвий боғлик бўлган звеноларга бўлинниб, хозирги кунда ҳам тарбия жараёнининг турли дастурларининг бажарилиши шу звеноларда амалга оширилмоқда:

а) мактабгача таълим (давлат ва нодавлат мактабгача тарбия болалар муассасалари) звеноси;

б) мактаб ёшидагилар жисмоний тарбияси (умумий ўрта таълим I-IX синклар) звеноси;

в) ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими (академик лицейлар, қасб-хунар коллежлари) звеноси;

г) олий таъсим звеноси;

д) армия звеноси;

е) олий таълим ва армиядан сўнги ҳавасмандлик асосидаги жисмоний тарбия звеноси;

Жисмоний тарбия тизими ўзида қўйдаги асосий элементларни бирлаштиради:

а) жисмоний тарбиянинг мақсади, вазифалари ва принципларининг мақсадга мувофиқлиги;

б) жисмоний тарбия тизимида қўлланиладиган воситалар – гимнастика, ўйинлар, спорт, туризм ва бошқалар типидаги жисмоний машқлар;

в) турли шаклдаги педагогик жараён мобайнида қўлланиладиган усулият (таолим жараёни, усулиятлари, спорт тренировкаси ва мустақил машғулотларида фойдаланиладиган)лар;

г) жисмоний тарбия мақсадида кишиларни уюштириш шакллари;

д) жисмоний тарбия мазмуни ва натижаларида ифодаланган жамият ва давлат талаблари (нормалар ва дастурлар).

Жисмоний тарбия тизимининг таҳлили масалаларига оид назарий материал рус олимлари А.Д. Новиков, Л.П. Матвеев, Г.Д. Харабуги ва катор бошқа муаллифларнинг дарслкларида тўла ёритилган.

Жисмоний тарбия жараёнининг назарий, услубий амалиётининг умумийлиги жисмоний тарбия тизимининг негизини ташкил қиласди. Миллатимизнинг бу соҳадаги меросини ўрганиш фанимизнинг асосий вазифасидир. Жахонгирларни юзага чиқарган юртимизнинг элат ва халқлари жисмоний маданияти тарихий манбааларда ўз ўрнини олганлигига ишончимиз комил.

Шу ўринда П.Ф. Лесгафт ва унинг шогирди В.В. Гориневскийлар сабиқ шўролар жисмоний тарбия тизимининг асосчилари деб тан олинганлиги жисмоний тарбия назариясининг ривожланишида муносиб хисса қўшган олимлар сифатида жаҳон жисмоний маданияти фани намояндалари қаторидан ўрин олганликларини эътироф этиш лозим.

П.Ф. Лесгафт (1837-1909) биолог, анатом, педагог ва катта жамоатчи сифатида инсон шахснинг интелектуал ривожланиши учун унинг яшаган ижтимоий мухити ва тарбияси рол ўйнашини илмий жиҳатдан асослаб берди. Лесгафт томонидан ишланган “Мактаб ёшидаги болаларда жисмоний билимлар” тизими хозирги кунда ҳам ўз илмий аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Чор Россиясининг жисмоний тарбияга муносабати яхши эмас эди. “Мактаблар бизда болаларга бутунлай жисмоний билимлар бермаяпти. Бу ишга раҳбарликни бизнинг ишга алоқаси йўқларга бериб қўйилган, улар жисмоний маданиятни сохта тушунчалар орқали тасаввур қиласди, ёки бўлмаса, қайсиdir чет эл мактабини битириб келгандан эшитганларигина билади. Шунинг учун улар бола жисмоний тарбиясига эътиборсиздирлар”, - деб ёзган эди П.Ф. Лесгафт.

В.Б. Гориневский (1857-1937) ўзининг тиббий-педагогик фаолиятида Лесгафт фикрларини ривожлантириб собиқ шўролар тузуми жисмоний тарбия тизимини ривожланишига катта хисса қўшди. У жисмоний машқлар билан шуғулланувчилар устида ўтказишни тадқиқот назоратини қилишнинг илмий услубий комплексини яратди. П.Ф. Лесгафт ва унинг шогирди В.Б. Гориневскийларнинг илмий меросинининг киммати шундаки, уларнинг жисмоний билимлар ва жисмоний тарбия ҳақидаги илмий фикрлари амалий ва жамоатчилик тажрибаси асосига таянганлигидадир.

3-БОБ. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИ ТАРБИЯНИНГ БОШҚА ЙЎНАЛИШЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ

3.1. Жисмоний тарбия жараёнида ақлий тарбия

Жисман етарли даражадаги ривожланганлик нормал ақлий ривожланишга шароит яратади.

“Хар қандай меҳнат – бу ақлий, жисмонийдир. Агар ақлий ва жисмоний меҳнат орасидаги фаркни ажратсан, биттасида асосий ролни мия, иккинчисида мускуллар ўйнайди. Миянинг фаолияти мускулларнинг ўзаро фаолиятига, мускуллар фаолияти эса миянинг бошқариши орқали амалга оширилади”, - деган эди Че,рнишевский.

Жисмоний билимлар асосчиси П.Ф. Лесгафт кўрсатгани-дек, ақлий ва жисмоний ривожланиш бир-бири билан узвий боғлиқ. Ақлнинг ўсиши ва ривожланиши ўз навбатида жисмоний ривожланишни тақазо қиласди.

Жисмоний тарбиянинг вазифаси шунда муваффакиятли ҳал қилинадики, шуғулланувчилар жисмоний машқларни онгли равишида тушуниб бажарсалар ёки улар спорт машғулотларига қизиқиб, ташаббус кўрсатиб ижодий ёндашсалар, организмда ҳаракат малакаларини тўғри шаклланиши, функционал қобилиятларини ривожланиши учун умумий маҳсус билимларга таянишлари лозим бўлади.

Жисмоний тарбияда ёки спортда талантни очиш шуғулланувчидаги умумий жисмоний ривожланганлик ва тайёрланганлик ҳамда соҳа бўйича чукур малакавий билимларга эга бўлиш, бош мия, мускуллар фаолиятидан

фойдаланиш күр-күроналика йўл кўймасликни талаб қилади. Машгулотга онгли муносабатда бўлмаслик талантни сўнишига сабаб бўлади. Энг ҳавфлиси шуғулланувчида бир томонламалилик, фактат спорт билан шуғуланишгагина одат шаклланади - жамият учун эса бокимандалар кўпаяди.

Спорт тренировкаси сирларини ўрганиш, уни тушуниш, шуғулланувчи маҳоратини ошишига олиб келади. Бунга фақат ҳар томонламалилик орқалигина эришиш мумкин. Жаҳон рекордларини ўрнатиш, чемпионлик лавозимлари учун курашиш, спортчидан юқори савия, чукур билим ва жисмоний қобилияти талаб қилади. Бунга эришиш учун эса машаккатли меҳнат, ўткір интеллект соҳиби бўлишлик талаб қилинади.

Ақлий ва жисмоний тарбиянинг ўзаро боғлиқлиги масаласи табиий-илмий фанларнинг тадқиқотлари асосида улуғ рус физиологи И.М. Сеченов ва И.П. Павлов томонидан исботланган. “Мен бутунҳаётим бўйи ақлий ва жисмоний меҳнатни севдим, кўпроқ иккинчисини. Айниқса, миёда пайдо бўлган фикрни ҳал қилиш учун аклимини кўлим билан боғлаганимда ўзимни жуда яхшиҳис қилас эдим”, - деб ёзган эди улуғ рус олими И.П. Павлов.

Демак, жисмоний тарбия интелектининг ақлий тарбияси билан ўзаро узвий боғлиқхолда амалга оширилиши лозим.

3.2. Жисмоний тарбия жараённида ахлоқий тарбия

Ҳар қандай жамият азал-азалдан ўзининг ахлоқ меъёрлари ва уларнинг талаблари билан бири-биридан ажralиб турган, айрим ҳолда кескин фарқланган. Бу талаблар ва нормалардан жамиятнинг мавқеи, ўрни, даражасини белгилаш, баҳолашда фойдаланилган. Ахлоқий тарбия уларга жамият аъзолари риоя қилишидек зарур муаммоларни ҳал қилишда жисмоний машқлар билан шуғуланиш машғулотлари, спорт тренировкалари, турили хил мусобақалар ва кўнгил очиш тадбирлари ахлоқ нормаларини шаклланиши, тарбияланишида восита ролини ҳозирги кунда ҳам ўйнаб келмоқда. Ўзаро муносабат, мулокот, умуминсоний қадриятлар, миллати, ҳалқи, давлати, шони-шуҳрати учун қайғуриш ҳиссиёти жисмоний тарбия жараённида тўғридан-тўғри тарбияланган.

Мамлакат спортчисининг ахлоқи - бу, миллат вакили, мавжуд жамият кишинининг ахлоқидир. Ўзбек спортчисининг ахлоқ нормалари маҳсус, алоҳида эмас. Улар ҳам мазкур жамиятнинг оддий аъзосининг ахлоқи нормаларидан фарқ қilmайди. «Спортчининг ахлоқи» деган ахлоқни тузушга уриниши шарқ ҳалқлари ахлоқ нормаларидан узоқлашишга олиб келади.

Биз қисқа фикрли, тор ўйлайдиган фақат спорт билан шуғулланадиган бақуват, яхши ҳазм қилиш органларига эга бўлганларни эмас, фикрлар доираси кенг, маънавий бой, киришувчан, ташкилотчилик қобилияти яхши бўлган индивидни тарбиялашни назарда тутмогимиз лозим. Бу сифатлар кўпроқ навқирон мамлакатимиз ёшлари учун таалуқлидир.

Спортчиларни ахлокий тарбиясининг асосий хусусиятлари, уни жисмоний тарбия жараёнини йўлга қўйилиши қўйидаги йўналишда ва шаклда бўлишига эътибор қаратилмоқда:

1. Жамоатчилик бурчига ижтимоий муносабатда бўлиш, жамият ишини ўз шахсий иши билан тенг қўйиш, жамият ва давлат ишини даражасини пасайтирумаслик. Ўзининг жисми тарбиясига онгли муносабатда бўлиш, Ватан мудофаасига доимо тайёр туриш- бу ҳар бир жамият аъзосининг умумий бурчи деб қаралади. Спорт ҳаётидаги мақсадни бирлиги ва умумийлиги барча учун ягона қонуний аҳамиятга эга бўлишилиги, уни жамоа фаолиятида гавдаланиши, жамияти жисмоний маданияти тарихи, анъаналари, миллатининг шони учун жамоанинг кучини умумлаштира билишилик хусусияти.

Мамлакат спортчиси халқаро майдондаги ғалабаларнинг ҳал қилувчи омили эканлиги, ўз халқи, Ватан олдидаги жавобгарлик бурчини ҳис қила билишилик хусусияти.

2. Жамоат мулкига (спорт иншоати, ундаги жиҳоз ва анжомларга) ижтимоий муносабатни спорт майдонларини жиҳозлаш ва қайта жиҳозлаш ишида иштирок этиши.

3. Жамият аъзоларининг ахлоқ нормаларини энг асосий меҳнатга ижтимоий муносабатда бўлишиликдир. Жисмоний машқлар билан шуғулланиш шуғулланувчи меҳнатда, ишлаб чиқариш жараёнида ҳар томонлама гармоник ривожланишини амалга ошириш имкониятини юзага келтиради. Спортчини спорт натижасига эришиши машакқатли бўлиб, чидамли меҳнатни талаб қиласди. У рекордларнигина янгиласди билан меҳнат жараёни учун ирода, интизом, меҳнат қилишга одатни шакллантиради, меҳнатни кадрлашга ўрганади.

4. Жисмоний маданият жамият қонунчилигига бўйсунишга ўргатади. Гимнастика, ўйинлар, спорт, туризм ва бошқа жисмоний машқлар билан шуғулланиш тарбияланувчилардан белгиланган қоидага, тартибга қатъийян риоя қилиш талабини қўяди. Уларга бўйсунмаслик спортчини ёки тарбияланувчини умумий мақсаддан узоқлаштиради. Спорт фаолияти спортчи ҳаётини ҳафв остида қолдириши – масалан, тўп учун курашаётганда ўйинчилар бир-бiri билан тўқнашиб кетди. Кимдир айбдор. Кўполликка жавоб қилгингиз келади. Лекин спортчи ахлоқ нормалари, ўзини кўлга олиш ва низоли холатни тинч йўл билан ҳал қилиш учун лозим бўлган ахлоқий нормалар, талабларни устун келиши хусусияти.

5. Гуманизм, инсонни хурмат қилиш, келажак учун, тинчлик учун курашишга замин, бир-бирини кўллаш, ёрдам бериш, айниқса, мусобақалар давомида ўзаро ўртоқлик ёрдами ўз рақибларига нисбатан хурмат руҳида туркий халкларда ўта юкори бўлганлиги, мустахкам саломатлик ва жисман тайёргарлик жамият аъзосининг ахлоқ нормалари, иродаси ва бошқа хусусиятларни тарбиялаш хусусиятларини шакллантиради.

3.3. Жисмоний тарбия жараёнида эстетик тарбия

Жисмоний тарбия жараёнида эстетик тарбиянинг ҳам алоҳида вазифалари ҳал қилинади ва йўлга қўйилади:

1. Муомила эстетикасини тарбиялаш. Гимнастика, спорт, ўйинлар, туризм, юкорида баён этилганидек, инсоннинг барча хусусий томонларини намоён қиласди. Спортчиларнинг юриш-туриши спорт ҳаётий жараёни ва ундан ташқарида ҳавас қилгудекдир. Чунки унинг асосида шарқ ҳалқлари ахлоқ нормалари ётади. Ёмон муомала эстетикага зид деб баҳо берилади.

2. Инсон гавдасининг кўриниши, шакли-шамойилини таъминланади. Жисмонан гармоник ривожланган одам гавдасининг чиройлилиги, соғликнинг ҳаётий қобилиятларининг яхшилиги белгисидир. Чернишевский: «инсон гўзаллиги ҳақида гапирав эканмиз, унинг таркибий қисми шуни белгилайдики, бизда у ажойиб таассурот колдиради. Унда ҳаёт намоён бўлади, биз уни тушунамиз», - деган эди.

В.В. Гориневский эса: «гўзаллик бахтга қарши соғлик билан қарама-қаршилиқда эмас, носоғлик эса, аксинча, нормадан четга чиқибоқ, гўзаллик тушунчасини бузади», - деган эди.

3. Гўзалликни қабул қила билиш қобилиятини, спорт техникаси, ҳаракатлар нағислиги ифодасида яширин гўзалликни хис қила олишини тарбиялаш ётади. Ҳаракат техникаси гўзаллик, ҳаракат нафосати, унинг мазмунини ифодалашнинг ўзи ҳам гўзал.

Жисмоний тарбия жараёнида фойдаланилаётган ҳаракат фаолияти бир-бирига ўхшаш эмас. Лекин уларнинг ҳар бири – югуришнинг чиройлилиги, баландликка сакраш, рекорд оғирликни кўтариши техникаси, гимнастика снарядларида «ишлаш маҳорати» -ҳаммаси гўзал.

Футбол майдонидаги ўйинга қараб баҳо бериш: «чиройли ўйин бўлди», «ўйин жуда қизиқарли чиқди», «жамоа ҳужум пайтида тўп билан муомала саноатининг юқорилигини чиройли намойиш қилди» деб ва ҳоказолар.

Спортдаги ҳаракат гўзаллигини тушуниш томошабин ёки шуғлланувчига ҳузур баҳш этади. Спорт курашида гўзалликни, чиройлиликни кўра олсак, бу бизнинг эстетик дидимизни, савиямизни даражасини кўрсатади.

Боксга эстетик спорт тури эмас, деб баҳо берадилар. Бу мулоҳаза тўғрими? Юқори техник тайёргарликка эга бўлган боксчилар ҳаракати олам-олам завқ беради. Қолаверса руҳий, ахлоқий, жисмоний сифатларни ривожлантиради, намоён қиласди. Яхши боксчи мард, иродали, ботир бўлиши амалиётдан аник. Дид билан тушуниб, томоша қила олишини ўзи эстетик завқ беради, уни тарбиялади. Такомиллашган ҳаракат техникаси, автоматизм даражасидаги ҳаракат кўнкимасига эга бўлган спортчи ёки физкулътурачилар ҳаракат фаолиятини эркин, равон, кераксиз куч сарфлашларсиз, кераксиз ҳаракатларсиз бажарадилар.

4-БОБ. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИННИГ УМУМИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

Жисмоний тарбия назарияси ва амалиёти умумий принциплари ва жисмоний тарбия назарияси усулиятининг принциплари деб аталадиган принципларга таянади: Булардан ташқари, жисмоний тарбиянинг айрим кўринишлари ва хусусиятларини ифодаловчи (масалан, спорт, тренировкаси, космонавтлар, ўт ўчирувчилар тренировкаси ва ҳоказо) принциплари ҳам мавжуд. Улар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, принципларнинг ягона тизимини ташкил этади. Энг аввало, биз жисмоний тарбия назариясининг умумий принциплари билан танишиб чиқайлик. Улар: а) жисмоний тарбиянинг меҳнат ва ҳарбий амалиёт билан боғлиқлиги; б) шахсни ҳар томонлама ривожлантириш; в) жисмоний тарбиянинг соғломлаштиришга йўналтириш принципи деб гурухланади.

Жисмоний тарбия жараёнида назарий принциплар, бир томондан, низом вазифасини ўтаса, иккинчи томондан, жисмоний тарбия жараёнида ўқитувчини назарий ва методик жиҳатдан маълум рамка (колип)га, йўналишга солади. Педагогик жараён ва амалий фаолиятда принцип мажбурият, қонун тарзида аҳамият касб этиши мумкин.

Айрим ҳолатларда: принципга жисмоний тарбиядаги маълум билимларнинг бир кисми, ёки фаолиятга йўрикчи (кўрсатма берувчи), ёки турли хил алоҳида вазифани бажариш учун умумий асос деб қараймиз.

4.1. Жисмоний тарбиянинг меҳнат ва ҳарбий амалиёт билан боғлиқлиги принципи

Бу принцип кишиларни ҳаракат фаолиятига ёки меҳнатга тайёрлашда жисмоний тарбия жараёнинг асосий социал қонуниятини ва унинг хизмат функциясини ифодалайди. Барча тизимларда бу қонуният ўзининг маҳсус ифодасини топади. Айрим олимлар гурухи физкультура ва спортнинг хизмат функциясига ҳозирги давр турмушидаги, ҳаётидаги зичликни, тарангликни юмшатишдан иборат деб карайдилар. Улар ҳозирги замон ишлаб чиқариши механикаси, автоматикаси, индустряси вужудга келтирган психик ва жисмоний мувозанатни саклаш учун спортни асосий восита қилиб олмоқчилар.

Физкультура ва спорт жисмоний тарбия жараёнида ҳаёт учун керак бўлган ҳаракат малакаларини тарбиялаш ва ривожлантиришдагина ҳаётий аҳамият касб этиш билан чекланмай ижтимоий ҳаётда ҳам фойдаланадилар. Аслида эса у ёки бу жисмоний машқлар билан шуғулланиш орқали ҳосил қилинган малака тўғридан-тўғри меҳнат фаолияти жараёнига кўчсагина у ҳаётийдир.

Тўғри, велосипедда юриш малакаси, граната улоқтириш ва бошқалар айнан Амалий ҳаётий аҳамиятга эга. Лекин бу билан жисмоний тарбиянинг ҳаётий зарурияти ҳали айтарли чекланмайди. Агар чеклансанса, биз футбол ва бошқа спорт ўйинлари, гимнастика, штанга билан бажариладиган жисмоний тарбия жараёнидаги энг муҳим машқлар асосий омиллар, ҳаётий аҳамиятга

эга эмас, деган хulosага келишимиз мумкин. Аслида эса бизнинг жисмоний тарбия тизимимиз бу машқларни “ҳаёт учун зарур” деб ўзининг педагогик жараёни таркибидан чиқармайди. Тушунарлики, футболчи меҳнатда ёки мудофаа шароитида кучини тежаб сарфлаб, тўпни аниқ нишонга уришига эҳтиёжи йўқ. Меҳнатда ёки мудофаада ундан фойда йўқ. Бирор футбол ўйини машғулотларида эгалланган чаққонлик, чидамлилик, тезкорлик, қисқа вақт ичida ҳал қилувчи қарор қабул кила олиш, дадил аниқ бажариладиган ҳаракат сифатларини ривожлантиришга эришиш ҳаётий заруриятдир.

Жисмоний тарбиянинг мақсади меҳнатга ва мудофаага тўғридан-тўғри йўналтирилсагина, унда тарбия орқали эгалланган малака ва кўникмалар заҳираси кўп бўлса, киши нотаниш шароитга ишлаб чиқаришдами, армиядами қисқа вақт ичida тез мослашади ва лозим бўлган меҳнат фаолияти ҳаракат техникасини тез эгаллайди.

Маълумки, чаққон, кучли, чидамли, тезкор ва эгилувчан киши Янги ҳаракат малакасини эгаллашда кийинчиликка нисбатан кам учрайди. Амалда соғлом бўлсада, ҳаракат заҳираси кам бўлса, у киши лозим бўлган ҳаракат техникасини секин ўзлаштиради.

Гимнастика машқлари ҳаётими? Албатта! Оддий мисол: иш бошланишидан олдинги бажариладиган гимнастика толикишнинг, чарчашибнинг олдини олади, организмнинг юкори иш кобилиятини таъминлайди.

Сузиш, мувозанат сақлаш аппарати (мияча) функциясини яхшилайдиган энг яхши восита деб исботланган. Гимнастика жиҳози - “Кон” даги хилма-хил машқлар вазнсизлик шароитида, парашют билан сакраш, сувости ишларига осон мослаштиради.

Ташки кўринишидан бу машқлар ҳаётий-амалий эмасдек тувласада, аслида... Яна мисол, маълумки, самолет ва космик кеманинг учиш тезлиги жуда юкоридир. Уларнинг бошқарувчилари организмида кутимагандан хилма-хил ўзгаришлар рўй беради - маълум вақт ичida мияга бирданига қон бормай колади ёки оз боради. Сабаби, босимнинг юкори ёки камлиги, тезликнинг ўта юқорилигидир. Бу таъсирдан тез қутилишни эса яхши ривожланган тана мускуларигина удалайди. Тана мускулари эса жисмоний машқлар билан шугулланиш орқали ривожлантирилади. Демак, жисмоний тарбия ҳаётий ва зарурый. Шунинг учун жисмоний тарбия мутахассиси жисмоний тарбия жараёнида меҳнат ва харбий амалиётнинг ҳаётий-амалий машқларидан мукаммал фойдаланишни ўз фаолиятининг принципига айлантириш шарт. Вазнсизлик гавдани бошқаришни талаб қиласди. Батута, Лопинг ва бошқалардаги машқлар космонавтлар тренировка машғулотларининг асосини ташкил қиласди.

Улуғ Ватан уруши ва ҳозирги замон харбий ўқув машғулотлари тажрибаси, максимал автоматлашган харбий техника, тез манёвр қилиш учун солдат ва офицерда юкори жисмоний тайёргарликка эга бўлиш талабини илгари сурмоқда. Бунга эса харбий ҳаётда жисмоний машқлар билан

системали шуғулланиш, машқ қилиш орқалигина эришиш мумкинлигига амалда гувоҳмиз.

Юкори даражада уюштирилган ишлаб чиқариш меҳнати фабрика ишчисидан бир томонлама ривожланишни эмас, ундан универсалликни талаб килади. У ўз навбатида юкори даражадаги жисмоний тайёргарлик сифатлари ёки кўрсаткичларига эга бўлишикни тақазо этади.

Шунинг учун ҳам меҳнатни уюштиришнинг юкори даражаси такомиллашган меҳнат ишлаб чиқариши «хар томонлама ривожланган шахс тарбияси» муаммосини пайдо бўлишига олиб келиши табиийдир.

4.2. Шахсни ҳар томонлама ривожлантириш принципи

Маълумки, мавжуд жамиятда яшайдиган ҳар бир шахс ҳар томонлама ривожланган бўлиши лозим, чунки, кишилар руҳий, маънавий ва жисмоний сифатларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда туғилмайдилар.

Бу сифатларни камол топиши, ўша ижтимоий шароитга ва мавжуд тарбия тизимиға боғлиқ. Жисмоний тарбия эса тарбиянинг бошқа томонлари ичидаги мухимларидан биридир.

Ижтимоий мухит ҳар томонлама гармоник ривожланишни, ҳар доим ва ҳар ерда инсон органлари ва системаларининг биологик ривожланишининг ички талаби тарзида кўяди.

Шунинг учун ҳам инсон тарбиясида кўлланиладиган тарбиянинг ҳар қандай шакллари жисмоний тарбия жараёни билан иложсиз боғлангандир. Бу сиз ҳар томонлама гармоник тарбия амалга ошмайди. Жисмоний тарбиянинг бошқа тарбия турлари билан боғлиқлигини диалектик материалистик фалсафа ва табиий-илмий фанларнинг очиқ мунозараси, фандаги ўша эски баҳс ҳозир ҳам давом эттиришга уринувчилар мавжуд, улар одам танасининг ташки қўриниши ва унинг функциясига ташки таъсир билан ўзгартириш киритиш мумкин эмас деб тарбиянинг ролини ҳозир ҳам инкор этадилар.

Жисмоний тарбия жараёни қонуниятларидагина ҳар томонлама жисмонан гармоник ривожланишини йўлга қўя олишни мумкунлиги илмий асосланган.

Кишининг руҳий, маънавий қобилиятини ўсишга энг аввал ўша ижтимоий шароит, сўнгра эса инсонни ўзинг мухитни ўзгартириш ёки ўша ўзгартириш учун олиб борилган фаолиятини рол ўйнашлигини И.М. Сеченов ва И.П. Павловларнинг табиий фанлардаги илмий тадқиқотлар орқали аллақачонлар илмий ва амалий исботланган. Инсон организмининг ташки мухит билан алоқасида шартли рефлексларнинг моҳияти катта эканлигини, ҳам жисмоний, ҳам психик фаолият, бош мия пўстлоқ қисмида содир бўладиган «вақтли алоқа» орқали содир бўлишигининг амалий исботи шоҳидимиз.

Улар таълим ва тарбия жараёнини кишиларда катор “узун шартли рефлексларни ҳосил қилиш” деб тушунтирадилар. Жамият талабига мувофиқ равишда, шартли рефлекслардаги вақтли алоқаларини юзага келтириш шахснинг факат маънавий шаклланишигагина эмас, балки жисмоний

жихатдан камолотга эришишига физиологик пойдевор бўлиши мумкинлигини исботладилар.

Шахсни ҳар томонлама ривожлантириш принципининг жисмоний тарбия мутахассисига кўядиган асосий талаблари:

1. Тарбиянинг турли томонларининг бир бутунлигига эришиш. Жисмоний тарбия орқали эришилган юқори натижанинг ўзи шахсни ҳар томонлама ривожланаглигини белгилайди, деб бўлмайди. Жисмоний сифатларга кўшиб ақлий, ахлоқий, руҳий, эстетик, ва маънавий сифатлар ҳам кўшиб тарбияланса, шахс шундагина ижодий меҳнат ва Ватан мудофаасига тайёр бўлади. Бу талаб ўз навбатида жамиятимиз аъзоларининг хал қилувчи вақтда, меҳнат вахтасидами, мудофадами, қонуний демократик давлатни барпо этишдек шарафли ишларнинг барчасида олдинда бўладилар.

2. Кенг ва умумий жисмоний тайёргарликка эга бўлиш. Жамият аъзоларининг барча фаолиятлари маълум маънодаги касбга, хунарга йўналтирилган бўлиши, бунга айниқса меҳнат ва ҳарбий фаолият давомида дуч келамиз. Ҳар қандай фаолиятдаги ютуқ жисмоний тайёргарликка боғлик. Армия сафидами ёки меҳнат фронтидами умум жисмоний тайёргарлиги суст бўлганлар кийинчиликларга дуч келадилар. Жисмоний сифатлар инсонда қанчалик яхши ривожланган, ҳаёт учун керакли зарур бўлган ҳаракат ва меҳнат малакалари етарли бўлса, бошка фаолиятни осон ва тез ўзлаштирилади. Жисмоний тайёргарликни ўйлга кўйиш учун олиб борилган режали фаолият ҳар томонлама гармоник ривожлантиришнинг омилидир.

4.3. Жисмоний тарбияни соғломлаштиришга йўналтириш принципи

Жисмоний тарбиянинг соғломлаштиришга йўналтирилганлиги принципи шуғулланувчиларнинг жисмоний машқлар билан машғул бўлишида уларни соғлигига жавоб бериш маъсулиятини ўртага ташлади. Жисмоний маданият ташкилотчилари, тренерлар, давлат, ҳалқ олдида шуғулланувчиларнинг соғлигига жавоб берибгина қолмай, уни мустаҳкамлашга ва такомиллаштиришга ҳам жавоб берадилар.

Жисмоний машқлар билан врач ва педагог назорати остида шуғулланилсанга, у ижобий эффект беради. Нотўғри фойдаланиш эса шуғулланувчи соғлигига салбий тъясир этиши мумкин. Шунинг учун биологик хусусиятлари ёши, жинси, соғлигини ҳисобга олиш, системали врач ва педагог назорати тарбия жараёнида етакчи омилдир.

Амалда режасиз ишлаш ўта салбий оқибатларга олиб келади. Танланган услубиятлар, машқларнинг меъёри, бажариш интенсивлиги, юкламанинг умумий миқдорини танлашдаги педагогнинг арзимас хатоси шуғулланувчи учун ўта қимматга тушиши мумкин.

Шундай ҳолларга дуч келиш мумкини, спорт натижаларини вақтинчалик ўсиши, жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларининг ортиши, организмда вақтинчалик спортчи учун сезилмайдиган патологик

ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Келиб чикадиган ёмон оқибатлар жисмоний маданият ва спортнинг обрўсига салбий таъсир этади.

Шу сабабли врач назорати далилларини эътироф этиш билангира чекланмай, асосий эътибор уларнинг тахлилига қаратилиши лозим. Назоратни тизимли эмаслиги салбий оқибатларга олиб келиши мукаррардир.

Жисмоний тарбияни соғломлаштириш билан боғлаб олиб бориш принципи врач, педагог ва шуғулланувчанинг кунлик мунтазам муроҷотини талаб қиласди.

Жисмоний тарбия принциплари *бир-бира билан ўзаро узвий боғлиқликни* тақазо этади. Шундагина улар аҳамиятини сақлаб қолади.

Жисмоний тарбиянинг меҳнат ва ҳарбий амалиёт билан боғлиқлиги унинг етакчи принципидир. Шу принципгина мамлакатимизда жисмоний тарбиянинг асосий қонуниятини ифодалайди, унинг аҳамияти жамиятимиз аъзоларини ижодий меҳнатга ва Ватан мудофаасига тайёрлашдадир.

Шахсни ҳар томонлама ривожлантириш принципи ижтимоий ҳаётга ишлаб чиқариш ва ҳарбий ишини амалга оширадиган ҳар томонлама ривожланган шахсга талабни оширади, ҳар томонлама жисмоний, маънавий ривожланганларни тарбиялаш мамлакат иктиносидёти ва мудофаасини таҳминлашда муҳим роль ўйнайди.

Бобокалонимиз Абу Али ибн Сино «Жисмоний машқлар ҳақида қисқача сўзида саломатликни сақлаш режими»нинг асосий омилларидан бири жисмоний машқлар билан шуғулланиш эканлигини таъкидлайди. Овқатланиш, уйқу, дам олиш режимининг кун тартибидаги системали жисмоний машқлар билан шуғулланиш машғулотлардан кейинги ўринга қўяди. Маромли, меъеридағи эркин ҳаракатлар – яъни жисмоний машқлар билан шуғулланиш қасалликни йўқотиш учун хеч кандай даволанишга заруриятнинг вужудга келтирмаслигини айтиб ўтади. Эркин, меъеридағи маромли ҳаракат узлуксиз чуқур нафас олишни йўлга қўяди. Бу билан, организм мускулларининг тўқималари кислород билан етарли даражадаги кислород билан таъминланади. Машқ қилган, машқ кўрган организм ўзидағи “кераксиз”ни вужудга келишига, унинг чиқариб ташланишига керагидан ортиқча энергия сарфламайди.

Таълим жараённида машқ қилишнинг меърини топиш ва унинг саломатлик учун таъсирини аниқлай олиш, тарбия жараёнининг муҳим кўрсатмасига, керак бўлса, низомига айланиши лозим. Жисмоний тарбиянинг юқорида қайд қилинган принциплари қатори жисмоний тарбияни соғломлаштиришга йўналтиришнинг амалий самараси каттадир.

Шунинг учун жисмоний тарбия тизимининг умумий принципларига риоя қилиш жисмоний тарбияни амалга ошираётган мутахассисдан тортиб шуғулланувчиларгача уларни соғлигига эътибор берини мухимлигини таъкидлайди.

Бундан келиб чиқадики, педагогик жараён давомида умумий принципларга ўз вактида риоя қилинса, қўйилган талаблар мукаммал бажарилса, жисмоний тарбия жараёнининг самарадорлиги юқори бўлади.

5-БОБ. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИННИГ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ УСУЛИЯТЛАРИ

Барча илмий фанлар каби жисмоний тарбия назарияси илмий изланиш услугларидан фойдаланади.

Хозирги кунда илмий текшириш услугларининг турлича хиллари бўлиб, кўшма фанларнинг тадқиқот услугларидан, айниқса, физиология, антропология, биохимия, психология ва ижтимоий-тарихий изланиш услугларига кўпроқ эҳтиёж сезилаётганлиги аҳамиятга молик.

Жисмоний тарбия назариясининг *асосий илмий тадқиқот услугиятлари* - назарий таҳлил ва умумлаштириш, педагогик кузатиш, эксперимент (тажриба) ва математик ҳисоблашдан иборатdir.

5.1. Илмий тадқиқотда назарий таҳлил ва умумлаштириш усулияти

Маълумки, назарий таҳлил ва умумлаштириш адабиёт материалларини тўла таҳлил килиш ва умумлаштиришдан бошланади. Адабиёт материалларини тўлиқ ўрганиб чиқиши жуда қийин. У ҳар 4-5 йилда яна шунчаданга кўпаяди. Бундан ташқари илмий журнallардаги тадқиқотлар ҳақидаги мақолалар бир неча маротаба кўпаймоқда. Бунда ёрдамчи илмий предмет - “библиография” фани тадқиқотчининг ишини енгиллаштиради. У нашр килинган адабиётларни тартибга солади ва рўйхатини тузиб чиқади. *Ретроспектив* услуг орқали системага солиш маълум давр ичидағи мавжуд адабиётларнинг илмий йўналиши бўйича янгиликларга киска изоҳ беради.

Бундан ташқари, тадқиқотчи “библиографик тавсифнома”дан ҳам фойдаланилади. Тавсифнома янги чиккан адабиёт учун ёзма равишда ёки реферат сифатида (илмий иш натижасини қисқартирган ҳолда) тайёрлайди, унга изоҳ беради.

Библиографик изланиш эса тадқиқотчининг адабиётлар устидаги бирламчи иши бўлиб, тадқиқотчи изланиши орқали топилган қарамакаршиликлар устида назарий бахс юритади, уларни бир-бири билан таққослайди.

Назарий таҳлил ва умумлаштиришнинг яна бир усулияти *хўжжат материалилари устида ишилаидир*. Жисмоний тарбиянинг кўп томони амалий машғулотлар учун тузилган режалар, кундаликлар, конспектлар, хисоботлар ва шунга ўхшашларда ифодаланади. Улар албатта амалиётни назарда тутган ҳолда тузилган бўлади. Уларни илмий жиҳатдан чукур ўрганиш кутилмаган натижаларни бериши мумкин. Масалан, жаҳоннинг кучли спортчиларини тайёрлаш ва уларнинг шуғулланиш режаларини солишиши, малакали спортчиларнинг кундаликлари, хафталик, ойлик, йиллик жисмоний юкларнинг ҳажми, миқдори, бажариш интенсивлиги ва бошқалар тадқиқотчига манба бўлиши мумкин.

Илмий тадқиқот учун мусобақа материаллари, кўп йиллик тренировкаларнинг натижаларини ўрганиш ҳам тадқиқот обьекти бўлиб хизмат қиласди.

Илмий мақсадда тузилган турли хил анкеталар ҳам ҳужжат материаллари бўлиб хизмат қилиши мумкин. Тузилган саволларга “ха” ва “йўқ” деб жавоб бериш ҳам кўп хуросаларга олиб келади.

5.2. Педагогик кузатиш илмий тадқиқот усулияти

Тадқиқотчи қўллаётган бу усулиятнинг ижобий томони шундаки, изланувчининг ўзи тадқиқотда айнан иштирок этмайди. Ҳаётдаги кузатишдан фарқли ўлароқ, бу усулият кузатиш предметини аниқ ўрганади, кузатилаётган ва ундан аниқланган далилларни тезлик билан ҳисобга оладиган тизимни ишлаб чиқиши ва уни изланишда қўллаши осон кечади. Махсус баённомалар, ёзувдаги шартли ифодалагичлар ва тадқиқотни осонлаштиради. Барча илмий кузатишлар натижаси кузатувчининг шахсий қобилиятигагина боғлиқ бўлмаслиги лозим, чунки ўрганилаётган далиллар, уларни натижалари кўпчиликда турлича фикр ҳосил бўлишига олиб келади. Бу усулиятнинг қулай томони шундаки, бир вактни ўзида бир неча кузатувчи бир обектни кузатиши ва натижаларни солиширилади. Бунда айрим аппаратлар ўшаҳаракатнинг бажарилишини қайта тақорорлаши ёки тадқиқот ўлчовига қараб уни фото, киносроёмка, видео, магнит тасмаси ёзуви ва бошқалар) орқали кузатиш лозим бўлган хуросаларни қиласди. Бундай хуросалар обектив бўлади. Уни ижросидаги камчиликлар ёки янгиликларни тақорорий кўриш имкони бор. Лекин қатор спорт турлари, ҳаракат фаолияти ваҳаракат актини баҳолашда баҳслар, мунозаралар қилишга тўғри келади. Хуросалар субъектив бўлиб якуний хуроса натижасига салбий таъсири қилиш ҳоллари ҳам учрайди.

Ҳозирги замон жисмоний тарбия назарияси ҳаракатларни ижроси бажарилишидаги айрим далиллар ва улар ҳакидаги хуросаларда нъаниқликга йўл қўйилиши мумкин. Масалан, бадиий гимнастика, акробатика, сувга сакраш, фигурали учиш ва бошқалар даҳаракатни ифодаланиши баёни факат кўз билан баҳоланади. Қатор ҳакамларнинг ҳар қайсиси ўз фикрини ўзича баён қиласди, умумий хуроса шунга қараб чиқарилади. Бундай кузатиш усулияти тадқиқотчи ёки кузатувчida ўта кучли салоҳиятни талаб қиласди.

Кенг таркалган, аниқ ҳисобга олиш усулиятларидан бири *хронометрлашидир*. «Хроно»-вақт, «метр» улчов демакдир. Бунда ҳаракатни бажариш учун сарфланган вақтга қараб натижага таҳлил қилинади. Масалан, 800 метрга югуришда ҳар бир 100 метр учун сарф бўлган вақт ёки дарсни, тренировка машғулотининг бошидан охиригача зичликни аниқлаш максадида хронометрлаш машғулотнинг асосий вақтини самарашибга баҳо бериш учун фойдаланилади.

5.3. Эксперимент илмий тадқиқот методи

Илмий текширишнинг бу методи текширувчининг ўзи томонидан уюштирилган бўлиб, унинг ўзини актив аралашуви орқали олиб борилади. Бу методда текшираётган жараён маҳсус шароитда ёки тажрибани яна қайтадан тақрорлаш учун имконият яратилади. Ушбу тадқиқот услубининг қулай ёки қимматли томони ҳам ана шунда.

Жисмоний тарбия жараёнида олиб борилаётган тажрибани маҳсус шароитни хисобга олмай ёки суной қайтадан ўша шароитни яратища назоратдаги масалага оид бўлмаган муаммолар ҳам юзага келиши мумкин. Бу илмий тадқиқот услубиятининг салбий томонидир. Экспериментни объектив ўтказиш амалиётида *табиий, модулли ва лаборатория* экспериментлари деб номланган эксперимент хилларидан фойдаланилади.

Табиий эксперимент ҳаётий шароитда олиб борилади. Ундан тажриба иштироқчилар бутунлай бехабар (самаралиги ҳам шунда) бўлиши ҳам мумкин. Масалан, бир мактабнинг икки синфидаги жисмоний тарбия дарсларида дастур материалини ўзлаштирилиши анъанавий ўқитиш услуллари билан, бошқасида эса маҳсус танланган услубиятлар билан олиб борилиб, натижани таққослаш орқали қайси синфда самарадорлигни юқори бўлғанлигини аниқлаш мумкин бўлади.

Модулли эксперимент методидан кузатувчи ҳаётда учрайдиган оддий шароитдан бир оз ўзгарган мухитда тажриба ўтказилади. Масалан, мускул кучини ўстиришда спортга янги келгандар билан иш олиб борилиб, улар хафтада уч марта, алоҳида гурухларга бўлинниб, биринчи гуруҳи ётган штангада машқ қилиш, иккинчи гуруҳи эса ўзининг танаси оғирлигидан фойдаланиб, учинчи гуруҳи факат гантел кўтариш билан маолум белгиланган муддат давомида машқ қиласди. Ҳар қайси гурухнинг модули алоҳида (штанга, гавдаси оғирлиги, гантел) машқлар факат елка камар мускулларининг кучини ортиришга йўналтирилган. Экспериментдан сўнг натижалар таққосланиб самара берган модул ва унинг машклари, услубияти эффиқти эълон қилинади.

экспериментида шугууланувчилар кундалик ҳаётий шароитда амалиётида кам учрайдиганхолатда тажриба ўтказади. Масалан, жисмоний тайёргарлиги тенг икки гурух олиниб, улардан бирининг машгулоти лабораторияда, иккинчисиники эса оддий табиий шароитда олиб борилади. Бу тажрибанинг кулийлиги тажрибанинг лаборатория шароитида янгитдан тақрорлай олиш мумкин эканлигидадир. Усулиятни салбий томони тажриба ўтказувчининг тажрибада айнан иштироқи бўлиб, объектив бўлмаган якуний холосаларга ҳам олиб келиши мумкин.

5.4. Математик хисоблаш илмий тадқиқот услубияти

Кейинги йилларда биология ва педагогика фанларида тадқиқотнинг математик хисоблаш усулияларидан кенг фойдаланилмоқда.

Ҳамма воқеаларнинг, атрофимизни ўраб олган ҳар қандай жараёнларнинг икки томони – сифат ва миқдор томони бўлади. Маълумки, математика воқеларнинг абстракт шаклдаги миқдор томонини ўрганади.

Шунинг учун ҳам математик усулиятлардан фойдаланишдан воз кечиш тадқиқотчини масаланинг фақаттина бир томонини – сифат томонинигина ўрганишга, уни тўла ўргана олмаслика маҳкум этади. Бундай ярим-ёрти ёндашиш тадқиқ этиладиган муаммони аниқлаб тадқиқотни бошланиш этапида йўл қўйилиши мумкин холос. Илмий тадқикот ҳали аниқланмаган тақдирдагина мумкин, лекин олиб бориша воеаларнинг барча томонларини, жумладан миқдор томонларини ҳам тадқиқ этиш муаммоси туради.

«Фан математикадан фойдаланишга мұяссар бўлғандагина такомилига этади»- деган эди Полар Лафарг. Шунга кўра жисмоний тарбия назариясининг тадқиқотларида кейинги йилларда математика фанларидан фойдаланилмоқда, лекин ҳозирги пайтда асосан математик статистика илмий тадқиқот жараёнига мухим аҳамият касб этмоқда.

Математик статистикадан биология масалаларини ҳал этишда ўзига хос равища кўлланилиб бометрия ёки вариацион статистика орқали амалга оширилади.

Тадқиқот натижасида олинган материаллар тадқиқотнинг сон ва миқдор жиҳатларини мужассамлаштиради. Ракамлар, кўрсаткичларни аниқлиги тадқиқотчига математик жиҳатдан тўғри ва аниқ фикрлар, мулоҳазалар чиқаришга, тадқиқот жараёни бўйича таққослаш, умумлаштириш, аниқ хуносалар чиқаришга ёрдам беради.

Агарда сузувлilar ёхуд баскетболчиларнинг экспериментал ва контрол гурухларни йигиб уларни куч талаб қиласиган машқлар билан шуғланиш машгулотларининг самарадорлиги тадқиқ қилинса, шуғулланувчиларнинг жинси, ёши, спорт маҳорати даражасига қараб назарий фикрларни амалдаги ҳолати ҳақида аниқ маълумотлар тайёрлаш мумкин. Шунинг учун математика фанининг математик статистикаси жисмоний тарбия назарияси ва усулиятиҳамда қатор спорт фанларининг назарияси ва усулиятида илмий амалий масалаларни ижобий ҳал қилиш, ўқув тарбия ва спорт тренировкаси жараёни такомиллаштиришда мухим аҳамият касб этмоқда.

Илмий тадқиқот усулиятлари доимий бўлмай улар ўз ўринларини янги ва прогрессив тадқиқот услубиятларига бўшатиб беради. Барча фанлар қатори жисмоний тарбия фанининг ривожи кўп жиҳатдан илмий тадқиқот усулиятларининг ривожланганлиги натижаларига боғлиқдир.

6-БОБ. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВОСИТАЛАРИ

Кўп йиллик жисмоний тарбия жараёнида жисмоний машқлар, табиатнининг соғломлаштирувчи кучлари ва гигиеник омиллардан жисмоний тарбиянинг воситаси сифатида фойдаланилади.

6.1. Жисмоний машқлар жисмоний тарбиянинг асосий воситаси сифатида

Жисмоний машқлар жисмоний тарбиянинг асосий воситаси бўлиб, у тарихан гимнастика, ўйинлар, спорт ва туризм тарзида гурухларга ажратилиб, тарбия жараёнининг воситаси сифатида фойдаланиб келинди.

Жисмоний машқ деб, жисмоний тарбия конуниятлари талабларига жавоб берувчи, онгли равишда бажариладиган ихтиёрий харакат фаолиятларининг турли туркуми тушунилади. Бундай харакат фаолиятлари гимнастика, ўйинлар, спорт, туризм машқлари сифатида тарихан тизимлаштирилди, усулияти тўпланди ва тўлдирилди.

Жисмоний машқни вужудга келиши тарихан қатор дарсликларда (А.Д. Новиков, Б.А. Ашмарин ва бошқалар, 1966, 1979) Ибтидоий жамоа тузуми даврига тўғри келади деб кўрсатилади. Жисмоний машқнинг вужудга келишида обектив сабаб қилиб ибтидоий одамнинг қорин тўйдириш мақсадида ов қилиши, субъектив сабаб сифатида онгнинг шаклланиши деб каралди.

Ибтидоий қуролларни ишлатишни билмаган ибтидоий одам ўз ўлжасини (овини)холдан толдиргунча қувлаган. Бу билан овчи организми катта жисмоний тайёргарликка муҳтожлик сезган. Жисмоний тайёргарлиги етарли бўлмаганларининг ўzlари овига ем бўлган. Шунга кўра вақт ўтиши билан ибтидоий одамлар овга гала-гала бўлиб чиқадиган бўлдилар.

Ибтидоий қуроллар: тош, қиррали тош бойланган найза, хас-чўп билан номигагина беркитилиб қўйилган чоҳлардан ва бошқалардан овчилар фойдалана бошлашган, ижтимоий онг шакллана бошланган. Овда иштирок этолмай қолган қабилани қариялари ёшларга тошни нишонга отиш, уни зарбини кучайтиришни машқ қилдира бошлаган ва бу билан тарбияга асос солинган *тарбия жараёнининг элементлари* шакллана бошлаган. Кейинчалик улоқтириш, кувиб етиш ёки қочиши учун югуриш, сакрашлар машқ қилина бошланган. Бу эса жисмоний машқларни ҳамда жисмоний тарбиянинг элементларини вужудга келиши ва шаклланиш даври деб каралган. Шу кунга келиб бу машқлар хозирги замоннинг енгил атлетика, гимнастика, спорт ўйинлари, якка курашлари, туризм ва спортнинг бошқа турлари тарзида жисмоний тарбия жараёни учун асосий восита сифатида фойдаланилмоқда. Жисмоний машқлар хилларининг кўпайишига инсоннинг меҳнат фаолияти ҳам таъсир кўрсатди. Маълумки, меҳнат жисмоний куч, чидамлилик, тезкорлик, чакконликдек инсоннинг жисми (харакат) сифатларининг маълум даражадаги тайёргарлиги, унинг ривожланганлигини талаб қиласи.

Тарбия амалиётида, асосан, инсон меҳнат фаолиятида қўллайдиган ҳаракатларини кўпроқ машқ қилади. Жисмоний машқнинг ривожланишида диний маросимлар, байрамлардаги ўйинлар, ракслар, ҳарбий фаолиятдаги, саноатдаги онгли равишда бажариладиган ихтиёрий ҳаракатлар восита бўлиб хизмат килади.

Жисмоний машқлар табиатини табиий қонунлар И.М. Сеченов ва И.П. Павловнинг илмий дунёкарашларида очиб берилган. Ихтиёрий ҳаракат Сеченовнинг фикрича, онг ва акл билан бошқарилади ҳамда бирор мақсадга йўналтирилган бўлади. Павлов эса ҳаракатларни физиологик механизмини очиб, ҳаракатлар бош мия пўстлоқ қисмининг тўплаш хусусияти билан боғлиқлигини биринчи, иккинчи сигнал системаси, шартли ҳамда шартсиз рефлексларнинг актив иштироқида вужудга келишилгигини илмий исботлади.

Жисмоний машқларнинг мазмунни ва шакли. Барча ҳодиса ва жараёнларга ўхшаш жисмоний машқлар ўзининг мазмунни ва шаклига эга. Жисмоний машқни бажаришда содир бўладиган механик, биологик, психологик жараёнларнинг тўплами жисмоний машқларнинг мазмунини вужудга келтиради, уларнинг таъсиридан ҳаракат фаолияти учун қобилият ривожланади. Шунингдек машқ мазмунига унинг бўлакларини тўплами, масалан, узунликка сакрашда танага тезлик бериш, депсиниш ҳавода учиш, ерга тушиш звенолари ҳамда машқни бажаришда ҳал қилинадиган вазифалар, шунингдек машқни бажаришдан организмда содир бўладиган функционал ўзгаришлар ҳақидаги назарий билим ва Амалий ҳаракат малакалари киради. Бу элементларнинг барчаси жисмоний машқнинг умумий мазмунини вужудга келтиради. *Жисмоний машқнинг шакли уларнинг ички ва ташқи структурасини* мувофиқлигида кўринади. Машқнинг ички структурасига шу фаолиятни бажаришда иштирок этадиган скелет мускуллари, уларнинг қисқариши, чўзилиши, буралиши ва ҳ.к., биомеханик, биохимик боғланишлари – энергия сарфланиши, юрак-томир, нафас олиш, нерв бошқаруви ва бошқа органалардаги жараёнлар, уларнинг ўзаро боғлиқлиги-нинг, ўз ичига олади. Биологик, механик, психологик ва бошқа жараёнларнинг машқ бажаришда бирини бири билан алоқаси, ўзаро келишилганлиги югуриш машқларида бошқача бўлса, штанга кўтаришда бошқача, яони ички структура турлича бўлади.

Машқнинг ташқи шакли, ташқи структураси эса ўша машқнинг ташки кўриниши, ҳаракатни бажариш пайтига кетган вақт ёки куч сарфлаш мөъёри ва ҳаракат интенсивлигини кўриниши билан характерланади.

Жисмоний машқлар шакли ва мазмуни ўзаро боғлиқ бўлиб, бир-бирини тақазо этади. Мазмуннинг ўзгариши шаклни ўзгаришига олиб келади. Мазмун шаклга нисбатан асосий ролни ўйнайди. Масалан, ҳар-хил масофада тезлик сифатининг намоён бўлиши югуриш техникасининг ҳам турлича бўлишига сабабчи бўлади (қадамнинг катталиги, частотаси, тананинг ҳолати ва ҳ.к.). Шакл мазмунга таъсир кўрсатади. Аниқ маълум бир ҳаракат учун намоён бўлаётган жисмоний сифатлар шу жисмоний машқни бажаришдаги

малакага таъсир қилади. Шунинг учун сузувчи кучи билан гимнастикачи кучи, штангачи кучи бири-бираидан фарқланади. Жисмоний машқни шакли ва мазмунининг рационал мувофикалигига эришиш жисмоний тарбия назарияси ва амалиётининг асосий муаммоларидандир. Бу муаммо қисман харакат малакаси ва кўнникмасига, шунингдек жисмоний сифатларига ҳам таълуқлидир.

Жисмоний машқ техникаси ҳар қандай ҳаракат актиҳаракат фаолияти таркибидан икки нарсани:

- а) бажарилаётган ҳаракат, уни бажаришдан келиб чиқадиган мақсад;
- б) ҳаракат вазифасини ҳал қилишнинг усулини фарқлаш керак бўлади.

Кўпинча бир хил ҳаракат турли усулиятларда бажарилади, масалан, баландликка сакрашда планкага тўғридан, чап, ўнг томонлардан югуриб келиб ва планкага яқин ёки ундан узоқдаги оёқ билан депсиниш мумкин. Аслида эса шу машқни юкорида қайд қилинганидан бошқачароқ, осон, оз энергия сарфлаб, белгиланган ҳаракатни (вазифани) самарали ҳал этиш усулияти мавжуд. **Ҳаракат вазифасини осон самаралиҳал қилиши учун танланган ҳаракат акти (фаолият)ни – жисмоний машқ техникаси деб аташ қабул қилинган.**

Техника – грекча сўз бўлиб «бажара олиш санъати» деган маънени билдиради. Жисмоний машқ техникаси доим ўзгариб туради ва такомиллашади. Такомиллашган ҳаракат техникаси юкори натижага кўрсатиш гарови бўлиб унга спортчиларнинг тинимсиз тер тўкиши орқали эришилади. Спортчининг жисмоний тайёргарлигини ортиши ёки унинг гавдаси тузилиши (анатомияси), бошқача айтганда жисмоний ривожланганликни кўрсатувчи кўрсаткичларнинг турли-туманлиги (сон суюгини калтали ёки узунлиги, елка суюги ўлчамининг турли хиллиги ва х.к.) спорт тури жисмоний машқлар бажариш техникасини асосини унинг звенолари ёки деталларини ўзгаришига, алмашишига сабаб бўлиши мумкин.

Техника унинг асоси, звенолари ва деталлари деб қисмларга бўлинган.

Техниканинг асоси деганда ҳаракат орқали қўйилган вазифасини бажариш учун керак бўладиган ҳаракат фаолияти тизимининг **ўзак қисми** тушунилади. Кўлланган усууллар тананинг қисмларини ўзаро келишган ҳолда, ҳаракат актининг кетма-кетлиги тизимини бузмай, жисмоний сифатлари (куч, тезкорлик, чаққонлик, мускуллар эгалувчанлиги ва бўғинлар ҳаракатчанлиги) нинг кераклича намоён килинишини тақазо этади. Усул самарали бўлса, амалиётда унумли қўлланиши мумкин ва узоқ вақт ўзининг хаётий – амалийлигини сақлаб қолади. Масалан, баландликка сакрашнинг «Фосбери-флоп» усули самарали бўлса ҳам, ҳозиргача кўпчилик спортчилар «перекидной» усулидан фойдаланадилар. Янги ўрганувчилар учун эса ҳозирги кунгача «қадамлаб сакраб ўтиш» усулидан фойдаланилиши сакраш техникасини ўзлаштиришда керакли самара беради.

Техникани звеноси дейилганда, бажарилаётган ҳаракатнинг асосий механизми – сакрашларда депсиниш, улоқтиришларда финал куч сарфлашни

бажариш учун ёрдам берадиган ҳаракат фаолияти таркибидаги бўлаклар тушунилади. Педагогик жараёнда машқнинг асосий звеноси механизмини ўзлаштириш ўқитишнинг негизи деб қаралади. Техниканинг ўзлаштирилиши машқ техникасининг асосини ўрганиш демакдир.

Техниканинг детали бу, ҳаракат таркибига кирган, лекин унинг асосига, звенонарига зиён етказмайдиган қўшимча ҳаракатлар ёки шу ҳаракат механизми таркибидаги энг майда бўлаклардир. Уни ҳаракат таркибига бажарса ҳам бажармаса ҳам бўлади. Масалан, узунликка сакрашда кимдир танага тезлик беришни кескин тезланиш билан, кимдир тезланишни астасекинлик билан бошлайди; қисқа масофага югурувчи ҳам тўсиклар оша, ҳам тўсиклар сиз югуриш йўлкасида тез ҳаркатлана олади. Старт учун старт колодкасини ўрнатиш эса иккала масофада турлича, улар қайсиидир детали билан бири-биридан фарқ қиласди, лекин бу детал машқ техникасини асос ёки звенонаига зиён етказмайди.

Рационал спорт техникаси. Рационал спорт техникасининг асосий қоидаси шундан иборатки фаолиятни бажаришда актив ва пассив ҳаракатлантирувчи кучлардан тўлақонли ва мақсадга мувофиқ равища фойдаланиб, шу вақтнинг ўзида уни тормозловчи (сусайтирувчи, самарадорликни пасайтирувчи) кучларни камайтириш тушунилади. Ньютоннинг учта қонуни механик ҳаракатларга бағишиланган. Лекин инсон ҳаракатлари ҳақида гап кетганда жисмоний машқларнинг рационал техникаси ҳақида хуносага келиш учун механиканинг бу қоидаларига таяниб бўлмайди. Нимага? Масалан, физика қонунига кўра, имкони борича баландга сакраш учун назарий жиҳатдан, сакрашни оёқга роса чуқур ўтириш билан бажариш лозим. Аммо тажриба кўрсатмоқдаки, инсоннинг сакраш имконияти чегараси айтарли юқори, агар у иложи борича катта бўлмаган ярим ўтириш билан депсинишиш (депсинишиш оёғининг тизза бўғинидан қисқагина букиш) сакраш самарадорлигига ҳам ижобий, ҳам салбий фойда бериши мумкин.

Хуноса қисқа рационал техникани эгаллашда факат механика қонунларига таяниш билан чекланмай, ҳаракатни материялининг энг юқори шаклларига, улардан бири бўлмиш биологик қонуниятларига ҳам таянишга тўғри келади.

Жисмоний машқлар билан шуғулланиш давомида ҳаракат координацияси деган тушунчага дуч келамиз. Бу сифатнинг шаклланиш меъёрининг бузилиши ҳаракатлар тавсифини билмаслик оқибатидандир.

Ҳаракатларнинг тавсифи. Жисмоний маданият ўқитувчилари, мутахассис тренерлар, физкултурда фаолларигина эмас, балки мавжуд жамият аъзоларинг барчаси ўз ҳаракати ва ҳаракат фаолиятларини таҳлил қилибгина қолмай, касбдоши, тенгдоши, фарзанди ва бошқаларнинг ҳаракатларини ҳам таҳлил эта олиши малакасига эга бўлиши зарур.

Ҳаракатлар тананинг фазодаги (бўйлиқдаги) ҳолатига қараб; ҳаракат траекторияси (йўлига); ҳаракатнинг йўналишишига; ҳаракат амплитудаси

(огиши)га қараб; бажарии учун сарфланган вақти; ҳаракатни тезлиги; ҳаракатни давомийлиги (узунлиги); темпи, ритми, кучига қараб тавсифланади.

Юқорида қайд қилинган ҳаракат ҳолатларини таҳлил қила олсакгина ҳаракатларни тавсифлай олишимиз мумкин.

Амалиётда тананинг фазодаги ҳолатини, ҳаракатнинг троекторияси (йўли)га қараб тавсифлаймиз.

Тананинг ҳолати (позаси) – бўғинлар, тананинг қисмлари (бўлаклари) нинг ҳаракати фазода ҳаракатнинг маълум элементларини юзага келтиради. Гавда қисмларини фазода энкайган, буқрайган, танани айрим аъзоларини йиғиширилганлиги, ҳаракатлар давомида бу позалар ва туришларни узлуксиз ўзгариб туриши ва ҳ.к.лар ўз навбатида жисмоний юкнинг ҳажмини ортишига олиб келади.

Тананинг вертикал ҳолати – осилиш ва таянишлар, горизонтал ҳолатлар, горизонтал мувозанат сақлашлар, аралаш осилишлар, таянишлар ва ҳ.к.лар. *Танани энгаштирилган, буқланган ҳолатлари:* таяниб ётишлар, энкайганҳолда оёклар билан олдинга, орқага, ён томонларга «катта қадамлар».

Тананинг айрим бўғинлари ҳаракатлари – инсон жисмининг ажратиб олинган қисмидаги икки биологик звенони фазода туриш жойини ўзгариши бўлиб, букиш ва тўғрилашдек сода ҳаракат вазифаларини ҳал қилишга йўналиш бериши мумкин. Индивид ҳаракат фаолиятида унинг жисми бўғинларидаги ҳаркатлар бир вақтнинг ўзидағи, кетма-кет, қатор, охиста бажариладиган навбатма-навбат, ёки давомийлиги қисқа, узун бўлган ҳаракатларга бирлашиши мумкин. Шуни хисобига ҳаракатларни энг соддасидан энг қийинигача бўлган ҳаракат вазифаларни ҳал қилиш имкони яратилади.

Ҳаракат координатлари – тўғри чизик ва бурчак ўлчовларида аниқланадиган тананинг бошқа қисмига нисбатан фазовий чегараси, хисоблаш бошлангунгача гавданинг ёки унинг бўлакларини нисбатан қаердалиги (старт чизиги, гимнастика жиҳози, уни ўқи ва бошқалар)га нисбатан аниқланади.

Тананинг ҳолатлари ичida машқни бажаришни бошлашдан олдинги ҳолат - «дастлабки ҳолати» деб аталадиган қисми, машқ техникасини ўзлаштириш ёки бажаришда муҳим ахамият касб этади. Олдинига у анатомо-физиологик вазифани ҳал этиши эътиборга олинса, бошқа томондан, шу ҳаракатни бажарилишига ижобий ёрдам беради. Дастьлабки ҳолат ҳаракатни бажаришни бошлаш учун энг оптималь ҳолат бўлиб ҳаракат бошлангандан кейин бажариладиган ҳаракатларнинг кетма-кетлилигига кулайлик яратади. Спринтер учун «паст старт», дарвазабон учун «тўпни кутиш ҳолати» ва ҳ.к.лар. Бу ҳолатларни академик Ухтомский **оптималь ҳолат** деб атади. Кўринишидан дастлабки ҳолат осойишта бўлса ҳам аслида организм энергия сарфлаш билан қатор мускуллар гурухи мускул иши бажаришга пухта

тайёргарлик кўраётган, нафас олиш, нерв, юрак-томир тизими, модда алмашинуидек кенг физиологик жараён авжида бўлади. Дастребки ҳолатни жисмоний машқ бажаришдагина ахамияти катта бўлмай машқ давомида танани қандай ҳолда (ҳолатда-позада) туриши ҳам мухим ахамиятга эгадир. Спринтер, стайер, марафончи, чанғида, конркида югурувчиларнинг гавдаларини вертикаллигини маълум градусга ошган ҳолда ушлаши машқни самарадорлигига маълум даражада (узунликка, баландликка, сакровчининг депсинишдан кейинги ҳолати) ижобий ёки салбий таъсир этади.

Айрим спорт турларида ва жисмоний машқларда тананинг умумий ҳолати билан унинг айрим қисмлари (бўлаклари)нинг ҳолати биомеханик мақсадга йўналтирилган бўлибгина қолмай (конркида фигурали учувчилар, гимнастлар, акробатлар, сувга сакровчилар ва бадиий гимнастикалар) ҳаракатларни кузатаётганларда ёки уни бажарувчиларда эстетик ҳис-туйғуни шакллантиради ва уларга завқ беради. Ҳаракатларнинг равонлиги, кетма-кетлиги, эркинлиги, қийинчилексиз бажариш инсон жисмининг қандай ҳолатдалигига боғликлиги жисмоний машқлар техникасини эгаллашда, ҳаракатни ўргатиш жараёнида, хатоларни аниқлаш ва уларни тузатишида мухим рол йўнайди.

Ҳаракатнинг йўли (траекторияси) жисмоний машқ техникасини ўзлаштиришда, уни намойиш қилишда мухим ахамиятга эга. Машқни бажаришда тана ҳаракати йўлининг қандай шаклдалиги, йўналиши ва ҳаракатнинг амплитудаси қандайлигини аниқлай олсақ, ажратсакгина гавданинг (ёки унинг қисмлари) ҳаракатини аниқлаймиз. Инсон организмининг анатомиясини турлича экани бир хил ҳаракатни бажаришда ҳар бир индивид учун турлича ҳаракат йўлини танлашни тақазо қиласди.

Ҳаракатнинг шаклига қараб уларнинг тўғри чизик бўйлаб бўлиши мумкинлиги аниқланди. Кузатишлар шуни кўрсатадики, индивиднинг ҳаракати ҳеч қачон тўғри чизик бўйлаб эмас, балки оддий ҳаракатлар ҳам қатор мускуллар гурухини турлича айланма ҳаракатлардан иборат. Уларни организмининг энергия сарфлаши учун самарали томони катта бўлиб, тананинг маълум бўлаклардаги ҳаракатлар орқали катта куч сарфлаш лозим бўлган ҳаракатларни бажара олиш имконининг яратилишидир. Масалан, боксчи зарбаси учун елка мускуларининг маълум қисмигина турлича ҳаракат қилсагина бас, лозим бўлган мақсад амалга ошади.

Ҳаракатнинг йўналиши – машқнинг эфективлиги шунда ортадики, бажарилиши лозим бўлган ҳаракат учун керак бўлган мускуллар машқнинг техникасини аниқ, равон бажаради кўйларни тирсакдан кўкрак олдида кафтларни пастга килиб буқган ҳолда «ривок»ларнинг бажарилиши кўкрак мускулларини таранглатади ва бўшатади. Агар шу ҳаракатни тирсакни бир оз пастга туширганҳолда бажарсан, машқ ўз ахамиятини йўқотади. Баскетбол тўпини саватга тушириш учун тўпнинг йўналишини олти градусдан тўрт градусгача ўзgartириш тўпни саватга тушиши имкониятини йўқга чиқариши мумкин.

Амалиётда ҳаракатнинг йўналиши тананинг сатхига ёки бирор мўлжалига қараб белгиланади. Қўлни олдинга кўтаришда биз гавдага нисбатан уни ҳолатига қараб ҳаракат йўналишини белгилаймиз. Ядрони маълум баландликга ўрнатилган «планка» устидан ошириб иргитишида бизга мўлжал бўлиб планка хизмат қиласди.

Инсон танаси *пастга-юқорига, олдинга-орқага, ўнга-чапга, томон йўналишда ҳаракат қиласди*.

*Ҳаракатни амплитудаси –*ҳаракатнинг оғишидир. Физикада амплитуда деб маятникнинг тинч ҳолатига нисбатан ўнг ва чапга оғиши (градуслари) тушунилади. Бизда эса тананинг айрим қисмларининг оғиши ҳаракати тушунилади. Тўғри йўналишдаги ҳаракатнинг амплитудаси қадамнинг узунлиги (75см) ёки шартли белгисига қараб, ярим, тўла ўтириш ва бошқалар орқали аниқланади. Одам танасининг айрим қисмларининг амплитудаси ўша тананинг бўғинлари эластиклигига боғлиқ бўлади.

Ҳаракатлар актив ва пассив мускул қискаришида рўй беради. Спорт тренировкасида, турмуш шароитида бўладиган ишлар ҳаракатнинг амплитудасига боғлиқ. Катта қўзғалиш учун мослаштирилмаган мускулни катта амплитудада ҳаракат қилишга мажбур қилиш шикастланишига олиб келади. Агарда ҳаракатнинг амплитудаси қўйилган вазифа талабларига жавоб бермаса, у ҳаракатлар аниқ ҳаракатлар сифатида намоён бўла олмайди. Ҳаракатлар ажралиш вақтларига кўра ҳам тавсифланади.

Ҳаракатнинг тезлиги деб инсон жисмини ёки уни айрим бўлагини маълум вақт бирлиги ичида фазода ўрин алмашиши тушунилади. Бошқачасига – тезлик йўл узунлигини тананинг ёки уни маълум қисмини шу йўлни босиб ўтиш учун сарфланган вақтга нисбати билан ўлчанади. Тезликни аниқлашда метр секунддан фойдаланилади. Йўлнинг ҳамма нуқталарида ҳаракат тезлиги бир хил бўлса, бу ҳаракат маромли *текис ҳаракат* ёки йўлнинг айрим нуқталарида тезлик ҳар-хил бўлса, бу ҳаракат маромсиз *нотекис ҳаракат* деб тушунилади. Қисқа вақт давомида *тезликни оширилиши тезланиши* деб аталади.

Ҳаракат *ижобий ва салбий* ҳам бўлиши мумкин. Ҳаркет юқори тезлиқда бошланиб, мароми тезлашиб ва секинлашиб турса, бу каби ҳаракат *кеескин ҳаракат* деб номланади. Одамда доимий тезлик ва тезланиши билан бажариладиган ҳаракатлар онда-сонда учрайди. Бундан ташқари, техникиаси тўғри бажарилган жисмоний машқларда бирданига тез ёки сакрашлар билан бажариладиган машқлар бўлмайди. Нотўғри бажарилган машқлар тезлиги тез сакрашлар орқали бажарилади.

Айрим ҳолларда ҳаракатнинг тезлиги деганда, тананинг ҳаракат тезлиги тушунилмай, унинг айрим бўлаклари (қисмлари) тезлиги ҳам тушунилади. Юқоридагилар, бўғинларнинг узун–калталиги, ташки мухит таъсири, қаршилиги, ҳаракат қобилияtlарининг турли-туманлигидек бошқа факторларга ҳам боғлиқ бўлиб тезликни намоён қилишда етакчи ўринни эгаллайди. Спорчидаги ҳаракат тезлиги асосий сифатлардан биридир.

Тезликни юқори бўлиши юқори кўрсаткич омилидир. Тезлик намоён қилишдан кўра уни ушлай олиш (мусобақа, машқ бажариш давомида) мухим ролр ўйнайди. Тезликни олдиндан режалаштирилган жадвал бўйича ушлай олиш мунтазам машгулотлар орқали эришилади.

Ҳаракатни давомийлиги. Ҳаракатни узок давом этишида асосий ролни тананинг қисмлари эгаллайди. Машқни бажарилиш муддатини ўзгартириб, яъни бажарилиш вақтини озайтириб ёки кўпайтириб, дарснинг умумий нагруззасига таъсири мумкин. Жисмоний машқлар техникасида ҳаракатни айрим звеноларини узунлиги (улоқтириш учун югуриш, сузиша қулоч отиш, чангидаги сирғаниш ва х.к.) катта аҳамиятга эга бўлиб, бажарилаетган иш ёки уни муддати ҳақида ахборотлар бериб турилади.

Ҳаракатнинг темпи дегандан ҳаракат циклининг қайтарилиш частотаси ёки маълум вақт бирлиги ичida бажарилган ҳаракат тушунилади. Юриш темпи минутига 120-140 қадамдан, эшқакни сувга ботириш тезлиги 30-40 маротаба бўлади. Темп билан тезликни фарқлашимиз лозим. Масалан, кўлни бир темпда турли баландликка кўтариш ва тушуриш ҳаракатини тақрорлаш мумкин, лекин бунда кўл ҳаракати тезлиги турличадир. Югуриш қадамларининг узунлиги бир хил бўлмасада, қадам частотаси бир маромда бўлса югуриш тезлиги ҳам турли хилда бўлади.

Ҳаракат ритми дегандан, атив мускул зўриқиши ва таранглашишининг маълум вақт ичida пассив ва кучсиз ҳаракат фазалари билан боғлиқ ҳолда намоён бўладиган ҳаракетларни томонларини тушунамиз. Бу хусусият ҳар қандай тўлиқ ҳаракат актида мавжуд бўлади. Шундай килиб, ҳаракат ритмининг фазода маълум вақт давомида зўриқишининг ҳаракат тизими таркибида нисбатан тўғри ва ўз ўрнида уюштирилиши билан белгилашимиз мумкин. Ҳар қандай, хатто нотўғри бажарилган ҳаракат акти таркибида ҳам (ҳаракат бўлакларининг узун қисқалигига боғлиқ) маълум ҳаракат ритми бор. Демак *ритм рационал, тўғри, юқори натижага олиб келувчи ёки норационал, нотўғри, натижса самараасини пасайтирувчи бўлиши мумкин.* Ритмни мажбурий шарти мавжуд ҳаракат таркибида кучли, уни бошқа бўлакларига нисбатан ургу берадиган, эътиборга лойик ҳаракат таркибидаги ҳодиса (ҳаракат)нинг борлиги уларнинг ўрин алмашинувини маълум вақт интервалида тақрорланишидир.

Рационал спорт техникасини эгаллашнинг энг аҳамиятли кўрсаткичларидан бири жисмоний машқни бажаришда мускул зўриқишининг тўғри ва ўз вақтида навбатлашувига эришишдир. Ҳаракатнинг акцент (эътибор) берадиган қисмига энг кучли зўриқишиш тўпланади. Бу зўриқишидан келиб чиқкан ҳаракат маълум вақт пассив давом этади. Акцент берилган даврнинг интенсивлиги қанчалик кучли бўлса, иш самарааси шунча юқори бўлади, ҳаракатнинг пассив фазасидан тўлақонли фойдаланиш мумкин. Тренировкалар таъсиридан зўриқишининг кескин кучайиши ва пасайиши ҳамда ҳаракатнинг актив ва пассив фазаларининг давомийлиги чўзишлиши

мумкин. Юқори малакали спортчиларда ҳаракат ритми стандарт шароитда турғун характерда бўлади.

Ҳар қандай аниқ ҳаракат фаолияти маълум шахс томонидан техник жиҳатдан юқори мақом даражасида бажарилса шу машқни бажаришдаги рационал ритм эътиборимизга тушади. Лекин уни ҳар қандай ритмга ҳам абстракт ҳолда кўллаш мумкин бўладиган «ритм» деб қараш нотўгридир. Ҳар бир спортчини индивидуал хусусиятлари эвазига ҳаракатни бажаришда ўз ритми бўлади. Лекин ритмдаги вариация белгиланган чегарада ушбу фаолиятнинг асосий рационал структурасидан чиқмаслиги керак. Шунга кўра, ритм ҳаракат фаолияти таркибидаги алоҳида-алоҳида элементларни бир бутун қилиб боғлайди, ҳаракатни тезлаштириш ёки секинлаштириш билан унинг умумий ритмик шакли ўзгармайди. Жисмоний машқларнинг ритмлари инсон томонидан онгли равишда рационал техниканинг объектив қонунлари асосида шакиллантирилади ва бошқарилади.

Таълим жараёнида шуғулланувчи ёки ўқувчига ҳаракатнинг акцент берилган қисмларига вақтнинг қисқа муддатларида катта зўриқиши тўплаб, уни ишлата олса, асосан ишлаётган мускулларни бирлаштириб уларга дам бериш имкони яратилади. Натижа эса яхши бўлади. Юқори малакали спортчилар, цирк артистлари машқ бажаришдаги ўзлари учун мослаб шакиллантирган ритмлар асосида ҳаракатнинг акцент берадиган қисмигагина катта зўриқишида бажарадилар.

Ҳаракатларнинг кучи инсон жисми ёки унинг айрим қисмлари ҳаракатига таъсир қиласидан *ички ва ташки* кучларга бўламиз.

Ички кучга: а) ҳаракат таянч аппаратининг *пассив кучи* – мускулнинг эластиклиги кучи, мускулларни таранглашиш кучи, чўзила ошлиги ва бошқалар; б) ҳаракат аппаратининг *актив кучи* – мускулни тортиша олиш кучи; в) *реактив кучлар* – тана мускуллари звеноларининг ўзаро муносабатида вужудга келадиган юқори тезланиш ҳосил қиласидан тезланиш ҳаракатлари билан намоён бўладиган куч.

Ташки куч: - инсон жисмiga ташқаридан таъсир қиласидан кучлар: а) тананинг ўз оғирлиги (вазни)дан вужудга келадиган куч; б) таяниш реакцияси кучлари; в) ташки таъсир қаршилиги (сув, хаво)ни енгиш ва жисман ташки таъсирга қарши (якка курашлар) куч намоён қилиш, инерция кучи ва бошқалар.

Ҳаракат кучи деб амалиётда ҳаракатдаги тананинг қисмини бирор ташки обьектга жисмоний таъсири қабул қилинган. Бу атамадан баландликка сакрашда депсинишида кучи, самбо ва қиличбозликда рақибнинг қарши босими (жисмоний машқ динамикаси) тушунилади. Амалиётда ҳаракатнинг бир неча параметрини комплексли ифодаловчи умумлаштирувчи сифатидаги ҳаракатлардан ҳам фойдаланилади: а) *тўғри ҳаракатлар*, кайсики йўналиши, амплитудаси тезлиги ва бошқалари билан қўйилган ҳаракат вазифасига мос келади; б) *нотўғри ҳаракатлар*, яъни қисман бўлсада, қўйилган ҳаракат вазифасига мувофиқ бўлмаган ҳаракатлар; в) *тежжамли*

ҳаракатлар, күзланган мақсадга минимал даражада керак бўлганлари; г) *тежасмисиз ҳаракатлар*, ортиқча, керак бўлмаган мускул зўриқиши орқали бажариладиган ҳаракатлар;

д) *жадаллик* билан бажариладиган ҳаракатлар; е) *кучни яққол намоён* бўлишини талаб этадиган ҳаракатлар; ж) *суст* ҳаракатлар сифат жиҳатидан айрим ҳаракатларни сўз билан ифодалаб бўлмайди, уларни бирор жонли зот ҳаркатига қиёслаб тушунтирилади.

6.1.1. Жисмоний машқлар классификацияси

Жисмоний машқларни классификация қилиш уни туркумлаш, хиллаш демакдир. Жисмоний тарбия тизимларининг тарихий таҳлили шуни кўрсатадики, жамиятнинг ривожланиши босқичларида жисмоний машқлар танлаш ва туркумлашда ўша жамият учун прогрессив ва тарбия вазифасини бажаришга мос келадиганларигагина эътибор берилган.

Тарихий ривожланишнинг турли босқичларида тарбиянинг мақсад ва вазифаси ўзгариб турган, демак, жисмоний тарбия тизими ҳам ўзгарган, бу эса унинг омилларининг ҳам ўзгаришига сабаб бўлди.

Грецияяда тарихий беш кураш – пентатлон, Гутс-Мутснинг табиий ҳаракатлари, Песталоцци ва Шпинснинг XVIII аср учун танланган «элементар ҳаракатлари» ва бошқалар. Демак, давр ўзгариши билан жисмоний тарбия тизими, унинг вазифалари ва воситалари ўзгарди.

Шведларни педагогик гимнастикасида жисмоний машқлар анатомик хусусиятга қараб классификация килинди, чунки улар тизимининг асосий максади тана тузилишининг кўриниши яхшилаш эди. Бу эса жисмоний тарбия тизимининг йўналишини торроқ бўлишига олиб келди.

Чехларнинг «Сокол гимнастикаси» жисмоний машқларнинг ташқи формасига қараб спорт жиҳозида бажариладиган, спорт жиҳози сиз бажараладиган машқлар гурухлари деб туркумланади. Бунинг ижобий томони шундаки, пайдо бўлган янги жисмоний машқлар бу туркумларнинг бирида ўз ўрнини топар эди. *Французларнинг Эбер системасида* жисмоний машқлар қисқа утилитар мазмунига қараб: юриш, югуриш, сакраш, тирмашиб чиқиш, оғирлик кўтариш машқлари, улоқтириш, сузиш, ҳужум ва химоя қилиш машқлари деб туркумланди.

Австрия педагоглари классификацияси ҳам кенг камровли эмас эди.

Жисмоний машқларнинг оригинал классификациясини рус анатоми, врачи, педагоги П.Ф.Лесгафт ишлаб чиқиб, мактаб ёшидагиларда жисмоний тарбияни амалга ошириш учун мўлжаллади ва қуидагича асосий гурухларга бўлди: 1. Содда машқлар. 2. Мураккаб машқлар ёки юкламанинг ортиши билан бажариладиган машқлар. 3. Фазодаги холатига ёки мускул ишининг бажарилиш вақтига кўра бажариладиган машқлар. 4. Техник жиҳатдан қийин, тизимли равишда бажариладиган машқлар. Машқларнинг туркумланиши кўрсатиб турибдики, П.Ф. Лесгафт классификацияси дидактик принципларга

йўналтирилган. Лекин бу ҳам жисмоний тарбия тарихий омилларини тўлақонли ўз таркибига сифдира олмаган. Ҳозиргача тўлиқ илмий асосланган жисмоний машқлар классификацияси мавжуд эмас. Собиқ совет жисмоний тарбия тизимиҳам бу вазифани уддаламади.

6.1.2. Жисмоний машқларни тарихий классификацияси

Тарихан жисмоний машқлар – *ўйинлар* тарзидағи, *гимнастика* кўринишидағи, *спорт ва туризм* машқларига туркумланган эди.

Ўйинлар, гимнастика, спорт, туризм жисмоний тарбия тизимининг асосий омиллари сифатида тан олиниб келинган ва ҳозирги кунда ҳам машқлар классификацияси таркибида ўз аҳамиятини йўқ. Кўпчилик олимларнинг фикрига қарама-қарши улароқ, ҳар доим ўзгаришда. Тарихий қабул қилинган жисмоний машқлар туркуми давр ўтиши билан ўз ўрнини ўзидан прогрессив бўлганларга бўшатиб бермоқда ёки ўша машқлар ривожланмоқда, такомиллаштирилмоқда. Жисмоний тарбия жараёнида уларнинг асосий омиллiği тарбия тизимларида илмий асосланган. Демак, ўйин, гимнастика, спорт, туризм таркибиға кирган жисмоний машқлар туркуми дейиш бизда айрим ҳолларда нотўғри фикр туғдириши мумкин. Чунки, спорт туркумига кирган югуриш, юриш, сакрашлар жисмоний машқ сифатида ўйинларда, гимнастика таркибида, туризм машқлари тарзида ҳам учраши мумкин. Машқлар бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ ҳолда фойдаланилади.

Ўйин атамаси хилма-хил фаолиятни ифодалайди. Табиат ўйини, куч ўйини ва бошқалар. Маданият соҳаси бўйича эса, актёр ўйини, олимпиада ўйинлари ёки спорт ўйини, буларнинг ҳаммаси хилма-хил маъно беради. Ўйин тарихий тўплangan ижтимоий ҳодиса сифатида фаолиятнинг айрим турихисобланади. Ўзининг ҳаётӣ аҳамияти орқалигинага жамиятда ўзига қизиқиши ўйғотади ва айрим одамларни ўзига тортади.

Ўйин фаолиятида одам ўзини ўраб олган муҳит билан ўзгача алоқада, бир мақсадга йўналтирилган фаолиятда бўлади ва ҳам жисмоний ҳам ақлий кобилиятини машқ (тренировка) қилдиради. Мехнатдан фарқли ўлароқ, ўйин пайтида моддий неъмат яратилмайди. Ўз ҳаётӣ учун табиат иноомларидан бевосита фойдаланмайди. Ўйин шароитида хилма-хил ҳаркатни танлаш имконияти бор. Бу эса ўйновчининг ўз хис-ҳаяжонини, ижодий қобилиятини, фаоллигини ҳамда ташаббусини ишга солишга мажбур қиласи.

Ҳозирги кунда ўйинчилар сонига караб яккама-якка жамоа бўлиб, кўпчилик (омма билан) ўйнайдиган ўйинлар мавжуд. Бу эса педагогика ва ҳаётда ҳаракатли ўйинлар ва спорт ўйинлари сифатида тарбиявий восита бўлиб хизмат килиб келмоқда.

Ҳаркатли ўйинлар жисмоний тарбия воситаси сифатида жамоали, жамоага уюшмай, ўзининг маълум спорт майдонига, стандарт коидасига эга бўлмаган, қийин жисмоний машқларнинг айрим элементларини ўз ичига олган ҳаракатлар тарзида, улар аста-секинлик билан қийинлаштирилиб бир

шаклга киргизилиб, спорт ўйинларига айланди. Демак, спорт ўйини ҳам ҳаракатли ўйиндер.

Спорт ўйинлари жисмоний тарбия воситаси сифатида ўзининг катъий ўйин қоидалари ва талабларига, спорт майдони жиҳозларига эга. Ўйин пайтида вазифаларни бир индивид ҳал қилмай, жамоа ҳал қиласи. Бу ўйинлар бўйича мунтазам мусобақалар уюштирилади. Ўйинчиларга даража (разряд) ва унвонлар берилади. Спорт ўйинлари мунтазам ўсишда ва ривожланишида (техникаси ва тактикасини ривожланиши унинг самарадорлигини кучайтиради). Жамоа бўлиб ўйнайдиган ҳаракатли ўйинлар уч турга бўлинади: а) ўйинчиларни жамоаларга ажратмай ўйнайдиган ўйинлар; б) жамоали ўйинга айланниб кетадиган ўйинлар; в) жамоаларга бўлиб ўйналадиган ўйинлар (барча спорт ўйинлари киради):

Кейинчалик эса ўйин ўйинчиларнинг ўзаро фаолияти шаклига кўра (командали ўйналадиган ўйинлар) куйидагиларга бўлинади:

а) ўйин пайтида рақиб команда ўйинчилари танаси, унинг кисмлари бир-бирига тегмай ўйналадиган ўйинлар - волейбол, городки, бадминтон, стол тенниси, шахмат-шашка ва х.к.

б) рақиб ўйинчилари бир-бирига тегиши билан ўйналадиган ўйинлар: футбол, баскетбол, регби, хоккей, майса устидаги рус лаптаси ва бошқалар.

Тарихан мавжуд жисмоний тарбия тизимлари ўйиннинг шу томонларни хисобга олиб, жамият аъзолари ҳар томонлама жисмонан гармоник тарбиялашнинг асосий омилларидан бири деб тан олганлар ва тарбия жараёнида ундан фойдаланганлар.

Гимнастика – ўйинлар, спорт, туризм қатори у ҳам жисмоний тарбия воситасидир. Асосий вазифаси турли ҳаётий фаолият учун умумий жисмоний тайёргарликни йўлга кўйиш воситасидир. Бундан ташқари, ўзининг гавдасини тута билиши ёки тананинг аъзолари ҳаракатини бошқара олиши, танадаги жисмоний камчиликларни тўғрилашдек маҳсус вазифаларни ҳам ҳал қила олади. Ҳозирги кунда жаҳон халқлари гимнастикаси тизимини танқидий ўрганилиб, кераксизларини улоқтириб, фойдали томонини ўзида илмий мужассамлаштирилган ҳолда жисмоний тарбия шароитида ижобий фойдаланилмоқда.

Гимнастикада жисмоний машқларнинг барчаси қўлланилиши мумкин. Аслида эса куйидаги машқлар кўринишида қўлланилади.

а) *сафланиш ва қайта* сафланиш машқлари. Бу машқлар сафланишнинг рационал йўллари, гавдани тўғри тутиш, командаларга бўйсуниш, кадди-коматни ростлаш ва бошқа ва зифаларни ҳал қиласи;

б) *асосий жисмоний машқлар*. Бу машқлар тананинг барча аозоларига умумий ёки айрим ажратиб олинган аъзоларини ривожлантириша фойдаланилади, ҳаракат малакаларининг тез шакилланиши учун қулайлик яратади;

в) *эркин машқлар*. Бу машқлар орқали мусиқа остида бажариладиган ҳаракатлар комбинацияси тарзида тузилган машқлар тушунилади. Эркин

машқлар билан шуғулланувчиларнинг ҳаракатини кузатсак, биз ҳаракатларни мусиқа ритми, темпига тушаётганлигини ёки унинг нафосатли, гўзаллигини кўриб, инсон ҳаракатлари захирасининг жуда бетакрор эканлигини шоҳиди бўламиш;

г) *зарурий ҳаётий амалий машқлар*: юриш, югуриш, сакраш, улоқтириш, тирмасиб чиқиш, юқ кўтариш ва бошқа қатор машқлар. Булар жисмоний сифатларни ривожлантиришдаги асосий воситалар саналади;

д) *маҳсус гимнастика снарядларида бажариладиган машқлар*: перекладинада, брусяряда, конр, халқада, якка чўпда ва бошқаларда бажариладиган машқлар. Улар куч, чаққонлик, бўғинлар ҳаракатчанлиги, мускуллар эластикаси, рухий ва бошқа сифатларни тарбиялайди;

е) *акробатика машқлари*: кўлда туриш, ёнбош томонга танани букмай айланиш, «рандат», «фляг» ва бошқа қатор якка жуфт, гурух бўлиб бажариладиган машқлар киради.

Улар асосий зарурий ҳаётий ҳаракат ва кўнилмаларни тарбиялайди. Спорт маҳоратини оширишда ва умумжисмоний тайёргарлик учун етакчи воситадир;

ж) *бадиий гимнастика*: рақс тарзидаги, жисмсиз, жисмлар билан бажариладиган машқлар бўлиб, ўз ичига юриш, сакраш, эгалувчанлик талаб киладиган қатор машқларни олади ва уларни мусика билан қўшиб бажариш тушунилади ва у спортнинг алоҳида тури саналади.

Гимнастика машқлари тизими доимо ривожланиб ва таркиби бойиб бормоқда. Илмий тадқиқот ишлари ва кузатишлар айрим машқларнинг қайтадан тузилаётганлиги, янгиланаётганлиги, айримлари мустаҳкамланаётганлиги ва такомиллашаётганлигини кўрсатмоқда.

1948 йили бўлиб ўтган собиқ Иттифоқ гимнастикачилари конференциясида гимнастиканинг ҳаётда амалий қўлланишига қараб қўйидаги турларга ажратдилар:

Асосий гимнастика – вазифаси умумжисмоний тайёргарликни йўлга қўйишидир. Асосий гимнастика машғулотлари ҳар томонлама жисмоний қобилиятларни ривожлантириб, спорт маҳоратини оширишга имконият яратади. Асосий гимнастикага сафланиш ва қайта сафланиш, умумжисмоний машқлар, ҳаётий машқлар, акробатика, бадиий гимнастика ва бошқа машқлар ҳамда айрим гимнастик жиҳозларда бажариладиган машқлар киради.

Гигиеник гимнастика билан шуғулланиш организмнинг саломатлигини мустаҳкамлайди. У кишида бардамлик, иш қобилиятини юкори даражада бўлишини таъминлайди. Гигиеник гимнастика эрталаб, кундуз куни, оқшом ёки уйкудан сўнг ўтказилади. Ёши ўтганларда эрталабки гимнастика яккама-якка ёки гурух бўлиб ўтказилиши аҳамиятли. Улар организмнинг ҳаракат аппарати, юрак томирлари, нафас олиш системаси ва бошқа органларнинг ишини нормаллаштиради.

Спорт йўналишидаги гимнастика. Спорт гимнастикасининг вазифаси юкори жисмоний тайёргарликка ва спорт маҳоратини ошириш мақсадида

қийин ҳаракатлар қилиш санъатини эгаллашдир. Спорт гимнастикасига эркин машқлар, перекладинадаги машқлар, брусьядаги, халқаларда, дастали кон (эркаклар учун) бревно ва ҳар хил баландлиқдаги брусьядаги (қизлар учун) ва сакраш машқлари киради.

Бадий гимнастика – акробатика ва спорт гимнастикаидек спорт характерига эга. Вазифаси эса ўзининг маҳсус йўллари Билан ҳал этилади. Асосий машқлари мусиқа билан боғлиқдир. У ҳаракат координациясини, ҳаракат пластикасини ривожлантиради. Машқлар ракс характеридаги ҳаракатлар тарзида бажарилади. Машқ мазмунига барча машқлар киради.

Гимнастиканинг қўшимча турларига спорт гимнастикаси, ишлаб чиқариш гимнастикаси, даволаш гимнастикаси киритилган.

Спорт гимнастикаси шуғулланетган спортчига ўзи танлаган спорт турида ўз маҳоратини эгаллашга ёрдам беради. Спорт гимнастикаси машқлари умумий ва маҳсус тайёргарлик жараённида қўлланилади. Ишлаб чиқариш гимнастикасининг асосий вазифаси ишчининг ишлаб чиқариш қобилиятини, меҳнат унумдорлигини оширишдир. Бу гимнастика ишчининг иш режимига киритилади. У ҳалқ ҳўжалиги корхоналарида, муассасаларида физкультура танафуси ва ишдан аввал гимнастика паузаси тариқасида олиб борилади.

Даволаш гимнастикаси саломатлик ва меҳнат қобилиятини тиклаш вазифасини ҳал қиласди. Асосан, тана тузилиши камчиликлари, ҳаракат аппарати ишларини яхши йўлга қўйишда хизмат қиласди. Дам олиш уйлари, санаториялар, касалхоналардаги даволаш кабинетларида амалга оширилади.

Спорт сўзи аввалига ўйин маъносида тушенилар эди, кейинчалик эса кўнгил очиш воситаси деб қарала бошланган. Чунки шуғулланувчилар факат ўзаро куч синашиб мусобақалашар эдилар. Хатто XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларигача партада юкори натижаларга эришиш ёки мусобақада ғолиб чиқиш, кўнгил очиш, дам олиш воситаси деб қаралиб келинди. Узок вақтгача таълим тарбия ишларида аҳамиятга эга бўлмаган ҳаёт учун кераксиз нарса деб баҳо берилди. (Лесгафт, 1909; Эббер, 1925; Гаулгоффер ва Штрейхер, 1930). Спорт кўп қиррали маънога эга бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг маҳсулидир. Жамиятда спорт билан шуғулланиш аҳамияти унинг жисмоний тарбия жараёни деб қабул қилинади. Спорт жамият маданиятининг асосий элементи сифатида спорт маҳоратини ошириш, ҳаракат саноатини эгаллаш, жисмоний сифатларини ривожлантириш орқали жисмоний тарбия жараёнида восита тарзида қўлланилмоқда. Жисмоний тарбияда ҳаракат қобилиятини ривожлантиришнинг имконияти чексиз эканлиги ҳозирги кунда сир эмас. Бунга далил ўрнатилаётган рекордлар, спорт натижаларидир. Спорт натижаси яхшилаш учун олиб борилаётган изланишлар, янги усулиятлар, воситалар, спорт тайёргарлиги мазмунини бойитмоқда. Бу эса кўплаб спортчи ва тренерларнинг жисмоний тарбия назарияси ва услубиётини янги илмий-амалий қонуниятлар билан бойитаётганлигидан далолат бермоқда.

Ҳозирги кунда спортта кўшни қардош мамлакатлар билан ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик ўрнатишдек, мусобақалар пайтида чин инсонийлик ҳислатларини чукурроқ намоён этишни юзага чиқариш вазифаси юклатилган.

Турли ижтимоий шароитда спортнинг айрим хусусиятлари бир-бири билан бутунлай зид келади, деб қаралади. Бунга собиқ совет спортининг мақсади ва вазифаси ҳамда буржуа спортидаги профессионализмнинг мазмуни мисол бўла олади. Ривожланган мамлакатларда спорт билан кўпроқ ўқувчилар, талабалар, армия ва флот хизматчилари шугулланадилар. Асосий сабаб спорт ҳарбий ва ҳаётий тайёргарликдаги муҳим омилдир. Бундан ташкири уларда спортнинг иқтисодий роли асосий ўринни эгалайди.

Спортдан улар дам олиш, одам организмининг формаси, функциясини ўзгартириш учун эмас, яшаш, моддий неомат яратиш учун шуғулланадилар.

Спортнинг тарихий ривожланиши шунга олиб келдики, унинг айрим турлари халқаро обрў қозонди, ҳаётий-зарурий аҳамият касб этди, жисмоний тарбия учун асосий восита сифатида тан олинди. Буларга: енгил атлетика, оғир атлетика, классик кураш, бокс, сузиш, баскетбол, футбол, гандбол, теннис, велоспорт, волейбол, сувда тўп ўйини, спорт гимнастикаси ва бошқа Осиё, Оврупа, Жаҳон чемпионатлари Олимпиада ўйинлари дастурига кирган ва бошқа спорт турлари мансубдир.

Булардан ташкири бошқа турлар спортнинг миллий турлари деб аталиб (ҳаётий-амалий, ҳарбий амалий ва х.к.) тарбия жараёнининг асосий воситаси тарзида фойдаланилмоқда.

Туризм – режа асосида олдиндан мўлжалланган саёҳат, экскурсия, поход, тоғга чиқиши ва сайдардан иборатки, бунда бирор неъмат яратилмай, жисмоний кобилият ва жисмоний сифатларни ривожлантириш ва актив дам олишга йўналтирилган омил деб қаралади. Геологлар, гидрографларнинг саёҳатларидан маълумки, улар ўз саёҳатларини моддий киймат яратига мақсадида режалаштирадилар. Жисмоний тарбия жараённида эса унинг хусусий томонларидан фойдаланилади.

Туристик саёҳатларда табиатнинг маълум тўсикларидан ўтиш кишиларда ақлий, жисмоний, ахлоқий – эстетик ҳислатларни тарбиялайди. Уларга жамоага муносабат, қўрқмаслик, куч, чидамлилик сифатларини ривожлантиради. Саёҳатда тоғ, даланинг турмуш тарзи, унда яшаш, меҳнат қилиш шароитга мослашиш малакаси ва кўнимкалари ривожланади. Туризм бошқа жисмоний тарбия омилларига нисбатан ҳаётий-амалий шароитда кўлланадиган жисмоний машқларга бой. Шунга кўра, улар ҳаётийлиги ва амалийлиги билан фарқланади.

Жисмоний тарбия воситаси сифатида туризм қўйидаги асосий хусусиятларга эга:

1. Ҳаётий-амалийлиги хусусияти. Мустакил фаолият, ташаббускорликни тарбиялайди. Раҳбарлик, бошқариш, мўлжал олиш, йўлни танлаш ва уни тўғри топиш, ҳаритани ўқий олишдек қатор малакаларни шакллантиради ва ривожлантиради.

2. Туризм жисмоний сифатлар ва ҳаракатлар малакасини бараварига тарбиялайди, чунки унда ажратиб олинган мутахассисликка керак бўлган ҳислатлар ривожланмайди.

3. Сафарга тайёрланиш ва сафар давомида барча фаолият, ҳаётий аҳамиятга эга бўлган юриш, югуриш, тўсиклардан ошиш ва бошқа ҳаётий-амалий машқлардан фойдаланилади.

4. Туризм шуғулланувчига маълум даражадаги жисмоний тайёргарликка эга бўлиш талабини қўймайди. Шуниси билан у спортга ўхшайди.

5. Туризм пайтида жисмоний машқлар организмга иқлим шароити (совук, иссиқ, шамол каби) ва маршрутининг релрефига қараб таъсир кўрсатади ва унинг таъсири турлича бўлиши мумкин.

6. Туризмда куч синашиш, мусобақалашиш асосий ўринни эгаллайди.

7. Туристик саёҳатлар катнашчилари ўзларининг ичларидан раҳбарни сайлаб оладилар. Раҳбар 16 ёшдан юқори, тажрибага эга бўлган киши бўлиши шарт. Туризмда раҳбарнинг ўзи ҳам катнашчилари билан иштирок этади. У маълум қўшимча вазифаларни бажаради: туристик саёҳат маршрутини, катнашчилар таркибини, улар шахсини ўрганади, жиҳозларни кўриб чиқади ва амалий масаларни ҳал қиласди.

Саёҳат катнашчилари ёш сайёҳлар бўлса, уларга 19 ёшдан кичик бўлмаган мутахасис йўриқчи этиб тайинланади.

8. Туризм машғулотларининг асосий формаси *походдир*. Походда туризм пайтида билиш керак бўлган барча форма ва усулиятлардан фойдаланилади, бу билан ҳаётий зарурий ҳаракат малакалари шакллантирилади.

Машғулотда сузиш, тирмашиб чиқиш ва ҳоказолар, шунингдек, топография билан ишлаш, тўсиқлардан ошишларнинг ҳаммаси ўзлаштирилади.

Туризмга жисмоний тарбия воситаси тарзида қаралади табиий тўсиқлардан ўтиш, юк кўтаришни жисмоний машқлар билан қўшиб олиб бориш тавсия этилади.

1960-90 йилларгача катор муаллифлар (А.Д. Новиков, Л.П. Матвеев, Б.А. Ашмарин ва бошқалар) тарбия жараёнida қўлланилган машқларни тарихан шаклланган жисмоний тарбия тизимларидағи белгиларига кўра туркумладилар. Лекин тизимларнинг янгиланиши, тарбия жараёнida қўлланиладиган машқларнинг такомиллашганларининг вужудга келиши, янги машқларнинг тарихан қабул қилинган машқлар таркибиға сигмай қола бошладилар. Чунки хусусиятларига қараб улар гимнастика, ўйинлар, спорт ёки туризм машқларидан деярли фарқ қиласди.

6.1.3. Жисмоний машқларни ҳаракат сифатларини ривожлантиришига қараб классификациялаш

Хозирги кунда жисмоний машқлар ҳаракат фаолиятдаги хусусий белгиларга қараб, яъни жисмоний сифатларни – *кучни, тезликни, чидамлиликни, чаққонтикни, бўғинлар ҳаракатчанлигини ва мускуллар эгилувчанлигини* намоён қилишига қараб янги педагогик туркумини амалиётда шакллантириб гурухларга ажратадилар.

Бу туркумдаги машқлар жисмоний сифатларни алоҳида ажратиб олиб тарбиялаш ёки жисмоний тайёргарликдаги нуқсонларни алоҳида ажратиб олиб ривожлантириш учун қўлайдир. Бошқа томондан эса, у ёки бу жисмоний машқни бажариш учун қандай сифатлар лозимлигини олдиндан билиш (куч, тезлик талаб қиласидиган ва бошқа сифатларни танлаш) имконини беради.

Жисмоний ривожланиш, жисмоний тайёргарлик, жисмоний сифатларни тарбиялашига кўра билим (*маълумот*) берни вазифаларини ҳал этиш учун бажариладиган *жисмоний машқлар туркуми* шаклланди:

- *асосий* (ёки мусобака), яъни ўқув дастурлари асосида ўрганилиши лозим бўлган фаолиятлар.

- *йўлланма берувчи машқлар* – яъни нерв мускул зўриқиши, ташқи томондан ўхшашлиги, ҳаракат таркибидаги айрим элементларнинг яқинлиги билан ўзлаштирилиши лозим бўлган ҳаракатларни ўзлаштирилишини осонлаштирувчи жисмоний машқлардир.

Бу туркумдаги машқларнинг характерли томони шундаки, ҳаракат малакасини ривожлантириш ва жисмоний сифатларни такомиллаштириш сунъий равишда ажратилади. Аслида бу жараён бир-бирини тақазо этади ва ўзаро узвий боғлиқ. Булар таълимнинг ҳар қайси этапи учун етакчи вазифани ҳал этишга ёрдам берадиган машқларни танлаш учун имконият беради.

Жисмоний машқларни алоҳида мускул гурухларини ривожлантиришга қараб классификациялаш.

Алоҳида мускул гурухларини ривожлантиришига қараб ҳам жисмоний машқлар туркумлана бошланди: бўйин, елка камар, бел, ёнбош, ҳаракат таянч аппарати мускуллари ва бошқаларни ривожлантирувчи машқлар. Бу туркумдаги жисмоний машқлар ичида жисмлар билан, жисмсиз бажариладиган, индивидуал, жуфт бўлиб, ўтирган, ётган ҳолда амалга ошириладиган, эгилувчанлик ва кучни ривожлантириш машқлари бўлиши мумкин.

Спорт турлари бўйича жисмоний машқларни туркумлаш. Ўз навбатида, ҳар бир спорт тури ўз машқларининг индивидуал классификациясига эга: спорт ўйинлари – футбол, баскетбол ва ҳоказолар.

Юкорида қайд қилинган жисмоний машқларни жисмоний машқларнинг *педагогик классификацияси* деб ҳам атай бошладилар.

Биомеханикада – статик, динамиқ, циклик, ациклиқ, комбинациялаштирилган, ҳаракатнинг тузилиши ёки бажариш ҳолатига қараб туркумланган жисмоний машқлар деб гурухлана бошланди.

Физиологияда – максимал, субмаксимал, меъёрдаги ва меъёрдан катта қувватни талаб қилиб бажариладиган машқлар деб номланган туркумидан жисмоний тарбия амалиётида фойдаланилмоқда.

6.2. Табиатнинг соғломлаштирувчи кучлари ва гигиеник омиллар

Ҳаво, қуёш нури, сув жисмоний тарбия жараёнида табиатнинг соғломлаштирувчи кучлари тарзида жисмоний тарбиянинг воситаси сифатида фойдаланилади. Ҳаётий шароит, мухит инсонни турли шароитда моддий неъмат яратиш, яшашга мажбур қиласи. Бунга кўниши, унга тайёр бўлиш мухим аҳамиятга эга. Шунинг учун табиатнинг инооми –ҳаво, сув, қуёш нури инсон иш қобилиятини ошириш, саломатлигини мустаҳкамлашнинг асосий воситасидир.

Жисмоний тарбия жараёни очиқ ҳавода, қуёш нури остида, сув ва бошқалардан фойдаланиб жисмоний машқлар бажариш самара беради. Чўмилиш, офтобда тобланиш, ҳавонинг иссиқ-совуғи жисмоний машқлар билан инсон организмiga турлича таосир кўрсатади. Машғулотлар давомида бу воситалардан тизимли фойдаланишнинг мухим аҳамият касб этади.

Ишни шундай ташкиллаш лозимки, жонажон Республикализнинг географик, иқлимий ва экологик ҳолатини хисобга олиб барча вилоят ва худудларда табиатнинг соғломлаштирувчи кучларидан фойдаланишнинг илмий асосланган тизимини ишлаб чиқиш муаммоси ҳал қилиниши лозим. Масалан, қуёш нуридан фойдаланишда соат 10.00 дан 12.00 гача алоҳида, 16.00-17.30 гача ёши, жинси ва бошқа индивидуал хусусиятларини хисобга олинмасдан тобланса унинг таъсири турлича бўлади. Жисмоний машқларнинг меъёри, юкламанинг умумий микдори, машқнинг интенсивлигини эътибордан четда қолдириш табиатни соғломлаштирувчи кучларидан фойдаланишда салбий натижаларга олиб келишини унутмаслигимиз лозим.

Шуғулланувчиларга қуёш ваннаси, сувда чиникишнинг назарий билимлари ва улардан тизимли фойдаланиш, ҳавонинг ўзгариши организмнинг иссиқ-совуқка, кескин ўзгаришларга тез мослашшиши индивиднинг ўшигидан йўлга кўйиши самараси катта. Ҳар томонлама чиниктириш табиат омилларини турли жисмоний машқларни бажариш билан кўшиб олиб борилиши ташки мухитнинг салбий таъсирларига организмнинг қаршилик кўрсата олиш қобилиятини янада оширади.

Жисмоний тарбия жараёнида эришилган чиникишнинг самараси “кўчувчан” бўлади, яъни у инсоннинг бошқа фаолияти (асосан, меҳнат, ҳарбий хизмат)да намоён бўлади ва жисмоний тарбиянинг ҳаётий амалийлигини оширади. Қолаверса, руҳий-иродавий хислатларини ҳам кучайтиради. Айниқса, чайқалиш, тебраниш, меъёrsиз нагруззага чидаш, вазнсизлик ҳолатига тез мослашишдек вазифалар осон ҳал бўлади.

6.3. Гигиеник омиллар жисмоний тарбия воситаси сифатида

Гигиеник омиллар шахсий ва жамоат гигиенаси талабларини ўз ичига олиб, меҳнат гигиенаси, овқатланиш, дам олиш ва ташки мұхиттинг зарапи факторлари ва бошқалар жисмоний машқларни бажариш (дарс, мустақил машқ қилиш, тренировка) машгүлолтларида гигиеник талаб ва нормаларга риоя қилишни тақазо этади. Улар жисмоний машқлар таъсирчанлигини, Самарадорлигини оширишини илмий, амалий жихатдан исботлаган.

Гигиеник шароитни етарли даражада тъминлаш, жисмоний тарбия учун фойдаланиладиган моддий-техник база, спорт анжомлари, жихозлар ва мавжуд кийим-бошнинг холатига боғлик.

Жисмоний машқлар, табиаттинг соғломлаштирувчи кучлари ва гигиеник омилларни рационал қўллаш инсон саломатлигини мустаҳкамлайди ва жисмоний қобилияtlарни ривожлантиради.

Жисмоний машқлар билан шуғулланиш машгүлолтлари инсон ҳаётий фаолиятининг органик қисмiga айланасына жисмоний тарбия тизимининг соғломлаштирилишига йўналтирилган принципни амалга оширишнинг имкони бўлади. Бошқа томондан, керак бўлган гигиеник нормаларга риоя қилинсагина жисмоний машқлар керак бўлган самараасини беради. Жисмоний тарбиянинг маҳсус воситаси ҳисобланмаса ҳам гигиеник омиллар жисмоний тарбиянинг вазифасини тўлақонли ҳал қилиш учун аҳамият касб этади. Педагогик жараён қанчалик пухта ташкилланмасин, овқатланиш, уйку кун тартибига риоя қилинмаса, шунингдек, машгүлолтлар тиббиёт талабларига жавоб бермайдиган жой ва жихозлар билан ўтказилса, улар албатта самараасиз бўлади. Мана шунинг учун мактаблардаги жисмоний тарбия дастурларида гигиенага оид билимлар мазмунини ифодаловчи назарий маълумотлар учун мавзуулар тавсия қилинган. Улар жисмоний тарбия жараёнидан ташқаридаги инсоннинг ҳаётий фаолиятини ташкилловчи ва жисмоний тарбия жараёни таркибидағи воситалардир.

6.4. Жисмоний машқларнинг таъсирини белгиловчи омиллар

Ҳар хил жисмоний машқларнинг самарааси турли хил ёки турли хилдаги жисмоний машқлар бир хил тарбиявий таъсир кўрсатиши амалиётда исботланган. Демак, бу жисмоний машқлар доимий бир хил таъсир хусусиятига эга эмаслигининг исботидир.

Тарбия жараёнида жисмоний *машқларнинг самарали таъсирини белгилай оладиган омилларни* билиш педагогик жараённи бошқаришини осонлаштиради. Бу омиллар кўйдагича гурухланади:

1. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг шахсий тавсифи омили. Таълим жараёни икки томонлама – ўқувчилар ўқиди, ўқитувчи ўқитади. Шунинг учун жисмоний машқларнинг таъсири кенг даражада ким ўқитаётганлигига ва кимларни ўқиётганлигига, ахлоқий сифатларига ва иқтидори (интеллектуал)га, жисмоний ривожланганлигига ва тайёргарлиги даражасига, шунингдек,

бирламчи бажара олиш малакаси, қизиқиши, ҳаракат фаоллиги ҳамда бошқаларга боғлиқ.

2. *Илмий омиллар* – жисмоний тарбиянинг қонуниятларини томонидан англаниши месъерини характерлайди. Жисмоний машқларнинг педагогик, психологик, физиологик хусусиятлари қанчалик чукур ишлаб чиқилган бўлса, педагогик вазифаларни ҳал қилиш учун улардан шунчалик самарали фойдаланиш мумкин.

3. *Методик омиллар* – жисмоний машқлардан фойдаланишда амал қилинадиган жуда кенг қамровдаги талаблар гурухини умумлаштиради.

Жисмоний машқни ўқитиш давомида ёки бошқа педагогик вазифани ҳал қилиш учун кўулланаётган усулият (жисмоний қабилиятни очсин, ўзлаштиришни осонлаштирисин) масалан, жисмоний қобилиятларни ривожлантиришда қуидагилар ҳисобга олинади, биринчидан жисмоний машқдан кутилаётган самара, яъни бу машқ билан қандай вазифалар (билим бериш, тарбиялаш, ёки соғломлаштириш)ни ҳал қилиш; иккинчидан, жисмоний машқни тузилиши, статик ёки динамик машқми, циклик, ациклик ҳаракатми ёки бошқасими; учинчидан, мумкин бўлган тақрорлаш усулиятлари (бўлакларга ажратиб ёки машқни тўла бажариш билан ўргатиш мақсадга мувофиқми, тақрорлашлар оралиғида актив дам олишни кўллаш керакми ёки пассив дам олишни таъминлай оладими ва хоказолар). Жисмоний машқларнинг бундай характеристикаси қўйилган педагогик вазифаларни ҳал қилиш учун жисмоний тарбия воситалари ва методларини танлаш имконини беради.

Жисмоний машқларнинг самараси оптимал юкламани белгилай олиш орқалигина бўлиши мумкин. Фаолиятда юкламанинг давомийлиги ҳамда унинг интенсивлиги, тақрорлаш частотаси (интервал ва дам), тақрорлашлар оралиғидаги дам олишнинг характеристига боғлиқ. Юкламани бошқаришда юкорида кўрсатилаётган ҳолларнинг ўзаро муносабати ҳисобига олиниши шарт. Масалан, машқнинг бажарилиш давомийлигининг ортиши унинг интенсивлигининг пасайишига олиб келиши қонунияти билан белгиланган.

Жисмоний машқнинг натижаси унинг изжро усулига боғлиқ. Масалан, арқонга уч усул билан тирмашиб чиқиш эркин усул билан тирмашиб чиқишдан самаралироқдир, чунки уч усул кўулланганда баландроққа чиқиш имкони бўлади.

Жисмоний машқ бажаргандан сўнг организмда маҳсус функционал ўзгариш вужудга келади ва у маълум вақтгача организмда из қолдиради, сақланиб туради. Вужудга келган ўзгариш фонида кейинги машқнинг таъсир самараси янада бошқачароқ бўлиши мумкин. Дастребки ва сўнги машқда машғулот самарадорлиги ортиши ёки пасайиши мумкин. Масалан, диккат учун машқлар навбатидаги кийин координация талаб қилувчи ҳаракатларни бажаришни осонлаштираса, думбалоқ ошиш машқларидан сўнг мувозанат сақлаш машқларини ўзлаштириш қийинчиликларга сабаб бўлиши мумкин. Таъсирнинг оз ёки кучлилик даражаси ўзининг чукурлиги ва давомийлиги,

ўқувчи ҳолати унинг жисмоний, ақлий тайёргарлиги ва ҳоказоларга боғлик. Машқлар таъсириининг комплексини ишлаб чиқиш ҳаракат фаолиятининг асосий таъсири самарасини ҳисобга олишга имконият яратади. Жисмоний тарбия жараёни машқлар таъсири тизимини ҳар бир ёш гурухи учун ишлаб чиқиши тақазо этади.

7-БОБ. ЖИСМОНИЙ (ХАРАКАТ) ИНИ СИФАТЛАР ВА УЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Тарихан мавжуд бўлган жисмоний тарбия тизимларига инсоннинг жисмоний (харакат) сифатларини тарбиялай олишига қараб баҳо берилган. Инсоннинг организмида турли даражада шаклланган куч, тезкорлик, чидамлилик, чаққонлик, тана бўғинлари харакатчанилиги ва мускуллар эгилувчанилигини жисмоний сифатлар деб аташ қабул қилинган. Инсон организмининг шу сифатларини қандай намоён қила олишига қараб индивидга кучли, чаққон, тезкор ва х.к. деб баҳо берганлар. Бу сифатлар ўлчовга эга, унинг кўрсаткичлари жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари деб аталади ва кўрсаткичлар орқали индивиднинг ижодий меҳнатга ва ватан мудофаасига тайёргарлиги аниқланади. Масалан, индивид 100 кг оғирлиқдаги штангани елкага олиб факат 3 маротаба ўтириб турса олса, бошқаси шу вазн билан 5 маротабадан ортиқ ўтириб турса олиши мумкин. Шу машқни икки марта ортиқ бажарганилиги учун иккинчи ўртоқнинг куч сифати ривожланган деб баҳоланади. Бу сифат организмнинг суюқ, мускул ва бошқа аъзоларининг тўқималари, ҳужайралари ваҳоказоларнинг ривожланганингига боғлиқ бўлмай, маънавий-рухий фазилатларига ҳам боғлиқ. Шунинг учун харакат сифатларини тарбиялаш маънавий-рухий фазилатларни тарбиялаш иши билан чам барчас боғлиқ ва тарбиянинг шу йўналишига восита бўлиб хизмат қиласи.

Харакат сифатларини тарбиялашга интилиш инсониятнинг азалий орзузи. Мехнат куроллари, ҳарбий анжом ва аслала билан муомала қилишнинг самарадорлиги табиат инсонга иноом этган ва уни тарбия жараёнида ривожлантириш мумкин бўлган жисмоний фазилатларга боғлиқ тарбиялаш лозимлиги масаласини кўндаланг кўяди.

Жисмонан баркамол, ахлоқан пок, эстетик дидли, эътиқодли, садоқатли, техника илмининг замонавий асосларини пухта эгаллаган, ҳар тарафлама маънавий етук, жисмонан гармоник ривожланган кишини тарбиялаш ҳозирги кунгача давримизнинг асосий вазифаларидан бири деб ҳисобланиб келинди. Ҳозир ҳам бу дастур ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. У мамлакатимизда амалга оширалаётган “соглом авлод учун” дастурининг ўзагини ташкил этади.

Хулоса қилганда жисмоний тарбияни, хусусан, жисмоний сифатларни ривожлантиришини моҳиятининг юқорилиги ва салмоқлилиги кўзга яққол ташланиб турибди. Шуни қайд этиш керакки, жисмоний сифатларни ривожлантиришда уларнинг (куч, тезкорлик, чаққонлик, чидамлилик ва ҳоказоларнинг) барчасини ўзаро узвий боғлаб олиб боришни тарбия жараёни тақазо қиласи. Лекин спортнинг маълум бир турида муайян фазилат кучлироқ шаклланади, ривожланади ва у етакчи харакат сифати тарзида номоён бўлади. Бошқа сифатлар ҳам нисбатан ривожланади, лекин улар ёрдамчи, кўмакчи харакат сифати тарзида намоён бўлиши мумкин. Масалан, спорт ўйинларидан баскетболда асосан чаққонлик сифатини ривожлантиради

деб хисобланса, тезлик ёрдамчи сифати тарықасида ривожланади. Лекин баскетбол чидамлиликтин ҳам тарбиялашда асосий воситадир. Оғир атлетикачиларда күч жисмоний сифати етакчи фазилат саналади. “Силтаб күтариш (ривок)”ни күп машқ қилиш эса тезкорликни ривожлантиради. Амалиётта бу машқлар орқали чидамлилик ва эгилувчанлик ҳам кўмакчи жисмоний сифат тарзида ривожланишини гувоҳимиз. Умуман, чаққонликни ривожлантириш учун кўпроқ ўйинлардан: волейбол, баскетбол, футбол, теннис, стол тенниси, гандбол, хоккей, регби ва бошқалардан фойдаланиш максадга мувофиқдир. Аслида бу ўйинлар учун тезликнинг аҳамияти ҳам иккинчи даражали эмас. Чакқонликни ривожлантириш эса тез ўзгарувчан ўйин шароитига мослаша билишни, кузатувчанликни, мўлжалга тўғри олишни, қисқа фурсат ичида турли мураккаб вазиятда аник, тўхтамга келиш, уни ҳис қилиш ва ўз ҳаракатларини шу вазиятга мослай олишдек ҳаётий зарурый Амалий ҳаракат малакаларни шакллантиради. Велосипед, ҳаракатли ўйинлар ҳам чаққонликни ривожлантиради.

Ҳар қандай ҳаракат бирор-бир конкретт ҳаракат вазифаси деб аталадиган вазифани ҳал қилишга қаратилади. Масалан, иложи борича баландроқ сакраш, тўпни илиб олиш, ракибни алдаб ўтиш, штангани кўтариш ва ҳоказо. Ҳаракат вазифасининг мураккаблиги, бир вактда ва кетма-кет бажариладиган ҳаракатларнинг уйғуналигига бўлган талаблар, ҳаракатлар координациясини тарбиялайди.

7.1. Чакқонлик ва уни тарбиялаш усулияти

Харакатларнинг координациявий мураккаблиги чакқонликнинг биринчи ўлчовидир. Агар харакатнинг фазо, вакт, куч характеристикалари харакат вазифасига мос бўлса, харакат етарли даражада аниқ бўлади, харакат вазифалари **харакатнинг аниқлиги** тушунчасини келтириб чиқаради. Харакатнинг аниқлиги чаққонликнинг иккинчи ўлчовидир.

Ҳаётда ва спортда дуч келиши мумкин бўлган барча харакатларни икки гурухга ажратамиз.

1. Нисбатан стереотип харакатлар.
2. Ностериотип харакатлар.

Енгил атлетика йўлкасида, текис жойда югуришлар, улоқтириш ва сакрашлар, гимнастика машқлари, биринчи гурух харакатларига, спорт ўйинлари, яккана-якка олишув, слалом, кросс ва шу кабилар иккинчи гурухга киритилади. Стереотип харакатлардаги аниқлик, киши бу харакатларни бажаришнинг қанчалик узоқ машқ қилганлигига ва уни техникасини ўзлаштирганлигига боғлиқ. Агар инсон тўғридан-тўғри, тайёргарликсиз Янги харакатларни бирданига бажара бошласа, харакатни ўзлаштириб олиши учун вактни турлича сарфланишига қараб чакқонликка баҳо берилади. Шунинг учун Янги харакатни ўзлаштириб олишга кетган вакт шуғулланувчидан чаққонлик сифатининг кўрсаткичларидан биридир.

Юкорида айтганларни хисобга олиб, биринчидан **чаққонликни Янги харакатларни тезда ўзлаштириб олиш қобилияти** (тез ўрганиш қобилияти), иккинчидан, харакат фаолиятини тўсатдан ўзгараётган шароит талабларига мувофиқ тезда қайта мослаш деб тушуниш тўғри бўлади. Бу таърифимиздан кўриниб турибдики, **чаққонлик – бу баҳолаши учун ягона ўлчовга (критерийга) эга бўлмаган мураккаб комплексли фазилатdir**. Ҳар бир муайян ҳолда, шароитга қараб у ёки бу критерийни танлаб оладилар. Чакқонлик анчагина хусусий фазилатdir. Спорт ўйинларида чакқон бўлиб, гимнастикада унчалик чаққонлик кўрсата олмаслик мумкин. Чакқонликнинг ҳаётий мухим харакат сифати тарзида намоён бўлиши гавданинг нисбатан кам харакатда бўлгани ҳолда, қўллар билан мохирона харакат қилишда қўл чакқонлигини намоён бўлиши (ажратувчи, слесарлик, уймакорлик, дурадгорлик, станокда ишлаш, косиблик ва бошқаларда) кўзга ташланади. Ҳар қандай харакат қанчалар янги бўлиб туолмасин, доимо координациявий боғланишлар асосида бажарилади.

Схема тарзида ҳар қандай индивид янгидан-янги харакатларнинг барчасини олдиндан ўзлаштирган тажрибалари захираси асосида ўзлаштиради ва мустаҳкамланган, ғоят кўп элементар координациявий бўлакчаларнинг йигинини тузади. Кишида харакатлар координацияларининг захираси, харакат кўнімлалари замини қанчалик кўп бўлса, у янги харакатларни шунча тез ўзлаштириб олади. Унда чакқонлик даражаси айтарли юқори бўлади. Чакқонликнинг намоёнлик даражаси анализаторлар фаолиятига, жумладан, харакат анализаторларининг фаолиятига боғлиқдир. Индивиднинг харакатларни аниқ таҳлил этиш қобилияти қанчалик

ривожланган бўлса, Янги ҳаракатларни тез эгаллаб, уларни қайта ўзлаштириш, янгилаш имкониятлари шунчалик юқори бўлади. Спорт билан эндиғина шуғуллана бошлаган кишиларди ҳаракат тўйғуси (кинестезия) кўрсаткичлари захирасига таяниб ўргатиш (ўқитиш) жараёни йўлга кўйилади. Бошқача килиб айтсак, шуғулланаётганларда ўз ҳаракатларини аниқ сезиш ва идрок қилиш қобилияtlари қанчалик яхши бўлса, Янги ҳаракатларни улар шунчалик тез ўзлаштирадилар. Чакқонлик марказий нерв системасининг пластиклигига ҳам боғлиқ ва унинг даражаси шу билан аниқланади. Чакқонлик, психология нуқтаи назаридан, ўз ҳаракатларини ва теварак атрофидаги ҳаракатни ижро этиш, шароитни идрок этиш қобилияти қанчалик эканлигига, шунингдек, шуғулланувчининг ташаббускорлигига боғлиқ. Бу ҳаракат сифати мураккаб ҳаракат реакцияларининг тезлиги ва аниқлигини намоён килишда жуда муҳим роль ўйнайди.

Чакқонликни ривожлантириши усулияти билан танишииб чиқсан. Биринчидан чакқонликни ривожлантириши координация жиҳатдан мураккаб ҳаракатларни бажарини, иккинчидан ҳаракат фаолиятини тўсатдан ўзгарган шароит талабларига мувофиқ равишда қайта тузу олиш қобилиятини тарбиялашдан иборатдир. Бунда чакқонлик учун зарур бўлган ўз ҳаракатларини фазо ва вақтда аниқ идрок этиш, лозим бўлса, стабил ҳаракатлар кила билиш, мувозанат сақлай олиш, галма-гал зўр бериш ва мускулларни бўшаттириш ёки, аксинча, мускулларни таранглаштириш қобилияти ва шунга ўхшаш бошқа хусусиятларни танлаб такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Демак “чакқонлик” дегандা, ҳаракатлар координацияларнинг умумий тўплами йигиндиси тушунилади.

Чакқонликни ривожлантириш ва тарбиялашнинг асосий йўли янги хилма-хил ҳаракат малакаларини ва кўнимкамаларини шакллантириш демакдир. Бу эса ҳаракат малакаларининг захираси ортиб боришига сабаб бўлади ва ҳаракат анализаторларининг функционал имкониятларига самарали таъсир кўрсатади. Янги ҳаракатларни ўзлаштириш узлуксиз бўлгани яхши. Агар узок вақт оралиғида Янги ҳаракатларни ўрганиш режалаштирилган бўлса ҳам, ўқувчиларга вақти-вақти билан ўзларига маълум бўлмаган машқларни бажариб туриш тавсия этилади. Чунки Янги ҳаракатлар (машқлар) ўзлаштириб турилмаса шуғулланувчини ҳаракатга ўргатиш қийинлашади. Бундай машқларни тўла ўзлаштириб олиш шарт эмас, чунки у шуғулланувчиларнинг қандайдир Янги ҳаракатларни ҳис килиб туришлари учун зарур. Бу каби майда-чўйда ҳаракатларни, одатда, актив дам олиш учун ажратилган кунлардаги тренировка жараёни таркибига киритилади. Чакқонликни ривожлантиришда Янги ҳаракатларни ўзлаштириб олиш қобилияти сифатидаҳар қандай ихтиёрий ҳаракатдан фойдаланиш мумкин, лекин улар фақат машқ таркибидаги янги элементлар бўлгани учунгина ўрганилади. Малака автматлашиб борган сари шу жисмоний машқнинг чакқонликнинг ривожлантириш воситаси тарзидағи аҳамияти камайиб боради. Ҳаракат фаолиятини тез ва мақсаддага мувофиқ қайта тузиш

қобилияти тўсатдан ўзгарган шароитдаги таъсирларга дархол жавобнинг берилиши чаққонликни ривожланаётганинидан далолат беради. Бунда юкламнинг ўзариши содир бўлади, чакконликни ривожлантиришга йўналтирилиб юкламани ошириш шуғулланувчиларга координациявий қийинчиликларни оширади. Улар енгиши лозим бўлган координациявий қийинчиликлар уч гурухга бўлинади:

1. Ҳаракатларнинг аниқлигига эришишдаги қийинчиликлар;

2. Уларнинг ўзаро мослаша олишидаги қийинчиликлар;

3. Бирданига, қисқа, ўзгарган шароитда дуч келинадиган қийинчиликлар.

Амалиётда қайд қилинган қийинчиликларни осон ҳал қилиш учун, асосан, Л.П. Матвеевнинг чаққонликни тарбиялаш услубиятидан кўпроқ фойдаланилади:

1. *Гайритабиий, гайриоддий дастлабки ҳолатдан фойдаланиши* (зарур бўлган томонга орка билан туриб узунликка сакрашлар ва х.к.).

2. *Машқни ойнага қараб бажарии* (дискани чап қўл билан улоқтириш ёки боксчини чап томонлама туриб зарба бериши).

3. *ҳаракатлар тезлиги ва суръатнинг ўзгартириши* (масалан, тезлаштирилган усуlda ёки секинлаштириб машқлар бажариш).

4. *Фазода машқлар бажарилаётган чегараларни ўзгартириши* (масалан, улоқтирища снарядларни кичиклаштирилган айланадан улоқтириш ёки майдони сатхи кичиклаштирилган спорт ўйинларидан фойдаланиланиш, чунки кенг майдон тор майдонга нисбатан чаққонликни намоён қилиш учун қулайлик туғдирмайди; баландликка турли усул билан: орқамачасига, олди, ёnlама, айланниб югуриб сакраш ва ҳоказолар).

5. *Кўшимча ҳаракатлар киритиб машқларни мураккаблаштириши* (масалан, ерга тушиш олдидан кўшимча бурилишлар қўшиб, таяниб сакраш ва бошқалар).

6. *Таниш машқларни олдиндан режсалаштирмай, маълум бўлмаган тарзда қўшиб бажарии* (масалан, гимнастик комбинацияларини кўрган ва ўқитган заҳоти бажариш мусобақаси ва шунга ўхшашлар).

7. *Жўфт ва групта бўлиб бажариладиган машқларда шуғулланувчиларнинг бир-бирига кўрсатадиган қаршиликларини ўзгартириши* (масалан, ўйинларда турли тактик комбинацияларни кўллаш, машқларни бажаришда тез-тез шерикларни ўзгартириш).

Чаққонликни нисбатан хусусий бўлган сифатларидан бири мускулларни *рационал бўшашира билишини ўрганиши* ва уни такомиллаштиришdir. Ҳар қандай ҳаракат маълум маънода мускулларни кўзгалиши ва бўшаширилишининг натижасидир. Кўзгалишдек, бўшашириш (лозим бўлган мускулни, лозим бўлган пайитда) ни билиш ҳар қандай ҳаракатни самарали бажаришда муҳим рол ўйнайди. Ҳаракатни қойилмақом қилиб бажариш учун вақтингча бўшашиб туриши керак бўлган

мускуллар гурухининг таранглиги ҳаракатни бажариш учун лозим бўлган бемалоллик (бўғиқлик)ни, ҳаракатни эркин бажаришни йўққа чиқаради.

Ҳаракатни бўғиқ, эмин-эркин бажара олмасак руҳий ва мускул таранглиги орқали содир бўлади деб уни икки гурухга ажратилади. Руҳий таранглик асосан хис ҳаяжонга сабаб бўладиган факторлар (кучли рақибни кўриш, мусобақалашадиган муҳит, томошабинлар ва ҳ.к.) орқали содир бўлади ва чаққонликкагина эмас, организмнинг бошқа функционал ҳамда жисмоний сифатларига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бу диккатни тўплай олмаслик, фаолият таркибидағи ўзгартириш қилишда кечикиш, ҳаракатлар кетма-кетлигини бузилиши ва бошқалар тарзида намоён бўлади. Бу ноқулайликлар билан курашиш йўллари хақида “Спорт психологияси” фанида лозим бўлган маълумотларни олиш мумкин. *Руҳий таранглик* албатта мускул таранглигини содир бўлиши билан кузатилади.

Мускул таранглиги турли сабаблар орқали вужудга келиб қуидаги қайд қилинган уч шаклда намоён бўлади: а) мускул тонусини ортиши (гипермоиотония) орқали мускул таранглашиши; б) ўта тез бажариш оқибатида мускулни тарангликдан тушишга, бўшашишга улгурмаслигидан содир бўладиган таранглик; в) координациявий, (такомиллашмаган координация сабабли мускул бўшашиши фазасида бир оз қўзгалувчанликни мавжудлиги орқали содир бўладиган) таранглик.

Қайд қилинган чаққонликни намоён бўлишига салбий таъсир кўрсатаётган мускул таранглигини енгиш усуслари спорт физиологияси ва жисмоний тарбия назарияси фанлари орқали ўрганилади.

Чаққонликни ривожлантирувчи машқлар тез чарчатади. Бундай машқларни бажаришда мускуллар ниҳоятда аниқ ва юкори даражадаги сезги талабига муҳтоҷ бўлиб, чарчашиб содир б

ўлганда, машқни бажариш кам самара беради. Шунга кўра организм сарфланган энергияни нисбатан тўлиқ тикланиши учун етарли бўлганда дам олиш оралиқларидан (*интервалдан*) фойдаланилади. Юкори даражада энергия сарфлаш билан бажарилган машқлардан сўнг чаққонликни тарбиялайдиган машқларни бажариш биз кутмаган натижани беради.

7.2. Чидамлиликтин ривожлантириш методикаси

Мускул иши фаолиятида жисмоний машқлар билан шугулланиши давомида чарчоқка қаршилик күрсатили даражаси чидамлилик сифаты деб аталади.

Жисмоний меҳнат (спорт фаолияти)ни бажараётган киши секин аста ўз фаолиятни давом эттириши қиийнлашаётганлигини сезади. Тер куюлиб оқа бошлайди, юзида қизиллик кучаяди, ранги ўзгаради, мускулларида хоргинилик сезади, ҳаракат координацияси, ҳаракат техникаси таркибидаги элементларнинг бажариш кетма-кетлиги бузилади, нафас олиши ритми чуқурлиги ўзгаради. Бажараётган ҳаракати таркибida қўшимча кераксиз ҳаракатлар пайдо бўлади, қўшилиб қолади. Бунга асосан, организмда кечётган физиологик, биохимиявий ва биомеханик ўзгаришлар сабаб бўлади. Фаолиятни давом эттириш эса руҳий, иродавий ва бошқа сифатлар эвазига бажарилади. Бундай ҳолатни **конпенсацияли чарчоқ фазаси** дейилади.

Агарда ирода намоён килиш даражасини ортганлигига қарамай, иш интенсивлиги пасая борса, **конпенсациясиз чарчоқ фазаси** бошланганлигини кузатамиз.

Чарчоқ ўзи нима? *Меҳнат (машқ қилиши) давомида иши қобилиятининг вақтингчалик сусайини ЧАРЧОҚ дейилади.* Бир хил иш фаолияти давомида чарчоқ турли кишиларда турлича бўлиши амалиётда исботланган. Чунки, ҳар бир инвидиднинг чидамлилигини ривожланганлиги турличадир.

Бобкалонимиз Абу Али ибн Синонинг илмий меросидан чарчаш мавзусига катта эътибор берилган. Бир мингинчи йили ёзишни бошлаб, бир минг йигирма тўртингчи йили мукаммал тарихий илмий асарга айланган «Китоб ул қонун фит Тиб»да сурункали жисмоний машқ бажариш чарчоқни вужудга келтиришига тўхталиб уни тўрт хилга ажратиб изоҳ берган:

1. **Ярали чарчаши** – унда терини юзида ёки тагида яра каби нарса сезилади.

2. **Қотиб чарчаши** – унда киши гўё гавдасини эзилган ёки мажағланган гумон қилиб танасида иссиклик ва бўшашибини сезади.

3. **Шиили чарчаши** – бунда тана одатдагидан қизарганроқ бўлиб, ғовлаганга ўхшаш ҳиссият сезади.

4. **Озиб чарчаши** – унга учраган киши гавдасини қуриган ва ковжираганроқ сезади.

Х асрографа Ўрга Осие халқлари жисмоний тарбияси тарихида тан тарбиясининг илмий-амалий фикрлари биринчи бўлиб юқорида қайдилинган асарда ифодаланганлиги эътибор берсак бу асар чарчоқнинг ички механизмини мукаммал баён этиб уни организмда тикланиши ҳақида тиббий маслаҳатлар берилган.

Жисмоний тарбия амалиётида **ақлий, жисмоний, эмоционал, сенсор** чарчоқларни фарқлашимизга тўғри келмоқда.

Чидамлилик воситалар ва воситаларсиз ўлчанади. Чидамлиликни воситали ўлчаш учун маълум тезлик билан югуриш тавсия қилинади, ҳамда ўша интенсивликни бўшаштирмай ушлай олиш вақти (тезликни сусайиши бошлангунга қадар) хисобланади. Шунинг учун тўғридан-тўғри чидамлиликни ўлчаш жуда нокулай. Кўпроқ воситасиз улчашдан фойдаланилади. Спорт амалиётида, узоқ масофага (10.000 м; 20.000 м) югуриш учун сарфланган вақтига қараб чидамлиликга баҳо берилади.

Кишининг харакат фаолияти турличадир. Чарчокнинг характери ва механизмига қараб маҳсус ва умумий чидамлилик фарқланади. Танлаб олинган (*ихтисослик*) спорт тури ёки меҳнат фаолияти учун талаб қилинадиган чидамлиликни маҳсус чидамлилик, бошқа ҳаёттий шароитдаги фаолият учун лозим бўлган чидамлиликни умумий чидамлилик дейилади. Боксчининг маҳсус чидамлилиги, футболчининг умумий чидамлилиги деган иборалардан амалиётда фойдаланилмоқда.

Югуриш, сузиш, чангидা юриш, қайик хайдаш каби спорт турларида деярли барча мускуллар харакат фаолиятида иштирок этади. Шунинг учун чаркоқ айрим мускуллар гуруҳида ҳамда организмнинг барча мускулларида бўлиши чидамлиликни маҳсус ва умумийлигини келтириб чиқаради ва шакл жиҳатдан бир хил бўлган машқларни турли интенсивликда бажариш имконини яратади. Бунда чидамлилик ҳам турлича намоён бўлади. Шунинг учун жисмоний машқларни бажаришда организмнинг чарчоқка нисбатан талаби турлича бўлади.

Чидамлилик талаб қилинадиган машқларни бажаришда инсоннинг функционал имкониятлари, бир томондан, лозим бўлган харакат малакалари ва техникани эгалланганлиги даражасига боғлиқ бўлса, бошқа томондан, организмнинг аэроб ва анаэроб (кислородли, кислородсиз) имкониятларига боғлиқ. Нафас имониятларининг хусусийлиги нисбатан юқори эмас, улар харакатни ташки формасига ҳам айтарли боғлиқ бўлмайди. Шунинг учун югуриш машки ёрдамида ўзини аэроб имониятларининг даражасини оширган шуғулланувчи бошқа харакатларни, масалан, эшкак эшиш, юриш, велосипедда юриш машқларни бажаришда ҳам ўзининг чидамлилигидан ижобий наф олади. Мисол, юриш ва югуришдаги харакатларнинг координациявий тузулиши ва тезлик, куч характеристикаси кўпхолларда турлича. Тренировка орқали югуришда эришилган тезликни яхшиланганлиги юрушни максимал тезлигига ижобий ёки салбий таъсир кўрсата олмайди. Яъни “кўчиш” йўқ. Югуриш тезлиги юриш тезлигини ўзгаришига таъсир кўрсатмаган. Лекин узун масофадаги шуғулланганлик бир вақтни ўзида юриш билан югуришда бири-бирига «кўчиши» мумкинлиги илмий-амалий исботланган (В.М.Зациорский ва бошқалар). Демак, координациявий бири-бирига яқин бўлган харакатларни бажаришда спорччи организмининг вегетатив системасини функционал имкониятини эътиборга олсак умумлаштирилган холат, шартли айтилганда, “вегетатив” шуғуллаганлик чидамлиликнинг “кўчиши” (ўтиш)га кулай имконият очилади. Лекин ҳар бир

холатда кўчиш рўй бермаслиги организмнинг энергияси имкониятларига, ҳаракатларнинг барча сифат хусусиятларига талаб қўймай, ҳаракат малакаларининг ўзаро мувофиқлашуви характеристига ҳам боғлиқ бўлади.

Умумий ва маҳсус чидамлиликнинг аниқ вазифаларини ҳал қилиш оғир, кўнгилга тегадиган даражадаги бир хил ва энг катта ҳажмдаги оғир ишни бажаришни тақазо қиласди. Чарчашиб толиқишига айланана бошланганда ҳам машқни тўхтатмаслик талаб қилинади. Бу эса руҳий тайёргарликнинг намоён бўлиши учун юқори даражада катта талабни қўяди.

Чидамлиликни ривожлантириш меҳнат севарликни, катта нагруззкаларга, шунингдек, ниҳоятда ҳорғинлик хиссига бардош беришга тайёр туришни тарбиялаш билан олиб борилади. Спортчилар машгулотда озми-кўпми чарчоқни хис қиссаларгина, уларда чидамлилик ортиб боради. Бу эса ташки томондан чидамлиликнинг ортиб боришида намоён бўлади. Мослашув ўзгаришларнинг миқдори ва қай мақсадга қаратилганлиги, тренировка нагруззкалари натижасида организмдаги жавоб реакцияси характеристи даражаси билан белгиланади.

Чидамлиликни тарбиялаша юкламини критерияси ва компонентлари муҳим аҳамият касб этади. Чидамлилик машгулотлар давомида спортчини бир оз бўлсада чарчашибни хис қилиши орқали ривожланишига эътибор берсак юкламадан сўнг тикланиш жуда оз вақт ичиди содир бўлса чидамлиликни ривожланмаслиги маълум бўлади. Иш ҳажми катта бўлиб чарчоқни хис қилиши билан бажарилса организм юкламага мослаша бошлайди ва қатор машгулотлардан сўнг чидамлиликни ортиб бораётганлиги кўзга ташланади. Мослашув организмдаги ўзгаришлар даражаси, юкламага жавоб реакцияси характеристи, уни кўлами йўналиши орқали содир бўлади. Хар хил типдаги нагруззкада чарчоқ бир хил бўлмайди.

Циклик машқларни бажаришда чидамлилик учун юкламанинг тўла тавсифини қуидаги беш компонентда кўришимиз мумкин;

- 1) машқни абсолют интенсивлиги (харакатланиш тезлиги);
- 2) машқни давомийлиги (узунлиги);
- 3) дам олиш интервалининг катта кичикилиги;
- 4) дам олишнинг характеристи (актив ёки пассив);
- 5) машқни такрорлашлар (қайтаришлар) сони;

Бу компонентларни бир-бири билан ўзаро узвий олиб бориш орқали берилган юклама организмнинг факат жавоб реакцияси кўламигагина эмас, ҳатто унинг сифати хусусиятини ҳам турлича бўлишига олиб келиши амалиётда исботланди. Юқорида қайд қилинган компонентларни таъсирини циклик машқлар мисолида кўриб чиқамиз:

1. *Машқни абсолют интенсивлиги* фаолиятни энергия билан таоминлаш характеристига тўғридан-тўғри таъсир қиласди. Ҳаракатланишнинг тезлигини пастилигига катта энергия сарфланмайди. Спортчини организмини кислороддага талабининг кўлами уни аэроб имкониятларидан оз. Бунда кислороддага бўлган жорий талаб, агарда, ишни бошланишида нафас жараёни

етарли даражада йўлга қўйилиб улгурмаган пайтдаги кислородга муҳтоҷликни кўп эмаслигини хисобга олмасак, сарфланаётганини ўрнини қопламайди ва иш хақиқий турғун ҳолатдаги шароитда бажарилади. Бундай тезлик *субкритик тезлик* деб номланади. Субкритик тезлик зонасида кислородга муҳтоҷлик тахминан ҳаракатланиш тезлигига тўғри пропорцияда бўлади. Агарда спортчи тезроқ ҳаракатланаётган бўлса *критик тезликка* эришади, бу ерда кислородга муҳтоҷлик уни аэроб имкониятларига тенг. Бу ҳолда ишнинг бажарилиши билан кислород сарфланишининг кўлами максимал даражада деб хисобланади. Критик тезлиги қанчалар юқори бўлса спортчини нафас имконияти шунча юқори бўлади. Тезлиги критик тезликдан юқорилиги учун *юқори критик тезлик* деб номланади.

Юқори критик тезлик зонасида энергетика механизми самарадорлигини озлигидан кислородга муҳтоҷлик тезлашади, ҳаракат тезлигига нисбатан ортади. Тахминан кислородга муҳтоҷлик тезликни кубига нисбатан пропорционал ошади (Хилл А.Б.). Масалан, югуриш тезлигини 6 дан 9 м. сек.га оширилса (яъни 1.5 марта) кислородга муҳтоҷлик эса тахминан 3,3-3,4 марта га оширилса кислородга муҳтоҷлик аҳамиятли даражада кўпаяди. Бу ўз навбатида анаэроб механизмлар ролини мувофиқ равишда кўтаради.

2. *Машқни давомийлиги* масофани бўлакларининг узунлиги ва масофа бўйлаб ҳаракатланиш тезлиги билан аниқланади. Давомийлигини ўзгартириш икки хил аҳамият касб этади. Биринчидан, фаолиятни бажариш учун энергия қайси манба хисобидан бўлишларига қараб ишнинг давомийлиги белгиланади. Агарда ишнинг давомийлиги 3-5 мин га етмаса нафас жараёни керак бўлган даражада кучайиб улгурмайди, энергия билан таъминлашни анаэроб реакция ўз бўйнига олади. Бу шунда юз берадики иш нисбатан организмни ҳолати тинч, кўзғалиш жараёни хам кучаймаган ҳолда бўлса ёки ишгача бошқа фаолият бажарилган бўлиб, нафас жараёни етарли даражада юқори ҳолатга кўтарилса, кислородга муҳтоҷлик содир бўлиши учун вақт чўзилиши мумкин. Машқни давом эттирилиши меъёри қанча қисқартирилса нафас жараёнининг роли шунча пасаяди ва аввалига *гликолитик* ундан кейин эса *креотин фосфокинез реакцияларини* аҳамияти ортиб боради. Шунинг учун *гликолитик механизмларини* такомиллаштириш мақсадида асосан 20 сек дан 2 мин гача, фосфокреотин механизмларигача 3 дан 8 сек бўлган юкламалардан фойдаланилади. Иккинчидан, ишнинг давомийлиги юқори критик тезликда кислородга муҳтоҷликнинг кўлами аниқланса, субкритик тезлик эса кислородни етказиб берувчи, уни сарфловчи фаолият тизимларини узоқроқ зўриқишида ишлашини талаб қиласди. Организм учун бу тизимларни узоқ вақт давомида мукаммал ишлашини таъминлаш анча оғир кечади.

3. Дам олиш *интервалининг катта-кичиклиги* организмни нагруззага жавоб реакциялари кўлами ва уни характерли хусусиятларини аниқлашда муҳим роль ўйнайди. Такрорлашларда организмга бўладиган

таъсир реакцияси ҳар бир нагрузкадан сўнг бир томондан олдин бажарилган ишга ва бошқа томондан уринишлар орасидаги дам олишнинг давомийлилигига - катта кичклилигига боғлиқ.

Катта дам олиш интервали субкритик ва критик тезлик-ларда машқларни бажаришда физиологик функцияни нисбатан нормаллашиши учун етарли бўлиб ҳар бир уриниш ёки навбатдагиси биринчи уринишдаги ҳолатга яқин бўлган фонда бошланади. Бу бошланишида энергия алмашинувининг фосфо-кроетин механизми қаторида турса, сўнг бир-икки минут ўтиб гликолиз максималга кўтарилади ва уч-тўрт минутдан кейин нафас жараёнлари кенг фаолиятини бошлайди. Узок давом этмайдиган иш бажарилса улар лозим бўлган даражадаги ҳолатга келишга улгурмай иш асосан ана аэроб шароитда бажарилади. Агарда дам олиш интервали озайтирилса нафас жараёни қиска вақт ичидаги бир озга пасаяди холос, ишни давоми бирданига кислород етказиш активизими (кон айланиш, ташки нафас ва бошқалар) хисобига бажарилади.

Бундан хulosса шуки: субкритик, критик тезликда интервалли машқ бажаришда дам олишнинг интервалини озайтириш нагрузкани нисбатан аэроб килади. Тескариси, юқори критик тезликларда ҳаракатланиш ва дам олиш интервали кислородга муҳтоҷликни йўқотишга етарли бўлмаса кислород етишмовчилиги такрорлашдан-такрорлашга қўшила бошлайди. Шунинг учун бу шароитда дам олиш интервалини қисқартириш анаэроб жараёнлар хиссасини ортиради нагрузкани нисбатан анаэроброк килади.

4. *Дам олиши характеристи* (актив ва пассив) хусусан паузаларни бошка, қўшимча фаолият турлари (енгил-трусцой югуриш - асосий масофа оралиғидир ва х.к.) билан тўлдириш организмга асосий иш тури ва қўшимча қилинганини интенсивлигига қараб организмга турлича таъсир кўрсатади. Критикка яқин тезликлар билан ишлашда паст интенсивликдаги қўшимча иш нафас жараёнларини нисбатан юқори даражада ушлашга имконият беради ва шунга кўра тинч ҳолатдан иш ҳолатига, иш ҳолатидан тинч ҳолатга ўтишдаги кескин ўзгаришларнинг олди олинади. Ўзгарувчан методнинг асосий характеристири томонларидан бири ҳам асосан шундан иборатдир.

5. *Машқни такрорлашлар* (қайтаришлар) сони организмга нагрузкани таъсири кўламининг йигиндисини белгилайди. Аэроб иш шароитида такрорлашлар сонини ошириш юрак-томир ва нафас тизими органларини узок вақт давомида юқори даражада фаолият қўсатишга мажбур килади. Анаэроб шароитда эса қайтаришлар сонини ошириш эртами-кечми кислородсиз механизмларни тутатилишига олиб келади. Унда иш бажариш бутунлай тўхтайди ёки уни интенсивлиги кескин пасаяди.

Чидамлилик намоён қилишда нафас мухим аҳамиятга эгалиги маълум бўлди. Шунга кўра тинч, бир хил маромдаги ишларда асосан бурун орқали чуқур нафас олиш билан машқ, иш бажариш тўғрилиги амалиётда исботланган. Маълумки нафас, кўкрак, қорин, (брюшной пресс) ва аралаш мускуллар – диафрагма аралашуви орқали олинади. Кучли зўрикиш билан

бажариладиган фаолиятда максимал даражада ўпка вентиляциясини йўлга кўйиш учун (Н.Г. Озолин, В.В. Михайлов) оғиз орқали чукур нафас тавсия қилинади. Асосий эътибор нафас чикаришга қаратилиши, чунки ўпкадаги кислороди кам бўлган хаво янги хаво билан аралашиб кетмаслиги кескин ва чукур нафас чикариш тавсия қилинади.

Юқори малакали спортчиларда чидамлиликни тарбиялашда ҳозирги замон методикаси бирор машғулотни ўзидағина эмас, тренировка машғулотларининг йиллик циклида ҳам жуда катта ҳажмда иш бажаришни тавсия қилмоқда.

Масалан, машхур француз стайёри Аллен Мимун ўзини спорт каррераси йилларида жами 85 минг км юрган. Уни баҳолаш мақсадида ер шари айланаси-экватори 40 минг км эканлигини эътиборга олсан, Магелланни биричи марта уни айланаби ўтиши учун 3 йил сарфлаганлигини кўз олдимизга келтиришимиз лозим. “Спорт юруши” билан шуғулланувчилар битта тренировка машғулотида 100 км.гача масофани ўтадилар.

Чидамлиликни тарбиялашда фақат масофа узунлигини хисобга олиш нотўғри натижага олиб келишини унутмаслигимиз лозим. Чунки жисмоний тайёргарлиги юқори бўлган спортчи учун 800 м га югуришга 1.45.0 дан тез вакт сарфласа бу югурувчига қайд қилинган масофа спринт масофаси бўлиб хизмат қиласи. Янги ўрганувчи учун эса 3-3,5 мин ли муддат узок масофа ролини ўйнаши мумкин.

7.3. Тезкорлик сифати ва уни ривожлантириш усулияти

Тезкорлик деганда, индивид ҳаракатларининг тезлик характеристикаси, асосан ҳаракат реакциясининг вақтни белгиловчи функционал хусусиятларнинг комплекси тушиналади. Тезликни намоён бўлишининг учта асосий шакли бор:

1. Якка ҳаракат тезлиги (кичик ташки қаршиликни енгиш билан);
2. ҳаракатлар частотаси;
3. ҳаракатлар реакцияси тезлиги (яширин латент даври).

Тезкорликнинг энг содда шаклларининг намоён бўлиши бир-бирига алоқадор эмас. Айниқса бу реакция вақтига боғлиқ бўлиб, кўп ҳолларда ҳаракат тезлиги кўрсаткичлари билан **кореляция** қилинмайди. Тезликнинг намоён қилининишини қайд этилган учта шаклининг умумлашмасидан (кўшилмасидан) аниқлаши мумкин.

Масалан, 100 м га югуриш натижаси стартдан чиқиш реакцияси вақтига, алоҳида ҳаракатларнинг бажарилиши тезлиги (депсиниш, сонни тез тиклаб олиш қадамлар суръати) ва бошқаларга боғлиқ. Амалда яхлит ҳаракатлар (югуриш, сузиш) нинг тезлиги тўла ҳаракат актининг тезлигига боғлиқ. Бироқ мураккаб координацион ҳаракатлардаги тезлик факат тезкорлик даражасига эмас, балки бошқа сабабларга, масалан, югуришда қадам узунлигига, у ўз навбатида, оёқнинг узунлигига ва депсиниш кучига ҳам боғлиқдир. Шунинг учун **яхлит ҳаракат тезлиги** индивиднинг тезкорлигини қисман ифодалайди холос. Аслида тезкорликнинг энг содда шаклларининг намоён бўлаётганлигини таҳлил қила оламиз холос.

Кўпинча максимал тезлик билан бажарилаётган ҳаракатларда икки хил фазаси фарқланмоқда:

- а) тезликни ошириб бориш (тезланиш, олиш) фазаси;
- б) тезликнинг нисбатан стабиллашуви фазаси (стартдаги тезланиш).

Тезликни ошириб бориш қобилияти билан масофани катта тезлиқда ўтиш қобилияти – тезкорлик намоён қилишда бири иккинчисига боғлиқ эмас. Жуда юқори даражада стартдан чиқиш тезлигига эга бўлиб масофада тез югура олмаслиги ёки унинг аксича ҳам бўлиши мумкин. Сигналларга **реакция яхши** бўлгани ҳолда, **ҳаракат частотаси оз** бўлиши ҳам кузатилади.

Психолофизикавий механизмлар тезлик реакциясининг ҳарактерини турлича намоён бўлишига сабабчи бўлади. Тезлик намоён бўлишининг бундай ҳарактерини қисқа масофага югуришда аниқ кўришимиз мумкин. Стартни (вақт ҳаракетистикасига кўра) тез олиш мумкин, лекин тезликни масофада узоқ ушлаб турба олмаслигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Югуриш тезлиги ҳаракатни кўрсатилган ҳаракетистикаси билан нисбий боғлиқ холос. Тезликнинг намоён бўлишида югурувчи қадамининг узунлиги, унинг оёғи узунлигига, ўз навбатида, югурувчи оёқ мускулларининг ерга тираниш кучига боғлиқдир. Шунинг учун ҳаракат

реакциясининг вакт давомида намоён бўлишига қараб ўқувчининг спринтда ўзини қандай намоён қилишини башорат қилишимиз гоятда мушкул.

Тезкорлик сифатини бир машқдан иккинчи машқка “*кўчириши*” қоидада кузатилмаган. Унинг кўчиши машқларни бир-бирига координация нуқтаи назаридан яқин ўхшашалиги бўлсагина намоён бўлган, қолаверса индивиднинг машқланганлиги (шуғулланганлиги) канча юқори бўлса, бу кўчиш шунчалик паст даражада бўлади (Н.Г. Озолин, 1949; В.М. Зациорский, 1961). Шунга кўра, тезкорлик сифати хақида гапирганда, бу сифатни, тарбиялаш хақида гапирмай, инсон ҳаракатидаги аниқ тезкорлик хусусиятларини ривожлантириш хақида гапириш лозим.

Якка ҳаракат тезкорлигини ҳаракат актини биомеханиқ бўлакларга (қисмларга) ажратиб чегараланган ҳолда тавсифлашимиз мумкин. (масалан, депсиниш тезлигини аниқлаш керак бўлиб қолса, югуришда сонни тез кўтариб чиқа олиш орқали аниқланади). Айрим спорт машқлари турларида (масалан: улоқтиришларда) ҳаракат тезлиги мускуллар кучининг намоён бўлиши билан умумийлашиб (кўшилиб) кетади ва бу билан тезкорликни комплексли хусусиятини – **кескин ҳаракат** (резкостр)ни вужудга келтиради. Шунинг учун тезкорлик - куч талаб қиласидаган спорт турларида ҳаракат тезлигини ривожлантириш, айниқса, ташки қаршилиги юқори бўлган машқлар мускул кучини ривожлантирувчи восита сифатида рол ўйнайди.

Соф, тез бажариладиган машқлар эвазига тезкорликни ривожлантириши жуда қийин бўлиб, куч талаб қиласидаган машқлар орқалигина мускул кўзгалиши тезлигининг ошиши амалиётда исботланган. Куч имкониятларини ошириш вазифаси эса жуда сода ҳал қилинади. Кучни ривожлантириш тез ҳаракатлар шароитида ўтиши лозим. Бунинг учун **динамик зўриқини услубидан** фойдаланадилар: максимал куч билан зўриқиш ҳаракатни тўла амплитудада, энг юқори тезликда, шуғулланувчи учун меъеридан оз вазминликда юқ билан юзага келтирилади.

Циклик ҳаракатлар **ҳаракат частотасини** ифодалайди. Қўлларни максимал ҳаракати частотаси оёқларнидан юқори, оёқ қўл бўғинларининг ҳаракати частотаси тананинг бошқа аъзолари ва бошқа бўлакларидан юқори даражада бўлиши мумкин.

Ҳаракат частотасини ўлчаш қоида сифатида вактнинг қисқа интервали орқали олиб борилади. Спринт югурувчининг 100 метрга югуришдаги ҳаракат частотаси бир секундда бажариладиган қадамлари сонини санаш орқали аниқланади.

Ҳаракат частотаси ва шу билан бирга, цикли ҳаракатлар тезлигини ривожлантириш максимал тезликда бажариладиган машқларни бажариш орқали амалга оширилади.

В.П. Филиннинг (1970) исботлашича, спорт тренировкасининг бошларида тор йўналишдаги машқлар билан тезликни ривожлантириш салбий оқибатларга олиб келар экан. Бу метод билан натижга спринтда 1-1,5 секундгина яхшиланади холос. Бошланишдан умумжисмоний тайёргарликни

ошириб тор йўналишдаги тезлик сифатларини ривожлантириш ижобий натижга беради. Юқоридаги қоидага риоя қилиш билан чекланиб қолинса, тор йўналишдаги тезлик учун берилган машқлар тезлик тўсигининг (скоростной баръер) пайдо бўлишига олиб келади. Ана шу тезликка организмда рефлекс вужудга келади, бу эса **тезликнинг стабиллашуви** демакдир.

Ҳаракат частотаси ва ҳаракат тезлигини ривожлантириш учун такрорлаш, такрорий - ошириб бориш ва ўзгарувчан машқ қилиш методларидан фойдаланилади. Бундай методларни кўллашда югуриш масофаси шундай танланадики, унинг охирида ва югурувчиинг такрорий уринишларида хам тезкорлик пасаймаслиги керак.

Максимал интенсивликда бажариладиган иш **анаэрөб** шароитда ўтади, шунинг учун дам олиш интервали уринишлар орасида кислородга муҳтожликни қондира оладиган даражада белгиланиши (ўрнатилиши) лозим. Уларнинг оралигини енгил югуриш, осойишта юриш ва бошқалар билан тўлдириш тавсия этилади.

Эмоционаллик ва қўзгалишнинг юқори даражаси тезкорлик имкониятларини намоён бўлиши учун шароит яратади. Бунда ўйин ва мусобака методлари (бу методлардан жисмоний тарбия методлари мавзусида танишамиз) мақсадга мувофиқдир.

Агарда ишни тез бажариш чарчашиб кўзга ташлана бошлагандага бажарилса, максимал тезкорлик эмас, тезкорлик чидамлилиги ривожланади.

Шуғулланувчининг ёши ва уларнинг индивидуал хусусиятлари тезликни ривожлантириш имкониятларини чегаралайди. Қизларда қулай ёш 11-12, ўғил болаларда эса 12-13 ёш хисобланади. Машқларни стандарт равишда такрорлайвериш ёшлиқданоқ “*тезликнинг тўсигини*” вужудга келтиради. Кичик мактаб ёшидагилар ҳаракатли ўйинлар, ўрта ва катта мактаб ёшида спорт ўйинлари, тезкорлик билан бажарадиган стандарт югуришлардан фойдаланиш фойдалериокдир.

Ҳаракат реакциясининг тезлиги. Индивиднинг қандайдир танланган сигналга, бўйрукка, овозга жавобан тезкорлигини тушунилади.

Ҳаракат реакцияси икки турга ажратилади: содда (оддий) реакция - бу кутилган сигналга олдиндан белгиланган ҳаракатлар орқали бериладиган жавоб.

Мураккаб реакция - танлай олиш реакциясидир. Олдиндан белгиланган ҳаракатни бажариш учун бир неча сигнал ичидан шартлангани танлаб олинади ёки бир сигналга олдиндан белгиланган бир неча ҳаракатдан келишиб олинганини бажариш тушунилади.

Ҳаракатланаётган объектга нисбатан реакция кўпинча ўйинларда, асосан спорт ўйинларида, спорт якка курашида масалан, ўйинчининг рақиби томонидан ёки шериги томонидан узатилган тўпни қабул қилиб олиш учун чиқиши. Мураккаб ҳаракат реакциясининг давом этиши вақти соддасидан – оддий реакциядан бирмунча узунроқ бўлади.

Содда реакция “күчши” (ўтиш) хусусиятига эга: агарда индивид (шахс) бирон-бир ҳолатда сигналга тез реакция қилса, бошқаларига ҳам ҳудди шунга ўхшаган шароитда тез реакция килиши мумкин. Қийин реакциялар хусусийлиги билан ажралиб туради. Агарда одам навбати билан иккى сигналга яхши реакция қилса, учта ва ундан ортиқ сигналларга ҳам шундай тез реакция киласи, дейишими兹 нотўғри бўлади.

Ҳаракат тезлиги реакциясини секундлар ва Милли секундлар билан ўлчанади. Тезликни ривожлантириш учун восита килиб, одатда, маҳсус машқлар танланмайди. Оддий ҳаракат реакцияси тезлик талаб қиласидан турли ҳаракатларни бажариш давомида ривожланаверади. Бунда ҳаракат реакциясини “күчиш”и (тезликнинг күчиши) кузатилмайди, яъни тезлик реациясини ривожлантириш билан ҳаракат тезлигини ривожлантириш қийин. Ҳаракат реакциясини ривожлантиришда турли-туман ҳаракатли, спорт ўйинларини восита сифатида қиммати юкори, аммо баскетбол уларнинг ичида етакчисидир.

Уни тарбиялашнинг *асосий методи* - пайдо бўлган, бўладиган сигналларга имкони борича тез реакция қила олиш.

Аналитик ёндошии методи, яъни енгиллаштирилган шароитда ва тезликда ҳаракатларни алоҳида ажратиб олиб тезликни ривожлантириш ҳам яхши натижалар беради.

Сенсамотор методиданҳам фойдаланилади (С.П. Геллер-штейн 1958). Унда интервал вақтини фарқлай олиш қобилиятини ошириш учун сигналларга реакция қилиш тезлигини ошириш машқ қилинади.

Мактабдаги жисмоний маданият дарсларida реакция қилиш вақтини олдиндан шартлашилган турли-туман сигналларга реакция қилишни талаб қилувчи (масалан, тўхталишлар билан бажариладиган эркин югуришлар ёки ўқитувчи сигнали, буйруғи билан югуриш йўналишини ўзгартириш) машқларни ёрдамида ривожлантирилади. Спорт ўйинлари реакция қила олиш ва уни тарбияладиган энг яхши воситадир.

7.4. Эгилувчанлик ва уни ривожлантириш усулияти

Эгилувчанлик – жисмоний фазилат бўлиб, харакат таянч аппаратларининг морфофункционал хусусиятлари демакдир. Бу хусусиятлар шу аппарат звеноларининг харакатчанилиги, унинг максимал амплитудаси (оғиши, эгилиши, буқланиши, чўзилиши, қайишқоқлиги, буралиши ва ҳоказолар) билан ўлчанади.

Эгилувчанлик **актив, пассив** бўлиши мумкин. Мускул кучи эвазига бўладиган эгилувчанлик актив; ташқи қаршиликни инерция ёки оғирлиги эвазига ташқи таосир кучи ва ҳоказолар ҳисобига намоён қилинадиган эгилувчанлик пассив эгилувчанлик дейилади.

Эмоционаллик кўтаринки кайфият ва бошқалар эгилувчанликнинг намоён бўлишига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши амалиётда исботланган. Эгилувчанлик чегараланади унда чўзиладиган мускулларнинг кўзгалувчанлиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки унинг табиатида чўзилаётган мускулларни химоялаш, саклаш хусусияти мавжуд. Чўзилаётган мускулларнинг эгилувчанлиги ортиши билан уларнинг кўзгалувчанлик ҳолати юкори даражага кўтарилади. Бунда чўзилувчан мускулларнинг фаолияти маълум даражада пасаяди.

Эгилувчанликни намоён бўлиши ташки муҳит температурасига ҳам боғлиқ. Температуранинг ортиши билан эгилувчанлик ортиб боради. Эрта тонгдан тунгача бўлган вақт, бошка жисмоний сифатларга қараганда, эгилувчанликка кўп таъсир қиласи. Масалан, эрталаб эгилувчанлик анча камайган бўлади. Машғулот вақтида эгилувчанлик турли шароитлар (харорат, куннинг вақти) таъсирида ўзгаришини эътиборга олиш лозим.

Эгилувчанликни ёмонлашувига олиб борадиган нокулай ҳолатларни, чигал ёзиш (разминка) машқлари ёрдамида мускулларни қизитиш билан бартараф этиш мумкин. Эгилувчанлик чарчашиб таъсирида сезиларли ўзгаради, **актив эгилувчанлик кўрсаткичлари** эса ортиб боради. Болалар катталарга қараганда анча эгилувчан бўлади, деган фикр уччалар тўғри эмас. Бу фикри бошқачароқ – болаларда эгилувчанликни тарбиялаш катталарга нисбатан осонроқ кўчади, деб тушунсак тўғрирок бўлади. Актив эгилувчанлик бевосита мускул кучи билан алоқадор. Лекин кучни ривожлантирадиган машқлар билан шуғулланиши бўғинларда харакатчанликни сусайтириши, чегаралаш мумкин.

Лекин бундай салбий таъсирни енгиш мумкин. Эгилувчанлик ва кучни ривожлантирадиган машқларни мақсадга мувофиқ қўшиб олиб бориши йўли билан эгилувчанлик жисмоний сифатини нормал тарбияланишига эришиш мумкин.

Жисмоний тарбия жараёнида эгилувчанликни мумкин қадар меъеридан ортиқ ривожлантириш салбий оқибатга олиб келиши мумкин. Зарурый ҳаракатларни имконият даражасида эркин бажарилишини таъминлайдиган ҳолатда ривожлантириш, унинг меъёри эса ҳаракат бажариладиган максимал амплитуда-дан ортмаслигига эришиш,

эгилувчанлик заҳирасини бойитишга олиб келади. Эгилувчанликдан келиб чиқадиган гипертрофия, бўғинларнинг анатомик тузилиши доирасида ривожланиш ўзини окламайди, чунки у ривожланишнинг гармониясини бузади, педагогик мақсадларга зид келадиган ҳолга келиши мумкин. Умуртқа поғонасининг тос сон ва елка бўғинларининг харакатчанлигини тарбия жараёнидаги аҳамияти бекиёсdir.

Эгилувчанликни ривожлантириши учун максимал ҳаракат амплитудасидаги чўзиш, эшиш, буқлана олишни оширадиган жисмоний машқлардан фойдаланилади. Улар икки гурухга (актив ва пассивга) бўлинади.

Актив ҳаракатларда бўғинлардаги ҳаракатчанлик шу бўғиндан ўтадиган мускулларнинг қисқариши ҳисобига рўй беради, пассив ҳаракатлarda ташки кучлардан фойдаланилади.

Актив машқлар бажарилиш характеристига кўра бир-биридан фарқ килади. Улар *бир фазали ва пружинасимон* (кетма-кет, икки-уч маротабалаб энганиши) *машқлар*. Уларга тананинг маълум аъзоларини ёки унинг бир қисмини тебратиш, силташ (маҳлар)лар, охириги ҳолатини ушлаш (фиксия), қаршиликларни енгиз, оғирликдан фойдаланиш машқлари.

Булардан ташқари *максимал амплитудада бажариладиган ҳаракат давомида танани қимирлатмай ушлаши билан* (*статик ҳолатда бажариладиган машқлар ҳам* шу гурухга киради).

Пассив статик машқларда гавданинг ҳолати ташки кучлар ҳисобига сақланади. Бу актив эгилувчанликни ривожлантириш учун динамик машқларга қараганда самарасизроқ, лекин пассив эгилувчанликни тарбиялашда юкори кўрсаткичларга олиб келиши мумкин. Мускулларнинг чўзилувчанлиги нисбатан кам бўлади. Агар би ҳаракатда уларнинг узунлигини ошришга ҳаракат қилинса, унинг натижаси жуда паст бўлади. Бироқ машқларни такрорлайвериш машқ қилиш орқали улар қолдиранг натижалар йиғилиб, амплитуданинг ортиши жуда сезирали бўлади. Шунинг учун эгилувчанликни ошириш машқлари сериялар билан, ҳар бирини бир нечта марта қайтариб бажариш билан ривожлантирилади ва шундай қилиш ҳам зарур.

Сериядан серияга ўтган сари ҳаракат амплитудаси катталаштирилиб борилади. Ҳар бир машғулотда чўзилувчанлик машқларини оғриқ сезгунча бажариш тавсия этилади. Оғриқ пайдо бўлиши билан машқ амплитудаси чегараланади. Агар машқларни ҳар куни системали бир ёки бир неча марта бажарилса, уларнинг фойдаси кўпроқ бўлади. Агар эгилувчанликнинг эришилган даражасини сақлаб туриш мақсад қилинса, камроқ машқ қилиш, яъни машғулотлар сонини озайтириб бориш мумкин. Бу машқларни мустақил топширик сифатида уйга вазифа қилиб бериш самара беради. Дарсларда бу машқлар асосан дарснинг асосий қисми охирига, чигал ёзиш вақтида ва асосий бўлмаган машқлар орасидаги интервалларда бажариш тавсия қилинади. Эгилувчанлик машқларини бажаришдан олдин мускулларда енгил

тер пайдо бўлгунча чигал ёзиш машқларини бажариш зарур. Бу машқлар ҳисобига эришилган ҳаракатчанликнинг ортиши нисбатан узоқ давом этмайди - хона температурасида 10 минутча сақланади. Иссиклик тарқалишини камайтириш (иссиқ кийим кийиш) билан, бу вақтни маълум даражада ошириш мумкин.

Болалик ва ўсмирилик ёшида эгилувчанликни ривожлантириш осон бўлгани сабабли 10-15 ёшдагилардан бошлаб бу сифатни ривожлантиришни режалаштириш самара беради.

7.5. Куч ва уни ривожлантириш усулияти

Ҳар қайси индивид ташқи таъсир ёки қаршиликни енгиш учун ўз жисмидаги маълум сифатни намоён қиласди. *Ташқи таъсирга қарши мускул зўриқиши орқали ҳаракат фаолияти - шахснинг кучи, унинг куч қобилияти деб атаси қабул қилинган*. Шуғулланувчи машғулот пайтида ўз танаси тинч турган ҳолдан спорт снарядига (улоктиришда), ўз танасини ҳаракатлантириш массадида (гимнастика машқлари ва бошқалар), айлантириш, силжитиш, кўтаришга интилса, айрим ҳолларда унинг тескариси, тананинг ўзи, ёки уни билагига ташқи куч таъсир этиши билан унинг статистик ҳолатини бузиб ўз гавдасини олдинги (дастлабки) ҳолатини ушлаб туришга уринади. Боксчининг рақиби муштининг зарби, курашчини рақиби томонидан куч ишлатиб уни танасини айрим бўлакларини эгишга дош бериши тана ҳолатини ўзгартирмаслик орқали рўй беради. Бунда шуғулланувчи ва унинг рақиби маълум даражада қаршиликларни, оғирликларни енгиш ва кўтаришда маълум даражада куч сифатини намоён қиласди.

Илмий тушунча тарзида куч имконияти борича ўзининг аниқ таърифига эга бўлиши ва фарқланиши лозим:

1) ҳаракатнинг механик характеристикиси сифатидаги куч (“танага «т» массасидаги «F» кучининг таъсири...”);

2) инсон жисмидаги жисмоний сифат тарзидаги куч (масалан, “ёшнинг улгайиши билан кучнинг ривожланиши; спортчи кучини спорт билан шуғулланмайдиганларга нисбатан кўп бўлиши...” ва х.к.).

Бу сифатнинг психофизик механизми мускул зўриқишининг бошқарилиши (регуляцияси) ва уларнинг иш тартиби (режими) билан алокадор. Мускулнинг таранглашиши инсоннинг кучини намоён бўлишига олиб келади.

Рухий озуқа олиши ва ҳаракатни маълум тизимда бажариш марказий ҳамда преференсияларни системаси, хусусан, нерв марказларидан мускулларга келаётган сигналларга ва мускулларнинг ўз хизмати ҳолатига боғлиқ. Умуман, мускул таранглиги – зўриқиши (куч намоён қила олиши) қўйидагиларга караб аниқланади;

1) марказдан мускулларга келаётган кўзғалишларнинг частотасига (частота қанча катта бўлса, мускул шунчалик зўр даражада ўзининг таранглигини оширади) кўра;

- 2) зўрикишга кўшилган харакат бирлигининг сони билан;
- 3) мускулнинг кўзгалувчанлиги ва ундаги қувватнинг манбаи миқдорига қараб.

Мускул куч намоён қилиши уч хил режимда зўриқади:

а) ўзининг узунлигини ўзгартирмай (статик, изометрик режимда).

Тананинг турлича ҳолатларда (позалар)да ушлаш ва ҳ.к.лар билан;

б) мускул узунлигини камайишига хисобига, бардош бериш билан (миометрик). Зўрикиш бирдай – ўзгармай туради, бундай режим циклик ва баластик ҳаракатлардаги мускул қисқариши фазалари эвазига содир бўлади;

в) мускулни чўзиш вақтида унинг узайиши хисобига (ён бериш, **бўши
келиши-плиометрик**) куч юзага келади. Ўтириб туриш, улоқтириш, депсинишда мускул қисқариши орқали шу куч намоён бўлади.

Бардош бериши билан, ён бериши, бўшашибтириши билан куч намоён қилишини динамик режимдаги куч деб атаси қабул қилинган. Шундай килиб бундай шароитларда максимал кучни кўлами турлича қайд қилинган куч намоён қилишнинг асосий хиллари куч қобилиятининг классификацияси сифатида қабул қилинган.

Куч қобилияtlарининг турлари мускул зўрикиши тартибининг комбинациялаштира олиш характеристига қараб фарқланади. Статик режимда ва секинлаштирилган ҳаракатларда намоён бўладиган **шахсий-куч қобилияtlари ва тезлик-кучи** хисобига содир бўладиган куч (динамик куч), тез бажариладиган ҳаракатларда кўлланилади. Бошқачасига буни **шиддат** (портлаш) **кучи** дебҳам аталади. Бунга қисқа вақт ичидаги энг кўп даражада куч намоён кила олиш қобилияти деб қаралади. Портлаш кучи сакрашларда депсиниш орқали сакровчанлик тарзida намоён бўлади.

Мускулнинг ўта зўриқини оптималь йўналиши. Мускул кучи белгиланган фаолиятнинг йўналишига иложи борича яқинлаштирилиши, мослаштирилиши лозим. Масалан, найза улоқтиришда зўр бериб танага тезлик беришимиз мумкин, лекин бу тезлик найзани улоқтиришдаги зарбга мосланмаса, сарфланган куч самараисиз бўлади, найза мўлжалланган траекторияда учмаслиги мумкин. Паст старт олишда тананинг оғиши 54 ва 72 градусли бурчак ҳосил қилгандан сўнг стартдан чиқишнинг самараси турлича бўлади. Ҳисоблашлар кўрсатмоқдаки, иккала оёқдан 180 кг куч билан депсиниш 72 градусдан старт олганда, кучнинг горизонтал йўналиши самарадорлиги 55,62 дан ошмас экан. Агар старт 54 градусда бажарилса, депсиниш кучи Самарадорли 105,80 кг бўлиши мумкин. Ҳаракат тезлигини ошириш, гавдага тезланиш бериш учун унга анчагина куч таъсир этилиши лозим. У қанчалик кучли бўлса, танани фазода тезланиши шунчалик қисқа вақт ичидаги тез вужудга келади. Лекин тезлик бирданига ошмайди. Бунинг учун куч анчагина вақт ичидаги таъсир этиб туриши зарур. Максимал тезлик олиш учун эса узоқроқ масофа лозим ва катта куч билан таъсир этиш фойдалидир. Оёқнинг тўпга тегадиган устки қисмини қанчалик оркага чўзиб тўп оралиғидаги масофа узайтирилиб оёқ кафтининг тўпга тегиш тезлиги

оширилса, тўпнинг зарби кучаяди. Йўлнинг чегараланиши тезликни кучайишини сусайтиради.

Кучнинг таъсир этиш вақти қанчалик оз бўлса, ҳаракат тезлиги шунча юқори бўлади. Гавда қия чизик бўйлаб тезлик оладиган бўлса шунча кўп таъсир кучи керак бўлади.

Тўғри чизик бўйлаб ҳаракат тезлиги учун қия чизик бўйлаб ҳаракат тезлигига нисбатан таъсир кучи оз талаб қилинади.

Куч оширилишининг узлуксизлиги ва бирин кетинлиги. Бу қоида Ньютоннинг иккита (инерция ва тезланиш) қонунидан келиб чиқади. Энг катта куч ҳаракатни бошлаш учун, тинч (турғун) инерцияни енгиш учун керак бўлади.

Масалан, штангани кўкракка олишга ҳаракат бошлаш учун оёқнинг ва елканинг орқа мускулларидан, уларнинг кучидан фойдаланилади. Чунки уни тўхтатиш ёки тинч турган жисм энерциясини озгина бўлсада, ўзгартириш учун яна кўшимча зўрикиш талаф қилинади. Аслида бу зўрикишдан машқ тезлигини янада оширишда самарали фойдаланса бўлар экан.

Мабодо ядро тутишнинг қайсиdir жойида ҳаракатнинг озгина секинлаштирилиши ёки ушланишига йўл кўйилса, олдинги ҳаракатнинг фойдали эфектидан маҳрум бўлиб қолиш мумкин.

Ҳаракатларнинг узлуксизлиги ва давомийлиги техник тайёргарлиги юқори бўлган спортчиларда, айниқса улоқтириш, сакраш, сузишнинг барча турларида яққол кўзга ташланади ва ҳаракат самарасига таъсир қиласди.

Инсоннинг куч намоён қила олишдаги асосий фактор – мускул зўрикиши, лекин унинг танасининг массаси (вазни) ҳам маълум даражада роль ўйнайди. Шунга кўра, **абсолют ва нисбий куч** деб ҳам фарқланади. Биринчисида инсоннинг танаси вазнини ҳисобига олмай, қандайдир бир ҳаракатда куч намоён қила олиши тушунилса, иккинчисида, унинг тана вазнининг ҳар бир килограммига тўғри келадиган қилиб намоён қилинадиган кучнинг меъёри тушунилади.

Кучни ўлчали. **Абсолют куч** инсон динамометрияси кўрсаткичлари ва бошқаларга асосланаб, кўтара оладиган юк кучини намоён қила оладиган чегара тушунилади. **Нисбийси эса** абсолют кучнинг шахсий вазнига (тана оғирлигига) нисбати билан ўлчанади. Вазни турли хил, лекин бир хил даражада шуғулланганликка эга бўлганларда абсолют куч тана вазнининг ошиши орқали ортади, нисбий куч камаяди. Буни шундай тушуниш лозимки, тана вазнини кўшилиши билан унинг оғирлиги мускул кучига нисбатан ортиб кетади.

Қатор спорт турларида (масалан, улоқтиришда) ютуқ абсолют куч ҳисобигагина қўлга киритилади. Қайсики тана вазни чегараланадиган, вазн ҳисобига олинадиган турларда ёки тананинг кўп мароталаб ўрни алмаштирилиб туриладиган спорт турларида (масалан, гимнастикада) ютуқ нисбий куч билан қўлга киритилади. Кучнинг намоён бўлиши ҳаракатнинг биомеханик шароитига тўғридан-тўғри боғланган: елка суюгининг ва бошқа

гавда ричагининг узунлиги, мускуларнинг физиологик-йўғон ёки ингичгалиги, чўзилувчанлиги, чайир ёки мўртлиги ва ҳ.к. ларида эътиборга олиниади.

Кучни ривожлантириши методикаси ва воситалари. Кучни ривожлантириш учун юқори қаршилик билан бажариладиган машқлардан фойдаланилади. Улар икки гурухдан иборат:

1. **Ташқи қаршилик** билан бажариладиган машқлар. Қаршилик сифатида жисмлар вазни (гирлар, тошлар, штанга ва бошқалар), рақибининг қаршилигидан, ўзига ўзининг қаршилиги, бошқа жисмлар қаршилигига (пружинали эспандерлар, резинали бинт, маҳсус мослама станоклар) ташқи муҳит қаршилиги (кумли йўлкада, қалин корда югуриш ва бошқалар)дан фойдаланилади.

2. **Индивиднинг ўз танаси оғирлигини енгизи** билан бажариладиган машқлар (таяниб ётиб кўлларни тирсакдан букиш). Куч билан бажариладиган ҳар кандай машқлар ўзининг ижобий ва салбий томонларига эга. Оғирлик билан бажариладиган машқларнинг кулай томони шундаки, улар ёрдамида ҳам йирик, ҳам майда мускуллар гурӯҳига таъсир этиш осон ва уларни дозалаш қулай. Салбий томони шундаки, тезлик – куч талаб қиласидан ҳарактердаги ҳаракатлар тартиби тез бузилади (айниқса оғирлаштириб, вазминлигини ортириб, малол келиши тезлашадиган машқларда), дастлабки ҳолатда мускул таранглиги бир хил (статик ҳолат) ушланадиган машқларда, машқнинг ташкиланиши қийинлиги (маҳсус жиҳознинг кераклиги, метал жиҳознинг шовқини ва бошқалар) кўзга ташланади. Ўз-ўзига қаршилик кўрсатиш билан бажариладиган машқларнинг қулайлиги шундаки, қисқа вақт ичига катта дозада нагрузка бериш мумкин ва маҳсус жиҳоз ва инвентарни талаб қилмайди, лекин мускуллар эластиклигининг тезда йўқолишига олиб келади. Бундан ташқари, бу машқлар юқори нерв таранглиги (зўриқиши)да бажарилади, шунинг учун уларни соғлом, жисмоний тайёргарлиги талаб даражасида бўлган одамларга, ўз-ўзини назорат қилиш тизимли олиб борилиши тавсия этилади.

Кучни ривожлантириши методлари. Мускул кучининг ортиши, асосан уни ривожлантириш методларига боғлиқдир.

Максимал зўриқиши методи, яъни меъёрдаги ёки меъёрга яқин оғирликларни кўтариш (ўз вазнининг 90-95%), нерв мускул аппаратининг максимал сафарбарлиги ва мускул кучининг кўп бўлмасада ортишини таъминлайди. Аммо бу юқори даражадаги нервпсихик зўриқиши билан боғлиқ, айниқса, ўқувчилар кучини ривожлантиришда ноқулайлик туғдиради. Оз миқдордаги қайтаришлар модда алмашиниви ва бошқа пластик жараёнларни йўлга кўёлмайди, натижада мускул массаси ортмайди. Бу метод машқ техникаси устида ишлаш учун кийинчилик туғдиради, чунки меъеридан ортиқ нерв-мускул таранглиги нерв марказидаги қўзгалишни генерализациялашишига ва ишга ортиқча мускул гурӯҳларининг қўшилиб кетишига олиб келади. Ва ниҳоят, шуни ҳисобга олиш керакки, хатто етарли

даражадаги тайёргарликка эга бўлган спортчиларнинг нерв системаси яхши ривожланмаган бўлса, меърига яқин бўлган нагрузкалардан фойдаланиш методи мускул кучининг ортишида меъёр бўлмаган нагрузкалар билан машқ қилиш методи берган фойдани хам бермайди.

Меъёрга яқин бўлмаган (оз зўриқиши талаб қилинадиган) нагрузка билан машқ қилиши методида катта ҳажмда иш бажариш мумкин. Бу модда алмашинуvida маълум ўзгаришларга сабаб бўлади ва ўз навбатида, мускул массасининг ортишига олиб келади. Кучли зўриқишиз юклама билан бажариладиган машқлар ҳаракат техникасини аниқ назорат қилиш имконини беради, айниқса, бу янги ўрганувчи шуғулланувчилар учун қулай. Ўртacha нагрузка тренировка жараёнининг бошланғич этапларида катта бўлмаган юқори тикланишни ва қувват манбаларини қўзготади, қайсики, улар ҳисобига сифатнинг бир оз ўсганлиги кўзга ташланади. Айниқса, янги ўрганувчиларнинг шикастланишлари олди олинади. Шунинг учун меъёрга яқин ва ўртacha нагрузка билан куч талаб қиласидиган машқларни бажариш кучни ривожлантиришнинг асосий методи ҳисобланади.

Жисмоний тайёргарликнинг ортиши билан кўпроқ, меъёрдаги ва меъёрга яқин оғирликлардан фойдаланилади.

Меъёрга етмаган зўриқиши кўллаш ўз камчиликларга эга. Энергия сарфлашда меъёрдан ортиқ – мускул бутунлай бажара олмай коладиган даражада ишлаш самара бермайди. Кучни ривожлантириш нуқтаи назаридан айтарли аҳамиятга эга бўладигани асосан охириги ўринишлар бўлиб, толикиш ҳисобига ўта зўриқиши сусаяди, ишга кўпроқ ҳаракат бирлиги қўшила боради ва қўтарилаётган оғирлик меъёрига яқин бўла бошлайди. Лекин бу ўринишлар ярим шарлар пўстлоги функциясининг сусайланлиги фонида (холатида) бажарилади. Бундан ташқари, такрорлаш сонини кўп маротабалилиги шуғулланувчиларда бефарқлиликни уйғотади ёки фаолиятга муносабати салбийлашади, албатта, улар машқ самарасининг пасайишига олиб келади.

Ўқувчиларнинг ёшига хос хусусиятлар ўзгариши билан боғлиқ куч машқларидан машғулотларда, айниқса, дарсларда фойдаланиш имконияти чегарилланган. Кічик ва ўрта мактаб ёшида шахсий кучини ривожлантиришни ўта ошириб юбормаслик лозим. Машқлар тезлик кучини ривожлантиришга йўналтирилса машқдаги статик компонентлар чегараланишини аҳамияти мухимdir. Лекин уни бутунлай чиқариб ташлаб бўлмайди, чунки статик ҳолатларни кўллаш, айниқса, қоматнинг тарбиялашнинг етакчи воситалари ҳисобланади ва уни кўллаш Самаралидир. Ёш ўтиши билан бу машқлар кенгрок кўлланилади. Лекин албатта нафас олишнинг назорати кучайтирилиши керак. Чунки нафасни зўриқиши пайтида узокрок ушлаш, айниқса, кизларда салбий таъсирга олиб келиши, ҳатто уларнинг хушдан кетиб қолишларидек ҳолатлар содир қилиши мумкин.

Мактабда куч тайёргарлигини олиб боришдаги асосий вазифа тананинг орқа ва қориннинг томонини йирик мускулалари гурухини

ривожлантиришга йўналтирилиши, чунки қоматнинг шаклланиши шу мускулларга боғлиқ. Ривожланмайдиган мускул гурухлари – тананинг қийшиқ мускуллари, ҳаракат таянч аппарати мускуллари, соннинг орқа томони мускуллари ва ҳоказоларни ривожлантириш. «Алпомиш» ва «Барчиной» тести талаб нормалари таркибига киритилганлиги бежиз эмас.

Кучни ривожлантиришнинг типик воситалари: 7-9 ёшда жисмлар билан умумий ривожлантирувчи машқлар, қийшиқ ўрнатилган гимнастика скамейкаларига тирмашиб чикиш, гимнастика деворидаги машқлар, сакрашлар, улоқтиришлардир; 10-11 ёшдагилар учун – катта мускул таранглиги талаб қилинадиган жисмларни кўтариш билан умумий ривожлантирувчи машқлар (тўлдирма тўплар, гимнастика таёклари ва х.к.)да, уч усул билан вертикал канатга тирмашиб, енгил жисмларни улоқтириш ва бошқалар; 14-15 ёшда - тўлдирма тўплар, катта оғирликка эга бўлмаган гантеллар, канат (арғамчи) тортишдек куч талаб қиласидаган машқлар, тортилишлар, кўлда тик туриш ва бошқалар. Тўғри ўсмиirlарда оғирлаштириш максимал вазнга нисбатан 60-70%ни ташкиллаши лозим, бундан ташқари, машқларни мускул тўла бажара олмай қолгунгача бажариш бу ёшдагиларда қатъян таъкиқланади.

Қизлардан 13-14 ёшдан бошлаб талаб қилинадиган нагрузка болалар учун талаб қилинадиган нагруззкага нисбатан ўз танасиниг максимал вазни атрофида бўлиши, кўпроқ локал ҳолда мускул гурухларига куч машқлари, ташки оғирлаштирувчи сифатида гимнастика предметлари ёки оғир бўлмаган жиҳозлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Кучни ривожлантиришда мускул зўриқиши кўлами (тирик организм содир қиласидаги) икки факторга боғлиқ: а) орқа миянинг олдинги шохчалари мотонейронларидан мускулга борадиган импулслар; б) шартли равишда – мускулни ўзининг реактивлиги, яъни маълум кўзғолишларда жавоб бериш кучи. Мускулни реактивлиги уни физиологик кўндаланги, толаси йўғонлиги, уни кўзгала олиши даражаси ва бошқа тўзилишидаги бир қанча хусусиятларига, марказий нерв системасига, трофик адреналинсимпатик тизими орқали амалга ошириладиган таъсирига ва шу дақиқадаги мускул узунлиги ва бошқа ҳолатлар, факторларга ҳам боғлиқ. Мускул зўриқиши даражасини зудлик билан ўзгarterишида унга келадиган эфектли импулслар характеристи етакчи механизмлардан бири хисобланади.

Юқ (оғирлик) кўтариш билан машқланиш ўзининг универсаллиги билан қулий бўлиб, улар ёрдамида факат энг кичик мускуллар гурухигагина эмас, хатто энг йирик мускуллар гурухига ҳам таъсири этиш мумкин. Уларни дозалаш осон. Лекин бир қатор салбий хусусиятлари ҳам мавжуд. Оғирлик билан ишлаш машқларида дастлабки ҳолат мухим роль ўйнайди. У албатта юкни статик ҳолда ушлашни талаб қиласиди. Агарда юкни массаси оғир бўлса дастлабки ҳолатда туриш қийинлашади. Бу ўз навбатида ҳаракатни ҳал қилувчи фазасида дикқатни концентрациялашда қийинчилликни юзага келтиради. Бундан ташқари аҳамиятли массага эга бўлган снарядга бирданига

катта тезлик бериш қийин, хохлайсизми йўқми ҳаракатнинг биринчи қисми (бошланиши) секин бажарилади. Ҳаракат ритми мажбурий асталик билан ортиб борувчи бўлади. Бу ўз навбатида лозим бўлган мускуллар гурухига зўрикиш беришда қийинчиликларга сабаб бўлади.

Эгилиб яна асли ҳолатга қайтадиган жиҳозлардаги қаршиликларни енгиш билан машқланиш учун ҳаркатни охирига бориб зўрикишни ортирилиши характерлидир.

Ўз танаси оғирлигини енгиш билан бажариладиган машқлар одатда гавданинг таянч аппаратлари ёрдамида бажарилади. Бунда тананинг мускул аппарати куч намоён қилишда ютқазади, яъни бир оз таяниш (проксимал)дан юқори бўлмаган куч сарфлайди холос. Оқибатда қандайдир ҳаракатда тананинг шахсий вазни ёки унинг оғирлигига teng қаршиликни енгиш керак бўлса бу куч намоён қилиш нуқтаи назаридан анча енгил кечади. Масалан, деворга суяниб кафтга таяниб кўлда туришда кўллар тирсакда букиб тўғриланганда ўз вазни учун сарфланган куч шу вазнданги штангани кўтаришдан енгилроқ туюлади.

Жисмоний сифатлар инсонни маълум ёшдан навбатдаги ёш категориясига ўтиши билан табиий равишда ўзгаради. Бундай ўзгариш ёш билан боғлиқ бўлган **ривожланишилар ёки ўзгаришилар** деб тушунилади. Ёш билан боғлиқ жисмоний сифатларни ривожланиши нисбатан секин ва хотекис боради.

Жисмоний сифатларни ривожлантиришнинг асосида орга-низмнинг иш қобилиятини бошлангич даражасини ошириш мақсадида ошириб берилган юкламаларга жавоб бера олиши хусусияти унга жавобан реакцияси деб тушунилади. Организм жисмоний юкга ўзидаги мавжуд захираларини жалб қилиш оркали жавоб беради. Машқ бажариш давомида энергия ресурслари сарфланади, аста-секинлик билан чарчоқ ҳис қила бошланади. Чарчоқ ҳосил бўлган машғулотдан сўнг иш қобилияти пасайган ҳолда қолади, сўнг у аста секинлик билан тиклана бошлайди. Иш қобилиятини тикланиши иш бошлангунгача бўлган ҳолатга етиб уни ортиши давом этаверади (бу физиологик қонун), шундай қилиб организм энергия ресурсини сон жиҳатдан сарфланганини тиклаб улгуради. Бундай юқори тикланишда иш қобилиятини ошган фазаси вужудга келади. Бу фаза бир оз вақт ичida ушланиб туради ва сўнг дастлабки ҳолатга пасаяди. Шундай қилиб жисмоний машқлар билан шуғулланиш машғулотларидан сўнг организмни ҳолатида учта фазани қузатиш мумкин: *чарчаши, дастлабки ҳолат даражасигача тикланиши, иш қобилиятини дастлабки даражадан юқорироқ ортиши.*

Агарда кейинги машғулот чарчашиб фазасига тўғри келиб қолса чарчоқни устма-уст тўпланиши содир бўлиб у толишга айланади.

Шуғулланиш организмнинг энергия ресурсларини тикланиш фазасига тўғри келса иш қобилияти айтарли даражада ошмаслиги, иш қобилиятини юқори даражадалигига тўғри келса организм жисмоний юкга тайёрлиги, катта ҳажмда машқ бажаришни уddyалай олишлиги амалиётда ва фанда

исботланган. Шунга кўра тренировкалар организмни **юқори ииччанликка** эга бўлган фазаларда ўтказилса шуғулланганлик даражаси доим ўсиши кузатилмоқда. Масалан, куч талаб қиласидан машклар билан шуғулланиш машгулотларининг частотаси қатор факторларга, хусусан шуғулланувчиларнинг тайёрланганлигига боғлик. Тажрибада исботланишича шуғулланишни эндигина бошлаганларда машгулотларни хафтада уч маротаба ўтказиш, 1, 2 ёки 5 маротабали машгулотлар ҳам юқори самара берган, юқори малакали спортчиларда эса машгулотлар частотаси кўпроқ.

Шуғулланганлик факат тизимли машгулотлардагина ортади ва уни тўхтатиш билан шуғулланганликни кескин пасайиши кузатилади. Жисмоний тарбия жараённида танаффусларга йўл кўйилмайди. Чунки машгулотни ижобий эффекти йўқолади. **Ижобий эффект фони** (сояси) мухимdir. Заарали ўзгаришлар танаффуснинг 5-7 кунларида ёки кескин намоён бўлади. Мускул кучи озаяди, харакат тезлиги сусаяди, чидамлилик ёмонлашади.

Жисмоний тарбия жараёнининг – жисмоний сифатларни ривожлантиришнинг узлуксизлиги жисмоний камолотга эришиш учун оптимал шароит яратади. Нагрузкани интенсивлиги ва ҳажми, дам олиш билан шуғулланишни (нагрузкани) тўғри навбатлашувини тизимлилиги бўзилиши, жуда ҳам юқори ёки паст юклама танлаш, машгулотлардан кутилган натижага олиб келмаслигига сабаб бўлиши мумкин ва у амалда исботланган.

8-БОБ. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ТАЪЛИМИ, УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўқувчига билим беришда жисмоний тарбия таълими мухим ўринни эгаллайди. Бу жараёнда харакат фаолиятини ёки унинг маълум бўлагини бажаришга ўргатилади, жараён машқ қилиш – такрорлаш орқали амлга оширилади ва шуғулланувчидан шу харакат ҳақида назарий билимнинг шаклланишига, жисмоний сифатларни ривожлантириш – тарбиялашга олиб келади. Демак, жисмоний тарбия жараённида таълим маҳсус билимларни ва харакатни бажара олишни ўзлаштириш ва уни ўқувчига, шуғулланувчига узатишни уюштирилишини йўлга кўйишдан иборатdir.

Ўқитиши практикасида «харакат фаолияти таълими», «ҳаракатга ўргатиши», «харакат малакаси», «харакат кўникмаси», «назарий билим», «қила билиш», «тарбиялаш», «ривожлантириш» ва ҳоказодек атамалардан фойдаланилади ҳамда юкорида кайд қилинганидек **жисмоний маълумот** беришдек мақсадни амалга оширади.

«Ҳаракат фаолиятини (ёки жисмоний машқни) ўрганиши», нисбатан қисқа педагогик вазифадир. «Ҳаракат фаолиятини ўрганиш» (ёки жисмоний машқни ўқитиши) атамаси харакат фаолияти аниқ бўлиб унинг назарий билими ҳам берилганда қўлланилади. Ҳаракат фаолиятини ўқитиша ҳаракат малакаси шаклланади, кўникма вужудга келади, бир вақтнинг ўзида мувофиқ жисмоний ҳаракат сифатлари: куч, тезлик, чидамлилик, чакконлик, мускуллар эгилувчанлиги ва бўғинлар ҳаракатчанлиги ривожланади. Шу

сабабли педагогик жараёнда эътибор аниқ бир нарсага, таълимга – малакани шакллантиришга ёки ҳаракат сифатларини ривожлантиришга қаратилиши лозим.

Ҳаракат фаолиятини ўқитишнинг хусусиятлари. Ҳаракат фаолиятини ўқитиш жараёнида факатгина билим бериш ва тарбиялаш вазифалари кўшиб ҳал қилинмай, соғломлатириш хусусиятига оид вазифалар ҳам ҳал қилинади. Ҳеч қайси умумтаълим предметида бунчалар яққол намоён бўлмайдиган соғломлаштириш вазифаси ҳаракат фаолиятини ўқитишда ёркин намаён бўлади.

Ҳаракат фаолиятини ўқитишда билим бериш вазифалари ҳам ўзини хусусиятларига эга. Ўқув материалларини эгаллаш жараёнинг етакчи компоненти ўқувчиларнинг актив ҳаракат фаолиятидир. Уларнинг ўқув-мехнат фаолияти ҳаммадан аввал потенциал жисмоний куч сарфлашни талаб қиласди. Ўқувчининг ўқув фаолиятнинг айrim конуниятларини билиш, инсоннинг иш қобилиятынинг умумий конуниятларини хисобга олиш кераклигини тақазо этади. Индивиднинг иш қобилияти бир неча факторларга боғлиқ: авлодидан (ота-онасидан) мерос қобилиятлар, ҳаётий жараёнда тўплланган тажрибалар ва маълум белгиланган шароитда аниқ фаолиятни бошқара олиш. Бу факторлар қанчалар яхши ривожланган бўлса, инсон шунчалар катта ишчанлик (қобилияти)ни намоён қила олади.

Одатдаги шароитда инсон ўзининг иш қобилиятынинг бир қисмидангина фойдалана олади холос. Захирасидаги деб ҳисобланган бошқа қисми фақат ошириб кўйилган максимал талабларга жавоб беришда намаён бўлиши мумкин. Одатдагидан ташкари ташки шароит мухим резерв иш қобилиятынинг намоён бўлишига имконият яратибгина қолмай, одамнинг қобилиятни максимал мобилизация қила билишни тарбиялади. Максимал мобилизация қобилиятыни ривожлантириш, ўз навбатида, шароитга боғлиқ.

Ҳаракат фаолиятини ўқитишнинг иккинчи хусусияти ҳаракат малакалари тизимини шаклантириши ҳисобланади. Факат ҳаракат фаолияти тизимиғина ўқувчи жисмоний тайёргарлигининг характерини белгилайди. Мактаб ўқувчилари жисмоний тарбия дастуридаги ҳаракат фаолиятлари тизими ҳаётий амалийлиги принципига амал қилинган ҳолда шундай танлаб ажратилганки, уларнинг кўпчилигини кундалик турмуш амалиётда қўллаганлар ёки уларни кейинроқ қўллашлари мумкин. Тизимнинг амалиётда қўлланилиши учун ундан бир-бирини тақрорлайдиган ёки иккинчи даражали бўлган фаолиятлар чиқариб ташланган. Бу жараённи объективлаштириш учун ҳозирги кунда математик ҳисоблаш (статистика) услубиятидан фойдаланилмоқда. Улар ёрдамида ҳаракат фаолиятлари таркибидаги ўзаро боғлиқ бўлган ва бир бирига ўхшашиб элементлар миқдорининг ҳарактери ўрганилмоқда. Ўхшашиб элементлар миқдори ўқувчилар ёши ва жинсий хусусиятларининг чегарасини эътиборга олинмоқда. Масалан, 30 метрга югуриш 60 метрга югуриш билан

солиширилганда уни бошқа ҳаракат фаолиятлари билан кўп маротаба боғланишларга эга эканлиги ва шунинг учун у боланинг ривожланиши локомацияси (М.А. Годик, 1966) даражасининг умумлаширилган кўрсаткини сифатида қаралиши мумкин экан. Тирмашиб чиқиши ва мувозанат сақлаш машқлари эса бошқа ҳаракатлар фаолиятлари тизимиға нисбатан қарам эмас. Бошқача қилиб айтганда, бу фаолиятларнинг таъсири натижаси бошқа фаолиятларнидан юқори ёки паст бўлиши мумкин (К.Д. Бакунено, 1967).

Учинчи хусусияти – таълимни икки йўналишда амалга оширишда **ҳаракат сифатларини комплекс ривожлантириши** билан алокадорлиги.

а) ҳаракат малакаси ҳаракат сифатларини ривожланиши билан боғлиқдир. Энг аввало айнан ўша ҳаракат малакасига оид ҳаракат сифатлари ривожланади.

б) ҳаракат малакаси учун маҳсус хусусиятга эга бўлган ҳаракат сифатини ривожлантириш бир вақтнинг ўзида бошқа сифатларни ривожлантиришдан самаралироқ кечади.

Масалан: қисқа масофага югуришни ўқитишда тезлик ривожланади, лекин тезлик кучни, чидамлиликтини ва бошқаларни оптимал ривожлантиргандагина эфектлироқ ривожланади.

ҳаракат фаолиятларини ўқитишнинг самарадорлиги жисмоний билим ва жисмоний ривожланганлик даражаси кўрсаткичлари билан аниқланади. Билимлар тизими ва ҳаракат фаолиятларини эгалланишини тўғри ташкилланган педагогик жараён албатта жисмоний ривожланганлик кўрсаткичларнинг ошишига олиб келади.

Билим бериш вазифаларининг хал қилиниши тарбиявий вазифаларнинг амалга оширилиши билан органик бирлиқдадир. **Таълимнинг тарбиявий ҳарактери ҳақидаги тушунча жисмоний тарбиянинг асосий қонуниятларидан бири** тарзида юзага чиқмоқда. Маҳсус ташкилланмаган жараён сифатида жисмоний машқлардан фойдаланиш жараёни ҳеч қандай педагогик кимматта эга эмас, уларнинг тарбиявий таъсири тўлалигича педагогик жараённинг сифатига боғлиқ. Ўз давридаёқ П.Ф. Лесгафт мускулларни машқлантиришга инсон психикасига ва унинг интеликтига таъсир этувчи кучли восита деб караган.

Барча фанларнинг ўқитувчилари қатори жисмоний маданият ўқитувчиси хам тарбия жараёнида тарбиянинг барча элементлари комплексини ўз тизгинида ушлаб туришга одатланиши лозим. **Тарбиянинг умумий вазифалари ҳал қилинishiiga ўқув фани ўз таъсирини ўтказмай қолмаслиги мутахассисларга аёнлигига қарамасдан, жисмоний тарбия учун ҳарактерли бўлган айrim хусусий вазифаларни ҳам олдинга суради:**

- жисмоний машқлар билан шугулланишига одатлатириши. Бу одат, айниқса, ҳозирги замондошимиз учун зарур. Кам ҳаракат қилиш, организмга жисмоний юкнинг камлиги, ҳаракат фаоллигининг суслигини енгиш

муаммосини ҳал қиласы, мустақил жисмоний машқ билан шуғулланиш машғулоти учун вакт топишига ўргатади;

- **жисмоний қийинчиликтарни енгизини ва мардонаворлыкни тарбиялаши.** Күпчилик ҳаракат фаолиятини ўзлаштириш маълум даражадаги ҳавф, таваккалчиликни, максимал жисмоний ва психик зўричишни талаб қиласы, аҳамиятли даражадаги нагруззани организм сарфлаган энергияси тикланиб улгурмаган фонда бажара олишига чидаштг ўргатади;

- **гигиеник малака ва одатларни тарбиялаши.** Жисмоний машқларнинг самарадорлиги асосан гигиеник омиллардан тўғри фойдаланиш билан боғлик. Ҳаракат фаолиятларини ўқитишнинг жараёни иш режимига риоя қилишни тарбиялаш, овқатланиш, уйку, тана ва баданини парваришлаш, кийим-бош ва бошқаларни ўз ичига олади;

- **ўқувчилар орасида ўзаро муносабатларни тўғри шакллантиришига эришиши.** Чунки ҳаракат фаолиятларини ўзлаштириш, такомиллаштириш коллективчиликка таяниб муносабатларни ташкиллаш эмоционаллик билан алоқадор. Шуғулланувчиларнинг, айникса, турли жинсдагиларнинг юқори даражадаги ўзаро ёрдами ёки рақиблик орқали алоқаси, дўстлик, ўртоқчилик, ўғил болалар ва кизлар орасидаги юқори ахлоқий муносабатларнинг шакилланишида бебаҳо воситадир;

-**ҳаракат фаолиятлари давомида мустақилликни тарбиялаши.** Ўқувчиларнинг спорт зали ёки спорт майдонида ҳаракатланишига нисбатан мустақиллик бериш, бир томондан, ўқувчиларнинг ўз-ўзларини бошқаришига имкон берса, иккинчи томонидан, ўз фаолиятига жавобгарликни хис қилиш учун шароит яратади, ўз ҳаракат активлигига онгли муносабатни ва уни амалга ошириш усулини ўйлашга ўргатади;

- **умумий ва хусусий тарбиясий вазифаларни ҳал қилиши** ўқитувчи билан ўқувчини юқори даражадаги ва хусусий алоқаси (ўқитувчининг коммуникативлик компоненти) шароитида амалга оширилади.

Тарбия вазифаларини таълим жараёнида тўлақонли амалга ошириш учун уни тизимли равища **билим олиши вазифаларини** ҳал қилиш билан кўшиб олиб борилмаса, кутилган натижага эриша олмаслик амалиётда исботланган.

- **согломлаштириши вазифалари** ҳаракат фаолиятларини ўқитишда жисмоний тарбиянинг барча воситаларини комплекс равища кўллаш орқали ҳал этилади.

Таълим жараёни тиббий кўрик (назорат) хулосаларига мувофиқ дифференциаллаштирилади ва **ўқувчилар асосий, тайёрлов** ва **маҳсус тиббий** гурухлар деб номланувчи гурухларга ажратилади.

Ўкув материали мазмуни ва унинг ўқувчиларга берадиган **жисмоний юкламаси** уларнинг ёши, жинси ва жисмоний тайёргарлигига қараб катоий **дифференциаллаштириши** лозим. Бу талабнинг бузилиши факатгина ўкув материалини ўзлаштираслигигагина олиб келмай, ўқувчининг саломатлигига ҳам катта птурт етказиши мумкин.

Ўзлаштириш жараёнининг ўзида, хатто энг қоидали қилиб уюштирилган таълимда ҳам, **жароҳат олиш ҳавфи мавжуд**. Бу табиий равишда, ўқитувчидан жисмоний машқ билан шуғулланиш жойини жуда ҳам пухта тайёрлаш, ўқувчилар фаолиятини ташкиллашдаги уюшқоқликка риоя қилиш ва ўқувчига ёрдам бериш ёки уни ҳавфсизлигини таъминлашга (страховка) тайёрликни, доимо хушёргликни талаб қиласи.

Таълимнинг самараасига **ташқи факторлар** (спорт анжомлари ва жихозларнинг соз бўлиши), соғломлаштириш вазифаларининг ҳал қилиши (машғулот жойининг тозалиги, ҳаво ва бошқалар) **аҳамиятли даражада таъсир** қиласи.

Ҳаракат фаолиятларини ўқитишининг юқорида қайд қилинган хусусиятлари ўқитувчидан психолого-физиологик билимларнигина талаб қилиб қолмай, юқори даражадаги анатомофизиологик ва методик таёргарликка оид билимларга эга бўлишни тақазо этади.

8.1.Ҳаракатларни уddyалай олиш қобилияти ва ҳаракат малакаси

Жисмоний тарбияга хос бўлган кўп қиррали вазифаларнинг барчаси ҳаракатни бажара олиш (қила олиш) ва ҳаракат малакасининг шаклланишига боғлиқdir. Бу жараёнга хос қонуниятларни билиш ҳаракат фаолиятларини ўқитишининг барча этапларидаги мазмунни тўғри ва рационал бўлишини, ҳаракат фаолиятларини эгалашдаги нотекисликларга бар ҳам беради ва таълим вариациясини йўлга кўйиш учун имконият яратади, дарслар тизимини нисбатан талаб даражасида тузиш, тайёрлов ва йўлланма берувчи машқлардан самарали фойдаланиб малаканинг ижобий ва салбий кўчишини таъминлайди.

Таълим жараёнда ҳаракат фаолиятларини ривожлантириши. Ҳаракат фаолиятларини ўқитиш жараёнда тананинг у ёки бу қисми (бўлаги)да ҳаракатни бошқаришнинг ҳарактери ўзгаради, натижада ҳаракат фаолиятини эгаллашнинг даражаси ортади. Б.А. Ашмарин бу жараённи куйидагича ифодалаган:

8.1.1-жадвал

Ҳаракат фаолиятини ўқитиш

Ҳаракатни
қила билишни

Ҳаракат
малакасини

Олий
тартибда ҳаракат

Махсус
билимларга эга бўлиш

Ўқувчи (шуғулланувчи) махсус билимлар базасида ва тизимли машқлар натижасида ҳаракат фаолиятини бажариш учун белгиланган имкониятлар чегарасига етади, такомиллаштириш учун эса чегарасиз имкониятларга эга бўлади (олий тартибда ҳаракат қила билиш). **Ҳаракат фаолиятини эгаллашнинг уч босқичга бўлинини шартлидир.** Босқичларнинг стабил чегараларини мавжудлиги билим бериш вазафаларини белгилаш ва уни ҳал қилиш учун куладир.

Эски тажрибалар, билимларга таяниб қила билиш (қила олиш)нинг шаклланиши ҳаракат фаолиятини эгаллаш жараёнидан бошланади.

Ҳаракатни бажара олиш (қила билиш) – бу ҳаракат фаолиятининг ҳар бир бўлагига ўқувчининг дикқат эътиборини тўплаш (концентрациялаш) шарти асосида ўрганилаётган ҳаракат фаолиятидир.

Ҳарактерли аломатлари; – тўла, бир бутун ҳаракат фаолияти таркибидаги ҳаракатларни бошқариш автоматлашмаган ҳолда бажарилади. Натижада ўқувчининг онги ҳаракатнинг ҳар бир элементини қандай бажарилиши синтези билан ўта банд бўлиб, иш юқори даражадаги энергия сарфлашҳисобига – иқтисод қилинмай, аҳамиятли даражадаги чарчашиб дош бериш ҳисобига бажарилади;

-ҳаракат вазифасини бажариш усули стабил эмас (такрорлашларнинг мароми турлича). Бу босқичда ҳаракат вазифасининг осон, кўп энергия сарфламай ҳал этиш усули изланади.

-ҳаракатни қила билиш, ҳаракат фаолиятини биринчи ўрганаётганлар четлаб ўтадиган хатолардан ҳоли бўлган фаолият эмас. Тўғри, малакагача ўтиш даврининг узунлиги, даражаси турлича ва у ўқувчи қобилияти, таълим услубининг такомиллашганлиги, ҳаракат фаолиятининг тўла таркибининг осон ёки қийинлигига ва ҳоказоларга боғлиқ.

Аҳамияти. Ҳаракатни бажара олиш асосан ижодий изланишлар орқали, таққослаш, солиштиришлар, ҳаракатни бажариш усулларини баҳолаш, уларни бир бутун ҳаракат фаолиятига бирлаштириш бўлиб билим бериш учун катта имкониятларни очади. **Ҳаракатни қила билиши** ҳаракат фаолиятини эгаллашнинг шундай даражасики, характеристига кўра у барча йўлланма берувчи машқларга тенглаштирилади. Агарда улар стабиллашиб қолса, ўзлаштирилаётган ҳаракат фаолияти малакасининг шаклланишида муаммолар вужудга келишиига сабаб бўлади. Маълумки, тўла ҳаракат таркибидан ажратилган, изоляцияланган бўлак ўрганилаётган, тўла ҳаракат таркибиға кирганда маълум ўзгаришларга учрайди.

Ўрганилган ҳаракатни нисбатан доимий шароитда тизимли намоён қила олишини аста секинлик билан малакага айланишига олиб келади.

Ҳаракат малакаси – бу фаолиятининг шундай бажариш, қобилиятики, унда дикқат фаолиятнинг натижаси ва шароитига йўналтириб, унинг таркибиға кирадиган айрим ҳаракатларга нисбий эътибор билан бажара олишдир.

Малаканинг ҳарактерли белгилари:

1.харакат фаолияти таркибига киругучи алоҳида ҳаракатларнинг бажарилишига унчалар эътибор бермай бажарии. Бунга харакатни бажариш жараёни автоматлашувининг бошланиш ҳисобига эришилади.

2.ҳаракатни автоматлашган даражада бажарии ўқитиш – натижаси ёки ҳаётий тажриба амалиёти натижасидир.

3.ҳаракат фаолиятининг автоматлашган ҳолда бажарилишида онгнинг етакчи ролини инкор этиб бўлмайди. Ҳаракат малакаси шаклланишида фаолият мазмуни автоматлашмай айрим ҳаракатларнинг ижероси жараёни, айрим элементлар тузилиши (масалан: нерв-мускул жараёнларини координация қилиши муносабатлари, ҳаракат ва вегетатив компонентларнинг ўзаро алоқаси) автоматлашади.

4. **Ўқувчининг онги асосан ўзак компонентларга, шароитнинг ўзгариши ҳисобига ва ҳаракат вазифасининг ижодий ҳал қилиншига йўналтирилади.**

Заруриятга қараб ўқувчи, ўрганувчи хар бир ҳаракатнинг бажарилишини назорат қилиши мумкин, шунингдек, ижрога лозим бўлган ўзгаришлар киритиши ёки бошқа фаолиятни бажаришга ўтиб кетиши мумкин (масалан: кўлда ёки бошни ерга кўйиб туришда мувозанатни йўқотса, ўқувчи «групперовка» (ийишириниш) қилиб олдинга «перекат» қилиши мумкин).

5.**ҳаракат малакаси юкори тургунилкка эга.** Бу шуни кўрсатадики, бошқа шароитда ҳаракат фаолияти бажарилишининг бузулишига оз имконият бўлади (масалан: бошқа спорт зал, бошқа жиҳозлар ва хоказолар), ўқувчиларга одатланмаган кузатувларнинг таъсири (томашабинлар).

6.ҳаракат малакаси учун ҳаракатлардаги маълум тизимнинг мавжудлиги ва ўзига хослиги. Бу алоҳида ажратилган ҳаракатларнинг бир бутун ҳаракат фаолиятига ортиқча ҳаракатлар ушланишини йўқотиш билан бирлаштиришда ифодаланади. Ҳаракатларнинг аниқлиги ортади, уларнинг ритми такомиллашади, бир бутун фаолият кўрсатишнинг вақти қискаради.

7.ҳаракат малакаси шаклланиши анализаторлар функциясини қайта тақсимлаш билан кузатилади. Ҳаракат анализаторининг роли ортади, ҳаракат назоратида мускул ҳиссияти етакчи ахамият кассб этади. Сузувчининг сувни, футболчининг тўпни ҳис қилиши ва бошқалар.

Малаканинг физиологик механизми. И.М. Сеченов ва И.П. Павловларнинг илмий тадқиқотлари орқали эркин ҳаракатларни шаклланишининг физиологик механизмлари асосланган. Ҳаракат актини мускуллар билан бажаришни бошқариш вақтли алоқаларни вужудга келиши эканлигидир. Уларнинг асосида биринчи тартибдаги шартли рефлексларнинг, олий тартибдаги, манипуляцияли рефлекслар ва бошқаларнинг вужудга келиши ётади. Охирги рефлексларнинг ахамиятига катта эътибор берилади, чунки улар мерос бўлиб наслдан-наслга ўтмаган жавоб реакциялари билан боғлиқ.

Ҳаракат малакасининг шаклланиши жараёни шартли равишда **уч физиологик фазага** бўлинади, бунда гап ҳаракат фаолиятини қайтариш билан айнан боғлиқ бўлган физиологик фазалар устида боради холос.

I-фаза шартли рефлектор алокалари марказий нерв тизими қўзғалиш жараёнининг кенг иррадиацияси билан ҳарактерланади. Ташқаридан бу ҳаракат фаолиятининг ташки кўриниши (суратининг) яратилиши билан ифодаланиб аниқ бўлмаган ва кўпинча кераги йўқ ҳаракатлар ҳам қўшилиб бажарилиши орқали боради.

II-фаза шу билан фарқланадики, қўзғалишнинг ортиқчалилиги тормозланиши жараёни ривожланиши билан чегараланиб, марказий нерв фаолиятларининг вақт ва фазода аниқлигига эришиш билан кузатилади. Бунга ҳаракат фаолиятини нисбатан тўғрироқ бажариш, ортиқча ҳаракатларни йўқотиш мувофиқ келади. Аммо қўзғалиш ва тормозланиши жараёнининг ўзаро такомиллашмаган ҳолдаги ўрин алмашишларининг ҳали етарли даражада эмаслиги ҳаракатларда ортиқча зўрикиш, мускуллар таранглигини ошириб юбориши билан кузатилади.

III-фаза ҳаракатнинг динамик стериотипи шаклланишининг тугалланиши билан ҳарактерланади. Бу ҳаракатларни нисбатан такомиллашган даражада бажарилишига имкон беради. Малака юкорида айтилган барча белгиларига эга бўлиб боради.

Малаканинг стабиллашуви ва пластиклиги.

Ҳаракат малакаси шаклланиб бўлгандан сўнг унинг ривожланиши давом этади. Агар рационал тақрорлаш давом эттирилса, унда малаканинг яна ҳам такомиллашуви содир бўлади, уни стабиллашуви давом этади. Малакани нисбатан мослашувчанрок килиш учун уриниш давом этади ва афзал малака деб қараладиган тургунроқ, юкори темпиратура, шовқин ва ҳоказоларнинг таъсирига етарли даражада мослашувчан, керак бўлса, ўзгарувчан шароитда қайта шакиллантириш мумкин бўлган малакани яратиш имкони юзага келади.

Малака шаклланишининг аста-секинлиги ва нотекислиги. Ҳаракат малакаси аста-секин нисбатан узокроқ вақт ичида, қатор майдо янгиланишлар орқали вужудга келади.

Малаканинг нотекис шаклланишининг тўрт тури мавжуд:

1. Малаканинг “салбий тезлик” билан шаклланиши. Таълимнинг бирламчи этапида ҳаракат фаолиятини ўзлаштириш анча тез амалга ошади, кейинчалик унинг сифатини яхшилаш нисбатан суст боради. Бу йўсиндаги малакани шаклланиши ҳаракат фаолияти техникаси эгаллаш учун ҳарактерли. Ўқувчиларнинг ҳаракат фаолиятларини асоси осон ўзлаштиради, чунки мактаб жисмоний тарбия дастурига осон ҳаракатлар киритилган, унинг деталларини ўзлаштириш эса нисбатан узоқ давом этади.

2. Малаканинг “ижобий ва зудлик” билан шаклланиши. Бу шуни ифодалайдики таълимнинг биринчи этапларида малаканинг сифатини ўсиши аҳамиятли даражада бўлмайди. Сўнг у кескин ўсади. Малаканинг шу

кўринишидаги шаклланиши нисбатан кийин ҳаракат фаолиятини ўқитиш учун ҳарактерли, маълум вақт ўтиши билан ташқаридан сезилмай тўпланаётган сифат ўзгаришлари тўплами, ўзининг ҳаракат фаолиятини юкори даражада ўзлаштирилганлиги кўринишида намаён қиласди.

3. Малаканинг ривожланишини секинлашиви. Малака белгиланган маҳорат даражасига етганда, иккала кўринищдаги тезлик билан малакани шаклланиши содир бўлиши мумкин. Малака қанчалар такомиллашмаган бўлса, ўз навбатида, уни янада яхшилаш учун шунчалар катта педагогик маҳорат ва куч талаб қиласди.

4. Малака ривожланишининг ушланиши («плато»). Ушланиш икки сабаб орқали вужудга келиши мумкин:

- вақт ўтиши билан малаканинг сифат ўзгаришларига олиб келувчи организмдаги сезилмас даражада бораётган мослашув жараёнининг бориши;
- таълимнинг усулиятини нотўғрилиги ёки ҳаракат сифатларини етарли даражада ривожланмаганлиги орқали келиб чиқадиган сабаблар.

Агарда малакани ушланишининг сабаби тўғри аниқланса, уни енгиш ушланишини тезроқ ўтиши учун биринчи сабаб вақт, иккинчи сабаб ўқитишнинг восита ва методлари бўлиб, лозим бўлса уларни кескин ўзгаришиш керак бўлади.

Малаканинг сўниши. Ҳаракат малакаси барча шартли рефлекслар қатори, агарда мустахкамланиб турилмаса сўнади. Сўниш малаканинг кетма-кетлигига ўхшаш кетма-кетликда ёки унинг тескариси тартибида содир бўлади.

Малакани номоён қила олиш бошланишида сифат ўзгаришларига дарров олиб келмайди. Бу эса ўқувчиларни ўз кучларига ишонмай кўйишига сабаб бўлиши мумкин, айrim ҳолатларда бу фаолиятини бажаришдаги узулишларга олиб келиши мумкин. Сўнг ҳаракатларни аниқ диференциаллаш қобилияти йўқола бошлайди, ҳаракатлар оралиғидаги кийин координацион алоқалар бузила бошлайди, олдин кўп вақт сарфлаб эришилган техника ижросидаги индивидуаллик йўқолади. Ташқаридан бу ҳаракат фаолиятининг ёмонлашуви билан кузатилади. Масалан: улоқтиришда ёмон натижа, гимнастика машқларининг ижросида хатолар содир бўлади ва бошқалар. Машқ килишининг тўхтатиб кўйилиши бу ҳодисани янада сезиларли ҳолатда намоён бўлишига олиб келади. Ниҳоят, шуғулланувчи айrim кийин ҳаракатларни бажара олиш қобилиятини йўқотади. Тизимсиз машғулотлар малаканинг намоён бўлишининг сифати (**тез югуруш, баландроқ сакраш ва бошқалар**)га салбий таъсир этади ва ижро техникиаси тезда ёмонлашади. Лекин ҳаракат малакаси бутунлай йўқ бўлмайди. Унинг асоси жуда узок сақланиши мумкин ва қатор такрорлайверишлардан сўнг тез тикланади. Машқ қилмай кўйиш орқали одам эркин, катта куч сарфламай чиройли ва тез сузиш қобилиятини йўқотиши мумкин, лекин у њеч қачон ўз иш қобилиятини йўқотмайди. Maxsus изланишлар орқали В.В. Белиновични аниқланишича, конркида учишдек кийин координация талаб қилинадиган машқда 10-12 йил

конркида турмаган, юргулотнинг ўзидаёқ ўзининг эски малакасини тиклашлари мумкин экан.

Ҳаракат малакаси машқни такрорламай кўйиш орқалини ёмонлашмай, ҳаракат сифатларининг даражасини, организмнинг функционал имкониятларини пасайиши орқали ҳам содир бўлиши мумкин. Масалан, стайерларнинг ёши катталиги сабабли кислородни максимал сарфлашининг ёмонлашуви ҳисобига спорт натижаси пасаяди. Кейинчалик спортчи қачонлардир юқори натижага кўрсатган ҳаракат малакасини тўла йўқотиш мумкин.

Қари гимнастлар «мах» билан бажариладиган техник жиҳатдан енгил машқларни жуда осонлик билан перекладина, брусоядга бажарсалар, ҳалқада куч билан бажариладиган машқларни удалай олмайдилар.

Малакани қўчиши (ўтиши). Жисмоний тарбиянинг билим бериш вазифаларидан бири белгиланган ҳаракат малакалари тизимини яратишdir. Натижада бир вақтнинг ўзида ёки бирин кетин бир неча ҳаракат малакалари шаклланиб, бир-бирига таъсири кўрсатиши мумкин. Физиология нуткай назаридан малакаларнинг ўзаро таъсири алоқалари шундай жараёнки, бир вақтнинг ўзида ёки бирин кетин координацион структуралар ўзгариши юзага келаверади. Бир вақтнинг ўзида бир неча ҳаракат фаолиятига ўқитиш, масалан: дарслар сериясида ёки битта фаолиятни ўргатишида бошка малакаларни ҳам шаклланиши юз бериши мумкин.

Малакаларнинг ўзаро таъсири бир неча хил бўлади: **Малакани ижобий салбий қўчиши (ўтиши).** Ижобий қўчиш малакаларнинг ўзаро шундай муносабатики, унда олдин ҳосил бўлган малака кейинги, янгисини шаклланишига ёрдам беради. Жумладан, теннис тўпини улоқтириш малакаси граната улоқтириш малакасини ўзлаштириши осонлаштиради. Янги ҳосил бўлаётган малакалар ҳаётий тажриба ва ўқитиш натижасида ва аввал шаклланганларига таянади. Бунда олдинги шаклланганларининг тузилиши жиҳатидан ўхаш элеменлари янгисини шакллантиради.

Малакани салбий қўчиши. Олдин шаклланган малака янгисининг шаклланиши жараённида қўйинчиликларни юзага келтириади. Бу таълим жараённинг чўзилишига сабаб бўлади, жисмоний сифатларнинг ривожланишини орқага суради. Масалан, сувга сакровидан, гимнастдан спринтер тайёрлаш ёки курашчидан тайёрлашдек оғир жараённи айтиб ўтиш мумкин.

Жисмоний тарбия дастурларини ишлашда, ўкув жараённи режалаштиришда, йўлланма берувчи машқлар тизимини танлашда малакаларнинг ўзаро таъсири муносабатлари ҳарактерини ўрганиш ва ҳисобга олиш жисмоний машқларни классификациялашда кўл келади. Бу билан ижобий қўчишнинг фойдали эффектидан иложи борича самарали фойдаланиш ва салбий қўчиш элеменларидан огоҳ бўлиш малакаси шаклланиши жараёни осонлашади.

8.2. Ҳаракатни бажаришнинг олий мақоми

Шаклланган ҳаракат малакасини такомиллаштиришнинг энг охирги чегараси ҳаракат акти ёки ҳаракат фаолиятини бажаришининг олий мақоми дейилади. Унинг асосий вазифаси ҳар қандай шароитда шугулланувчи малакани эгаллашга ва уни такомиллаштиришга (ишлаб чиқаришда, турмушда, ҳарбий, спорт соҳасида) одатлантириш ва ўргатишидир. Факат шу ҳолдагина малака ўзининг амаллий қимматига эга бўлади. Мободо спорт залида; (майдонда) шугулланувчи ишонч билан баландликдан сакраб ўта олсаю, лекин ўша малакани табиий тўсиқлардан ўтишда амалиётда (ҳаётда) кўллай олмаса, бундай малаканинг қиммати паст бўлади.

Ҳаракатни олий тартибда бажара олиши – бу ўзлаштирилган, ўрганилган ҳаракатларни оз куч сарфлаб, сарфланадиган энергияни ўта иқтисод килиб турмушда аниқ кўллай олишидир.

Бундай ижро малакаси шаклланган ҳаракат малакаси асосида ва нисбатан юкори даражадаги маҳсус билимлар эвазига вужудга келади. Аслида таълимнинг (ўқитишнинг) пировард мақсади ҳам ҳаракатни олий тартибда бажара олишга ўргатишидир.

Ҳарактерли белгилари.

1. Олий тартибда ҳаракат қила олиш онгнинг хизмат фаолиятини юкори даражаси хисобидан, ҳолатни объектив таҳлили қила олиш, энг зарури вақт дифицитини эътиборга олган ҳолда малакани шундай қўллайдики, у албатта энг юкори самарага олиб келиши.

2. Ҳаракат фаолиятини ташкилловчи ҳаракат актларини автоматлашган ҳолда, онгнинг назорати остида, керак бўлса кўникмаган шароитда коррекция талаб килинганда ҳам бажарилиши.

3. Олий тартибдаги ҳаракатни қила олиш фактат тўла (бир бутун) ҳаракат фаолиятларини бажаришдагина намоён бўлиши.

Олий тартибдаги бажара олишнинг шаклланиши жисмоний тарбиянинг амаллий аҳамиятини ифодалайди, спорт маҳоратини оширишнинг резерви хисобланади. Ҳаракат малакаларига қўйилаётган талабларнинг ҳарактери бажара олишнинг олий тартибини уч турга ажратиш имконини беради.

Ўрганганидан, эгаллаганидан қила оладигандан, атроф мухитни талаблари билан мувофиқ, параллел ёки турли хил кетма-кетликда самарали фойдаланиш лозим бўлади. Масалан, югуриш малакасини табиий тўсиқлардан ошишда қўллаш.

Бир вактнинг ўзида икки ёки бир неча шаклланган малакалардан фойдалана олиш, масалан югуриб кетаётби улоктириш.

Икки ёки бир неча шаклланган малакалардан кетма-кет самарали фойдалана олиш. Масалан, думбалоқ ошишлардан сўнг мувозанат саклаш машқларини бажара олиш.

Ҳаракат малакасининг шаклланиши ва такомиллашиши конуниятлари ҳаракат фаолиятларини ўқитишнинг ҳар бир ҳолатида намоён бўлади. Лекин

унинг шакланиши, такомиллашиши ва сўнишининг давомийлиги (узунлиги) жуда ҳам турлича ва ўқувчининг қобилиятига, айниқса, малаканинг ўзига хос хусусиятларига, ўқитувчининг шахси ва таълим методикасининг такомиллашувига, ортиб бораётган ҳаракат тажрибаси ва ҳ.к.га боғлиқдир.

9-БОБ. ТАЪЛИМНИНГ ЖАРАЁНИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Ҳар кандай ҳаракат фоалияти ҳақида таълим бериш маълум вақтни талаб қиласди. Таълимнинг ҳар бир этапи ўзининг хусусий ва айрим етакчи тушунчалари билан таърифланади. Фақат вазифалар кетма-кет бўлсагина ўқитувчи таълим усулиятини тўғри йўлга қўйиши, шу қаторда таълим принципларини, тайёрлов ва йўлланма берувчи машқлардан фойдаланиши, усуллар ва усулиятларни мақсадга мувофиқ қўллай олиши мумкин. Таълим жараёнининг тузилиши–хусусий вазифалар, принциплар, воситалар ва усулиятларнинг ўқитиш этапларидағи ўзаро нисбати турғун алоқалари орқали вужудга келади. Ҳаракат фаолиятини ўргатиши жараёнида жисмоний тарбия таълимининг тузилишида деб қаралади. Таълим жараёнининг барча элементлари (хусусий вазифалар, йўлланма берувчи ва тайёрлов машқлари, усулиятлар ва бошқалар) ҳаракат фаолиятини ўргатишининг якуний вазифаси билан боғлиқ. Агарда якуний вазифа ҳаракат малакаси ёки олий тартибдаги ҳаракат малакасини шакллантириш деб қўйилса, унда таълимнинг тузилиши ҳаракат фаолиятини *танишиши*, *ўзлашиши*, *мустаҳкамлаши* деган шартли равишдаги учта *этапларга* ажратилади.

Таълимнинг уч этапга ажратилиши педагоглар амалиётида кўпроқ қўлланиб, ҳаракат фаолиятини нисбатан такомиллашган даражада эгаллашга имкон яратади. Лекин умумий жисмоний тайёргарликга оид айрим педагогик вазифаларини ҳал қилишда ҳаракат фаолиятини кўникмага айлантириш мақсад қилиб қўйилмайди ва таълим жараёнининг биринчи ва иккинчи этапларидан фойдаланилади холос.

Айрим ҳолларда таълимнинг этапларини ҳаракат малакаси фазалари билан алмаштириб қўйилишига дуч келамиз. *Фаза* – ҳаракат малакаси шаклланишининг (вужудга келишининг) шартли равишдаги биологик қонуниятларини ифодалайди. *Этаплар* педагогик жараёнининг шартли белгилари бўлиб жараёндаги педагогик ва биологик қонуниятларини акс эттиради ва унга таянади. Таълимнинг ҳар бир *этапининг узунлиги, давомийлиги* ҳаракат малакаси фазаларини шаклланишидек қатор факторларга: *шуғулланувчининг жисмоний тайёргарлиги, ҳаракат фаолиятининг қийинлиги ва бошқаларга боғлиқ*.

Таълим жараёнининг тузилишини ўзгармас деб бўлмайди. Бу жараён факат этаплар элементларнинг типик алоқаси бўлиб таълимнинг умумий қонуниятларини ифодалайди ва аниқ вазифаларга қараб алманишиши, ўзгартилиши мумкин. Лекин таълимнинг барча этапларида ўқитувчи

ўзлаштирилаётган фаолиятни ўқувчилар билан бирга таҳлил қиласи, баҳолайди ва хатоларни тузатади.

9.1. Ҳаракат фаолиятини таништириш этапи ва унинг мазмунини

Жисмоний тарбия таълим мининг ушибу этапдаги вазифаси – шуғулланувчиларда ўзлаштирилаётган ҳаракат фаолияти ҳақида лозим бўлган бирламчи тасаввурни ҳосил қилиш ва ўзлаштириш жараёнига онгли муносабатни шакллантириш билан фаоллик (активлик)ни ошириш ўқув вазифасини тўла англаш ва уни тўғри ҳал этиш қоидалари ва усулиятлари ҳақидаги тушунчани юзага келтириш.

Тасаввурни шакллантириш жараёни шартли равишда ўзаро узвий боғланган учта звенога бўлинади:

- а) таълимнинг вазифаларини англаш;
- б) унинг ҳал этувчи лойиҳасини тузиш;

в) ҳаракат фаолиятининг тўла, қандай бажарилиши лозим бўлса шундайлигича ёки уни ажратиб олинган қисмини бўлаганигини бажаришга уриниб кўриш.

Педагогик жараён шуғулланувчининг жисмоний, назарий тайёргарлиги даражасига қараб, ҳаракат фаолиятининг нисбатан осон ёки қийинлигини эътиборга олиб уни звеноларнинг ўзлаштиришнинг кетмакетлиги белгилашга йўналтирилади.

Ўқувчи таълимнинг вазифасини, аниқ ҳаракат акти ёки фаолиятини ўзлаштириш учун қўйилган вазифаларнинг барчасини, айниқса, айнан шу дарс учун қўйилган вазифани (масалан, баландликка сакрашда гавдага тезлик бериш ва бошқаларни) тушуниб этиш мухим аҳамиятга эга. Ўқувчи ўзлаштирилаётган ҳаракат фаолиятининг техникасининг асосини ва унинг звенолари таркибидаги етакчи ҳаракатларни ҳам англаб олган бўлиши шарт. Ҳаракат техникаси деталларини билиш, онгига етказиш таълимнинг бошқа этапларида амалга оширилади.

Ўқувчи томонидан таълимнинг вазифаларини ҳал этиш лойиҳаси тузилади ва ўз ичига ўқитувчининг йўл-йўрикларини, ўқувчи учун қўйиладиган вазифаларни ва уни тушунтира билиш, шаклланадиган билимлар ва ҳаракат тажрибалардан иборат педагогик жараён мазмунни киритилади. Айрим холларда асосий лойиҳага мослаб захира вариантидаги лойиҳалар ҳам тузилади. Масалан, пешонага ёки кўлга таяниб тик туришини ўргатишида ўқувчи фавқулотда мувозанатни йўқотса, ёки орқага йиқилиб кетса нима қилиши лозимлигини олдиндан режалаштирилган бўлади. Лойиҳанинг захира варианtlарини тайёрлаш ҳам асосий вазифалар таркибига киради, чунки таълим жараёни айрим ҳолатларда шуғулланувчининг ҳавфсизлигини таъминлаши нұктаи назардан ҳам уларни тақозо этади.

Ҳаракат фаолиятини бажаришнинг биринчи уринишларида бошлабоқ фойдаланаётган лойиҳа тўлдиришларни, айримхолларда эса тўла тузатишлар (корректив ўзgartиришлар) киритилишини талаб қилиши мумкин.

Ўзлаштирилаётган ҳаракат фаолиятининг техникасини осон-кыйинлиги ва унда шикастланиш ҳавфи даражасига қараб, ҳаракат фаолиятини бажаришга уриниш ёки биринчи маротаба бажариб кўриш муҳим ахамиятга эга. Машқ техникаси нисбатан осон бўлса, ҳаракат фаолияти қандай бажарилса шундайлигича бажариб ўрганиш кўлланилади. Бу билан ўзлаштирилаётган ҳаракат фаолияти хақида тўла умумий тасаввур ҳосил қилиш осон кечади ва тузилган лойиҳани тўғри, нотўғрилиги назорат қилинади. Ҳаракатни ўрганиш осон кечса таълим жараёнинг ўзгартиш киритилмайди, фаолиятни ўзлаштиришни шу метод билан амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Мабодо ҳаракат техникаси таркибидаги қандайдир деталга аниқлик киритиш керак бўлиб қолса, ҳаракатни ўша бўлганини ажратиб олиб ўша қисмини ўзини ўргатиш (ўқитиш) методини қўллашни самараси юкорилиги исботланган. Қийин ва ҳавфли машқларни ўрганишда, бўлакларга (қисмларга) ажратиб ўрганиш ҳаракат хақида тўғри тасаввур ҳосил қилишни тезлаштиради, ўқитишнинг самарадорлигини оширади. Тасаввурни ҳосил қилиш қийин кечса ўша машқ техникасининг ўз ичига олган *йўлланмана берувчи машқлар* танланади ва улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Айрим ҳолларда ўқувчидаги тасаввур ҳосил қилиш учун машқни бажаришда унга жисмонан ёрдам берилади. Ёрдам бериш анча самарали бўлиб, машқни ўқувчи томонидан чукурроқ хис қилишга олиб келади. Амалиётда шундай машқлар ёки ҳаракат фаолиятларини ўргатишга тўғри келади машқ бажарувчига ўқитувчи томонидан ҳеч қандай ёрдам бериб бўлмайди.

Таништириш этапида сўздан фойдаланиши ва кўргазмали хис қилиши усулиятлари нисбатан характерлидир. Ҳаракат фаолиятини *тўла* ёки *бўлакларга* ажратиб *ўқитишни усулиятидан* ҳам фойдаланиш мумкин (кейинги бобларда ўрганамиз).

9.2. Ҳаракат фаолиятини ўзлаштириш этапи ва унинг мазмуни

Таълим жараёнининг бу этапининг асосий вазифаси –ҳаракатни бажара олиш (ўрганиш), уни такомиллаштириш ва кўнглами вужудга келтиришини ўз ичига олади.

Бу этапнинг асосида ҳаракат фаолияти таркибида ажратиб олинган айрим ҳаракатларни ва ҳаракат фаолиятини тўлалигича, кўп мароталаб тақрорлаш, машқ қилиш жараёни ётади. Ҳар бир тақрорлаш ташки томондан бир хилдай кўринса-да, ҳар сафаргисининг мазмуни олдингисидан «тақрорлаш-тақрорлашсиз», «машқ қилиш машқ қилишсиз» тақрорлангандек бўлади. Айнан шундагина янги ҳаракат фаолиятининг шаклланиши мезони, пойдевори яширингандир.

Тақрорлаш жараёнини шартли икки босқичга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

а) ҳаракатни бажара олишнинг малакасини вужудга келтириш;

б)харакатни бажара олишни такомиллаштириш.

Малаканинг вужудга келиши босқичи малаканинг асосий вариантининг, бирламчи шаклланиши таъминласа, фаолиятнинг бажарилиши эса харакат малакаси пайдо бўлишининг техникасининг белгилари билан боғлиқ. Шу сабабли ўқитувчини харакат техникасининг асосини ва етакчи харакатларни ўргатиши, бажаришда мускулларнинг ортиқча таранглашиши, кераксиз харакатларнинг пайдо бўлишини олдини олиши, огохлантириши лозим бўлади.

Агарда янги харакат фаолияти олдин ўзлаштирилганларга ўхшаш бўлса, уни ўзлаштириш учун бир ёки икки уринишнинг ўзи кифоя. Чunksи стабил, муҳим координациявий механизмининг фонди, бойлиги қанча кенг ва кўп бўлса, ўқувчининг харакат тажрибаси шунча юқори бўлади ва осонлик билан янги харакат фаолиятини ўзлаштириб олади.

Харакатни бажаришнинг такомиллашган палласиҳаракат малакасининг асосий вариантларини шаклланиши билан харак-терланади ва харакат малакасининг айрим хусусиятлари хисобига рўй беради.

Нисбатан мураккаблик (қийинчилик) билан бажарилади деб ҳисобланадиган айрим харакатлар, уларнинг фазодаги аниқлигига қараб ва бажарish вақтининг даврига қараб бир оз бузилиши мумкин. Шунинг учун ўқитишнинг асосий вазифаси *харакат техникаси асосини мустаҳкамлаш бўлиб, унинг ижро-сиде стабилликга эришишдан иборатdir*.

Харакат фаолиятини ўзлаштириш этапида таолимнинг барча методларидан кенг фойдаланилади:

- сўздан фойдаланиш (тушунтириш, вазифа, кўрсатма бериш, буйруқ каби);
- кўргазмали ҳис этиш (воситали, воситасиз кўрсатмали-лик);
- амалий методлар: бўлакларга ажратиб ёкиҳаракатни бир бутунлигicha ўргатиш билан машқларни бажарish, ўйин ва мусобақа методлари.

Булар орасида амалий методлар асосий ўринни эгаллайди. Бу этапда асосан харакатлардаги ҳатоларни аниқлаш ва уларни тузатиш муҳимдир. Таолимнинг ютуғи ҳам ана шу муаммониҳал этилишига боғлиқ.

Харакат фаолиятини ўзлаштириши ҳатоларсиз ва ҳаракат-ларда ҳатоларни пайдо бўлиши (бошқариладиган таолим принципи, бажариб кўриш ва ҳатолар принципи) орқали амалга оширилади.

Ўқитишнинг бошқариладиган принципи ҳар қандай ҳато таолимга маолум маонода зарар келтиришини тасдиқлайди, шунинг учун ўқитишнинг барча шартларини (фаолият асосини мўлжалга олиб) қатоян деталлаштириш ва регламентлаштириш талабларни кўяди. Бажариб кўриш ва ҳатолар принципи эса унинг аксини, яни харакатнинг асосини коррекциялаш ва оптимал вариантини ахтаришни, айрим ҳатоларнинг табиий равшда мақсадга мувофиқлигини тан олади. Бу принцип фаолият натижалари, усулларни ҳижжалаб тушунтириш, таолим-нинг барча дидактик принципларига ва ўқитиш қоидаларига риоя қилиш лозимлигини инкор этмайди. Суний

равища хатоларга йўл қўйиш мабодо содир бўлса, ўқитувчи ва ўқувчининг зўр беришини йўққа чиқарадиган катта зиён ҳам эмас, деб таокидлади. Вазифани ҳал этишда ўқувчи хатолар орқали бориши керак. Образли қилиб айтганда, хато фойдали бўлиши лозим. Хатонинг асосий роли техника ижросини индвидуал-лаштиришдадир. Энг кенг асосга эга бўлган, мўлжал билан ўрганила бошланган ҳаракат фаолияти ҳам ҳатоларни инкор этмайди. Ҳар бир уриниш (проба) ҳам изланишдир. Изланишни эса хатосиз тасаввур этиб бўлмайди.

Таолимнинг иккала принципи ҳам муаммони ҳал қилишда турлича йўлларни эътироф этсада улар ҳаракат малакаси ва кўникмасининг вужудга келишига олиб келадиган психофизиологик мослашув моҳиятини инкор қилолмайди (Е.П. Илин, 1970).

Ҳатосиз ўқитишга интилиш, уларнинг пайдо бўлиш эҳтимолини камайтирумайди. Энг қулай шароитлар жисмоний тайёргарликнинг юкорилиги, ҳаракат фаолиятининг нисбатан соддалиги ва бошқалар ҳатоларни умуман содир бўлишини йўқга чиқариш мумкин. Таолим биринчи этапида ўргатиш **қоидада-гидек бажариб қўшии ва ҳатолар принципи**, иккинчисида **бошқариладиган ўқитии принципи** кўлланилади.

Шундай қилиб, тўғри кўлланилган таолим методлари ҳаракат фаолиятини эгаллаш жараёнида ҳатоларнинг юзага чиқишига йўл қўймаслиги ва бу билан таолимнинг самарадорлигини пасайтираслиги мумкин. Ҳатолар албатта мавжуд бўлади, уларсиз мумкин эмас, дейишга мутлақо ўрин йўқ. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳатоларига нисбатан бефарқлик уларга юзаки қараш, ҳатоларнинг камайишига салбий таъсир этиши, яна янги ҳатоларнинг пайдо бўлишига олиб келишини амалиёт тасдиқлаган. Айниқса ҳаракат малакаси шаклланишининг бошланғич этапларида машқни такрорлашлари давомида ҳатолар содир бўлади.

Малакани ривожлантирумайдиган, уни кўникмага айлан-шида самара бермайдиган ҳаракатларни хато ҳаракатлар деб қараш мавжуд. Айрим пайтларда булар ҳақиқатан ҳам хатоҳисобланса, бошқа пайтда хато категориясига кейинчалик такомиллашган, такомиллаштирилиши лозим бўлган ҳаракатларҳам киритилади. Умумий қабул қилинган «хато ҳаракатлар» деб аталмиш классификация ҳозирча тузилгани йўқ. Маолум дара-жада кенг тарқалган, амалда кўпроқ кўлланилаётган В.В. Беленович томонидан тузилган ҳатолар классификациясидан ҳозирги кунда кўпроқ фойдаланилади. Уларни аҳамиятига кўра хато тушунчаларни классификация деб ҳам аташ мақсадга мувофиқ бўлмай, жуфтланган, гурухланган, шахсий белгисига эга бўлган атамалар тўплами десак ҳам бўлаверади:

1. ҳаракат фаолиятидаги асосий (брұсряды «подоем разги-бом»ни бажаришда қўлни тирсақдан букиб қўйиш) **ва умумий асосий бўлмаган ҳатолар** (брұсрядаги машқларни бажаришда қоматнинг тўғри тута билмаслик).

Айримхолларда ўқитувчилар лозим бўлган натижаларга эришиш мақсадида биринчи гуруҳ хатоларни тўғрилайдилар у, умумий характердаги хатоларни назардан четда колдирадилар. Умумий характердаги хатолар мавжуд бўлса, ўкув материалининг шундай қисми такрорланиши керакки, унинг базасида навбатдагисини ўргатиш имконияти юзага келсин.

2. *Хусусий ва комплексли хатолар*. Ҳаракат малакасининг шаклланишини фазасида хусусий хатолар кам содир бўлади. Агарда бу хатолар жуда ҳам қўпол бўлмаса, ўқитиш жараёнида катта тўсик бўла олмайди. Одатда, комплексли ҳаракатларда хатолар кўпроқ кузатилади. Ҳаракат фаолиятини юзага келтирган ҳаракат актлари сабаб ва оқибат билан узвийликга эга. Шу сабабли хатолар ўзаро шартлашгандек: бирининг орқасидан иккинчисини келтириб чиқариши таолим жараёндаги кузатилган ходиса.

3. *Автоматлашган ва автоматлашмаган хатолар*. Автоматлашмаган хатолар кўпинча таълимнинг бошланғич этапларида учрайди. Ўқитиш методикасининг мувофиқлиги натижасида уларни тузатиш учнчалик қийин эмас, уларнинг кўпчилиги ўз-ўзидан йўқолиб кетиши амалиётда исботланган.

Автоматлашган хатолар нотўғри ҳаракатларни кўп маротабалаб тақрорлаш натижасида пайдо бўлади. Бундай хатолар ўта турғун бўлиб, уларни тузатишда маолум мураккабликлар юзага чиқиши мумкин.

Айрим ҳолларда ҳаракат фаолиятини тақрорлаш вактингча тўхтатилиши лозим бўлади, бу ўз навбатида, ярим шарлар пўстлоғидаги вақтли алоқаларнинг бир оз сусайишига олиб келади, сўнгра ҳаракат вазифасини хал қилишга янгича ёндашиш лозим бўлади. Автоматлашган хатоларни тузатишда, ўкувчи ҳаракатни тўғри бажаришга уриниб бир оз ноқулайлик сезади. Лекин бундай торлик аста-секинлик билан ўтади,

4. *Моҳиятли ва моҳиятсиз* (аҳамиятли ва аҳамиятсиз) хатолар. Моҳиятли (кўпол) хатолар деганда, машқ техникаси асосий негизида содир бўладиган, техниканинг асосини бузадиган хатолар тушинилади. Уларни иложи борича тез йўқотилиши лозим, чунки улар таълим жараёнига салбий таъсир кўрсатадилар.

Моҳиятсиз (майда) хатолар ҳаракат фаолиятидан айрим ҳаракат ларига тааллуқли бўлиб, машқ қилиш давомида уларга нисбатан эътиборсизроқ бўлиш мумкин. Аҳамиятсиз хатога одатланиб қолиш, ҳаракат техникасини тақомиллаштириш учун кейинчалик ҳам тўсик бўлиши мумкин.

5. *Типик ва типик бўлмаган хатолар*. Айрим ҳаракатларда ҳар бир шуғулланувчи йўл қўядиган хатолардан мавжуд бўлиб, улар типик, оммавий тарзда учрайдиган хатолар деб аталади. Бундай хатоларнинг содир бўлишини олдиндан билиш қоидага айланган. Масалан, болаларни қиска масофага югуришида куйидаги типик хатолар содир бўлиши кутилади: стартда – тос қисмини баланд кўтариб юбориш; масофа бўйлаб югуришда гавдани меёридан ортиқ олдинга энг кайтириш ва бошқалар.

Қандай хатолар содир бўлаётганлигига қараб уни юзага келтираётган сабаблар аниқланиши лозим. Умумий кўринишда содир бўладиган хатолар педагогика жараён принципларининг, уларни ташкиллаш қоидалари ва шароитларининг бузилиши сабабли юзага келиши аниқланган. Нисбатан типик хатолар кўйдагилар бўлиши мумкин.

- 1) ўқувчи томонидан таълимнинг вазифасини тушунмаслик орқали содир бўладиган;
- 2) вазифани ҳал этиш лойиҳасининг такомиллашмаган-лиги, харакати ёки фаолиятини мускул орқали ҳис қила олмаслик орқали;
- 3) жисмоний тайёргарликни етарли даражада эмаслиги ва жисмоний сифатларнинг гармоник ривожланмаганлиги сабабли;
- 4) ўз кучига тўла ишонмаслик, катъийятнинг этишмаслиги оқибатидан;
- 5) харакат малакасининг салбий кўчиши сабабли;
- 6) вақтидан олдин толикиш ва чарчашга олиб келадиган дарснинг ташкилланишига кўйиладиган талабларнинг бузилиши орқали;
- 7) машғулот ўтказиш жойининг, спорт ускуналарининг, жиҳозларнинг педагогик талабларга жавоб бермаслиги.

Хатолар содир бўлишининг типик сабабларини билиш, уларнинг вужудга келиши билан боғлиқ жиҳатларини аниқлаш, хатоларни содир бўлишидан огохлантириш, педагогик жараённинг барча талабларга тўлалигича риоя қилиш демакдир.

Типик хатоларни олдини олишида қўйидагиларга эотибор берииш таълим жараённинг сифатини яхшилайди:

1. Машкнинг умумий вазифаси ўқувчиларни тўғри тушинишига эришиш. Уларнинг диққатини ўзлаштириш ёки мустаҳкамлашда пайдо бўлиши мумкин бўлган тўсиқлар, хатоларга қаратмай, машқ бўйича назарда тутилган вазифаларни ҳал этишга қаратса олиш, масалан, баландликка сакрашни ўргатишида ўқувчининг диққатини баландликни забт этишига эмас, машқ техникасини ўрганишга қаратса билишимиз лозим.

2. Ўзлаштирилаётган ҳаракат фаолияти техникасини ўқувчилар томонидан тўғри тушунилишига эришиш.

3. Ўқувчи кучига яраша бўлмаган материални тавсия этиш билан ўқитувчи машқни бажаришда ихтиёrsиз равишида хатолар содир бўлишига сабабчи бўлади. Шунинг учун ўзлаштирилиши мумкин бўлган ўқув материалининг тавсия қилиш.

4. Машқ техникасини хатосиз, мукаммал бажариш билан ўрганишга хоҳишни уйғотиш. Биринчи уринишни катта эотибор билан амалга ошириш лозимиги шуғулланувчи ва ўқитувчининг диққати марказида бўлиши. Биринчи уринишнинг тўғри-нотўғрилиги хотирада чуқур из қолдиришини эътиборга олиш.

5. ҳаракатнинг тезлиги ва уни тўғри бажарилиши орасидаги мувофиқликка риоя қилиш. Машкни аниқ бажарилишига тезликни

бүйсундириш, аввалга машкни аник бажарып ва сүнгра уни бажариш тезлигига эътибор бериш. Лекин бу қоидани ҳаракат вазифаси сифатида масса инерцияси тезлигини талаб қиладиган машқларга нисбатан кўлламаслик. Осилиб турган ҳолдаги турлича «мах»лар, сувга сакрашлардаги тезликлар бундан мустасно бўлиб, уларни секинлаштириб бажариш мумкин эмас.

Максимал тезлик билан бажарилиши зарур деб ҳисобланган машқларни бажаришга ўргатишида эришилган тезликни сақлай олиш учун кетган вақт мобайнидагина машқ қилиш тавсия этилади. Ундан ортиқ вақт давомида шу машкни тақрорлаш ўзлаштириш самарадорлигига путур етказади. Агарда бажаришдаги аниқлик ва тезлик бир хил аҳамиятга эга бўлса, машкни ҳаракат координацияси бузилмайдиган тезлиқда бажариш керак. Секин ва тез бажаришда инерциянинг шундай тезликлари вужудга келадики, уларнинг кучи мускул қисқаришига қараб пайдо бўладиганлидан кучли бўлиши мумкин.

6. Машғулотни (дарсни, тренировкани) мувофақиятсиз уринишдан сўнг тўхтатмаслик. Чунки бунда ўқувчиларда фаолият хақида нотўғри тушунча қолади. Машғулотдан ўқувчи ўрганилиши лозим бўлган ҳаракатни ўзлаштиришда ёки уни натижаси бўйича маолум ютуқларга эришдим деган фикр билан кетиши керак. Агарда ўша хато доимий равишида тақрорланаверса, ўргатишини дарҳол тўхтатиш лозим, аксҳолда у хато «автоматлашиб» қолиши мумкин. Ўқитишнинг самарадорлиги ўқувчи ўз хатоларини онгли равишида тушунсагина ошади ва нотўғри шаклланган нерв мускул алоқалари бир мунча сусаяди.

Хатолар классификацияси ва уларнинг содир бўлиш сабабларини билиш билангина уни тузатишнинг эффектив чораларини аниқлаш мумкин. Хатолар иложи борича тезроқ ва пухтароқ тарзда тузатилиши зарур, чунки улар «автоматлашиб» қолиб таълим жараёнини секинлаштириши ва ўз навбатида, шикастланишга олиб келиши ҳам мумкин. Асосан, хатоларнинг сабабини аниқлаш мухимдир. Хатони аниқлаш унчалар қийин эмас, мураккаби унинг содир бўлишига доир сабабни аниқлай олишдадир. Унинг сабабини тушунтириш хатони тўғрлашга нисбатан оқилона бўлган йўлларни топишга олиб келади. Бу, ўз навбатида, содир бўладиган хатони таосир этмайдиган қилиб қўймай, унинг оқибатларини олдини олишга имкон яратади.

Оммавий ўқитиш амалиётида хатоларни аниқлаш усувлари, уларни кузатиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш билан чегараланилади. Бир вақтнинг ўзида шуғулланувчиларнинг сонини кўплиги уларга хос хатоларни аниқлашда қийинчиликлар туғдиради.

Ўқитувчининг кузатиш жойини кулагай танлай олишиҳаммани ва барча ҳаракатлардаги хатоларни содир бўлишини кўриш имкониятини беради. Кузатишни билиш – энг аввало, кўрганини таҳлил қила олиш ва баҳолашдир.

Бу жараён ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчи томонидан икки томонлама бўлиши шарт.

Ўқувчи жисмоний машқни бажараётib кўпинча ўзининг муваффақияти ёки муваффақиятсизлигини кўради ҳамда фаолияти сифати ёки унинг якуний натижасига кўра баҳо беради. Лекин объектив тахлислиз ўз ютуғи ва камчилиги сабабини билмаслиги мумкин. Ўқитувчи ўқувчининг ўз ютуғи ва хатоси хақида фикр юрита олишга ўргатиши шарт. Бу ўз навбатида назарий билим ва амалий малака демакдир.

Ўз-ўзини таҳлил қила олишини ривожлантиришнинг усулларидан бири – машқни бажаришда бир-бирининг хатосини топиш, тузатиш, ўртоқлик учрашувларида – мусобақаларда ҳам камлик қилиш, ўйин натижасини жамоа билан биргаликда муҳокама қилиш, баҳолаш вах.клардир.

Бажарилганҳаракат фаолиятини баҳолаш критерияси турлича ва у ўқув жараёнининг вазифаларига боғлик. У Кrite-риялар:

1. Баҳолаш коида сифатида ўқитишнинг бошлангич этапларида, ижро техникасининг стандарт усули бўйича, қачонки ўқувчининг имкониятини намунага ўхшатишга уриниш чегараланганлигидан олиб борилади. Тажриба ва билимнинг тўпланишига қараб белгиланган намунага тақлид қилишдан оғиш хатолар билан эмас, (айниқса, натижা юқори кўтари-лаётган бўлса), индивидуалликнинг намоён бўлиши билан юзага чиқади.

2. Бошқа ўқувчи техникасига солишириш йўли билан конкурс тарзда баҳолаш. Бу машқларни системали машғулот-ларга қизиқиши оширишга олиб келсада, лекин ижронинг сифати намуна қилгудек даражада бўлмаслиги мумкин.

3. Ҳаракат фаолияти натижасини аниқлаш орқали баҳолаш коида бўйича катта дидактик аҳамиятга эга. Бу ўқувчини ўз ижро техникасини эришилган натижা билан таққослашга, уни ҳал қилишнинг индивидуал усулларини ахтаришга ўргатади. Лекин шундай баҳолаш яхши тайёргарлиги бўлган ўқувчилар учун қўл келади. Улар ўз фаолиятларини танқидий баҳолай оладилар, жисмоний машқ бажариш пайтида ижро техникаси аҳамиятини яхши тушунадиган бўладилар.

Баҳо категорияси ўқитувчининг турли хилдаги огоҳлантиришлари, маоқуллашлари ёки унинг акси каби ифодалар, шунингдек, тузатиш тарзидаги кўрсатмалари орқали ҳам намоён бўлади. Бироқ факат бир хил огоҳлантиришлар билан чегараланмай, ўқувчи фаолияти таркибидаги мақтовга, рағбатлантиришга сазовор ҳаракатларни ҳам эътибордан четда қолдирмасликни тарбия жараёндаги ўрни бекиёс.

Гурухларга ажратиб ўқитишида уларнинг фаолиятини баҳолаш анча қийинчилик туғдиради. Тажрибалардан кузатилишича, гуруҳдагилар ўзларининг индивидуал хатоларни англаётгандек, уларни тузатишга уринаётгандек қилиб, бошқа томондан эса кўп сонли индивидуал хатоларни топиш, тузатиш машғулотларда «зич»ликини пасайтириб, ўқувчидаги бефарқликни шакллантириши амалиётдан маолум. Бундай карама-

қаршиликнинг таолим жараёнида хато ва камчилакларни гурухли машғулотларда қисқа, аниқ ва маоноли қилиб айтиш орқалигина ҳал қилиниши катта самара беришлиги исботланган.

Ўқитувчининг баҳоси ўқувчилар тарбиясида ўз кучига ишонч воситаси бўлиши, шу сабабли материалнинг ўзлаштиришдаги ижобий ва салбий томонгагина баҳо бериши билан чекланмай, ишга муносабати ҳам ҳисобга олиниши лозим. Унинг шахси, хулқи, давомати баҳолаш мезони мазмунидан четда бўлишини тъкидлаш лозим (Б.А. Ашмарин, 1979).

Хатоларни тузатиш қоидаси турли тумандир. Айтарли кўп тарқалганлари кўйидагилардир:

Ўқувчи хатосини ўзи тушиниши керак. Такрорий тушинтириш ва машқни кўрсатиш, фаолиятни гапириб бериш хато ҳаракатларни англашга ёрдам берса, чизма тасвирлаш, ютуқ, хато ва камчиликларни машғулотларда ўртоқлари билан ўртоқлашишга, хато устида ҳаракат техникаси хақида сұхбатга чорлайди демак, бу таолим жараёнининг мұваффакияти деган сўздир. Амалий фаолиятларда эса нисбатан фойдали усул қарама-қаршиликни енгish ҳаракатлардир, яъни ҳаракатни мусс-куллар тарангаштириш бўшашибдириш, амплитудаси ва йўналишига қараб контраст равища бир-бирига солиштириб машқ қилиш самаралироқдир. Мускул хиссиятни бундай солиштириш ўз хатосини тушунишга ва уни тузатишни тўғри ҳал қилиш йўлини топишга ёрдам беради. Шу максадда ўзлаштирилаётган ҳаракат фаолиятини бошқа томонга, бошқа оёқ билан, кўл билан ёки ўзгартирилган шароитда бажариш ҳам фойда беради. Бунда ҳосил бўлган мускул хиссияти уни одатдаги шароитда бажаришдагига солиштириш имконини беради ва хатоларни тузатишнинг эфектлирок йўлини айтиш, кўрсатиш имконини беради.

Хатоларнинг барчаси бирваракайига эмас, навбати билан, аҳамияти даражасига қараб тузатишга уриниш самарасиз бўлиб чикиши мумкин.

Одатда, хатоларни тузатиш унинг аҳамиятлиларини тузатишдан бошланади, чунки бошқа майда хатолар шулар орқали содир бўлаётган бўлиши мумкин. Масалан: финал куч сарфлашларидағи хатолар қоида сифатида охирги ҳаракат таркибидаги звеноларнинг келишувидан ҳам содир бўлиши кузатилади. Бундан ташқари, аниқланган хатолар ўзлаштирилаётган ҳаракатдан олдин бажарилган ҳаракат оқибатидан ҳам содир бўлишини назарда тутмоқ лозим.

Аҳамиятли хато деганда, биз ҳаракат техникаси асосида содир бўлган хатони тушунамиз. Аҳамиятли ёки асосий ҳисобланган хатони тузатишни назарда тутиб бажарилган машқлар натижасида иккинчи даражали деб саналган хатолар ўз-ўзидан йўколиши таолим жараёни амалиётида кўп учрайдиган ходисадир. Факат иккинчи даражали хатоларнинг автоматлашиб кетишига йўл қўймаслиги заруролос.

Ҳаракат структурасининг умумий схемасини тўғри бажарилаётганининг даражасини аниқлаб тўла ҳаракат актидаги пайдо

бўлган хатонинг нимага боғлиқлигини, йўлланма берувчи ёки тайёрлов машқининг нотўри танланганлигининг оқибатидан эмаслигини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ эканини унумаслик керак. Бир вақтнинг ўзида машқ бажарилиш тезлиги ўқувчи имкониятига мос келмаслиги ижро техникасининг бузилишига олиб келади.

Статик ҳолатлардаги хатоларни аниқлаш ва уларни баҳолаш жуда осон.

Ўқитувчининг ўқувчи хатосини аниқлаш учун бераётган кўрсатмаси ўқувчининг шу дақиқадаги имкониятига мувофиқ бўлиши керак. Масалан, уч усул билан канатга тирмасиб чиқишида «оёқ кучидан фойдаланинг» деб талаб қўйиш учун унинг кўл ва оёқларнинг координацияси (шу усул учун) олдиндан ривожлантирилган (машқ қилдирилган) ёки аксинча эканлигининг аҳамияти катта.

«Йўқолди, тузатилди» деган хатоларларнинг кутилмаганда қайтадан пайдо бўлиши, уларни йўқотиши учун кўлланилган йўлланма берувчи машқларнинг вақти-вақти билан такрорлаб туришни талаб қилади. Шунга ўхшаш хатоларнинг бирдан пайдо бўлиб қолиши кўпинча янги ўзлаштирилган фаолиятни қийинроқ шароитда бажараётганда кузатилиши мумкин.

Ҳаракатдаги хатоларни тузатишнинг йўлларидан яна бири уларни содир бўлишининг сабабини йўқотишдир, бу эса, ўз навбатида, хатонинг йўқолишига олиб келади. Бу усул таълим жараённида *йўлланма берувчи ва тайёрлов машқларини* кўллаш орқали амалга оширилади;

- ўтилган (ўргатилган) материалларни қайта такрорлаш; - фаолиятнинг тўғри бажарилиши учун стимул яратувчи (масалан, узунликка сакрашда нотўғри югуриш) қадамини жойини, бажариш шароитини ўзгартириши.

Ҳаракат фаолиятини ўзгартириш жараённида хатоларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг тузатилиши аҳамиятини ҳисобга олиш ўта муҳим бўлибина қолмай, бу муаммо ҳаракат фаолиятини такомиллаштириш этапида ҳам сифат жиҳатидан бошқа даражада муҳимлигини инкор этиб бўлмайди.

9.3.Ҳаракат фаолиятини такомиллаштириш этапи ва унинг мазмуни

Таълим жараёнининг бу этапини *асосий вазифаси* –ҳаракат малакасининг шаклланишини таъминланиши билан боғлиқ бўлиб, ҳаракатни юқори маҳорат билан бажара олиш орқали:

- а) кўнікмани вужудга келтириш;
- б) олий тартибдаги (мақом) ҳаракат кўнікмасини шакллантиришдир.

Ҳаракат кўнікмасини вужудга келганлигининг характерли белгиси билим ва ҳаракат тажрибаси билан намоён бўлади ва у бажара олиш кўнікмасига айланади. Бошланишида кўнікма факат асосий вариантда шаклланади. Ўқитувчининг вазифаси: ҳаракат кўнікмасини асосий вариантда

шакллантириб, уни мустаҳкамлаб, шунинг асосида нисбатан юқори мақомдаги фаолиятни бажара олишга фундамент яратишидир. Таълимнинг шу босқичида фаолият ижросининг сифат даражасининг такомиллашганлиги шундай зарурки, иш билан жисмоний машқни техникаси индивидуаллашсин, асосий фаолиятнинг турлича ижро варианти ўзлаштирилган бўлсин, эгалланган кўнишка турли вариантдаги янги фаолиятларнинг бажариша кўллай олинадиган бўлсин.

Ташкомилаштириш этапида таълимнинг барча методларидан комплексли фойдаланилади, лекин фаолиятни бири бутунлигича ўзлаштириб, мусобака ва ўйин методларидан етакчи услуг сифатида фойдаланилади. Бир вақтнинг ўзидан кўриши ва эшитиш орқали мўлжал олишдан фойдаланиш ҳажмининг озайиши ҳисобига ҳаракатни ҳис қилиш ҳиссияти ортади.

Юқорида қайд этилганидек, таълимнинг иккинчи, учунчи этапларида ҳаракат фаолиятини (ёки машқни) кўп маротабалаб тақрорлаш жараёни ётади. Бу жараёнда тақрорлаш машқ қилиш муаммосининг алоҳида аҳамияти эътиборга лойиқ бўлиб, машқ тизимли равишда кўп маротабалаб қайтарилиши лозим, бунда тақрорлашларнинг чегараси мавжуд бўлиб, уни меъёридан ошмаслиги тақазо этилади.

Тақрорлаш (машқ қилиш) иккита қарама-карши ҳолатда амалга оширилади:

Оддий ва вариацияда (турлича кўринишида, шаклда) тақрорлаш.

Оддий тақрорлаш бир хил, ўзгармас шароитда ҳосил бўлган ҳаракат, малакасининг асосий вариантини мустаҳкамлашга имкон беради. Бундай тақрорлаш – таълимнинг моҳиятига кўра нусха кўчириш, тақлид қилиш билан бажариш. Масалан: ўқитувчи ҳаракатнинг стандарт техникасини тушунтирганда ва уни кўрсатганда, ўқувчи кўрганига ўхшатишга, ўз ҳаракатини ўша ҳаракатга яқин қилиб бажаришга уринади. Таълимда оддий тақрорлашдан фойдаланиш зарурияти мавжуд, лекин у чегаралангандидактик имкониятларга эга.

Вариатив тақрорлаши бошқача вазифани назарда тутади: у ҳаракат малакасига шундай мосланувчанлик, эгулувчанлик беришки, ундан турли шароитларда фойдаланиш мумкин бўлсин. Шу мақсадда ҳаракат фаолиятини тақрорлаш тизимли равишда ўзгарувчан вариантларда ва шароитларда бажартирилади. Вариатив тақрорлашдан онгли равишда фойдаланиш катта самара беради:

1) агарда вариатив тақрорлаш ўқувчидан оптималь даражадаги усулни топишни талаб қиласиган қилиб вазифа кўйиш билан амалга оширилса, бу муаммоли ўқитишга асос бўлиб қолаверади. Маълумки, муаммоли ўқитиш, ҳаракат вазифасини ҳал этиш, мустақил фикр юритиш ва унга ижодий ёндошишга ёрдам беради;

2) ҳаракат фаолиятини ўзгарувчан турлича вариант ва шароитда тақрорлаш, малакани факат ўзгарувчан спорт кураши шароитидагина эмас, меҳнат, ҳарбий амалиёти ва турмуш шароитида кўллай олишга ўргатади;

3) машғулотларда ижронинг турли варианtlарда бажарилиши ўқувчиларнинг қизиқишини оширади. Маълумки, болалар бажарилиши қийин бўлган харакат фаолиятни, ўзлаштириш, мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришда янгича вазифа кўйиб бажартирилса машқни зўр истак ва интилиш билан амалда такрорлайдилар, бу ўз навбатида, уларнинг иқтидорини, харакат заҳираси ва тажрибасини ортириди, бойитади.

Максимал педагогик самараага эришиш учун такрорлашлар сони оптималь бўлиши керак. Машқ натижасининг ортириш уни такрорлашлар сонига боғлиқ, лекин унга тўғри пропорционал эмас. Кўп сонли қайтаришлар тездагина механик бажаришга айланиб қолиб, машғулотлардаги фаоллик пасаяди.

Такрорлашлар сони, таълимнинг вазифаси, фаолиятнинг мураккаблиги, ўқувчининг тайёргарлик даражаси ва ўқитиш методикасини такомиллашганлилиги факторларига ҳам боғлиқ. Мактабда жисмоний тарбия дастури материалининг ҳажми ва мураккаблиги ўқув режаси чегарасидан чиқмаган ҳолда, такрорлашлар сонини етарли тарзда белгилашга имкон беради. Агар шаклланган малака етарли даражада пухта, мустаҳкам бўлиб қолган бўлса, харакат ҳиссиёти янги материални ўзлаштиришни қийинлаштирумаса, такрорлашлар сонини факат шундагина қисқартириш мумкин.

Қайтаришлар сони харакат фаолиятини биринчи маротаба такрорлаш учун керагидан ортиқрок сонда белгиланади. Бу ортиқча қайтаришлар харакат малакасининг мустаҳкамлигини ошириш харакат заҳираси (запаси)ни бойитиши назарда тутиб белгиланади.

Такрорлашларни вактига караб, маълум низомга таянган ҳолда, ўзлаштирилганларни эсдан чиқармай, тизимли такрорлашни тўхтатиб кўймай вақтидан бошлишни унутмаслик лозим.

Методик нуктai назардан ўқитувчи икки вазифани ҳал қилади:

1) ўзлаштирилган фаолиятни такрорлашни бир дарсда ва бир қатор дарсларда қандай кетма-кетлиқда жойлаштириш;

2) таълимнинг тўла этапларида машқни қандай частотада (такрорлаш тезлиги)да такрорлаш кераклиги.

Бунинг учун ўқитиш жараёнидаги барча факторларни аниқ равишда ҳисобга олиш ва такрорлашнинг икки услубини чўзиб илмий асосда қўллаш. Бу услублар: (узоқ муддат давомида) такрорлаш ва концентрация килинган – машқ жараёнини сиккig, йиғиширилган ёки харакат таркибидаги айrim звенога эътиборни чукурроқ тарзда такрорлашдан фойдаланиш керак бўлади.

Дам олиш интервали ва унинг узунлигини белгилашда иккенининг умумий йигиндиси тенг бўлса, узоқ вақт дам олиб, нагрузка интервали сийрак бўлганга қараганда, интервали кисқа дам олиш интервали кўп бўлган машғулотлар организмнинг иш қобилиятини яхшилади. Шунинг учун жисмоний тарбия дарсларини мактабда икки дарсни бирлаштириб ўтиш ҳар доим ҳам ижобий самара бермайди.

Ўқитишини тезлаштириш натижага эришиш, эътиборна айнан бир нарсага (концентрация қилиб) қаратиб тақрорлаш орқали амалга ошириш, оммавий ўргатишда катта самара бермаган. Лекин юқори маҳоратли спортчиларни тайёрлашда юқорида қайд қилинган тез натижага эришиш усули таълим методикасининг асосини ташкил қиласди. Ҳаракат малакасини бошланғич этапида қайтаришнинг бу усулидан фойдаланиб бўлмайди. У фаолият техникасини тўғри тушиниш ҳамда фикрлашга салбий таъсир этиб, ҳосил бўлган малаканинг пухталашшига тўсиқ бўлиши, пухталашшининг чўзилишига олиб келиши мумкин. Малаканинг тўғри шаклланиши лозим бўлган жисмоний сифатларини мувофиқ даражада ривожланишига боғлиқ, бу албатта, узоқ муддат давомида ҳаракат фаолиятини такомиллаштиришни тақозо этади.

Тақрорлашнинг икки услубига хос тугал натижани аниқлашда, яъни тақрорлашларнинг яхши-ёмонлигига баҳо беришда узокроқ чўзиб тақрорлаш кийин ўзлаштираётган ўкув материалини ўзлаштиришда самарадорроқ хисобланса осонроқ материал учун концентрациялаштириб тақрорлаш мақсадга мувофиқдир.

Иккала услубда ҳам тақрорлашни тақсимланишининг ҳарактери бир хил эмаслиги билан ажраб туради: ўқитишининг биринчи босқичида тақрорлашлар частотаси максимал даражада, бажаргиси келса ижозат бериш лозим, вакт ўтиши билан бу кўтариинкилик бир оз сусаяди. Буни янги малака ҳосил бўлиши янги нерв алоқаларини юзага келиши уларни мустаҳкамланиши билан тушунтириш мумкин. Бу алоқаларнинг пухталиги етарли даражага етса, уларнинг саклаш учун тақрорлашларга талабни камайиб кетиши билан кузатиш мумкин.

Оммавий ўргатиш шароитида фаолият техникасини эгаллашнинг амалий чегарасига етишда дам олиш интервалининг узунлиги ўзининг принципиал аҳамиятини йўқотади. Кўникмани саклаш учун, унга керак бўлган кисмида ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ. Бу ўзаришлар шуғулланувчининг жисмоний тайёргарлиги маълум даражада ошганлиги сабабли қилинади. Агарда бу тақрорлашлар ҳаракат малакасини доим такомиллаштиришни вазифа қилиб кўймаса, керак бўлган даражадаги ҳаракат сифатларини кўллаб-кувватлаш учунгина, эгаллаган малаканинг сўнишини олдини олиш мақсадида тақрорланади холос.

Шунга кўра, мактаб дастурида берилган янги фаолиятларни ўзлаштириш давомида асосий тақрорлашларни чорагидаги аралаш типига кириувчи дарсларда ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

10-БОБ. ТАЪЛИМНИНГ УСЛУБИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

Жисмоний тарбия назариясида амал қилинадиган «жисмоний тарбиянинг меҳнат ва ҳарбий амалиёт билан боғлиқлиги», «жисмоний тарбиянинг соғломлаштиришга йўналтирилганлиги», “шахсни ҳар томонлама ривожлантириш» принципларидан ташқари таълим жараёнининг *услубий* принципларидан ҳам мавжуд. Тарбия жараёнидаги барча тамоиллар жисмоний тарбия учун қўлланилиши мумкин, лекин инсон тарбиясининг бу йўналишининг хусусийлиги ўқитишнинг принципларига алоҳида мазмун ва талаблар кўяди. Инсон фаолиятининг биологик, физиологик, биохимик, биомеханик конуниятлари эса фикримизнинг далилидир.

“Онглилик ва фаоллилик (активлик)”, “Кўргазмалилик”, “Мунатазамлилик”, «Кучига ярашилик ва индивидуаллаштириши», “Талабларни аста-секинлик билан ошириши”дек услубий принциплар ва қоидаларга тизимли риоҳ қилиш орқалигина ўқитиш жараёнида куттилган мувоффақиятларга эришиш мумкин.

10.1. Таълим жараёнида онглилик ва фаоллилик

Ўқитишга онгли муносабат ва унда шугулланувчининг фаоллиги ҳар қандай педагогик жараённинг самарадорлигини оширади. П.Ф. Лесгафт илгари сурган жисмоний тарбия таълимида онглилик ва фаоллилик принципи харакат фаолиятларини механик равишда тақлид килиб бажариш орқали ҳаракатларни ўзлаштиришни катъийян қоралайди ва биринчилардан бўлиб ҳаракатларни таққослай олиш, унинг таҳлилини қилиш орқали назарий билимларни ва ҳаракат фаолиятларини эгаллашғоясини илгари сурди. У “жисмоний машқ билан шуғуланиш фақат кучни, жисмоний ривожланганликни кўрсаткичларини оширади”, – деган қўпол тушунчани асосий хатолардан бири деб кўрсатди.

Тарбия жараёнида бу принципни қўллаш машғулотни умумий вазифаларига қизиқиш ўйготиш ва фикрлашни шакллантириш билан бошланади. Энг аввало, ҳаракат фаолиятини ҳаётий-амалийлиги аниқ мисоллар ёрдамида, таълимнинг мавзулаштириш орқали амалга оширила бошланиши лозим. Ўқитишнинг бошланғич этапидаги тор, онгли фикрлаш доираси, мазмуни (қоматининг чиройли бўлиши, кучининг ортиши ва ҳ.клар) машғулотлардаги ҳаётий-амалий ҳолатлар орқали, жисмоний маданият ва спорт машғулотларида шахсни ижодий меҳнатга ва Ватан мудофаасига тайёрлашдек вазифаларни ҳал қилиш билан аста-секин ихтисослик билимларга таяниб амалга оширилади. Махсус оммабоп адабиётлар, қўлланмалар тавсия қилинади. Назарий билимларни ортишига эришиш онглилик принципининг ўзак мақсадларидан биридир. Бу мақсадга эриша олмаслик кундалик бажариладиган жисмоний машқлар билан шуғуллашниш машғулотларига одатнинг шаклланиши сусайтиради, жисмоний машқлар билан шуғуллананишни турмуш тарзига айланишига тўскىнлик қиласи. Бундан ташқари, шуғулланувчилар жисмоний маданият, спорт мавзуларига оид

мунтазам лекциялар, сұхбатлар, хикоялар әшитишлиари, мактаб физкультура дастурининг назарий қисмини ўрганишилари, методик ва хужжатли фильмлар кўришилари, ўз-ўзини тиббий назорат қилиш қоидаларини билишилари, “актив, пассив дам”, “бажара олиш”, “харакат малакаси”, “олий ҳаракат тартиби”, “малаканинг ижобий ва салбий қўчиши” атамалари моҳиятини тушунишларига лозим.

Ўзлаштирилиши, мустахкамланиши, такомиллаштирилиши лозим бўлган, ҳаракат фаолиятини нима учун айнан ўқитувчиси ёки мураббий кўрсатганидек бажариш шарт эканлиги ўқувчи онгига етказилиши мажбурияти юзага келади. Машкланган бармоқлар (волейболчиники) турмушда бармоқларнинг нозик ҳаракатларини талаб қиласидиган қасбларни эгаллашда (соатсоз, заргар ва бошқалар) қўл келиши онгига етган шугулланувчи таълим жараёнига онгли муносабатда бўлишидан ташкари, унинг фаоллиги ортади.

Машқ, ҳаракат техникасини эгаллаш оз энергия сарфлаб самарали ҳаракат қилиш, уни бажариш орқали организмда содир бўладиган турли хил ўзгаришиларни тушуниш, топшириқка нисбатан онглилик ва фаолликни оширади.

Ўқитувчиларнинг кўтаринки кайфияти, юзидағи табассуми, кийимларнинг ярашганлиги ва ихчамлиги, ҳаракатларни ҳавас қиласидиган даражада чиройли, равон кетма-кетлиқда бажариши, машқлар таркибини унинг бажарилиши ритмига мослаб, тўртликлар тарзида бараварига айтиладиган айтишувлар киритилиши таълим жараёнидаги вазифаларни ҳал килишга зўр қизиқишини кучайтиради ва фикрлашни шакллантиради.

Жисмоний тарбия жараёнида онгли анализ ва жисмоний машқни бажаришда назоратдан фойдаланиш таълимнинг принципиал механизмларидан биридир.

Онгли равишда бажарилаётган “ихтиёрий ҳаракат”нинг моҳиятига етиб, унинг бажарилиши техникасининг асоси, звенолари, деталларини назорат қила олишнинг аҳамияти таълим жараёнида ўз самарасини бериши имлмий-амалий исботланган.

Абелрскийнинг тажрибаси бўйича шугулланувчиларни сакраш техникасига ўргатиш учун 120-150 уриниш (попитка) тавсия қилинган. Уринишлар тугаллангандан сўнг шугулланувчилар билан шухарақатнинг тузилиши, бажариш техникаси ҳақидаги сұхбатлар, (дискуссия) натижаси ўта қониқарсиз бўлган.

Навбатдаги гурухга эса машқ техникаси, унинг тузилиши, ҳаётий-амалий аҳамиятиҳақида етарли даражадаги назарий тайёргарликдан сўнг машқни бажариш тавсия қилинганда, шугулланувчилар 2-3 уринишдан кейин машқ техникасини осонгина ўзлаштириб олганликлари кузатилган.

Амалиётда юкори малакали спротчилар машқни спорт техникаси автоматлашган даражада, яъни ҳаракатни олий мақомда бажара олишни ўз олдиларига мақсад қилиб кўядилар. Механик равиша тушунмай, кўр-

кўрона, тақлид тарзида машқ қилишнинг самарасизлиги, сурункали машқ қилиш жараёнида меоёридан ортиқ энергия сарфлашга, шугулланувчидан шу харакатта нисбатан совиши, “тоқатсизликни”ни шакклантиради. Шунинг учун онгли таҳлил – ўз харакатини баҳолай олиш, ўқитиш жараёнининг чўзилиб кетишини олдини олади.

Онгли анализда машқ техникасини таҳлили билангина чегараланмай, уни биомеханик, математик ҳисоблаш, биоритмия ва спорт метрологиясининг қонуниятларини назарда тутган ҳолда, шугулланувчининг анатомия, спорт физиологияси, биохимия соҳаларидағи билимларга таянилади. Тезликни талаб қилувчи машқлар вактнинг микроинтервалини, гимнастика жиҳозларидағи машқлар эсаҳаракатнинг фазодаги чегараларини, харакатнинг ютказилаётганлигиниҳис қилишдек талабларни кўяди, бу ўз навбатида, ихтиёрий харакатларнинг бажарилишини онгли назорат қилишга ўргатади.

Машқни бажаришдан олдин уни тузилиши, ижроси харакатни ифодасини фикран кўз олдига келтира олиш («идеомотор тренировка») – онглилик принципининг асосий воситаларидан биридир.

Фаоллик машғулотларда шуғулланувчиларнинг барчасини тугал банд қилиш, улар фаолиятини “фронтал”, «гурухли”, ташкиллаш орқали, асосий жиҳозлар ёнига кўшимча спорт анжомлари қўйиш, кучига яраша бўлмаган машқларни бир икки ҳафталик тайёргарлик ва тренировкадан сўнг бажара бошласалар, шугулланувчиларни машқни мустақил бажаришга уриниши ўз-ўзидан ортиши содир бўлади.

Таълим жараёнида ўйин ва мусобақа (“Жисмоний тарбиянинг услублари” мавзусига қаралсин) методларининг кўлланиши, спорт майдони, машғулот ўтказиладиган жойларнинг бадиий жиҳозланиши, гигиеник орасталиги, таълим жараёнида шуғулланувчиларда жонбозлик (инициатива) кўрсатиш, вазифани ҳал қилиш учун жавобгарлик хиссини ўз бўйнига ола билиш, маъсулиятни ҳис этиш ва ўзлаштириш жараёнига ижодий ёндошишни тарбиялади.

10.2. Таълим жараёнида кўразмалилик принципи

Машқни кўрсатиш тушунчasi жисмоний тарбия таълими жараёнида ўзининг кенг маносига кўра педагогика назарияси рамкасидан аллакачонлар чиқиб кетган. Ҳозирги кунда бу тушунча ўзига ҳис қилиш, образли ифодалай олиш, ташки шаклини ифодалаб намойиш қилишдек кенг маонони олади.

Таълим жараёнида бажариб кўрсатиш ва кўришининг бир-бiri билан ўзаро боғлиқлиги. харакат фаолияти ҳакидаги бирламчи (бошлангич) тушунча машқнинг натурал шаклда бажарилишини кўргандан сўнг хосил бўлади. Кўргазмали куроллар, суратлар, чизмалар, макетлар, кино суратлар (секинлаштириб олингандар), кино бадиий, хужжатли, ўқув фильмлари, видео, мультвидео ва ҳ.к. тарзида кўрсатилади ва тақлид тарзида уларни бажариш ўқувчидан талаб қилинади.

Ўзлаштириш жараёнининг асосий омили хисобланган кўргазмаликнинг икки қўриниши амалиётда мавжуд бўлиб, улар машқни айнан бажариб ёки воситали ёрдами билан кўрсатиш деб фаркландади.

Айнан ёки воситали кўргазмалик таълим жараённида ўқитувчига машқни намунали даражада бажариб кўрсатиш талабини қўяди. Намунали даражадаги кўрсатиш намойиш қилиш содир бўлиши мумкин бўлган хатоларнинг олдини олишини амалда исботланган. Амалиётда эса ҳаракатнинг қандай бажарилишини ўқувчи кўрмай туриб, унинг техникасини ўргатиш бошлаб юборилади ва бу ўз навбатида шуғулланувчиларни хатоларига сабаб бўлади. Уларни тузатиш таълим жараёнининг вактини чўзишишига олиб келади. Машқни намунали тарзда кўрсата олмайдиганлар машқларни олдиндан танланган ва тайёrlаган шуғулланувчи орқали кўрсатишдан фойдаланиши лозим.

Ҳаракат фаолияти хақида бирламчи (дастлабки) тушунча ўқув кино тасмаси, чизма, расм, макет, плакат, ва бошқаларда машқни шуғулланувчиларга кўрсатиш орқали ҳосил қилинади, айниқса, катта, ўрта, мактаб ёшидагилар учун кўргазмаликни бу услуги уларнинг фикрлаши, ҳаракатни хис қилиши учун қўл келадиган воситадир. Ҳис кила олиш қобилияти яхшироқ шаклланган шуғулланувчидаги кўз олдига келтира олиш, тақлид кила билиш (аввалига механик) тарзда бўлсаҳам аҳамияти каттадир. Айниқса, таолимнинг кетма-кетлиги ўзлаштиришда (ҳаракатни бўлакларга ажратиб ўргатишда), йўлланма берувчи машқлар (ҳаракат техникасининг асосига яқин бўлган машқлар)дан фойдаланиш, ҳаракат техникасини ўзлаштиришни осонлаштрайдиган (бажарилиши таркибида айнан шу ҳаракат элементлари бор) машқларни қўллаш таълим жараёнига кўргазмалик принципи қўядиган асосий талаблар бўлиб, булар, ҳаракат хақидаги тушунчалар мезонини оширади.

Машқни бажаришда “ўз соясидан фойдаланиш”, “ҳаракат сатхи чегарасини белгилаш”, «тақлид қилиш», “мўлжал олиш”, “ўхшатиш”, кўргазмаликнинг услублардандир.

Булар таълим жараёнини фаоллаштиради, бирламчи малакани шакллантириш ва ҳаракатни олий тартибда бажара олишга йўл очувчи асосий омиллардир.

10.3. Кучига ярашалилик ва индивидуаллаштириши услубий принципи

Индивиднинг имконияти, қобилияти, хусусияти, жинси, ёши, жисмоний ривожланганлиги, жисмоний тайёргарлиги ва ҳоказолар бу принцип мазмунининг омиллари бўлиб, таълим жараёнини бойитади. Таълимга онгли муносабат, бу жараёндаги фаолликни намоён бўлиши, танланган фаолиятнинг ижросида кўргазмаликнинг самараси, кучига ярашалилик ва индивиднинг хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ ва кўзланган мақсадга тез эришиш учун воситадир.

Кучига ярашалиликнинг туб маъноси организмнинг ҳаётий фаолиятининг маълум ишдаги функционал хусусияти ва қобилиятини ҳисобга олиш демакдир. Бу принцип қобилиятнинг чегарасини аниклай олиш талабини кўяди. Демак, таълим жараёни турли шароитда хилма-хил ташқи таъсирини ҳисобга олишни, шуғулланувчи учун меъёр танлай билишни тақазо этади. Меъёр бўлиб турли хил ёшдагиларнинг жисмоний машқлар билан шуғулланиш дастурлари, уларнинг жисмоний сифатлари учун белгилангандар нормалар хизмат қилиши лозим. Собиқ Иттифоқ жисмоний тарбия тизимида “Мехнатга ва Ватан мудофаасига тайёр” физкультура комплекси жамият аъзоларининг, барча ёшдагиларнинг (6 дан 60 ёшгача) жисмоний тарбиясининг дастури ва жисмоний тайёргарлиги нормаларини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, кучига ярашалилик принципи талаблари чегарасидан чиқмаган. Мамлакатимизда эса бу вазифани Республика аҳолисининг жисмоний тайёргарлигини аникладиган «Алпомиш ва Барчиной» тести талаблари ва нормалари бажаради.

Жисмоний машқлар билан шуғулланиш машғулотларида меъёрни аниқлаш тарбиячи мураббийлар ва педагоглар, тиббий ходимнинг биргаликдаги тизимли изланишлар орқали амалга оширилади. Машқ қилиш учун организмга кучига яраша бўлмаган машқ меъёрига машқни организми зўрикиши орқали энергия сарфлашга системали мажбур қилишнинг салбий оқибатлари ҳам ҳозирги кунда ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан исботланган. Маълум даражадаги жисмоний тайёргарликка эга бўлган спорт тайёргарлиги бор шуғулланувчининг организми учун меъёр ҳисобланган ҳажмдаги жисмоний машқлар янги, шуғулланишни эндиғина бошлаганлар учун кучига яраша бўлиши мумкин, лекин уни меъёр килиб олиш нотўри бўлади.

Жисмоний тарбияяда кучига ярашалилик ўзгарувчандир. Шуғулланишнинг маълум даврида танланган меъёрга чидаш учун катта жисмоний, руҳий зўрикиш талаблари кўйилса, бир мунча вактдан сўнг у кучига яраша бўлиб, меъёрга айланади буни тарбия натижасининг ижобий томонга ўзариши деб каралади.

Маълумки, янги харакат вужудга келган ҳаракатларнинг эскиларини базасида шаклланади. Шунга кўра жисмоний тарбия жараёнидаги асосий ҳал қилювчи ролни машқни ўзлаштириш эгаллайди. Материални шундай ўргатиш лозимки, унинг мазмуни, организмга таъсирининг кучи, ўқитишнинг навбатдаги этапи учун янги поғона ролини йўнасан. Амалиётда бу фикр “маълумдан номаълумга”, “ўзлаштирилмагандан ўзлаштирилганга”, жисмоний машқлар билан шуғулланишда эса “кучига яраша эмасдан кучига ярашаликка” деб формулировка қилинади.

Бундан ташқари, вазифаларни машғулотдан-машғулотга, астасекинлик билан қийинлаштириш ҳам таълим жараённинг асосий шартларидан биридир. Бу эса осондан қийингаликни тақазо этади. Булар албатта таълим жараённинг услубий хусусиятларини вужудга келтиради.

Индивидуаллаштириши ўқитишининг мухим омили. Ўқувчининг жисмоний ривожланганлиги кўрсаткичлари – бўйи, танаси ва аъзоларининг узун ёки қисқалиги, йўғон ёки ингичкалилиги, вазни, бўғинлар харакатчанилиги, кўкрак қафаси, экскурсияси жисмоний сифатлари – кучлилиги, тезкорлиги, чаққонлиги, чидамлилигининг ривожланганлиги, психология нуқтаи назаридан қайси типга мансублиги ва бошқалар **индивиднинг хусусиятлари ҳисобланиб**, улар таълимнинг самарадорлигига катта таъсир кўрсатади. Ўқитувчи ёки мураббийнинг индивидни қайд қилинган хусусиятларидан бирортасига нисбатан лоқайдлиги тарбия жараёнида, машгулотлар самарадорлигидан кўзланган мақсаддан узоклаштиради. Масалан, жисмоний ривожланганлик кўрсаткичларидан, буйининг дарозлиги (баландлиги) – “акцелерат”лигидек хусусияти паст бўйи тенгдоши билан бир гуруҳда шуғулланаётганида таълим жараёнига салбий ёки ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу ҳолатга таяниб узунасига кўйган конрдан сакраш машқида ўқитувчи учун муаммони вужудга келтиради, яъни баланд бўйили учун депсиниш “мост”ини спорт жихозидан узокроқ кўйиш лозим, бўйи тенгдошидан паст бўлган ўқувчini машқ техникасини бузиб бажаришга сабаб бўлади. Чунки жихозидан узок кўйилган мостдан депсиниш бўйи тенгдошидан паст ўқувчи учун кучига ярашадан кўпроқ зўрикиш талаб кўйибгина эмас, ўқитища шуғуллаувчининг индивидуал хусусиятини эътиборга олмасликга, ортиқча муаммоларни вужудга кетишига олиб келади.

Жисмоний юк меъёри бир хил ўқув гуруҳдаги ўқувчилар учун жисмоний тайёрлик кўрсаткичларига турлича таъсир кўрсатиши мумкин. Танланган машқни шуғулланувчи кучига, тезкорлигига, чидамлилигига боғлиқлиги индивиднинг хусусий портретининг тўлалигича чўзиш имконини беради.

10.4. Мунтазамлилик услубий принципида

Машгулотларнинг тизими, дам олиш билан жисмоний юкнинг алмашувиининг тўғри навбатлашуви ва уларнинг кетма-кетлигининг ўзаро боғлиқлиги таълим жараёнида мунтазамлилик услубий принципининг асосий низомидир.

Машгулотларнинг мунтазамлиги ва жисмоний юк(ламанинг дам олиш билан рационал алмасинуви).

Машқ қилишнинг мунтазам эмаслиги таълим жараёнида етарли даражада самара бермайди. Табиий ривожланиш қонуниятларидан амалиётда биз шунга гувоҳмизки, машгулотлар узлуксиз ва мунтазам олиб борилса, жисмоний машқлар таъсиридан организмнинг функционал имконияти, жисмоний қобилияти яхшиланади.

Мунтазам машгулотлардан хосил бўлган рефлекслар **узлуксизликни** талаб қиласди. Узлуксизликнинг бузилиши малакани аста-секинлик билан сўнишига олиб келади. Мустаҳкамлани автоматашган ёки “олий харакат

макоми”да бажарила бошлаган харакат таълим жараёнида фаолиятнинг мунтазам такрорлаш шартини, керак бўлса, талабини қўяди. Чунки организмнинг функционалҳолати яхшиланиб мунтазам машқ қилиш ва машгулотлар натижасида маълум натижани кўрсата бошлаган бўлса мунтазамлиликни бир оз бузилиши, ҳосилани аста-секин йўққа чиқишига олиб келиши мумкин.

Образли қилиб хулоса килганда, мунтазам тизимли машғулотлар қолдирган яримшарлар пуётлогидаги “из”дан ижобий ўзгаришлар содир бўлади, янги ўзлаштирилмаганини ўрганиш осонлашади. Ж. Ламарк фикрича, «тизимли ва мунтазам равишда машқ қилдирилган орган аста-секинлик билан ривожланади, ўсади, машқ қилдирилмагани ўз қобилиятини сусайтиради ва хусусиятини йўқотиб боради».

Нисбатан катта бўлмаган танаффус актив мускул ҳужайралари вазнининг камайишига, компонентлари тузилишининг лозим бўлмаган ўзгаришларига, ҳатто морфологиясининг регрессиясига олиб келади. Айрим регрессив ўзгаришлар ҳатто 5-7 кунлик танаффусларда ҳам содир бўлиши мумкин (Н.В. Зимкин, Д.Л. Фердман, О.И. Файншmidt ва бошқалар).

Жисмоний камолотга эришиш жисмоний тарбия жараёнининг узлуксиз олиб борилиши танаффусларсиз, оқланмаган йўқотишларсиз, ҳар бир машғулотдаги самара олдинги машғулотнинг “из”хисобига қатлам-қатлам бўлиб қалинлашса, аввалги машғулотлар келтириб чиқарган ижобий ўзгаришар такомиллаштирилса ва ривожлантирилсанга содир бўлади.

Бу талабни амалга ошириш жисмоний тарбия амалиётида хафтада 2, 3, 4, ҳатто 5 марталини машғулот (эрталабки зарядка ва бошқа қўшимчаларни хисобга олмаганхолда)лар орқали йўлг қўйилади. Колаверса, “шуғулланганлик” қанча юқори бўлса, машғулотлар орасидаги интерваллар шунча қисқаради ва жисмоний тарбия жараёни шунчалар зичлашади. Бу ўз навбатида организмнинг функционал имкониятини ижобий томонга ўзгариради. Машғулотларнинг концентрацияси қанчалик юқори бўлса, академик машғулотлар ва спорт тренировкаси учун узлуксизликнинг ифодаланиши шунчалар характерли бўлиши мумкин.

10.5. Такрорийлик ва вариациялаш (шаклини ўзгаририб қўллаш принципи)

Жисмоний тарбия жараёнида тарбиянинг бошқа турларига нисбатан такрорийлик – қайта бажариш муҳим аҳамиятга эга. И.П. Павлов ва А.Н. Крестовников кўрсатганидек, ҳаракат малакасининг физиологик асоси ҳисобланган динамик стериотипни кўп маротабалаб такрорлашсиз шакллантириш ва тартибга солиш мумкин эмас.

Такрорлаш, энг аввало организмдаги морфофункционал ўзгаришини тартибга солиш ва қайта мосланиши узоқ муддат давомида таъминланиши учун зарур бўлиб, унинг базасида жисмоний сифатларнинг ривожланиши рўй

беради, эришилганлари мустаҳкамланади, кейинги прогресс учун шароит яратилади. Такрорлашларсиз жисмоний тарбияни амалга ошириб бўлмайди.

Фақатгина ҳар бир машғулот такрорланмай, машғулотлардаги кетма-кетлилик ҳам, қайсиdir ҳолларда айнан шу машғулотларни ўзини ҳафтада, ой, давомида ва машғулотлар вактининг маълум даврлари ичидаги (хафталик, ойлик ва х.к. цикллар) такрорланади. Такрорийликнинг даражаси қўлланилаётган машқларнинг қандай мақсадга қаратилганига, жисмоний тарбиянинг у ёки бу этапидаги умумий йўналишига, шуғулланувчилар контингенти ва хусусятларига жисмоний юкнинг характеристирига таъсир қилувчи бошка факторларига боғлиқ. Шунинг учун такрорийлик дақиқаси айрим ҳолда кўпроқ ва айрим ҳолларда оз бўлиб унинг аниқ натижаси жисмоний машқлар билан шуғулланиш машғулотларнинг **мунтазамлигига** ифодаланади.

Жисмоний тарбия жараёни учун такрорийлик қаторида вариативлик ҳам ўз аҳамиятига кўра маълум ўринга эга. Машқларни бажариш шароити унинг кўринишини, нагрузка динамикасини ўзгартириб, усулиятларни турличасини қўллаш билан машғулотларнинг шакли ва мазмунини бир хил машғулотни ёки унинг машқларини шаклини бир варакайига ўзгартириш вариациялаш деб қабул қилинган.

Бу ўринда куйидаги объектив қарама-каршиликларга диккат эътиборини қаратиш лозим. Кўп маротабалаб қайтариш жараёнида ҳаракатларнинг динамик стериотипи ва организмни унга қўлланилаётган нагруззага жавоб реакцияси янада стабиллашуви ва стандартлашуви содир бўлади. Шунинг учун машқни ҳаракат ҳолатининг шакли ва мазмунини айтарли ўзгартирмай такрорлаш ва уни давомийлиги чегараланмаса, эртами-кечми, барии бир, ҳаракат малакасининг йўналишидан четланиши содир бўлиши ва жисмоний сифатларнинг ривожланишининг тўхташи рўй бериши мумкин. Бу қарама-каршилик такрорийлик ва вариативликни кўшиб қўллаш орқалигина ҳал этилади.

Стандарт машқларни билан шуғулланишда вариативлик нагрузкаларни такрорлаш фонида унинг ҳажми ва инттенсивлигини машғулотларнинг тузилиши ва мазмунини сақлаган ҳолда ўзгартириб қўллаш билан янгилаш орқали тарбия жараёнини юқори погонага кўтаришга эришамиз.

Жисмоний нагрузка ва дам олишининг рационал навбатлашуви.

Жисмоний тарбия жараёнининг мунмазамлиги дам олиш билан нагрузка беришнинг доимий бўлишлигини ман қилмай, тахминий мўлжал олиш орқали амалга оширилади. Нагрузка шугууланувчилар организмига жисмоний машқлар таъсирини маълум даражадаги катталиги бўлиб, у организмни функционал имкониятини ошириш фактории ҳисобланади. Бунга организмнинг “иш потенциали”ни сарфлаш ва «чарчаш» орқали эришилади, энергияни тиклаш жараёни учун стимул ҳисобланади. Тикланиш жараёнининг қонуниятлари кучига қараб нагрузка ва дам олиш бир вақтнинг ўзида нагрузкани қўллаш пайтидаги шароити билан ҳам чамбарчас боғликлек мавжуд.

Кўп сонли илмий изланишларнинг кўрсатишича, иш қобилияти дам олиш шароитида қонуний равишда белгиланган фазалар буйича ўзгариб туради. Иш пайтида, нагрузка катта бўлса, иш қобилияти даражасининг пасайиши содир бўлади, чарчаш ривожлана бошлайди. Окибатда иш бажариш тўхтайди, организмга дам бериш керак бўлади, дам пайтида тикланиш жараёни бошланади, навбатдаги нагруззага стимул тайёрланади. Тўғри, айрим пайтда тикланиш жараёни иш вақтидаёқ бошланади, лекин иш қобилиятининг тўла тикланиши учун дам олиш шароити яратилиши керак. Айтарли юкори даражадаги катта нагруззака ва лозим бўлган дам олиш интервалида тикланишнинг бориши иш қобилиятининг иш бошлангунгача бўлган даражасига етиб қолсада, у тўла тугалланмайди, чунки унинг орқасидан “юкори тикланиш” фазаси содир бўладики, унинг асосида организмнинг энергетик ресурсларининг супер-контенсацияси (фосфокреатин, гликоген ва хоказоларнинг тикланиши) ётади. Юкори тикланиш фазаси дам олиш давом эттирилган ҳолдагина алмашади ва иш қобилияти организмда иш бошлангунча бўлган ҳолатга қайтади (2 чизмага қаралсин).

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки: **биринчидан** – организмнинг функционал имкониятлари динамикаси факат нагрузка билан эмас, иш қобилиятининг тикланиши ва ривожланиши учун зарур бўладиган дам олиш билан шартли боғлиқ. Шу сабабли дам олишга нагрузка каби жисмоний тарбия жараёнининг етакчи компонентларидан бири деб карашимиз лозим. Шунга кўра, жисмоний тарбия санъати – бу маълум маънода нагрузка билан дам олишни тўғри навбатлаштира (алмаштира олиш) демакдир.

Иккинчидан – нагрузка билан дам олишни рационал алмаштириш муаммосини ҳал этишда тикланиш жараёни фазали эканлигини ҳисобга олишимиз, навбатдаги нагрузка тикланишнинг қайси фазасига тўғри келаётгандигини, чунки ўша нагруззаканинг самараси қайси фазага тушганлигига қараб турлича бўлишини унутмаслигимиз керак. Агар нагруззкалар орасидаги интервал чўзилиб кетса **«тикланиш»** фазасига тўғри келмаса, амалда функционал имкониятлар ошмайди. Агар навбатдаги нагрузка қайта тикланиб улгурмаган фазага тўғри келса, пировард натижаси

функционал имкониятларнинг пасайишига ҳамда охир-оқибат чарчашга олиб келади. Лекин нагрузка “юқори тикланиш” фазасига мос келиб қолса, унинг ҳажми ва интенсивлигини ошириш учун имконият яратилади ва шу тариқа иш қобилияти доимий ортиб боради. Шунга эътибор бериш керакки нагрузка билан дам олишни ўрин алмаштирилиши ҳар бир машғулот давомида олиб борилмаслиги керак деган тушунча пайдо бўлмаслиги керак.

Қатор машқларни, айниқса, чидамлиликни ривожлантиришга йўналтирилганини қисман қайта тикланиб улгурмаган фонда бажаришга рухсат этилади, хатто уни мақсадга мувофиқ дейиш ҳам тўғри бўлади, чунки иш қобилиятининг ошиши чарчашиб орқали амалга оширилади. Бу фикрни алоҳида туркум машғулотлар учун ҳам айтиш мумкин. Организм тўла тикланмаган шароитда қатор машғулотлар ўтказиб, биз уларнинг эффектини тўплагандек (йиккандек) бўламиз ва бу билан организмга нисбатан қаттиқ талаблар қўямиз, навбатдаги дам олиш давридаги кучли тикланиш учун етарли стимул яратамиз. Дам олишнинг интервали бу туркумдаги машғулотлар учун, албатта, иш қобилиятининг умумий тикланиши “*юқори тикланиши*” учун етарли даражада катта бўлиши лозим.

Қайта тиклана олмаганлик фонида аҳамиятли даражадаги юкламадан шуғулланувчиларнинг мувофиқ равишдаги дастлабки тайёргарлигидан сўнг фойдаланилади. Туркумли қайта тиклана олмаганлик фонида ўтказилган машғулотларнинг эффекти йигиндисига нисбатан эҳтиёткорлик зарур. Бу тизимдаги нагрузкалар асосан спорт тренировкалари учун характерлидир.

Яна битта аниқлик киритайлик. Амалиётда нисбатан абстракт ва соддалаштирилган тикланиш ва бир хил типдаги нагрузка жараёнининг графигига дуч келамиз. Ҳаётда, жисмоний тарбия практикасида нагрузка доимо характеристига кўра (куч, тезлик, чидамлилик ва х.к.) интенсивлиги ҳажмига кўра навбатлашади. Тикланиш жараёни турлича бўлган орган ва системаларда бир хилда ва бир вактнинг ўзида бормаслиги эътиборимизда (гетерахрон тарзида) бўлиши лозим. Бундан ташқари, хатто бир турдаги функционал тузум чегарасида ҳам турли функционал хусусиятлар тикланишида ҳам гетерахронлик кузатилади, гитерахронлик билан боғлиқ биохимик жараёнлардаги тикланиш ҳам тенг амалга ошмайди. Масалан, мускулни энергия потенциалининг тикланишида аввалига АТФнинг микдори нормаллашади, сўнгра креотинфосфат ва ниҳоят, гликоген ўз нормасига кайтади, бу харакат аппарати иш қобилияти тикланишининг бир вактнинг ўзида, айниқса, турли характеристдаги ишни бажаргандан сўнг рўй бермаслигини кўрсатади.

Машғулотлар кетма-кетлиги ва уларнинг мазмунини турли томонларининг ўзаро боғликлиги, машғулотларнинг оптималь кетма-кетлиги муаммоси, кучига ярашалилик муаммоси билан узвий боғлиқ. Ҳақиқатдан ҳам жисмоний тарбия жараёнида бир йўлни танлаш билан биз шуғулланувчиларнинг имкониятлари ва уларнинг ривожланиш конуниятлари Билан ҳисоблашишга мажбурмиз, яъни шу этап учун нимани уddyалай оламиз

кучимизга яраша, кейингисида нимадан иборат бўлиши лозимлигини белгилаб оламиз. Шундай қилиб, *кучига ярашалилик кетма-кетликни шарт қилиб олади*. Кетма-кетлилик муаммоси кучига ярашалилик муаммосига бориб тақалмайди. Уларнинг қай йўсинда бориши, жисмоний тарбиянинг қайси этапида қандай йўл тутиш лозимлигини аниқлаш, нима учун кучига ярашалилик танланди, уларни қайсинасини йўлидан бориш мақсадга осон олиб боради? Мана шу саволларга бериладиган жавоб орқали оптимал кетма-кетлилик муаммоси ҳал қилинади.

Аввал айтиб ўтилгандек, *таълим ва тарбия жараёни йўлини танлашида риоя қилинадиган қоидалар – маълумдан номаолумга, осондан қийинга, оддийдан мураккабга бўлиб, бу қоидалар кетма-кетликнинг айрим шартсиз компонентлари эканлигини ифодалайди ва шунинг учун унга киритилиши лозим бўлган қўшимчалар конкретлаштирилиши зарурлиги кўрсатилиб ўтилган*.

Агар жисмоний тарбия жараёни тўлалигича назарда тутилса, умумий материалнинг аста-секинлиги, биологик ёш ривожланиши қонуниятлари ва кенг умумий жисмоний маълумотдан, нисбатан чукурлаштирилган, ихтисослаштирилган Машғулотларга ўтиш, кейинчалик умумий тайёргарлик билан биргаликда қўшиб олиб бориш мантиқан тўғри хисобланади.

Маълумки, жисмоний тарбиянинг турли воситаларидан фойдаланиш учун биологик фундамент бирданига вужудга келмайди. Ҳаммадан аввал ҳаракат координацияси ва тезкорликни белгиловчи функциялар ҳал қилинади, сўнгра максимал куч сифатлари ва ундан кейинроқ чидамлилик намоён кила олишнинг чегаралари вужудга келади (В.С. Фафель, Н.В. Зимкин, И. Неккер ва бошқалар).

Шунга мувофик, жисмоний тарбиянинг дастлабки этапларида координация талаб қилувчи машқлар, тезкорлик қобилияти учун, сўнгра куч талаб қилувчи машқларнинг микдори ва ҳажми оширилади ва охирида чидамлиликни ривожлантиришга юқори талаб қўювчи машқларни бажариш учун машқлар тавсия этилади. Албаттага, бундан жисмоний сифатлар навбатма-навбат тарбияланар экан, деган хулоса чиқармаслигимиз керак. Жисмоний тарбия жараёни ҳар доим ҳар томонлама бўлиши зарур, гап шуғулланувчи ёшининг ривожланиши қонуниятларини кўллаб, акцентини кетма-кет шу жараённинг турли томонларига қаратиш хақида бормоқда.

Умумий кенг жисмоний билимлар берадиганлардан ихтисослаштирилган машғулотларга ўтиш қонунийdir. Дастлаб керагича асосан амалий фаолият турларининг элементар асосини ташкилловчи турли-туман ҳаракатлар (энг содда гимнастика ҳаракатлари, машқлари, асосий ҳаётий зарурий ҳаракатлар – юриш, югуриш, сакрашлар, тўсиклардан ошишлар, улоқтириш ва х.к.лар) ўзлаштирилади. Шу аснода спорт ёки профессионал фаолият тури бўйича ихтисослик танланади.

Жисмоний тарбия жараённинг турли этапларида материални кетма-кетлиги кўпинча, конкрет шарт-шароитларга боғлиқ. Назарда тутилган

харакат фаолиятлари турлари орасидаги объектив боғлиқликнинг мавжудлиги, улардан бири-бирига узатиладиган, ўтадиган элементларнинг борлиги ва мос келиши, ўзлаштирилиши, мустаҳкамлаш, такомиллаштиришни осонлаштиради. Ҳар қандай конкрет ҳолатда материални ўқитиш тартиби тизимини шундай танлаш керакки, улар фаолиятларнинг ўзаро оптималь алоқасини тиклашга ва уларнинг уланишига ёрдам берсин. Бу билан амалиётда харакат малакасини ва жисмоний сифатларни “кўчиши” деб аталиши қонуниятидан фойдаланишнинг аҳамияти ортади, қайсики у таълим ва тарбия жараённида ҳам ижобий, ҳам салбий бўлиши мумкин.

Жисмоний машқлар билан шугулланиш машғулотларнинг тизимини тузәтиб, харакат малакаси ва жисмоний сифатларнинг “ижобий кўчиши”ни максимал даражада бўлишини ва имконияти борича, “салбий кўчиш”ни тормозловчи таъсирини йўқотиш устида ишлаш лозим. Демак, салбий эффект берувчи “кўчишдан” умуман юз ўгириш керак деган хуносага келмаслигимиз зарур. Жисмоний тарбиянинг мазмуни хаётдан келиб чиқади, уни турмуш талаби белгилайди, ҳаётий амалиётда эса жисмоний сифатларнинг турли даражада ривожланганлигига, ундан ҳам турлича бўлган харакат малакаларини эгаллаган бўлишларни шулар қатори, керакли малакаларга каршилик кўрсатувчиларга ҳам эга бўлмоғимиз лозим. Харакат малакаларининг мустаҳкамланиши, бир тартибга кириши натижасида жисмимиз ва унинг тури тизимларида “салбий эффект” берувчи малакаларни ҳам осонликча енга оладиган имкониятлар юзага кела бошлайди, бу ўз навбатида, умумий ўсишни, ривожланишни бошқачасига прогресснинг вужудга кела бошланаётганлигидир. Мисол учун, чидамлиликнинг ривожланиши вақтинчалик куч ва тезкорликнинг сусайини билан кузатилиши мумкин. Кейинчалик бу ўз навбатида у ёки бу сифатнинг ривожи учун база яратади бошқача айтганда, жисмоний сифатнинг ривожланиши, такомиллашиши организмнинг функционал имкониятлари ошишининг умумий фони содир бўлади.

Юкорида қайд қилинганидек, тормозловчи фаолиятнинг “салбий кўчиши”ни чегараловчи ва уни ижобий факторрга айлантириш муаммоси ҳақида гапирдик. Бу муаммони, энг аввало, бир-бирига салбий муносабат кўрсатаётган машқларни вақти-вақти билан (уларнинг ҳажмини, вазнини ва ҳ.к.ларини) ҳамда мувофик машқларни, уларнинг навбатлашувини жисмоний тарбия жараёнининг турли этапларида, оз бўлсада, яқинлаштириш, ўхшаш томонларини топиш билан ҳал қилинади. Машқларни навбати (бирин-кетинлиги) уларнинг тузилиши ва қийинлигига мувофик белгиланади. Нисбатан мураккаб бўлмаган ва мураккаб машқлар, қоидадагидек нисбатан анча қийин ва бирмунча қийинлари таркибига кириб, бутуннинг бўлагини (қисмини) вужудга келтириб кўйилган мақсад ҳал қилиниши амалиётда исботланган.

Оптимал кетма-кетликдаги машғулотлар ва машқларни ҳар бир машғулот чегараси айнан шу машғулот учун танлаш характерига кўра турли нагруззкаларнинг натижаси (таъсири)ни ҳисобга олишнинг аҳамияти жуда каттадир. Тажрибада (С.П. Летунов, Н.Н. Яковлев ва бошқалар) исботлашганки, тезкорлик характеридаги нагрузка, чидамлиликни талаб қилувчи нагруззкаларга қулай физиологик фонни вужудга келтиради. Охиргиси шундай фон қолдирадики (албатта, нагрузка аҳамиятли даражада бўлган бўлса), бир неча соатлар давомида тезкорлик машқларини бажаришга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Аниқланганки, тезкорлик нагруззаси куч талаб қиласиган машқлар билан яхши навбатлашади, бу ўз навбатида ижобий натижага олиб келади (Н.Н. Яковлев, В.М. Дячков ва бошқалар), ижобий натижага олдин куч талаб қиласиган машқлардан, сўнг, тезкорлик талаб қиласиган машқлар кетма-кетлигига бажарилса содир бўлиши исботланган.

Юқорида таъкидланганидек, нагруззкаларнинг тартиби, уларнинг куйидаги йўналишига қараб: куч, тезкорлик-чидамлиликка ёки тезкорлик, куч чидамлилик деб белгиланиши лозим. Бу алоҳида машғулотлар ичидағи машқлар кетма-кетлиги учун ҳам, ҳафталик машғулотларнинг йўналишини ёки узунлигига кўра яқин бўлган циклларда машқларни, машғулотларнинг тартибини ўзгартириш учун ҳам тўғри келади. Бунда, чидамлиликни ривожлантиришга йўналтирилган машғулотлардан сўнг актив ва пассив дам олишнинг шундай интервали назарда тутиладики, навбатдаги тезкорлик ёки куч талаб қилувчи характеридаги машқларга уларнинг зарур бўлмаган таъсирлари бўлмаслиги керак.

Кўрсатилган тартиб кўп ҳолларда ўзини оқлаган, лекин у албатта ягона ва мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, машғулотлар ва машқларнинг кетма-кетлиги катор конкрет шароитларга, шу қаторда шугулланувчилар контингентининг хусусиятлари ва жисмоний тарбиянинг у ёки бу этапидаги машғулотларнинг умумий йўналиши, қўлланилаётган нагруззкаларнинг катталиги ва уларнинг динамикаси хусусиятлари ва шу кабиларга боғлиқдир. Бундай шарт-шароитларни ҳисобга олиб, уларни қўллаш учун мақсадга мувофиқ йўлни танлаш албатта, осон эмас. Ҳозирча бу муаммони барча деталлари билан ҳал қилиш анча мушкуллигича қолмоқда. Вақти келиб, сўзсиз равишда алоҳида машғулотнинг ўзини ёки машғулотлар тизимини тўлалигича программалаштириш имконига эга бўламиз. Албатта, соҳа бўйича катта шижаот билан программалаштириш ва модуллаштиришнинг асосли равишдаги кибернетик услубиятини яратиш ва қўллаш устида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

10.6. Талабларни аста-секинлик билан ошириш (прогрессивлаштириш) принципи

Жисмоний тарбия жараёнининг ушбу принципи машғулотларда шугулланувчиларга қўйилаётган талабларнинг умумий тенденциясини ифодалаб, янги, қийин вазифаларни танлаш, қўллаш, бажаришни, аста-

секинлик билан унга боғлиқ бўлган нагрузкаларнинг ҳажми ва интенсивлигини оширишни меъёрига ётиборни ўз ичига олади.

Нагрузкаларнинг оширишининг умумий тенденцияси билан вазифаларни янгилай зарурятининг дойимилиги.

Жисмоний тарбия жараёни, машгулотдан-машгулотга, бир этапдан бошқа этапга узлуксиз ўзгариб боради. Характерли белгилари: машқлар мураккаблигини, улар таъсирини даражаси давомийлигининг ўзгарувчанилигидир.

Жисмоний тарбия жараёнида ҳаракат фаолиятларининг бир шаклдан иккинчи шаклига айланиши айтарли даражада кийин бўлиб, биринчи навбатда маълумот бериш вазифаларини ҳал қилишдек зарурият бор. Табийки, машқни янгиламай туриб, ҳаёт учун аҳамияти зарурий ҳаракат малакалари ва кўнгилмаларини юзага келтириш қийин. Бу кейинчалик такомиллаштиришнинг шартига ҳам айланиши мумкин, чунки машқ қанча янгиланса, ҳаракат малакаси ва бажара билиш заҳираси шунча кенгаяди, шу сабабли ҳаракат фаолиятларини янги шаклини ўзлаштириш, эгаллаш, олдин эгалланган малака ва кўнгилмаларни такомиллаштириш осонлашади. Яна ҳам аҳамиятлиси, турли хил ҳаракат координацияларини ўзлаштириш жараёни натижасида содир бўладиган қийинчиликларни енгиш (ҳаракат вазифалари)ни ҳал қилишда, ўз-ўзидан машқларни координациялаш қобилияти ривожланади ва уларни такомиллаштиришнинг бепоён уфқлари очилади.

Жисмоний тарбия жараёнида ҳаракат фаолиятларининг шаклларини қийинлаштириш жисмоний нагрузканинг барча компонентларини ошиб бориши билан кузатилади. Бу ўз навбатида қўйидаги жисмоний сифатлар: куч, тезкорлик, чидамлиликни ривожланишига сабаб бўлади. Жисмоний машқлар таъсиридан организмда содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар даражаси (маълум даражадаги физиологик чегарада) нагрузкаларнинг ҳажми ва интенсивлигига пропорционалдир. Лозим бўлган барча шартларга риоя килинса, нагрузка меъёридан, янги толикиш чегараси бошланадиган жойдан ошириб юборилмаса – унинг меъёри қанча юкори бўлса, организмдаги адаптация даври шунчалар аҳамиятли ва пишик бўлади; нагрузка қанчалик интенсив, тикланиш ва “юкори тикланиш” жараёни шунчалик бақувват бўлади. Бу мускуларнинг энергия ресурсларини тикланиши мисолида тажрибада исботланган.

Организмнинг жавоб реакцияси бир хил нагрузкаларга ўзгармас бўлиб қолавермайди. Чунки нагрузкага мослашган сари ундан организмда содир бўладиган биологик ўзгаришлар эскиради, ташки иш бирлигига сарфланган энергия озаяди, ўпка вентиляцияси, юракнинг минутли уриш частотаси ва қон босими камаяди: қон таркибидаги биохимик ва морфологик ўзгаришлар сезилмас даражага бориб қолади. Физиологик нуқтаи назаридан “функцияни тежамлаштириш” содир бўлади. Организм функционал имкониятининг ўзгармас ишларига мослашишининг ортиши натижасида шу ишни

бажаришда энергия сарфлашни иктисад қилиш, қисман зўрикиш билан бажаришга олиб келади. ***Нагрузкаларга биологик мосланишининг маъноси анашулардан иборатдир. Бу жисмоний тарбия жараёнининг етакчи қонуниятларидан биридир.***

Демак, биологик мосланиш содир бўлмаса, организмдаги ўзгариш, яъни харакат сифатларнинг ривожланиши, ўсиш тўхтайди. Бу нагрузкани тизимли ўзгартириб, унинг ҳажми ва интенсивлигини ошириб бориш талабини кўяди.

Амалиёт бу қонуниятнинг жисмоний тарбия жараёнида руҳий сифатларни ҳам тарбиялашга таълуқли эканлигини кўрсатади. Жисмоний сифатларни ривожлантиришдек руҳий сифатлар, шу сифатни талаб қилувчи фаолиятларни бажариш орқали ривожлантирилади. Руҳий сифатларни намоён қилиш дарражаси психологияк қийинчиликларнинг ўлчовига боғлиқ. Шунга кўра, руҳий ҳолатини тарбиялаш маҳсус жисмоний юкламалар ва топширикларни аста-секинлик билан ошириб бориши орқали тарбияланади.

Топшириклиарни қийинлаштириши шартлари ва нагрузкаларни ошириши шакллари.

Кучига ярашалилик, индивидуаллаштириш ва системалик принципларида биз жисмоний тарбия жараёнида талабларни оширишнинг айрим шартлари устида тўхталдик. Талабларни ошириш янги вазифалар ва унга боғлиқ бўлган юкламаларнинг шуғулланувчилар учун кучига яраша қилиб танлаш, организмга керагидан ортиқ талаб қўймаслик, жинси, ёши ҳамда индивиднинг бошқа хусусиятларига мос келсагина, ижобий натижаларга олиб келиши мумкинлигини тушуниб олдик. Яна асосий шартларидан бири кетма-кетлилик (машқларнинг бирини-бирига мослаб улаш, ўзаро боғликлик), машғулотларнинг мунтазамлилиги ва нагрузкани дам олиш билан оптималь навбатлаштириш билиш хисобланади.

Шу ўринда пухталиникнинг аҳамиятини ҳам эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак. Бунда гап жисмоний сифатларни ривожлантириш асосида ётувчи эгалланган малака ва кўнникмаларнинг пухталиги ва организмнинг мослашуви (адаптацияси)ни пухталиги устида боради. Нисбатан янги, мураккаб ва оғир машқларга ўтиш шаклланган малакаларнинг мустаҳкамланиши дарражаси ва нагрузкаларга мослашуви орқали бориши лозим. Мустаҳкамланмаган малака нагрузканинг катталигидан тез бузилиши мумкин (шунингдек, интерференция таъсиридан ҳам). Чунки янги машқларга ўтиш пайтида ҳам шуҳолга дуч келиши мумкин. Бу, ўз навбатида, янги малакаларнинг шаклланishiiga тўсиқ бўлади, сабаби малакалар оёққа туриш учун етарли даражадаги таянчни топа олмайдилар. Шу билан бир қаторда, нагрузка динамикаси ва морфофункционал ўзгаришлар орасида ҳавфли мувофиқлик вужудга келиши мумкин.

У ёки бу нагрузкага организм бирданига ёки озгина вақт ичидаги (мальум дақиқаларда) мослашмайди. Шуғулланганликнинг янги, нисбатан юкори даражасига кўтарилишига имкон берувчи адаптация даври учун

маълум вақт ўтиб улгуриши керак. Турли функционал ва структурадаги ўзгаришлар учун, кўрсатиб ўтилгандек, бир хил вақт (муддат) талаб қилинмайди.

М. Переиш схемаси бўйича энг аввало мускуллар ва безлар таркибида физик-химик ўзгаришлар, шунингдек, нерв системасининг бошқариш функциясида ҳам маълум ўзгаришлар содир бўлади. Нерв мускул тизимининг актив хужайраларида функционал ва структуравий ўзгаришлари учун нисбатан узокрок (камида бир хафта) вақт энг кўпі эса, бир ой, таянч боғлов аппарати хужайраларидағи ўзгаришларга мосланиш учун керак бўлади. Мослашувнинг бу каби муддатлари албатта нагрузжаларнинг ҳажмига ҳам боғлиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, нагрузжалар динамикаси турлича шакллар тавсия қиласи: аста секин тўғри чизиқ бўйлаб, поғонасимон, тўлқинсимон шаклда оширилиши таълим жараёни амалиётiga киритилган.

Тўғри чизиқ бўйлаб ошириш ўз ичига нагруззани хафтадан-хафтага мутаносиб равишида, мослаб аста-секин ошириш, машғулотлар орасидаги интервал аҳамиятли даражада катта бўлмаслиги эътиборга олиниша айтилади.

Нагрузка динамикасини поғонама-поғона ошириш қаторасига ўтказилган бир неча машғулотларда нисбатан стабиллашув содир бўлганидан сўнг навбатдаги поғонага ўтиш тушунилади. Навбатдаги поғонага “сакраш” пайтида тўғри чизиқ бўйлаб оширишга нисбатан нагруззка динамикаси айтарли кескин оширилади; лекин бунда организмдаги нагруззага мосланиш жараёнларининг боришини енгиллаштирувчи стабиллашув ҳолати нисбатан сезирарли ифодаланади. Нагрузканинг ана шундай шаклдаги динамикаси нисбатан аҳамиятли бўлган даражадаги юкламаларни ўзлаштириш имконини осонлаштиради.

Юкламани аста-секин оширишнинг тўлқинсимон динамикаси шундай характеристланади, аввалига айтарли паст, бирмунча секин, лекин бир текисда аста-секин бериб борилаётган нагруззкада бирданига кескин кўтариш қилинади ва аста-секин пасайтирилиб энг олдинги, дастлабки бошланган нагруззага қайтилади. Чунки, функционал мослашув орқада қолиши мумкин. Мослашув белгилари кузатилгач, нагруззка янада катта “тўлқин” билан оширилади. Бунда аста-секинликни бузилмаслиги мухимдир. Шундай қилиб нагруззка ҳажми ва интенсивлигини энг катта тўлқинга олиб чиқиб юклама микдорини ошириш мумкин.

Умуман, узок муддат (бир неча йиллар) давом этган машғулотларда нагруззканинг динамикаси ҳақиқатдан ҳам тўлқинсимон ёки унга ўхашаш шаклга (формага) киради.

Бошқа сўз билан айтганда, жисмоний тарбия жараёнининг нисбатан узоқ давом этмаган даврларида, агар у қанчалар қисқа бўлса, нагруззканинг тўғри чизиқ бўйлаб ва поғонасимон тарзда оширишнинг умумий даражаси ҳажми ва интенсивлиги шунчага юқори бўлиши мумкин.

Бу содир бўладиган қатор табиий физиологик жараёнлар сабаблари билан белгиланади ва улар моҳият жиҳатидан етакчи роль ўйнайди: биринчидан, организм физиолоик жараёнларининг табиий ритмини ифода этувчи хизмат ҳолатининг даврий тебраниши ва ҳаётнинг умумий режими, фаолияти; иккинчидан, мослашув жараёнларининг конунияти; учинчидан, нагрузка ҳажми ва интенсивлигини оширишдаги қарама-қаршиликлардир.

Кейинги икки ҳолатга аниқлик киритамиз. Организм шакли (формаси) ва вазифаси (функцияси)нинг стабиллиги ўзига хос кучга эга бўлиб, турли орган ва системалардаги мослашув жараёни бир вақтнинг ўзида бўлмай, кайта куришга мослашиш динамикаси, нагрузка динамикасидан “оркада” қолгандек бўлади: аввалига нагрузкалар оширилади, сўнгра янги оширилган талаблар орқали келиб чикарилган мослашув жараёни йўлга қўйилади. Агар машғулотдан машғулотга ёки белгиланган машғулотларнинг бир сериясидан бошқа сериясига нагрузка ортираверилса нагруззканинг умумий ҳажмини юкорилилгига кўра, эртами-кечми барibir организмнинг имконияти ва унга қўйилаётган талаблар орасида узулиш содир бўлади. Бунга йўл қўймаслик учун нагруззкани умумий ҳажмининг тўлқинсимон «қўтариш» ва “пасайтириш”ларни қўллаб нисбатан кечроқ мослашувчи организмдаги ўхшаш ҳолатни вужудга келтиришимиз лозим.

Юкламанинг ҳажми ва интенсивлиги, бошқачасига, жисмоний ишнинг микдорий йигиндиси ва унинг зўриқиши билан бажарилиши даражаси орасидаги зиддият бирваракайига маълум чегарага, киррага эгалиги билан ифодаланади.

Ҳажмнинг кейинчалик оширилиши машқнинг ёки машғулотнинг интенсивлиги, стабиллашув, сўнгра унинг пасайиши билан боғлиқ ёки унинг акси бўлиши мумкин: Зарур бўлган даражада интенсивликни ошириш учун қайсиdir этап давомида стабиллаштириш ва нагрузка ҳажмини оширимасликка тўғри келади.

Бироқ, жисмоний тарбия жараёнида ҳажм ҳамда интенсивликни умумий тенденциясини ошириб бориш бир оз ушланишига тўғри келади, бўлмаса, жисмоний сифатларнинг доимий ва ҳар томонлама ривожланишини таъминлаб бўлмайди. Бу қарама-қаршилик нагрузка динамикаси ёрдами билан ҳал қилинади. Ҳар бир тўлқин вақти билан бир-бирига тушмайдиган ҳажм динамикаси ва интенсивлик динамикаси ажralгандек бўлади. Бошланишида агар вақтнинг катта бўлаклари хусусида гапирилганда (хафта ёки ой назарда тутилади) нагруззкаларнинг ҳажми нисбатан кўпайтирилиши содир бўлади; бунда интенсивликнинг темпи уччалик оширилмайди. Сўнгра маълум даражадаги стабиллашувдан сўнг ҳажм қисқартирилиб, интенсивлик шу этап учун энг юқори даражада қўтарилади. “Тўлқинларнинг ҳажм ва интенсивлиги пасайиши” – енгиллашган якунловчи дақиқа ҳисобланади. Сўнги тўлқинлар худди шу тузилишда бўлади. Лекин нагрузка ўсишининг умумий тенденцияси юқори даражада ўтади.

Бу тенденция кўп йиллик машғулотлар давомида сақланади, маълум вақт ўтиши билан у умумий тенденция бўла олмай қолади (функционал, адаптация имкониятлари кучли пасайишнинг кучайишининг хисобига) ва йиллик машғулотларнинг айрим этаплари рамкасида кўлланилади. Шундай қилиб шу кунгача нагруззканинг умумий динамикаси кўп йиллик аспекти “тўлқинсимон” тарзда кўлланилиши амалиётда кўпроқ кузатилмоқда.

Нагрузаларнинг тўлқинсимон оширилиши-ҳафталик, ойлик, йиллик фон асосида бўлиб, унга ҳам тўғри чизикли, ҳам поғонасимон шаклдаги нагруззкаларнинг фонидан фойдаланиш жисмоний тарбиянинг турли этапларидағи конкрет вазифаларнинг ҳал қилиниши шароити билан боғлиқ. Нагрузкани тўғри чизик бўйлаб оширишда, умумий даражаси нисбатан юкори бўлмаган нагруззкалар ва айниқса, аста-секинлик билан ишга тортишда кўлланилади. Поғонама-поғона динамика юқоридагининг акси, бажарилган ишлар базасида шуғулланганликнинг ошишини стимуллаштириш вазифаси ҳал қиласи.

10.7. Услубий принципларнинг ўзаро алоқаси

Жисмоний тарбия принциплари хусусида айтиб ўтилган фикрларни дикқат билан таҳлил қилсақ, уларнинг мазмуни бир-бири билан шундай туташган бири-бирига сингиб кетган ва ҳатто ўзаро мослашиб кетгандигини кўришимиз мумкин. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади, чунки уларнинг барчаси бир жараённи айрим ажратилган томонлари ва қонуниятларини ифодалайди, моҳиятига кўра улар алоҳида, лекин шартли равишда алоҳида аспектдаги принциплардек ифодаланади.

Онглилиқ ва фаоллилик принципи жисмоний тарбиянинг бошқа барча принципларининг амалга оширилиши умумий шартлари тарзида қабул қилиниши мумкин. Чунки, шуғулланувчиларнинг ишга онгли ва актив муносабати ўкув материалини кучига ярашалилигига, эгалланган билим, малака ва қўникманинг пухталиги, аввалгиларининг кейингиларига боғланиши ва хоказолар билан характерланади. Бошқа томондан, шуғулланувчиларнинг актив фаолияти орқали белгиланган мақсадга олиб бориши, кўргазмалилик, кучига ярашалилик, индивидуаллаштириш, системалилик, талабларни аста-секинлик билан ошириш принципларидан келиб чиқса, ҳақиқатдан ҳам онгли деб қабул қилинади.

Кучга ярашалилик ва индивидуаллаштириш принципларини хисобга олмасак, машғулотларнинг кетма-кетлиги ва нагруззканинг оширишнинг рационал йўлларини танлай олмаймиз. Ўз навбатида, кучига ярашалилик чегарасини белгилаш системалилик ва талабларни ошириш принципи асосида амалга оширилади бундан келиб чиқадики, кўрсатилган принципларнинг ҳеч бири бошқаларини инкор қилиш билан тўлалигича амалиётга тадбиқ қилинмайди. Уларнинг ўзаро бирлиги асосида ҳар бирининг таъсир доираси тарбия жараёнига кутилган самарани бериши мумкин.

11-БОБ. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ТАЪЛИМНИНГ УСУЛИЯТИЛари

Жисмоний тарбиянинг ўқитиши предмети сифатидаги маҳсус билим ва харакат фаолиятлари ўқитувчидан ўқитишга хос маълум усувлар ва усулиятларни билишни талаб этади. Таълим (ўқитиш)нинг усулиятлари кўп бўлишига қарамай уларнинг ҳеч бири универсал эмас. Таълим усулиятларининг тавсифини билиш бу услублар таркибидан қулайини танлаб олишга, ўқитиш вазифаларини ҳал қилиш учун нисбатан самаралиларини ажратиб олишга имкон беради.

Ўқитиш жараённинг турли шароитда, турли хилдаги шуғулланувчилар билан кенг доирадаги вазифаларни ҳал этиш имкониятини берадиган ва тарбиячи ёки мураббий кўллайдиган фаолиятни усулият деб аташ қабул қилинган бўлади. Масалан: кўргазмалилик билан харакат фаолиятлари билан таништириш, уларни турли ёшдаги ўқувчилар, катталарда такомиллаштиришдек турли хилдаги таълим вазифаларини осон ҳал қилишда фойдаланиш мумкин.

Усул – бу педагогнинг шундай таъсир фаолияти, ўқитишнинг қандайдир маълум бир шароитда таълимнинг хусусий вазифаларини (ёки ўша вазифаларни бирор кисмини) осон ҳал этиш учун кўлланилади. Масалан: машқни ўқувчига ёнламасига ўзи ён томони билан туриб кўрсатиши ўқувчига тўғри туриб кўрсатгандан яхшироқ самара беради. Тушунча осон ҳал бўлади.

Ҳар бир методнинг турли хил методик усувлари бўлиши мумкин. Улар сон-саноксиз даражада кўп бўлиб, маълум вақт мобайнida айримлари йўқ бўлиб кетса, айримларининг кўринишлари ўзгаради, ўқитувчининг ижодий изланиши, фаолияти натижасида янгилари ҳам вужудга келиб, амалда кўлланилади. Кўпинча ўқитиш даражасига хос методик усувлар ҳажмини ўқитувчи, мураббийни кўпроқ билиши уларнинг фаолиятига баҳо беришда мухим роль ўйнайди.

Тажрибасиз ўқитувчиларда баъзан усулият – методик усулнинг ташки аломатларини ўзида мужассамлагандек кўриниши мумкин. Масалан: айрим машқларни бўлакларга ажратиб ўргатиш уларнинг тизимини яратада олмаслика олиб келади, натижалар кутилгандай бўлмайди. Бу усул кўп ҳолда методик усулга ўхшаш бўлади. Аслида у янги харакатни ўзлаштиришда кўлланиладиган асосий усулиятдир.

Таълимнинг усулиятларига қўйилган умумий талаблар. Ҳар қандай конкрет ҳолатда у ёки бу усулиятни мақсадга мувофиқ ҳолда қўллаш қатор талабларга риоя қилишни тақозо этади:

1. **Усулият албатта илмий асосланган** бўлишилиги (олий нерв фаолияти) мувофиқлиги.

2. **Кўйилган вазифага ўқитишнинг усулиятини мувофиқлиги.**

Вазифаларнинг олдиндан аниқ белгиланмаслиги таълим усулиятларини тўғри танлаш имконини бермайди. Мисол, дарсда “козёл”дан

оёкларни кериб таяниб сакрашни ўргатиш (ўқитиш) вазифаси қўйилган бўлса, усулиятни танлаш мумкин бўлмай қолади (бўлакларга ажратиш билан ва ҳаракатни тўла бажариш билан ўқитиш методларига таяниш мумкин холос). Нисбатан аниқ вазифа, масалан, “козёл”дан оёкларни кериб сакрашда қўллар билан “депсиниш”ни ўргатиш қўйилса, машкни бўлакларга ажратиш билан ўргатиш усутиятини қўллашга имконият пайдо бўлади.

3. Таълим усулиятини ўқитши жараёнда тарбиялаш характерини шаклантириши. Ҳар бир танланган усулият айнан шу ҳаракат фаолиятини ўқитишнинг факат эффициентини таъминлаш нуқтаи назаридангина баҳоланмай, тарбия вазифалари позицияси талабига қараб ҳам баҳоланиши зарур.

4. Усулиятларнинг қўлланиши таълим тизимидағи барча принципларнинг мувофиқлиги ва амалда қўлланилишига таянишига лозимлиги. Усулиятни алоҳида олинган принцип билан алоқасини бир томонлама изоҳлаш ва уни тушунтиришга йўл қўйиб бўлмайди. Масалан: агар ўқитувчи кўрсатиш усулиятини қўллаган бўлса, уни кўргазмалилик принципига тўла риоя қилаётир деган хулосамиз нотўғри бўлади. Маълумки, бу принцип қатор усулиятлар тизими орқали қўлланилади.

5. Ўқув материалининг хусусиятларининг мувофиқлиги. Ўқитиш методлари маълум даражада бўлсада жисмоний машкларни турларига боғлиқ бўлиб, айрим ҳолларда факат сўз билан ифодалашнинг ўзи кифоя қиласа, нисбатан қийин вазифаларни ҳал қилишда эса кўрсатиш усулиятини ҳам қўллаб туришга тўғри келади. Уйналадиган машклар, гимнастика, спорт ва туризм тарзидаги машкларни ўқитиш ўзининг хусусий усулиятларига эга эмас. Жисмоний тарбия усулиятлари жисмоний машкларнинг барча турлари учун бир хилдир. Шу билан бирга бу турларнинг ҳар қайсиси қандайдир даражада бўлсада, бир хил усулиятнинг усуллардан фойдаланишга ўйналтирилган бўлиб бошқаларидан нисбатан озрок фойдаланилади. Бундай қарамлилик қанчалар кам бўлса ўқитиш натижаси шунча яхши бўлади.

6. Ўқувчилар индивиди ва ғурӯҳни тайёргарлигини мувофиқлиги. Масалан, айрим ҳаракат фаолиятларини ўзлаштиришда яхши тайёргарликка эга ўқувчилар учун қисмларга ажратиб ўргатиш методини қўллаш мақсадга мувофиқ эмас, нисбатан тайёргарлиги мавжуд бўлганлари учун эса бу ҳаракат фаолиятни эгаллашни йўлланма берувчи машклар билан бошлаш лозим бўлади. Сўз билан ифодалаш усулиятидан фойдаланишда ўқувчиларнинг умумий билимлари даражаси бир мунча юқори бўлса ўрганиш жараёни осон кечади. Масалан: “вираж” бўйлаб югуришни тушунтиришда уларни физика соҳаси бўйича билимига таянишимизга тўғри келади ва ҳ.к.

7. Ўқитувчининг индивидуал хусусиятлари ва имкониятларини мувофиқлиги. Албатта, ҳар бир педагог таълимнинг барча усулиятларини тўла ҳажмда эгаллаган бўлиши, баъзи ўқитувчилар айрим усулиятларни яхши, айримларини эса яхши билмайдилар. Жисмоний тарбия жараёнида

ўқитувчининг бундай хусусиятларни ҳисобга олишга тўғри келади. Агар маълум ҳолатда икки хил усулиятдан бир хил натижа чиқиши аниқ бўлиб қолса, албатта, ўқитувчи ўзи пухта билган усулиятни кўллаши лозим.

8. Машгулотлар шароитининг мувофиқлиги. Масалан, мактабдаги дарсларда тирмасиб чиқишига ўргатиш факат бир ёки икки аркон билан амалга оширилса, ҳаракатни бир бутунлигича тўла ўргатиш усулиятидан фойдаланиш самара бермайди чунки машгулотнинг зичлигига путур етади. Сўздан фойдаланиш методида ўқитувчи залнинг акустикасини ва спорт майдонининг сатҳини ҳисобга олмаса ўзи учун қўшимча нокерак муаммоларга дуч келади.

9. Усулиятларнинг турли хилларидан фойдаланиши талаби. Усулиятларнинг ҳеч қайсиси бири гегемон, етакчи ёки универсал бўла олмайди. Уларнинг барча турларидан фойдаланиш, таълимнинг самарасини оширади. Ҳар бир усулиятнинг ўзига хос яхши томонлари бўлишини эътибордан соқит килиб бўлмайди. Улардан саводсизларга фойдаланишининг оқибати яхши бўлмайди. Самара бераётган усулиятлар бошқа пайтда умуман яроқсиз, хатто заарли ҳам бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун педагогика жараёни таълимнинг усулиятларидан максадга мувофиқини танлай билишини тақозо этади. **Кўрсатиши тушунтириши билан, тушунтиришини кўрсатиши билан ифодалаши, тузатишлар кўрсатмалар ва ҳоказолар билан қўшиб олиб борилган** ўқув-тарбия жараёни амалиётда ўз самарасини тез кўрсатади. Шуғулланувчиларнинг барчаси учун ярайдиган, таълим шароитининг барчаси шароитига мос келадиган усулиятлар умуман йўқ десак хато қилмаган бўламиз. Амалиётда қайси бир усулиятни универсал метод сифатида юқори баҳоласак, уни барча ўқитувчи кўллай бошлайди, бу ўз навбатида, ўқитувчи ижодкорлигини чегаралаб қўяди, ўқувчининг барча имкониятларидан фойдаланиш имконини бермайди. Бу фикр П.Ф. Лесгафт томонидан образли тарзда ифодаланган: “айтиш мумкин: “Усул-бу мен”. Усул шундан иборатки, билимли, тушунадиган ўқитувчи ўз ишини ўзи олиб бораверади”.

Таълим усулиятларини тавсифи. Ўқувчиларнинг билимларини ошириш, малака ва кўнкималарни эгаллаш учун таълим методлари уч гурухга ажратилади. Ҳар бир гурух бир неча хил методларни ўз ичida мужассамлаштирган. Мужассамлаштирилган усулиятларни жисмоний тарбия таълими жараёнидаги ўрнига кўра сўздан фойдаланиш, кўргазмали ҳис қилиш ва амалий усулиятлар деб гурухланади ва улардан педагогик жараёнда кенг фойдаланилади.

Ўқитишининг усулиятлари

Сўздан фойдаланиш усулиятлари	Кўргазмали ҳис қилиш усулиятлари	Амалий усулиятлари
-------------------------------	----------------------------------	--------------------

ш риш а к	Хикоя Ифодала Тушунти Сұхбат Мұхокам Топшири Күрсатма Баҳолаш Буйрук	Күрсатиш, намойиш этиш, плакатлар, Кинограммалар, доскага бүр билан чишиш, ўқувчиларни ўзи чизгани, макетлар, моделлар, ранг ва товуш сигналлар	Қатоиян ва қисман регламентлаштириш ва харакатни бир бутунлигича тұла ўргатиши	Үй ин ва мусобақа
--------------------	--	---	---	-------------------------

Усулиятларнинг мавжуд уч гурухи орқали ўзлаштирилган фаолияти билан организмнинг турли анализаторлари тизими ёрдамида таништириш таъминланади: ўқувчи эштади, уқади, ўзи харакат жараёнини хис қиласы. Ишга иккала сигнал системаси жалб қилинади. Харакат фаолиятини ўқитишида амалий усулиятлар мухим аҳамият касб этади. Биринчиси иккинчисига пойдевор кўйса, уни қуриб битириш – яъни харакат фаолиятининг ижроси ўйин ёки мусобақа усулияти орқали амалга оширилади.

11.1. Сўздан фойдаланиш усулияти

Ўқитувчи ўз фаолиятини асосан сўз ёрдамида (конструктивлик, ташкилотчилик, изланувчанлик орқали) амалга оширади, шунингдек ўқувчилар билан ўзаро мулоқат ва муносабат ўрнатади. Сўз таълим жараёнини фаоллаштиради, айтарли тұла ва аник тасаввурнинг шакллантиради, таълимнинг вазифасини чукурроқ хис қилиш ва фикрлашга ёрдам беради. Сўз ёрдамида ўқитувчи ўқув материалидан фойдаланади, унинг ўзлаштирилиши натижасини баҳолайди ва таҳлил қиласы, бу билан ўқувчини ўз-ўзини баҳолашга ўргатади. Ва ниҳоят, сўз бўлмаганда, ўқитувчи таълимнинг барча жараёнига хос ҳолатларни, ўқувчининг хулки юриштуриши ва бошқа шу ўхшаш жараёнларни бошқара олмаган бўлар эди.

Шундай қилиб, ўқитувчи сўзниң икки функциясидан фойдаланиш имконига эга: биринчиси - **сўзниң маъноси** орқали ўқитилаётган материалнинг мазмунини ифодалаш; иккинчисидан **эмоционаллик** – ўқувчининг хиссиётiga таъсир этиши функциялари.

Сўзниң маъноси харакат вазифасини хал қилишда ўқувчилар учун уни мазмунини тушунарли ифодалайдиган бўлсин. Б.А. Ашмарин кўйидаги услугубий тавсияларни таклиф этади.

1. **Сўз маъносининг мазмуни** ўқувчилар хусусиятлари ва таълим вазифаларига мувофиқлашган бўлиши; Янги харакат фаолиятини

ўзлаштиришдан аввал дастлабки тушунтиришдан фойдаланиш, бу билан ҳаракат фаолияти асосини англаш ва сўнг ҳаракат техникасини деталларини баён қилиш ва унга тушуниб етиш.

2. Сўздан фойдаланган ҳолда **ўзлаштириладиган ҳаракат фаолиятини фойдасини тушунтириши**. Масалан, болалар тирмашиб чиқишининг эркин усулини бир оз билганиларни сабабли, кўпинча координация талаб қиладиган уч усул билан тирмашиб чиқишини ўрганиш хоҳиши пасайиши юз беради. Тушунарли тарзда бу усулининг афзалликлари тушунарли сўзлаб берилса, ўзлаштиришга салбий муносабатни йўққа чиқариш мумкин.

3. Сўзнинг **ҳаракат фаолиятидаги** алоҳида ҳаракатларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлашдаги зарурлиги. Айниқса, йўлланма берувчи машқларни бажаришда буни ёддан чиқармаслик лозим. Бундай машқлар айтарли эмоционал бўлмай, уларни ўзлаштирилаётган асосий ҳаракат фаолиятлари билан боғлиқлигини англаш кераклиги талаб қилинади.

4. Ўқитувчининг машқ техникаси асосини тушунтиришдаги нутқига катта аҳамият бериш, асосий зўрикиш талаб қилинадиган дақиқаларини эслатиш. Одатда бу мақсадда кўрсатма айтиш тарзида ифода ва иборалар (“кўлларни”, “бошни”, “алеоп”. Ва ҳ.к.лар)дан фойдаланилади.

5. Сўз образли бўлиши кераклиги. Образ воситасида ифодалаш машқин кўргазмалигини оширади ва ўқувчиларга фаолиятни анча тушунарли қиласи. Ўқувчилар билимлари ва ҳаракат тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, ўқитувчи қўйилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган керакли деталларга ўқувчи диққатини қаратади мумкин.

6. Ўқувчиларга хали автоматлашмаган ҳолда бажараётган ҳаракатлари ҳақида (тузатишга тўғри келиб қолган пайтлардагиси бундан мустасно) гапириш мақсадга мувофиқ эмас. Ўқитувчи ўқувчининг автоматлашган ҳаракатлари ҳақида гапирса, ўқувчи ижро вақтида ҳаракатни ўша фазалари устида ўйлади, натижада автоматлашган ҳаракатлар таркибида узилишлар содир бўлади.

Сўзнинг **эмоционаллик** хизмати ўқув ва тарбиявий вазифаларни ҳал этишда мухим аҳамиятга эга. Эмоционал жиҳатдан рангоранглик сўзнинг таъсир кучини оширади ва маъносини тушунарли қиласи. У ўқитувчининг ўз фанига, ўқувчига бўлган муносабатини билдиради, ўқувчи қизиқишини оширади, ўзининг ютуғига ишонтиради қийинчиликларни енгиш учун ишонч туғдиради.

Умумий педагогика жараёнида сўздан доимо фойдаланилади. Жисмоний тарбия жараёнида уни кўллаш ўзига хос мазмуни ва услубий хусусиятлари билан ажralиб туради.

Айтиб бериши (хикоя) Ўқувчи фаолиятини ўйин тарзида ташкиллаш учун кўпинча ўқитувчи томонидан айтиб бериш кўлланилади.

Сўз билан ифодалаш – бу ҳаракат фаолияти ҳақида тасаввур ҳосил қилиш усули бўлиб, фаолиятнинг ҳаракетлари белгилари сўз орқали саналади,

нима қилиш лозимлиги тушунтирилади, нима сабабдан айнан шундай қилиш зарурилиги гапирилади. Ундан ўқувчининг ҳаракат тажрибаси ва билимига асосланиб дастлабки - бирламчи тушунча ҳосил қилиш ёки энг содда ҳаракатларни ўзлаштиришда фойдаланилади.

Тушунтириши -ҳаракат фаолиятларига онгли муносабатнинг муҳим усулларидан бири бўлиб, у “нима учун?” деган асосий саволга жавоб беради.

Сұхбат – бир томондан, фаолликни оширади, ўз фикрини айтиш малакасини шакиллантиради, бошқа томондан, ўқитувчига ўз ўқувчиларининг билиш, бажарилган ишни баҳолаш учун ёрдам беради. Сұхбат факат ўқитувчининг ўқувчиларга берган саволлари ва уларга ўқувчиларниң жавоблари ёки ўз Дунёқараашларини эркин гапириб бериш, ўргага ташлаш тарзида амалга оширилади.

Мұҳомма – бирор вазифани аниқ ҳал қилиб бўлинганидан сўнг ўтказилиши билан сұхбатдан фарқ қиласи. Мұҳомма ўқитувчи томонидан ўтказилса, бир томонлама ўқувчилар иштироки билан ўтказилса иккى томонлама бўлди деб айтиш мумкин.

Топшириқ – дарс олдидан вазифа қўйиш ёки дарс давомида хусусий вазифа қўйиш тарзида берилади. Вазифанинг биринчи шакли шу билан ҳарактерланадики, ўқитувчи бирданига вазифани бажаришнинг бир неча усулларини топшириқ тарзида тушунтиради. Ўқувчиларга эса факат талаб қилингандарни бажариш вазифаси қолади холос. Топшириқни иккинчи шакли ўқувчилар учун нисбатан қийинроқ бўлиб, улар ўқитувчидан вазифани факат ифода тарзида оладилар, уни ҳал қилиш, ечишни мустақил қидиришга мажбур бўладилар.

Баҳолаши ҳаракат фаолиятининг бажарилишининг таҳлили натижасидир.

Кўрсатма – қисқалиги билан ажralиб туради ва сўzsиз бажаришни талаб қиласи. Бу ўқувчи диққатини фақат вазифани бажариш лозимлиги ва бир вақтнинг ўзида уни бажариш мумкинлигига қаратади ва ўқувчининг ишончини ошириш учун хизмат қиласи. Кўрсатма орқали ўқувчи вазифани ҳал этишнинг аниқ мўлжалини, шунингдек, хеч бир асослашсиз хатоларни тузатиш усулларини олади.

Команда – жисмоний тарбия жараёнидаги хусусий ва энг кўп тарқалган сўздан фойдаланиш усулияти. У фаолиятни сўzsиз бажариш, ҳаракатни тугатиш ёки темпни ўзгартиришнинг бўйруғи шаклидир. Сафдаги командалар (армияда, дарсда, тренировка ва бошқа машғулотлардаги), ҳакамлиқдаги маҳсус реплика (сўз ташлаш)лар, старт олиш командалари ва бошқалар тарзида учрайди. Мактабгача ёшдаги болаларда командалар кўлланилмайди. Кичик мактаб ёшдаги болаларда эса командалар чекланган бўлади. Командаларнинг самарадорлигига сўзни зарур урғу билан талаффуз эта билиш, нутқ ва ўқувчилар ҳаракати ритмини ҳис қила олиш ва ривожлантириш, овознинг оҳангига ва кучи, уни турлича ўзгартира олиш қобилияти, кадди қомати, кўлларининг ифодали ҳаракатлантира олиши ҳамда

ўқувчиларнинг интизомига юкори даражадаги таъсир этадиган воситалардандир.

Саноқ – керак бўлган ҳаракат темпини йўлга қўйишида фойдаланилади. У бир неча усууллар орқали амалга оширилади; овоз билан хисоблаш (“бир, икки, уч, тўрт!”), бир бўғинли сўзлар қўшиб санаш (“бир-икки нафас олинг!”) ва ниҳоят, турли хилдаги қўшиб санашлар, қарсак, ритмни овоз бериш ваҳ.к.

11.2.Ҳаракатни кўрсатиш орқали ҳис қилдириш усулиятлари

Бу гурухдаги усулиятлар шуғулланувчиларга ҳаракат фаолиятини бажарилишини кўриш ва эшитиш орқали таъминлайди. Кўриш, бажарилаётган пайтдаги эшитиш ҳам шуғулланувчиларда ҳаракат фаолияти хакида ҳар томонлама кенг тасаввур ҳосил қиласди, бу навбатдаги такрорлаш учун тахминий асосни кенгайтиради. Кўргазмали ҳис қилдириш нисбатан чуқурроқ, тезроқ ва пухтароқ ўзлаштиришга имконият беради, ўзлаштириладиган ҳаракат фаолиятига кизикишни орттиради. Болаларни ўқитишида кўргазмали ҳис қилдиришда муҳим роль ўйнайди, чунки уларда тақлид килиш, тирик мисолларга бевосита ижрони кўришга интилиш жуда кучли ривожланган.

Кўрсатиб ҳис эттириш шундагина қўл келадики, қачонки, машқини ижросини кўриш орқали қабул килинаётган ҳаракат фаолияти структураси тушунарли ва ўқувчи онгига етган бўлса, улар таълим жараёнидаги фаол ва самарали фаолиятга туртки бўлади. Агарда, шуғулланиш жараёни жонсиз, фаолиятлар номигагина бажарилиши мумкин, бунда ўқувчилар пассив ижрочига айланади. Натижада ўрганувчи ўзининг ҳаракат фаолиятини таҳлил килишга ҳаракат кильмай, диккат эътиборини ҳаракатнинг ташки томонига кўринишига қаратади холос, бу ўз навбатида, психик жараёнларнинг активлигини пасайтиради, фикирлашнинг бир томонлама бўлишига олиб келади.

Ҳаракат фаолиятининг ўқитувчи (ёки ўқувчи) томонидан намойиш қилниши жисмоний тарбия таълимида зарурий кенг тарқалган усулиятлардан хисобланади.

Ўқувчининг онги унга кўргазмали сингдирилганига тақлид қилиб ўрганиш таҳлил қила олиш қобилиятига боғлиқ. Агар ўқувчи кўрганини таҳлил қила олса ва у таҳлилга ўргатилган бўлса, унда тақлид қилиш ўқувчининг билими, ўзлаштириш қобилиятини ўсиши учун самарали усууллардан бирига айланади. Ўқитувчининг сўзисиз тақлид қилиш “кўргину бажар” принципи асосида ўқитиши, кўрган машқини бажарилишини тушунмай, фикрламай мантиқсиз такрорлашга айланади. Натижада ўқувчи ўқитувчиси кўрсатганини кўр-кўрона бажарадиган, ҳаракат фаолиятларининг асосий конуниятларининг англамайдиган ижрочиларига айланаб қолишига йўл қўймаслик лозим.

Кўрганига тақлид қилиш асосан ўқувчининг ёши ва жисмоний тайёргарлиги даражасига боғлиқ. Кичик мактаб ёшидаги болаларда тақлид

қилишга интилиш, синчковлиги, қизиқувчанлиги орқали содир бўлади (асосан, катталарага ўхашашга уриниш), катта мактаб ёшидаги болаларда эса ҳаракат фаолиятига онгли муносабат, ҳаракат техникасини тушуниб, осонроқ ва тезроқ эгаллашга интилиш асосида содир бўлади.

Кўрганига тақлид қилишнинг самараదорлиги тўрт факторига боғлиқ:

1) ўқувчиларнинг тақлид қилишга тайёрлиги, уларнинг тайёргарлиги даражасининг тақлид қилинадиган объектнинг ўрганишдаги қийинчилигига мувофиқлиги, шунга кўра, жисмоний машқ ижроси қийинлиги шундай даражада бўлсинки, уни эгаллаш учун ўқувчидан факат максимал зўрикиш талаб қилинсин;

2) ўқувчиларнинг тақлид обьекти ҳақидаги тасаввурларини тўлалиги;

3) ўқувчида қизиқишига сабаб бўладиган тақлидинг таълимга хос туб мотиви учун имкон яратиш, уни моҳияти даражасини фарқлай билаш;

4) ўқувчини тақлидга хоҳиши, кузатаётганини актив тақрорлаш (В.В. Белинович, 1958).

Жисмоний машқни кўрсатиш учун қўйиладиган методик талаблар:

а) ўрганилаётган ҳаракат фаолиятини ижодий тақрорлашга имконият очиш мақсадида кўрсатишни коментария қилиш билан олиб бориш;

б) кўрсатиш пайтида ўқувчиларнинг ўқитувчининг эмоционал ҳолатига тақлид қилишини эътибордан четда колдирмаслик орқали таълим жараёнига муносабатни шакллантириш мухим аҳамият касб этади.

Кўрсатишнинг мазмунини ўқитишни вазифалари мазмунига мувофиқлиги:

а) кўриши орқали тўла тасаввур ҳосил қилиб, машқни тақрорлай билиш, кўрса-ю ҳаракатини бажара олмаса таълимда самара бўлмайди;

б) ҳаракат фаолиятини эгаллаш, ўрганишни кўрсатиш талаб этилса, машқ техникасининг ижроси кўрсатувда ишдивидуаллаштирилиши ва спорт маҳоратини юқори даражада ифодалайдиган бўлиши лозим;

в) ўқувчи диққатини алоҳида ҳаракатларга ва акцентлаштирилган зўрикишларга қаратиш лозим бўлиб колса, кўрсатишда машқнинг айнан ўша жойлари тақрорий, ургу бериб, секинлаштирилиб намоён қилинади, аниқ бўлмаган, палапартиш кўрсатишларга йўл қўйилмаслиги, ижро эса ўқувчилар томонидан намуна сифатида қабул қилиниши керак бўлади.

Жисмоний машқни ўқувчи томондан кўрсатишга қўйидаги ҳолларда руҳсат берилиши мумкин:

а) ўқитувчи саломатлиги ёмонлиги туфайли ҳаракат фаолиятини кўрсата олмаса;

б) кўрсатишда ўқитувчи имкони бўлмай нокулай ҳолатда қоладиган ҳолатда туриб қоладиган бўлса (масалан, боши ерга қараб ёки ўқувчиларга орқаси билан туриб колса);

в) ўқитувчи ўқувчида ҳаракатни бутунлай бажариб бўлмайди деган фикр тўла онгига сингиб қолганини сезган тақдирда уни йўқотиш учун;

г) ўқувчи мисолида машқ ижросини индивидуаллашган техникасини намойишкорона бажариш керак бўлиб қолган тақдирда.

Кўрсатишида ўқитувчи шундай низомга риоя қилиши керакки, у барча ўқувчиларга раҳбарлик кила олсин (юкорироқда туриб бутун бажарилишини кўришни турли томондан кузатиш имкониятига эга бўлсин, синфни назоратда тутиш), ўқувчилар машқни фақат бир томондан эмас (масалан, ён профилда оёқларни букиш ёзишнинг кўриниши қандай бўлади ва х.к.) кўрсата олсин.

«Бундай бажариш керак эмаслигини кўрсатиш»ни ўқитувчи томонидан намойиш қилишга рухсат бериладиган ҳолатлар: ўқувчи бажарилган машқга танқидий қарашни билса; ўзларининг харакатларини таққослаш солиштириш малакасига эга бўлса; машқни таҳлил кила оладиган бўлгандаридан; кўрсатишини ишонтирадиган тушунтиришлар билан олиб бора олса ва ўқувчини танқид, масҳара қилиш максадида бўлмаса. “Ойнада” аксини кўргандек кўрсатувлар факат содда харакатлар, асосан, умумий ривожлантирувчи машқларни кўрсатишида кўлланилиши тавсия этилади. Қийин харакатларни бу усулда кўрсатиш қоидага кўра ижронинг табиийлигини, енгиллигини йўқолишига олиб келиши амалиётда исботланган.

Кўргазмали қуролларни намойши қилиши. Харакат фаолиятини предметли тасвирини хис қилиш учун кўлланилади. Намойиш қилиш кўрсатишидан кўра кулайликга эга ва керак бўлса дикқатни статик ҳолатларга, фазаларнинг алмашинишига қартиш имконияти мавжуд бўлади. Намойиш педагогик вазифа билан қанчалар аник боғлик бўлса, уни дидактик аҳамияти шунчалар ортади. У кўшимча усул бўлиб кўлланилаётган у ёки бу методни тўлдириш учун хизмат қиласи. Кўргазмали қурол ўзининг ўлчови, шакли, ранги, ўз элементлари жойлашишининг зичлиги билан ўқувчи томонидан жадвални қабул қила олиш принципларини ифодаласин, турлича кўргазмали қуролларнинг ҳар бирини намойиш қилинишида риоя килиниши лозим бўлган айрим усулият қоидаларга бўйсунсан.

Плакатлар харакат ҳолатини кўрсатишида бажаришда урғу берадиган қийин жойларни ўзида акс эттириши, ўқувчи дикқатини чалғитадиган элементлардан ҳоли бўлиши зарур. Айниқса, мазмунига кўра фаолият таркибидағи харакатлар кетма-кетлигини бир вактнинг ўзида акс эттирган плакатларнинг қиммати юқори бўлади.

Намойши қилиши – ўқувчилар томонидан материални қабул қилишга шароит яратиши зарур: биринчидан, болаларда кузатиладиган предметга қизиқишини шакллантириши; иккинчидан, уларнинг дикқати таълимнинг аниқ вазифаларига ҳал қиласидиган етакчи элементларга йўналтирилган бўлиши зарур. Тушунтириш ва намойиш қилиш вақти ва ҳажмини таълимнинг вазифасига бўйсундириш керак бўлади. Ҳар қандай ҳолда ҳам кўргазмали

хис қилиш ўқитувчи саволлари ва ўқувчининг жавобларини натижаларни аниқлаш учун аҳамияти каттадир.

Плакатларни намойиш қилиш техникасининг барча учун бир хил талаблари мавжуд эмас. Улар дарсдан, машғулотдан олдин илиб кўйилади ёки дарс давомида харакат фаолиятининг зарур бўлган фазалари, элементларини ўқувчилар дикқатининг аниқ вазифаларни ҳал қилишга йўналтириб намойиш қилиш учун амалиётда қўлланади. Ўқувчиларни чалғитмаслик учун намойишдан сўнг улар тезлик билан йигиштириб олиниши ёки жоиз бўлса, колдирилиши ҳам мумкин.

Доскага бўр билан *чизмалар чизии* ўқитувчи етарли даражада чиройли чиза олиш қобилиятига эга бўлсагина рухсат этилади. Бу плакатлардан бир оз афзалликга эга бўлиши мумкин, лекин уларнинг ўрнини тўла боса олмайди. Биринчидан, харакат фаолиятини аста-секинлик билан чизаётib, харакат фазаларини навбат билан алмашиниши, машқ техникасининг асоси, унинг деталлари ҳақида эсда қоларли тасаввурни хосил қилиш осон бўлади. Иккинчидан, расм жуда ҳам содда, майда чўйдалардан ҳоли бўлиши мумкин, у ўз навбатида, ўқувчиларни чалғитмайди. Учинчидан, доскадаги расм – намойиш қилишнинг энг оператив методи, дарснинг ҳар қандай дақиқасида қўшимча вақт сарфламай, ўқитувчи ундан фойдаланиши мумкин.

Ўқувчиларнинг ўзларини харакат фаолияти ҳақидаги чизмалари, ўз фикрларини график тарзда ифодалаш, бажара олишни образли қилишни ўйлашга ўргатади.

Жисмли қўлланмалар нисбатан чегараланган дидатик имкониятларга эга. Тўла кўриниши, ёнбошдан, шарнирли моделлари харакатнинг айrim звенолари, гавданинг тўла харакати траекторияси, амплитудасини намойиш қилиш имконини беради.

Кинофильм, барча техник қийинчиликларга қарамай, педагогик жараёнда жуда катта дидактик имкониятларга эга. Кинофильм харакат фаолияти ижросининг энг юкори спорт маҳорати даражасида, қолаверса, уни катталашибириб секинлашибириб, турли плоскострда, тўлалигича, айrim деталларига акцентни қаратиб кўп маротабалаб тақорлаш имконини беради. Кўргазмали ҳис қилишда харакат ҳолатининг тездашибирилган частотада кинога олиш жудда катта аҳамиятга эга, чунки унда оддий кинога олишдагига нисбатан жуда секинлашибирилган суратлар хосил бўлади. Бу, ўз навбатида, харакатнинг барча деталларини кўриш имконини беради.

Овоз ва ранги сигналлар керак бўлган товушли ва рангли мўлжаллар -харакатни бошлаш ёки тугаллаш (ёки алоҳида харакатлар) учун лозим бўлган темп, ритм, амплитуда ва ҳоказоларни беришда қўл келади. Бу метрономни “уриши” -харакатга керакли темп бериш учун, ердаги белгилар, байроқчалар, улоқтириш ва ҳ.к. Қенг тарқала бошлаган электрон овозли етакчилар, автоматлашибирилган мўлжаллар (мишенлар), зудлик билан

ахборот берувчи маҳсус курилмалар таълим жараёнининг самарадорлигига таъсир кўрсатмоқда.

11.3. Амалий усулиятлар

Бу усулиятлар ўкувчиларнинг ўзларини актив ҳаракат фаолиятларига асосланган. Шартли равишда уларни *икки гуруҳга* ажратамиз: *қатоийян ва қисман регламентлаштирилган* машқ усулиятлари (Б.А. Ашмарин). Улар орасидаги фарқ нисбий. Даражаси ва характеристи турлича бўлсада, регламентлаш дақиқаси ҳар бир усулиятда ҳам мавжуд. Маълум шароитда турлича кичик гурухлардаги (подгруппадаги) икки хил усулият бирлаштирилиши мумкин. Қисман регламентлаштирилган машқ усулияти ва мусобақа усулияти орқали бир хилҳаракат фаолияти ўқитаверилиши мумкин.

Қатоийян регламентлаштирилган машқ усулияти ҳаракат шаклини, нагрузка катталигини, унинг ортишини, дам олиш билан тўғри навбатлашувини ва хоказоларни регламентлаштириш орқали ҳаракат фаолиятини кўп маротабалаб бажариш билан характерланади. Бунинг натижасида алоҳида ҳаракатларни танлаб олиб, аста-секинлик билан улардан зарур бўлган ҳаракат фаолиятини тузишга имконият яратилади.

Ҳаракат фаолиятини ўзлаштиришдаги бўлакларга (қисмларга) ажратиши тўла ўргатиш усулияти билан бир бирини тўлдириши ва турли шароитга мувофиқ, ўкув вазифаларини аниқ белгилаб ўкувчиларнинг гурухли ва индивидуал характеристикасига, таълим этаплари, ўкув материалининг характеристи ва мазмуни, ўкув воситаларининг сони (жиҳозлар, снарядлар ва бошқалар)га қараб қўлланилиши керак. Асосан, бу усулиятдан жисмоний сифатларни ривожлантириш мақсадида фойдаланилади. Машқ белгиланган вақт ичидаги танланган ҳаракат суръати (темпи), ритми, амплитудаси ҳаракат фазаларини ўзгаришсиз берилган кетма-кетликлда олдиндан тузилган дастур асосида бажаришни тақазо қиласади.

Қисмларга (бўлакларга) ажратиши билан ўзлаштириш усулияти бошланишида ҳаракат фаолиятини алоҳида бўлакларга ажратиб, уларни аста-секин зарур бўлган умумийликка бирлаштиришни назарда тутади. Бу усулиятни тўлақонли амалга ошириш кўп ҳолда ҳаракат фаолиятининг алоҳида бўлакларини қисмларга ажратса олиш ва уни ажратиши лозим эмаслигини билишни ҳамда амалда уни бажара олишни уddyalай оладими йўқми шунга боғлиқ. Педагогика амалиётидаги қатор илмий ва амалий изланишлар ҳар қандай ҳаракат фаолиятини таркиб топдирган бўлакларга - қисмларга ажратиши мумкинligини исботлади. Қисмларга ажратиши чегараси ва унинг характеристи таълимнинг вазифаларига мувофиқ ҳолда, машқни бўлаклай олишни билишни тақазо этади. Бир бутун таркибдаги алоҳида элементлар орасида белгиланган муносабатлар ўрнатилади. Бир бутун бўлишни аниқлаш факат уни қисмларга ажратишини англаш, бир бутун бўлиш қонуниятларини билиш орқали амалга оширилади.

Бўлакларга бўлиш қисмларга ажратиб ўргатиш усулиятининг характеристи белгиси ҳисобланади. У бутун бир ҳаракат фаолиятини эгаллашни енглаштирувчи бошлангич бир этап холос, якуни бўлиб ҳаракатни тўла ўрганиш тушунилади. Якунида ўқувчилар ҳаракат фаолиятини бошланишидан охиригача бир бутун деб қабул қилишлари лозим. Бу қўшилишнинг ижросида асосий ва иккинчи даражали элементлар бўлиши мумкин эмас, уларнинг ҳаммаси муҳимдир. Барчаси у ёки бу даражада ўзида умумий ютуқга пойдевор қуради.

Ҳаракат фаолиятини қисмларга ажратиши усуллари турли туман бўлади, лекин уларнинг ҳар бири охирида аниқ йўлланма берувчи машқларнинг вужудга келишига олиб келади. Ўзининг вазифасига кўра ҳамда табиатига кўра тўла бир бутун ҳаракатнинг “бўлаклари-элементлари” билан принципиал фарқга эга бўлмайди ва мақсаддага мувофиқ йўналтирилган бўлакларга бўлиш жараёнининг натижаси ҳисобланади.

Йўлланма берувчи машқлардан тўла ҳаракат актини ўзлаштиришни осонлаштириш учун олдиндан, бир қатор хусусий билимларни бериш вазифаларни ҳал этишда фойдаланилади. Шунинг учун бир бутун ҳаракат фаолиятининг нерв-мускул зўрикиши элементларининг тузилиши ва ҳарактерига мослаб, уларга ўхшаш йўлланма берувчи машқларни топиш муҳим аҳамиятга эга. Йўлланма берувчи машқлар марказий нерв тизимидағи эффектли изнинг тўпланишига имкон беради, оқибатда улар энг содда вақтли алоқалар маълум ўхшашлик ва координацион умумийликлар орқали асосий машни ўзлаштиришни енгиллаштиради.

Йўлланма берувчи машқлар тизими ўқитиш учун мўлжалланган фаолият таҳлили натижасида уни таркибий қисмларга бўлиш ва уларга нисбатан жавоб берадиган даражадаги элементлар, уларни ажратиб, ўқитишда қўллашни тақазо этади. Йўлланма берувчи машқлар бир бутун шаклда ва ўқувчилар кучига яраша бўлиши керак. Ҳаракат фаолиятини бўлакларга бўлишнинг ҳарактери, йўлланма берувчи машқларнинг сони, уларнинг навбати - ўқитишнинг индивидуал шароитига қараб қўллаш учун ўқитувчи томондан танланади. Ҳар бир йўлланма бериш машқини қўллаш, унинг давомийлиги (узунлиги), моҳияти, қийинлиги ва аҳамиятини эътиборга олишда, ўқувчилар тайёргарлигига қаралади.

Йўлланма берувчи машқларни шартли равишда икки хил кўринишида тасаввур қилиш мумкин:

1) бир бутун ҳаракатдан ажратилган қисмлар ёки бутун ҳаракат, лекин улардан деталларни ажратиб олингани билан, фаолиятнинг қисми ҳеч қандай кўшимчасиз соф ҳолда, қисмларга бўлиб ўзлаштирилаётган ҳаракат фаолияти техникасини ажратилган ҳолдаги кўриниши тарзида;

2) йўлланма берувчи машқнинг кўриниши ўзлаштирилаётган фаолиятнинг белгиланган структурасини тузиш учун қўлланилиши мумкин бўлган шаклидаги кўринишида.

Қисмларга бўлиб ўзлаштириш ҳаракат фаолиятини ўзлаштириш жараёнини енгиллаштиради ва педагогик афзалликка эга. Ўқувчи мўлжалланган мақсадга аста-секинлик билан, шахсий тажрибаларни тўплаш орқали келади ва улардан зарур бўлган ҳаракат фаолияти шаклланади. Бутун ҳаракат актидаги ҳар қайси деталнинг ролини тушунган холда диккат бир жойга тўпланди, ҳар бир дақиқа эсда қолади – буларнинг ҳаммаси айрим бўлакларни пухта ўзлаштиришга сабаб бўлади, фаолиятни тўла эгаллаш енгил шароитда ўтади, таълимнинг – ўқитишнинг вақти кискаради. Айрим ҳолларда усулиятнинг самарадорлиги, энг аввало, машқнинг сифатига боғлиқ бўлади, ва ҳаракат маданиятининг ошиши билан кўзга ташланади. Йўлланма берувчи машқларнинг кўплигини дарсларни нисбатан турли туман бўлиши, таълим жараёни қизиқарли ўтишига сабаб бўлади.

Ҳаракат малакаларини қисмларга ажратиш орқали тўпланган бой ҳаракат заҳираси вазифаларини муваффакиятли ҳал қилишга ёрдам беради ва шуғулланувчилар ҳаракат тажрибасини янада оширади.

Бўлакларга ажратиб ўқитиши методи йўқотилган малакаларни тезда тикланишига таъсир кўрсатади. Координациясига кўра ўта қийин машқларни ўзлаштиришда бу усулият бебаҳодир. Лозим бўлса бўлакларга ажратиш айрим бўгинлар, ажартиб олинган мускул гурухларига алоҳида таъсир этиш имкони бу усулиятда ўта юкори бўлади.

Лекин машқ техникасини билмай қисмларга ажратиш, фавқулодда танланган йўлланма берувчи машқлар, улардан нотўғри фойдаланиш ҳаракат малакасининг шаклланиш жараёнига салбий таъсир кўрсатади.

Ҳаркатни тўла ўзлаштириш усулияти ҳаракат фаолияти таълимнинг якуний вазифаси нимадан иборат бўлса, шунга яқин кўринишида ўзлаштиришни назарда тутади. Бу усулият ҳар қандай ҳаракат актини ўқитишнинг якуний этапида бўлакларга ажратиб ўқитиши усулиятидан сўнг кўлланилади.

Жисмоний машқ техникасини такомиллаштириш уни тўла бажариш орқали амалга оширилади. Ҳаракат фаолиятини бир бутунлигига ўзлаштириш ҳаракат фаолиятини бажариб кўриш, синаш (опробирование)да энг қулай усулдир. Аксарият ҳаракат фаолиятлари шунчалар соддаки, уларни бўлакларга ажратиб ўқитиши вақтни беҳуда сарфлаш демакдир, шунинг учун ҳаракат ҳолатини тўла ўргатиш амалиётда кўпроқ кўлланилади. Айрим ҳаракат фаолиятларини биз хали илмий равишда бўлакларга ажратса олмаймиз, шунингдек, ўзини тўла оқлаган йўлланма берувчи машқлар тизимини ҳам ҳозирча ишлай олганимизча йўқ.

Қисман регламентлаштирилган машқ усулияти. Кўзда тутилган вазифани бажариш учун ўқувчиларга фаолиятни нисбатан эркин танлашга йўл кўяди. Бу усулиятдан, коида бўйича такомиллаштириш этапда фойдаланилади, бунда ўқувчи етарли даражадаги билим ва бажара олишга малакасига эга бўлганлиги хисобга олинади. Бу гурухчага кирувчи ўйин ва мусобака методлари турли белгиларга эга бўлишига қарамай, уларни ягона

умумийлиги мавжуд: уларни кўллашда ўқувчилар орасида доимо ракобат (бир-бирини мағлуб қилиш)хиссиёти устун бўлади, ўқувчиларда ўз кучини, у ёки бу фаолиятини бажаришда устунлигини исботлаш учун интилиш ҳар доим юкори бўлади.

Ўйин усулияти жисмоний тарбиядаги ўйинларнинг кўпчилик белгиларини ўзида мужассамланган. Дарсликнинг “Жисмоний машқларнинг педагогик классификацияси” бўлимида ўйин жисмоний машқ характеристидаги тизим тарзида, яъни жисмоний тарбия воситаси кўринишида берилган. Лекин жисмоний тарбияда ўйинлар таълим ва тарбиянинг самарали усулияти сифатида ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Шу сабабли ўйин методининг табиатини ўйин моҳиятини очиш орқалигина тушуниш мумкин холос.

Ўйиннинг моҳиятини ўрганишининг нисбатан перспектектив йўналиши усулияташтириши назарияси ҳисобланади. Шунга мувофиқ, ўйинлар инсоннинг олдиндан белгиланган ҳаётый шароитда ишлаб чиқарган ўзининг юриш-туриши, хулқи чегарасидан чиқмайдиган ўзига хос элементларнинг моделидир (Н.И. Понамарев). Ўйинда шартли равиша бутун бир ҳаётый ситуация ўз ифодасини топиши мумкин (масалан, ўйинларда таклид қилиш), инсон ҳаракат фаолитининг айримлари турмуш, меҳнат, мудофаа фаолияти характеристидаги ҳаракатлар бўлиб, уларда асосан одамлар орасидаги ўзаро муносабат моделининг мавжудлилиги ётади. Ўйин тарихан вужудга келган жамият ҳодисаси бўлиб, одамларнинг ҳарбий ва меҳнат фаолияти асосида пайдо бўлган ва у инсон ҳаётининг моддий ва ижтимоий шароитлари билан белгиланади. Ўйин ҳаётый реалликни акс эттиради ва бир вақтнинг ўзида ўзининг соф шартли қонунларига бўйсунади. У бизни ўраб олган борлиқни ўзgartиришни назарда тутмайди, лекин инсонни ижодий меҳнатта тайёрловчи шарт сифатида инсон маданиятининг муҳим манбаи ролини ўйнайди. Шунга боғлиқ ҳолда **ўйин қўйидаги хизматларни бажаради:** тайёрлов (инсонни жисмоний ва руҳий кучларини такомиллаштириш, социал фаоллик ва ижодкорлики тарбиялайди) ва кўнгил очиши, муносабатларини, шунингдек, уларни ўраб олган муҳит орасидаги муносабатларни шакллантиради. Бу каби асосий хизматлар ўйинларнинг йўналиши ва мазмунини белгилайди.

Жисмоний тарбиядаги барча ўйинларнинг асосий мазмунини инсонни жисмоний камолотга эриштиришга имконият яратувчи ҳаракат фаолиятлари ташкил этади. Ўйинлар ҳамда гимнастика, спорт, туризмдаги фарқни кўп ҳолда шартли деб тан олишимиз лозим, бу шартлар турларнинг ривожланиш меъёрига кўра янада яққол кўринади. Ўйинга конкрет ҳаракат фаолиятлари тизими деб қараш зарур, улар белгиланган қоидалар рамкасида бажарилади ва метод сифатида жисмоний машқ характеристига қарамай, турлича педагогик вазифаларни ҳал этиши мумкин.

Ўйинлар усулияти тарзида фақат умумий қабул қилингандаридек амалга оширилмайди. Ўйин усулияти воситалари ва уларнинг шаклига кўра расмий ўйинларга нисбатан деярли кенг тушунча саналади. Масалан, ўйин

усулияти асосида дарснинг ҳамма қисмларини ўйинларсиз ўтказиш мумкин (тоққа саёҳат ўйини). Мувозанат сақлаш машқини бажараётib тўсиқлардан ошиши ёки чукурликлар устидан ўтиш тарзидаги ўйинлардан фойдаланиш мумкин.

Кийидагиларни ўйин усулиятининг характерли белгилари деб қараш мумкин:

1. Ўйин ҳолатида ***ракиблик ва эмоционаллик*** элементларини аниқ ифодалаш. Ўйин усулияти инсонлар орасидаги энг кийин муносабатларни юзага чиқариши имконини беради. Хатто югуриш мусобақаси шароитида катнашувчилар орасида шунчалар кўп қиррали ҳолатлар вужудга келадики, лекин у икки ўйинчи ўртасидаги пайдо бўлган ҳолатлардан анча оз бўлади. Шу билан боғлиқ ҳолда ўйин усулияти ўйинчилар орасидаги муносабатларни катоиян регламентлаштиришни талаб қиласди.

2.ҳаракат фаолиятини бажариш давомида ***шароитнинг ўзгарувчанлиги.*** Бунинг натижасида ўйинчилар пайдо бўладиган вазифаларни ҳал қилишнинг турли-туман усусларига эга бўлиши, уларда шаклланган малакалар ўзгарувчан шароитда мосланувчанлиги ва эгилувчанлиги билан ажралиб туриши лозим.

3.ҳаракат фаолиятидаги ***ижодий ташаббусларга*** юкори талаблар қўйиш. Ўйин ҳолатининг ўзгарувчанлиги жисмоний машқларнинг натижа берадиганларини танлашни ва мустақилликни фаолроқ намоён қилиш талабини қўяди.

4.ҳаракат фаолияти ва нагрузка характерида ***қатоий регламентлаштиришининг*** йўқлиги. Ўкувчилар маҳсус ёки шартли (соддалаштирилган, мураккаблаштирилган) коидалар чегарасида пайдо бўлган ҳаракат фаолияти вазифаларини ҳал қилиш учун ўзлари самарали ҳисоблаган ҳаракат фаолиятларидан фойдаланишлари мумкин. Бунда ўкувчига тушаётган нагрузка тўлалигича унинг ўйинда бажараётган функцияси, фаолроқ бажара олиши ва олдиндан белгиланган шароити (ўйиндан фойдаланиш усулият)нинг давомийлигига, ўйинчилар сони, ўйин мазмуни ва бошқаларга боғлиқ. Янги ҳаракат фаолиятларини ўрганиш учун ўйин усулиятидан фойдаланилса, регламентлаштиришининг даражаси ошади. Масалан, ўйин методи билан канатга уч усул билан тирмашиб чиқишининг бирор-бир элементини ўрганаётган бўлсан, осилиб турганда оёкларни тиззадан букиб олдинга йиғиш (кўтариш)ни ўргатишни, ўйин тарзида чуқурлик устидан осилиб турган канатда учеб ўтиш ўйинини қўллаш билан ўргатиш мумкин.

5. Ўйин фаолияти вазифалари билан мувофиқ ҳаракат фаолиятлари ва сифатларининг комплекс намоён қилиниши. Жисмоний тарбияда ўйинлар қандайдир маҳсус ҳаракатлар йиғиндисидан иборат эмас. Коидадаги каби уларда ўз шаклининг табиийлиги билан ажралиб турадиган ҳаракат фаолиятлари учрайди (югуриш, сакраш ваҳ.к.). Айтарли кўпчилик ўйинларда ўйинчилар ғалабага эришиш учун бир неча ҳаракат фаолиятидан, қолаверса,

турлича аралаш шаклдаги фаолиятлардан фойдаланадилар. Буларинг барчаси ўйинчилар организмига комплексли таъсирни таъминлайди.

6. Ўйинчиларнинг ўзаро муносабаларини бирор предмет (масалан, тўп, байроқлар ва бошқалар) орқали амалга ошириш.

Мазмуни ва таснифининг бойлигига кўра ўйин усулияти харакат малакалари ва харакат сифатларини комплексли ривожлантириш, харакат координациясини такомиллаштириш учун, бирданига, йўл-йўлакай пайдо бўлган вазифаларни еча олиш, кисқа фурсатда лозим бўлган иш темпига кира олиш имкониятларини вужудга келтира олишини аҳамияти катта. Бу усулият орқали таълимнинг самарадорлигини аниқлаш ва умумий жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш учун восита сифатида фойдаланиш ҳам мумкин. Ўйиндан тўғри фойдаланиш асосида колективизм рухи, фаоллик, ташаббускорлик, кўркмаслик (ботирлик), катъийятлилик ва онгли интизомни тарбиялаш пухталик билан амалга оширилади ва унинг натижаси таълим жараёнида якъол намоён бўлиши амалиётда ишботланган. Ўйин усулиятининг салбий томони ҳам мавжуд. Таълим жараёнида ундан янги, айниқса, қишин ҳаракат техникасига эга бўлган фаолият малакасини шакллантириша фойдаланишнинг самарадорлиги пастрок бўлади.

Мусобақа усулияти мусобақалашиш, куч синашишнинг характерли белгиларини, ўзида акс эттирган жисмоний машқлар билан шуғулланишнинг ўқувчиларга стимул берувчи алоҳида шаклларидан биридир. Шунинг учун ҳар қандай жисмоний машқни мусобақа предмети қилиб, машғулотларда кенг фойдаланиш мумкин. Масалан: жисмоний тарбия дарсини бошланишидаги ўқувчиларни сафланишидан тортиб то ўқувчилар залдан чиқиб кетгунларича, мусобақа усулиятини кўллаш ва ундан фойдаланиш жисмоний тарбия таълими амалиётида кўп учрайди.

Мусобақа методининг ҳарактерли белгилари:

1. У ёки бу ҳаракат фаолиятида фаолиятни вазифага бўйсундириш олдиндан белгиланганлиги, ўрнатилган қоидалар билан мувофиқлиги. Бундай вазифалар ўқувчилар ижодий активлигини стимулловчи факторлардан бўлиб, уларнинг тайёргарлигини баҳолаш ва таккослашнинг ўлчовидир. 2. Юқори спорт натижаси учун жисмоний ва психологик қувватни максимал намоён қилиш. Мусобақалашиш усулияти орқали организмнинг функционал имкониятларини тўла очиш учун шароитни яратилиши. 3. Ўқувчиларнинг учун белгиланган нагруззкаларини бошқариш имкониятларининг чеграланганилиги. Бу усулият ўқувчилардан ҳаракат фаолиятини бажариш давомида вужудга келган вазифаларни бажаришда, ҳал қилишда, ўзига хос мустақилликни талаб қиласи.

Шунингдек, мусобақа усулияти ҳаракат фаолиятини такомиллаштиришда нисбатан самаралироқдир, лекин улар бирламчи ўзлаштиришда куттилган самарани бермаслиги мумкин. Мусобақа усулияти ҳаракат сифатларини деярли юқори даражада ривожланганлигини талаб қиласи, айниқса уларни комплексли намоён қилишда бу усулиятига эҳтиёж ўта юқоридир. Мусобақа усулияти педагогика нуктаи назаридан ўқувчилар ғалабаси ва мағлубиятига турғун психологик тайёргарликни тарбиялашга йўналтирилиши, шундагина таолим жараёнида у ўзини оклади, бошка томондан эса турли шароитда ҳар томонлама жисмонан тайёргарлигини тўла намойиш қилиш имконини беради ҳамда уни даражасини ошириш воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

12-БОБ. МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯСИ

Инсонҳаёттинг биринчи етти йиллигидаги болалар соғлиги-нинг асосига замин тайёрланади, ҳаёттй зарурийхаракат мала-калари шаклланади, такомиллашади, кейинчалик жисмоний ривожланиш учун лозим бўлган шарт-шароитлар юзага келади.

Русий забон олимларимиз Шелованова, Аксарийной, Сорочек, Уваров, Биковларни тадқиқотларини натижалари шуни қўрсатадики боланинг жисмонан чиниқкан, чаққон, кучли бўлиб ўсиши учун ўз вақтида тўғри режалаштирилган жисмоний тарбия жараёни муҳим ролр ўйнайди. Жисмоний тарбиянинг аҳамиятини нотўғри баҳолаш бола организмини ривожлантиришни сусайтирибгина қолмай, уни ақлий ривожланишига ҳам салбий таосири қўрсатишини жисмоний тарбия амалиёти исботлаб берди.

Боланинг организими тез ривожлана бошлади. Лекин организмнингхимоя рефлекси суст ривожланган бўлади, нисба-тан касалга тез чалинади. Шунга кўра бу ёшдагилар **жисмоний тарбиясининг вазифаси** – уларнинг соғлигини сақлаш ва мустаҳ-камлаш, чиниқтириш, ҳар томонлама жисмоний ривожлантириш, гавдани тўғри тутиш, умумий ва шахсий гигиенага эотибор берадиган қилиб вояга етказишдир.

Энг аҳамиятлиси улардаҳаёт учун зарурий энг оддийхаракат малакаларини – юриш, югуриш, сакраш, улоктириш, тирмашиб чиқиши, велосипедда, роликли чанғида, конкрида юриш, югуриш, сузиш ва самокат ва велосипедда юришларни ривожлантиришдир. Бухарақатларни болалар тез ўзлаштиради. Бунга сабаб уларнинг нерв системасини эластиклигини юкорилигидир. Оддийхаракат малакаси кейинчалик каттароқ ёшга ўзлаштиришга ёрдам беради.

Бу ёшдагиларда **жисмоний сифатлардан чаққонлик, тезкорлик. Чидамлилик ва эгилувчанликни** ривожлантиришга имкониятлар катта.

Леви Гориневскаяни текширишига караганда мактабгача ёшдаги болаларда жисмоний тарбиянинг тўғри йўлга қўйишида кийинрок бўлган умумжисмоний машқлар, 1-синф дастурига яқин бўлган, унгатайёрлайдиган машқлар танлаб олинади.

12.1. Мактабгача ёшдагиларнинг жисмоний (харакат) сифатларини тарбиялаш

Жисмоний машқларни бажариш процессида бу ёшдаги болаларда чаққонлик, тезлик, куч, чидамлилик ва эгилувчанлик сифатлари тарбияланади. Уларни анатомо-физиологик хусусиятларини эотиборга олганимизда чаққонлик ва тезлик сифатла-рини тарбиялашнинг имконияти уларда бошка сифатларга нисбатан кўпроқ бўлади, аксинча куч ва чидамлилик харакат сифатларини тарбиялашга эса эхтиёткорлик зарур. Лекин бу сифатларни ривожлантириш умуман тўхтатиб қўйилмайди, чунки куч ва чидамлилик элементлариҳар бирхаракат фаолияти учун зарур, бу сифатлар

тарбиячини хоҳишсизҳам бошқаҳаракат фаолиятлари давомида намоён бўлади. юриш, сакраш, улоқтиришдекҳаракатлар таркибида бу сифатлар барибир намоён бўлади.

Бу ёшдагиларнинг нерв тизимини эгилувчанлиги, жисмоний сифатларни тенг ривожлантиришга яхши имконият яратади. Чунки нерв системасидаги кўзғалиш ва тормозланиш бири иккинчиси билан тез алмашиниш қобилияти билан боғлик. Айниқсаҳаракатли ўйинлар давомида олдиндан режалаштирил-маган, ўйин фаолияти учун зарур бўлган фавқулотдагиҳаракатларни бажаришга тўғри келади ва улар қисқа вақт ичida бир-бирига ўз ўрнини тез алмашиниши билан намоён бўлади. Бу эса чаққонлик сифатини осон ривожлантиришга шароитни яратади.

Нерв процесси катта тезлиқдаги тезлиқ жисмоний сифатини ривожланишини тезлаштиради. Қисқа вақт мобайнида минимал тезлиқ билан югуриш, велосипед ва бошқа машқлар тезлиқни ривожланишига омил бўлади. Бу машқларда албатта меоёр тўғри танланиши ва уларни ўзаро ўрин алмашиниши муҳим аҳамиятга эгадир.

Бу ёшдаги болаларда бўйин, корин, орқа, бел мускуллари кучсиз бўлиб уларда қомат яхши ривожланмайди. Шунга кўра шу гуруҳ мускулларини ривожлантириш учун (юриш, югуриш, танани букиб тўғрилаб бажарадиган) машқларни танлаб олиш, уларни юриши тезлишини орттириш, бошқаҳаракат сифатларига нисбатан юқори кўрсатгичга эришиши мумкинлигини ифодалашдан иборат бўлади. буларсиз бола кундалиқҳаётида учрай-диган жисмоний машқларни бажаришда, жисмоний меҳнатда қийинчиликка учраган бўлар эди.

Мактабгача ёшдаги болаларга машқ беришдан олдин, уларга ўша машқнинг аҳамиятини, бажариш техникасини, озгина бўлсаҳамҳаракатли ўйин қоидаларини, умумий ва шахсий гигиена қоидалари, танани тарбиялашнинг айрим элементларини ўргатилиб борилиши лозим. Бу ёшдагиларга жисмоний машқни ўзи мастиқил ва гурухи билан бажаришга ўргатиш кўнникмалари бериб борилади. Ўзидан кичик гурухларда жисмоний машқларни бажаришга ўргатиш, ўзини спорт разрядини ўсаётганига ва катта спорчилар натижаларига қизи-қишига, дўстлик, ўзаро ёрдам, ўйинчоқларга нисбатан муносабат масаласи, ахлоқ нормаларини ривожланишига эотибор берилади. уларда жисмоний тарбияни шундай йўлга қўйиш керакки, ўша ёши учун зарур бўлган жисмоний сифатлар, аклий, ахлоқий ва эстетик дидни тарбиялаш билан кўшиб олиб борилсин. Эстети-кадан танининг тузилиши, қоматини тик тутиб юриш, ҳаракат-ларини майинҳамда чиройлилиги, кийим бошини қандай тутиш ва бошқалар тўғрисида тушунча бериш керак бўлади. Жисмоний тарбия жараёни даврида мактаб ёшигача бўлган болаларда аклий қобилиятларини ривожлантиришга, диккат қабул қилиш, тушун-чага эга бўлиш, фикрлаш, кўз олдига келтириш, билимини ва бошқа хислатларни мастаҳкамлаш тарбия жараёнининг асосий мазмунига айлантирилади.

12.2. Ўқитиш ва тарбиянинг асосий услугиятлари

Харакатга ўргатиш энг кичик ёшдан бошланади. Бу эсаҳаёт учун керакли малака ва кўйникмаларни осондан қийин дидактик принципи асосида, кетма-кетликда, аста-секинлик билан олиб борилади ва жисмоний тарбияҳақида энг содда билимлар, шахсий, умумий гигиена қоидалари талабларига бўйсунишга ўргатилади.

Мактаб ёшигача бўлган бола жисмоний тарбияси умумий ўқитиш услугиятлари асосида олиб борилади ва ўқитишнинг қўйидаги – **онглилиқ ва фаоллик, кўргазмалик, кучига ярашалик ва индивидуаллаштириш, системалик, талабаларини ошириш принциплари**га таянади.

Болани харакатга ўргатишида:

а) кўргазмалик услугиятида бажарилиши керак бўлганҳаракат, кўргазмали қурол орқали кўрсатилади, тақлид қилинади ва нарсалар турган томонларга қараб бажариш учун мўлжал берилади.

б) сўз ёрдамида кўрсатиб тушунтиради, буйруқ ёрдамидан, айтиб бериш, сўраш ва бошқа услугиятлардан фойдаланилади.

в) машқ қилиш услугияти –харакатни бажариш шартини ўзгартирасдан ва ўзгартириб бажаришдан фойдаланилади.

д) ўйин ва мусобақа услугияти...

Кўргазмалик услугиятиҳамма ёшдаги гурухларда ёшнинг катта-кичклигига, харакат малакаси захирасининг кўп ёки озлигига қараб қўллашнинг мезони белгиланади.

Энг кичик ёшдагиларда харакат малакаси захираси кам бўлиб, уларда машқларҳақида тасаввурхосил қилиш жуда қийин бўлади. Машкга ўргатиш учун кўргазмалик услугиятидан кўпроқ фойдаланилади. Жисмоний машқларни кўрсатишдан ташқари кўргазмали қурол, расмлар, фоторасмлар, чизмалар, макетлардан фойдаланиш машғулот пайтида машқ техникасини эгаллашни осонлаштиради. Харакатга ўргатишида тақлид қилиш машқлари юкори самара беради. Харакатни бажаришда ўшаҳаракатниҳайвонлар, кушлар ва бошқа жониворларҳаракати мисолида ўқитиш болаларда образига кириб бажаришга қизиқишини шакллантиради ва таолим жараёнини фаоллаштиради.

Бу услугни болалар қанча кичик ёшда бўлса шунчалик қизиқиб бажарадилар. Бу ёшдагиларга кўриш ва жисмларга қараб мўлжал олиш, қобилиятини ўстиришни аҳамияти катта. У ўз навбатида бажарилиши қийин жисмоний машқларни бажа-ришни осонлаштиради. Масалан: баланд осиб кўйилган жисмдан ошириб улоқтириш, бунда тана орқага букилади, тананинг оғирлиги орқада турган оёққа юкланди, ёки сакраб, осиб кўйилган! Буюмга этиш, ўйинчоқлар, бошқа жисмлар илиб кўйиб бажартиришни самараси юкори бўлади.

Болаларни машқларини кўркмай бажаришга ўргатиш мухимдир. Харакат малакасини шакллантиришда ритм, темпниҳис қилдириш, кўпик, айтишув билан ўйналадиган ўйинларга мусиқа тавсия қилинади.

Сүздан фойдаланиши услугияти. Болада жисмоний машкхакида түгри тасаввурхосил қилиш уни кўз олдига келтириб фикрлашига ёрдам беради. Кўргазмалилик ва сўз ёрдамида тушунтириш услугияти иккаласи бирга кўшиб олиб борилса, кейинчалик болалар жисмоний машқларини номини эшитиши билан ёки ёзилганларини кўриши, эшитиши билан машқларни қийналмасдан бажара олиш малакасига эга бўла бошлайдилар. Тушунарлироқ бўлган сўз изборалари билан: қуёнга ўхшаб сакраймиз, қарғага ўхшаб...

Болалар қанчаликҳаракат малакаси тажрибасига бой бўлса, уларга жисмоний машқ ўргатишда сўз билан тушунтириш услугиятидан фойдаланиш осонроқ бўлади. Сўзни характери ўрганишиҳар хил этапида турлича бўлиши лозим. Ўргатишни бошланишидаҳаракат тўлиқ тушунтирилади, кейинчалик эса тушунтириш, киска кўрсатма беришлари билан алмашинади. Кўрсатмалар ёрдамидаҳаракатдаги хатоларни тўғирлаш ва огоҳлантириш ва уларни баҳолаш мумкин. Буйруклар ва кўр-сатмалар мактабгача ўшдагиларга жисмоний машқларни тенг бошлаш, тугаллаш, уни суроатини аниқлаш, ритмини, харакатга йўналиш бериш учун кўлланилади. Гимнастикада қабул қилин-ган энг оддий буйруклар, машқ мусикасиз бажарила бошланса, асосан катта ўшдаги гурухларда ундан фойдаланиш мумкин. Кўрсатмалардан асосан кичик ўшдаги гурухларда кўпроқ фойдаланилади. Кўпчилик жисмоний машқлар, ашулалар, шеорлар мазмуни айтиладиган воқеалар ваҳаракатни қандай бажарилиши кераклигиҳақида ёзилган матнни ўқиш билан кўшиб ижро этилади.

Бажарилиш пайтида болаларга савол бериш, уларни фикрлашга ўргатиш, ўша жисмоний машкхакида тўлиқ бўлимга, харакатниҳис қилишга имкониятни кўпайтиради.

Суҳбатҳам бажариладиган жисмоний машкхакида кўпроқ маолумот фикрга эга бўлиш ва жисмоний машқларни бажари-лишиҳақида лозим бўлган малакаларга манбаа бўлади. Ҳамда жисмоний тарбия ва спортга оид китоблар ўкиш, расмлар кўриш, стадионларга экскурсиялар ва сайирлар қилиш орқалиҳам йўлга кўйилиши мумкин.

Машқ услугияти жуда хилма-хилдир. Мактаб ёшигача болалардаҳаракатлар ва жисмоний машқлар бирваракайигахамма учун умумийхолда кўрсатиш ва бажариш кўпроқ олинагн жисмоний машқлар боланинг анатомик-физиологик қобилия-тига мос келсин. Бу ўшда кўпроқ динамик характердаги машқлар танлаб олиниши, бир йўла кўплаб асосий мускул гурухларига, организмига физиологик таосир ўтказа оладиган, чаққонликни, харакат координациясини ривожлантиришга шароит яратадиган-лардан фойдаланиш лозим. Бу талабларга жисмоний машқларни велосипедда юриш, сузиш, харакатли ўйинлар, спорт ўйинлари элементларидан олинган машқлар жавоб беради.

Мактаб ёшигача бўлган болаларга **статик** характердаги жисмоний машқлар бериш тавсия этилмайди. Бу машқлар нерв тизими ва мускулларни

толдиради, қон айланиш ва нафас олишини бузади, түлік мускул қысқаришини талаб киладиган күч машқлари мускул ва нерв бўғинларини ишларини сусайти-ради. Ёши улғайган сари жисмоний машқларҳам ўзгартирилади ва қийинлаштирилади. Болалар яслиси ва боғчаларида берилла-диган машқлар «Мактабгача ёшдагилар жисмоний тарбияси дастури»да (1994) берилган.

Бир ёшгача бўлган болаларда катталар ёрдамида пассивҳаракатлар, активҳаракат элементлари умумжисмоний машқлар (жихозли ва жихозсиз, чалқанча ётиш билан, ўмбалоқ ошиш билан, бошниҳар томонга буришлар) эмаклашлар, югуришга тайёрловчи машқлар, баландликка чиқиш ва энг содда ўйинлардан фойдаланилади. Бу ёшдагилар дастурида асосий ўринни үқалаш (масаж) эгаллайди. Уқалашга оид материал «Сестра воспитательница детских яслей и младшей групп яслей садов» деган китобчада берилган (1963 й.).

Бир ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларда сал қийинроқ бўлган умумжисмоний машқлар, жисмли ва жисмсиз (тўп, ёғоч, гимнастика ўриндиғи), асосийҳаракатлар (юриш, югуриш, мувозанат сақлаш машқлари, чукурликка сакраш), сафланиш-нинг энг оддий машқлари (айланга бўйлаб юриш, бир колона, шеренга бўлиб сафланишлар), велосипедда юриш, сузишни ўрганишга тайёрлов машқлари берилади. Дастурда бу ёшдагилар учун кераклиҳаракатли ўйинлар ва рақс машқларига кенгроқ жой ажратилган. Олинган ўйинлар бу ёшдагилар учун қоидасини соддалиги ғолибни аниқлашни осонлиги билан фарқланади ва асосан турли образлар тимсолида, тақлид тарзида ўйналади (кушлархайвонар вах.к.).

3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалардаги машғулотларга ўргатилади, амалда эса уни болалар фаолиятини ташкиллашнинг «фронтал» услубияти деб айтишади. Масалан, бажарилиши керак бўлган машқни айрим элементларига кўпроқ эотибор берилади. Узокка улоқтиришни кўрсатаётib олдин дастлабкиҳолатга, сўнг қолган элементларга эотибор берилади.

болаларда катталарга нисбатан тез ва енгил шартли алоқа вужудга келади, лекин уларни тез-тез қайтариб турилмаса, бу шартли алоқа мустаҳкам бўлмайди.ҳаракат малакасини мустаҳ-камлаш учун уни кўп тақрорлайвериш, толишини вужудга келтиради. Шунинг учун қайтаришни хилма-хил вариантларда тақрорлаш лозим. Машқни тақрорий бажаришлар факат ўзлаш-тирилаётган материал техникасиҳақида шуғулланувчи мукаммал тасаввурга эга бўлгандан сўнгина амалга оширилади.ҳаракат малакаларини мустаҳкамлашҳар хил шароитда – ўйин, мусо-бақа, турли-хил топширикларни бажариш шаклида амалга оширилади. «Ким шу машқни яхши бажара олади», «Ким байроқчага тез югуриб бориб қайтиб кела олади», «Тўпни ким узокрокга ота олади» ёки «Мўлжални ура олади» кабилар. Жисмоний машқларни ўргатишдаги ўзигаҳослик ўқитиш услубиятларини ўзаро муносабатларда намоён бўлади.

Мактаб ёшигача бўлган болаларни ўқитишда тақлид қилиш, кўриб турган нарсага, ёки ўша нарсага ёки ошқасига, уни тескарисига, пастга, баландга, орқага ваҳ.к. деб мўлжалга олиш, ўйин усулларини киритиш, ўқитишини эмоционаллигини оширади.

Махсус билимларни бу ёшдагилар диафилрмлардан, кино, машқни тушунтираётганда эшигаётисб, харакат техникасини, харакатли ўйинлар қоидаларини ўрганишда фойдаланадилар ва шу билан бир қаторда шахсий ва умумий гигиеник тушунчаларга эга бўлиб борадилар.

12.3. Мактабгача ёшдагиларнинг жисмоний тарбия воситалари

Мактаб ёшигача болалар жисмоний тарбиясида табиатнинг соғломлаштириш кучлари, гигиеник омиллар ва жисмоний машқлар катта аҳамиятга эга. Юкоридагиларни таосиридан ташкари боланинг кунликҳаракат фаолияти (ҳар кунликҳаракати, расм олиш, ҳар хил ўйинлар, мусика, жисмоний меҳнат) шундай режалаштирилсинки, буларнингҳаммаси унинг ривожланишига имконият яратсин. Танлаб керакки, улар мускуллар кучини яхшиласин.

Мактабгача ёшдаги болалардаҳамма орган ва система-ларни ва жараёнларни ишга солиб, чидамлилик сифатини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Юруш, югуриш, сузиш ва велосипедда юрушдек машқларни меоёрини баробарга ортирилса бу сифат ривожланади. Бу ўз навбатида шугулланувчи ёшиниҳисобга олишни унутмаслик лозимлигини тақазо этади.

Бу ёшда таянчҳаракат аппарати эгилувчан бўлади. уни қобилиятини сусайтирмаслик учун жисмоний машқларни ёшига тўғри келадиганларини барчасидан яхши фойдаланиши даркор.

12.4. Мактабгача ёшдагилар жисмоний тарбиясининг шакллари

Мамлакатимизда мактабгача ёшдаги болалар жисмоний тарбияси давлат ва жамоат муассасаларида олиб борилади. *Давлат муассасаларида* – яслилар, болалар боғчалари; *жамоат муассасаларида* – маҳкамалар, корхоналар, шахсий пулли ясли ва боғчалар тарзида мактабгач ёшдаги болалар муассасалари сифатида уюштирилмоқда. Жисмоний тарбия асосан давлат муассасаларида амалга оширилади.

Давлат муассасаларида жисмоний тарбия. Болалар боғчаси ва яслидаги жисмоний тарбия жараённига мудир раҳбарлик қиласи. Жисмоний тарбия ишини тарбияси олиб боради. тарбиячи машғулотларни мусиқачи, шифокор билан режалаш-тиради. Шифокор тарбиячига жисмоний машқларни танлашга, уни меоёрини аниқлашга ёрдам беради.

Ясли ва боғчаларда жисмоний тарбия жараёнини амалга ошириш учун ўқув типидаги машғулотлар эрталабки гимнастика, физкултурда даққидалари, чиниқтирувчи муолажалар, харакатли ўйинлар экскурсиялар, саёҳатлар, байрамлар, яккана-якка ва мустақил машғулотлар тарзида уюштирилади. Булардан ташкари мусика дарсларидаҳам жисмоний тарбияни

вазифалариниҳал қиласиган жисмоний машқлар, ўйнлар ва ракслардан восита тарзида фойдаланилади.

Ўқув типидаги жисмоний машқлар билан шуғулланиш машғулотлари болаларниҳаракатга ўргатишида асосий рор ўйнайди. Бу машғулотлар ясли ва боғчаларинингхамма гурухларида ўтказилади. 1 ёшгача болаларда бир бора билан айрим жисмоний машқлар укалаш билан кўшиб олиб борилади.

1-3 ёшгача бўлган болалардан ёши катта бўлган гурухларда (6-12)ҳафтада 3 маротабадан, 3-7 ёшгача бўлганлардаҳафтада 1 марта ваҳамма гурухлар билан бирга ўтказилади. Ёши катта бўлган сари машғулотларнинг давомийлиги 10-45 дақиқагача оширилиб борилаверади. Машғулотлар 4 қисмдан - ташкилий, тайёрлов, асосий, якунлоқ, қисмларига бўлиб олиб борилади ва уларнингхар бирида ўзларининг аниқ вазифалариҳал қилинади. Жисмоний машқлар осонлаштирилиб, «ўрмонга саёҳат», хара-катли ва сюжетли («Ўрмонга саёҳат» ва бошқа) шаклларда олиб борилади. тарбиячи олдин жисмоний машқларни танлаб, сўнгра сюжет танлайди. Юриш, югуриш, тўсиклардан ошиш, сузиш ва очиқҳавода бўлиши керак бўлган вақтхисобига ўтказилади.

Эрталабки гимнастика ясли ва боғчаларда эрталабки овқатланишдан олдин, болалар уйларида эса уйкудан турибла ўтказилади. Яслиларда 2 ёшгача бўлганларда эрталабки гимнастике индивидуал ёки 5-10 кишига бўлинган гурухларда, ёши катталарда эса болаларнинг барчаси билан биргалиқда умумий ўтказилади. Эрталабки гимнастика хилма-хил юриш, югуриш ва турли хил машқлар бажаришҳамда сакраш билан тугалланади. Айримҳолларда машқ сюжетига, ритмига мослаштирилган қўшиклар билан ўтказилади.

Тизимли ўтказилган жисмоний машқлар асосан болаларни кучини, эластиклигини мустаҳкамлайди, нафас олиш, қон айланиш ва юрак томир тизими ишларини, органлардаги модда алмашинуви жараёнини яхшилайди. Бундан ташқари эрталабки гимнастика ўюшганҳолда яхши кайфият билан бошланса, ҳар кунги бажарилган жисмоний машқларнинг таосир кучи қоматни тутиш ва жисмоний машқларнинг соғликқа фойдасиҳақидаги дастлабки элементар билимларни шаклланишига олиб келади.

Кичик ёшдагиларда жисмоний машқлар кимларга ёки нималаргадир тақлид қилиш ваҳаётда учрайдиган сюжетларни ўз ичига олиши керак. Машқлар 3 дан 6 гача, ёши улғайган сари 8 тагача бир комплекс бирҳафтага мўлжаллаб тузилади ва 3-4 кундан сўнг қийинлаштирилади, 7-12 дақиқа давомида ўткази-лади. 6-7 ёшдагиларга эса мактаб дастури материалиига яқин бўлган жисмоний машқлар тавсия қилинади. Жисмоний машқ-лар дозасини уни бажарилиш оғирлигига қараб белгиланади. Елка ва бўйин мускуллари машқлари 6-12 марта, корин ва бел мускуллари машқлари 4-8 марта тақрорланади.

Чинқитирувчи муолажалар ясли ва боғчалардаги кундалик ваҳаётий чинқитиришдан ташқари болалар билан маҳсусҳаво ва қўёш ванналари, сувда

чўмилтириш оркали чиникиришлар киритилади. булардан ташқари яна айрим процедуралар борки улар жисмоний машқлар билан қўшиб олиб борилгандагина эффект беради (Леви Гориневская ва А.И. Бикованинг «Бола организмини чиникириш» 1962й.).

Жисмоний тарбия дақиқалари расм машғулотларида пластилин билан ишлаш пайтидахисоб, нутқни ривожлантириш машғулотлари давомида ўтказилади. Бу машғулот учун 2-3 та жисмоний машқ танланиб, улар ўрнидан турган, ўтирганхолда бажарилади.

Ўйинлар эрталаб соат 10^{00} - 12^{00} ларда ва тушлиқдан сўнг ўтказилади. Уни мақсади болаларда бизга маолум бўлган жисмоний сифатларини ривожлантиришдир.ҳаракатли ўйин-ларни танлашда болаларнинг жисмоний тайёргарлиги, майдон ва ундаги шароитга эотибор берилади. Тарбиячи ўйинни танлаб олгандан сўнг уни қўллаш усулиятини пухта ўйлаб, сўнгра ўтказади. Бола учун нотаниш ўйинларни ўйнатиш анча қийин-чиликларга сабаб бўлади. катта ёшдагиларга эса мустакил вазифалар берилади. ўйинлар 7-15 дақиқагача давом этади ва 5-7 маротаба қайтарилади. Саёҳатҳафтада 1-2 маротаба, 2 ёшгача бўлганларда эса, 1-2 маротаба уюштирилади. Унда олдиндан борадиган жой, машғулот сценарийси тузилиб шароитхисобга олиниши ва лозим бўлган жиҳозлар тайёрланади. Ёшига қараб саёҳат муддати 20 минутда 1,5 соатгача давом этказиш мумкин.

Жисмоний маданият байрамлари байрам кунлари (янги йил, Наврӯз, Мустакиллик, Конституция кунлари)га бағишлиб ёки боғчадан мактабга кузатиш, битирив кечаси ва бошқалар тарзида ўтказилади.ҳар хил ўйинлар, рақслар, мусика билан бажариладиган жисмоний машқлар байрам дастури сценарий-сига киритилиши мумкин.

Жисмоний машқлар билан **индивидуал шугулланиши машғулотлари** врач ёрдамида болалар жисмоний тайёргарлигиниҳисобга олганхолда ўтказилади. Бу машғулотларда тана тузи-лишида нуксони борлар ёки сурункалиҳамда, юрак томир системасида касали борлар шуғулланиши учун қулаг имконият-лар бор. Уни давом этиш муддати касалларни жисмоний тайёргарлиги даражасига боғлиқ. Машғулотлар давомида шифо-кор маслаҳати асосий ролни ўйнайди.

Жисмоний машқлар билан **мустакил шугулланиши** машғу-лотлари болаларга ўзлари яхши кўрган жисмоний машқлар билан машғул бўлиш имкониятини беради. Бунинг учун тарбиячи уларга жиҳозланган гимнастика шаҳарчаси ёки маҳсус болалар майдончасидек, сузишҳавзаси, спорт жиҳозлари ва анжомларини тайёрлаб қўйган.

Машғулот пайтида тарбиячи болаларга ролларни ажратиб қўйиши лозим бўлган самарани беради.

Ясли ва болалар боғчасида **умумий иш режаси** тузилиб унда жисмоний тарбия тадбирлари белгиланади. Бу бўлимда жисмоний тарбиянинг асосий мақсади ёритилади ва уни бажарилиши учун аниқ вазифалар белгиланади. Вазифаларҳар хил бўлиши мумкин: сузишни

ўргатиш, велосипед, самокат, роликлик конркида юришни ўргатиш ва бошқалар. Бунинг учун олдиндан тарбиячилар олдиндан маслаҳатлашиб, бассейн тўлдирилади ёки яхмалака отиш жойи килинади. Тарбиячи дастурни квартал, ойлар ваҳафталаарга бўлиб режа тузади ва ўша режа асосида жисмоний тарбия жараёнини боришини бошқа-ради. Режелаштиришда болаларнинг жисмоний тайёргарлиги эҳтиборга олинниши шарт. Ясли ва боғчада йилига 3-4 марта жисмоний тайёргарлигини ўйишини тизимлихисоб-китоб ишлари олиб борилади ва жисмоний сифатларини ривожла-нишини назорати йўлга қўйилади. Ана ўшанга асосланиб тарбиячи мактабга йўлланча олган болаҳақидаҳисобот ёзади.

Оилада жисмоний тарбияҳақида... (шакллари, воситалари, методлари, Б.А. Ашамарин таҳрири остида ўкув қўлланмасида).

13-боб. УМУМИЙ ТАЪЛИМ МАКТАБИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯСИ

«Мактаб ёшидаги болаларда жисмоний тарбия жараёни биз педагоглардан мактабда ишилди учун жисмоний тарбиянинг асоси нималардан иборатлиги, унинг мазмуни, ташкил қилиншишини, болаларни ҳаракатга ўргатиш методикасини билишини талаб қиласди».

Мактаб ёшидаги болаларда **жисмоний тарбия** жараёнининг мақсади аста-секинлик билан уларни жисмоний камолоттга эришиши ва шу аснода ҳаётга, ижодий меҳнатга ва Ватан мудофаасига тайёрлашни назарда тутади.

Ўқувчилар жисмоний тарбияси жараёнида **умумий ва хусусий вазифалар** ҳал қилинади.

Умумий вазифалар – билим бериш, жисман тарбиялаш ва соғломлаштиришдан иборат бўлиб, хусусийлари эса жисмоний тарбиядан Давлат таълим стандарти дастуридаги маҳсус вазифалар тарзида ҳал қилинади.

Хусусий вазифаларга куйидагилар киради:

1) ўқувилар организмининг соғлигини мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва чиниктириш;

2) турли хилдаги меҳнат фаолиятига тайёр бўлиш учун шу ёшга хос бўлган жисмоний сифатларни ривожлантириш;

3) ҳаёт учун керакли ҳаракат малакалари ва кўнимкамларини ривожлантириш ва кейинчалик керак бўладиганлари билан қуроллантириш;

4) ўқувчиларга жисмоний маданиятга оид янги билимларни бериш;

5) ўқувчиларни жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланишига кизиқтириш ва унга одатни шакллантириш;

6) ўқувчиларни жисмоний маданият фаоллари қилиб тарбиялаш ва бу билан уларда ташкилотчилик қобилиятини тарбиялашдек вазифаларни ҳал қиласди.

Бу вазифалар маънавий тарбиянинг элементлари хисобланган ахлоқий рухий эстетик ва меҳнат тарбияларининг вазифалари билан биргаликда ўқувчиларни ёшини улгайиши, жисман тайёргарлигига қараб ўқитишнинг айрим этапларида аниқликлар киритилади.

Мактаб ёшининг (10) 11 ёшлиларда (4 синфлар) организми табиий ривожланишида бўлади. Биз уни гармоник ривожланишини йўлга кўйишимиз керак бўлади. Марказий нерв тизимидағи бошқариш функцияси, ҳаракат таянч аппарати фаолияти ишини, юрак, томир, нафас олиш органлари ишини янада ривожлантиришга эътибор берилади, булардан ташқари қоматни тўғри тута билишга ўргатилади. Бу жараёнга шахсий гигиена қоидаларига оид билимлар қўшиб бериш билан тарбия жараёни йўлга кўйилади.

1. Жисмоний тарбиянинг **жисмоний билимлар бериши вазифаси** ҳаётда учрайдиган ҳаракат малакаларини рационал техникиаси билан таништириш (гимнастика, енгил атлетика, спорт ўйинлари, велосипедда

юриш ва спорт тактикаси)га оид оз бўлса ҳам назарий тушунча беришдир. Бу даврда болаларни «Алномиши» ва «Барчиной» маҳсус тестининг талаблари ва нормаларини топширишга тайёрлаш йўлга кўйилади. Жисмоний машклар билан шуғулланиш натижасида спорт маҳоратини ошаётганлигини, жисмоний маданиятни жамиятдаги роли ва аҳамиятини тушунтириш жараёни йўлга кўйилади. Аста секинлик билан ташкилотчилик қобилияти такомиллаштирилади, мусобака қоидалари ўзлаштирилади, ҳакамлик килиш малакалари ривожлантирилади ва чиниқтириш мақсадида табиатнинг соғломлаштирувчи кучларидан фойдаланишга ўргатиш лозим бўлади.

Жисмоний тарбия воситалари. (10)11 ёшдаги болалар жисмоний тарбияси учун асосий восита қилиб асосий гимнастика, енгил атлетика, харакатли ўйинлар, экскурсия ва саёхат ҳамда табиат кўйинида ўйналадиган ўйинлар ва жисмоний машқлар олинган. Бу ёшдагиларда сузиш, теннис бўйича мунтазам машғулотлар уюштириш мумкин. Соғлиги ёмонлашган болаларга маҳсус машғулотлар – даволаш гимнастикаси тарзидаги ёки маҳсус тиббий гурухга ажратилган болалар учун алоҳида машғулотлар йўлга кўйилади.

Ўкув ишлари – ўкувчи жисмоний тарбиясини ташкиллашнинг асосий шакли бўлиб, мактаб жисмоний тарбия тарзида уюштирилади. Дарс – жисмоний тарбия машғулотларининг тизимли шакли бўлиб, бир хил ёшдаги, бир хил контингентдаги болаларга белгиланган вакт ичida дастур мавзуларини ўқитиш жараёни тушунилади.

Жисмоний тарбия жараёни бир йиллик эмас. Мазмуни ва ташкилланишини турли туманлиги билан характерланадиган машғулотлар, дарслар туркуми оркалигина тарбиянинг бу йўналишида маълум натижаларга эришишни мақсад қилиб кўйиш мумкин. Ҳар бир дарсда алоҳида вазифалар ҳал қилинади. Олдин ўқитилган (ўргатилган)ни ва кейин ўқитиладиган мавзулари бир бири билан харакатнинг айрим ёки бўлаклари билан албатта боғланиши ва тузилиши билан фарқланади ҳамда белгиланган тизим асосида олиб борилади.

Жисмоний тарбия дарсларининг характеристли томони шундаки, у маҳсус тайёргарликка эга бўлган мутахассис томонидан, жисмоний ривожланганлиги ва тайёргарлиги тахминан бир-бирига яқин контингент билан бир неча йилга мўлжалланган дастур асосида ҳамда маълум тизимга солинган жадвал асосида ташкилланади. Дарслар умумий жисмоний тарбия, касб-хунар жисмоний тайёргарлиги ва спорт ихтисослигини йўлга кўйиш мақсадида ўtkазиладиган машғулотларнинг тизимли ва нисбатан тежамли, самарали шаклидир.

Жисмоний машклар билан шуғулланиш машғулотларнинг бошқа типик формалари ўзининг даврийлиги, тизимли эмаслиги, факат бир маротабаликлиги, индивидуаллиги билан дарслардан тубдан фарқланади. Кўпинча машғулотларнинг юкорида қайд қилинган шакллари дарсни тўлдиради ва уни хусусий ва умумий вазифаларини тўлдиришда кўшимча

рол ўйнайди. Лекин улар ахолини физкультура бўйича маълум даражадаги талабларни тўла қондириб мустақил аҳамият касб этади.

13.3.1. Жисмоний тарбия дарснинг вазифалари ва унга қўйилган талаблар

Жисмоний тарбияда педагогик жараённинг натижалари жисмоний тарбия дарсларида олиб бориладиган ўкув-тарбиявий ишларнинг сифатига боғлиқ. Бунга ҳар бир дарс замиридаги қатор вазифаларни ҳал этиш билан эришилади.

Жисмоний тарбия дарслари таълим бериш (ўқитиш), тарбиялаш ва соғломлаштиришдек жисмоний тарбия жараённинг умумий *вазифаларидан келиб* чиқиб, ҳар бир дарс учун аниқ «Таништириш», «Ўзлаштириш», «Мустахкамлаш», «Такомиллаштириш»дек мазмунга эга бўлган хусусий вазифаларни қўйиш ва униҳал қилишни назарда тутади.

Таълим бериш вазифалари болаларни жисмоний тарбия дастурда тавсия қилинган машқларни бажаришга, ўрганилган машқларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга, шунингдек, малака ва қўнікмаларни ривожлантиришга ҳамда ўрганилган машқларни турли шароитда амалиётда қўллашга ўргатишга йўналтирилади. Таолим вазифаларини изчил равиша бажариш жисмоний тарбия дастуридаги бутун ўкув материалларини изчил ва мустаҳкам ўрганишга олиб келади.

Таълимнинг айрим вазифаларини ҳал этиш учун нисбатан узоқ вақт ёки қатор кетмакет дарслар зарур вазифалар бошқа ҳилларини ҳал этиш учун эса бир дарснинг ўзи кифой қиласди. Масалан, арқонга маълум усулда тирмашиб чиқиши ва уни бажаришда ҳаракатлар кетмакетлигини бир дарснинг ўзида техник жиҳатдан мукаммал ўрганиб олиш мумкин эмас. Бу умумий вазифа, бунихал қилиш учун туркум дарслар лозим. Қолаверса, шуғулланувчини ҳаракат координацияси, жисмоний тайёргарлиги, ўзлаштириш қобилияти (қабул қилиши), ўзлаштирилаётганҳаракатга ўхшашҳаракат заҳирасигахам боғлиқ.

Арқонни оёқлари билан ушлаб тирмашиб чиқишига бир дарсда ўргатиш мумкин. Бу кичик хусусий вазифа бўлиб, уни мазкур дарснинг аниқ вазифаларидан бири сифатида ҳал қилинади. Таълимнинг вазифалари, юкоридагилардан ташқари ўқувчиларни жисмоний тарбия ва спорт, соғлиқни сақлаш, чиникиш, жисмоний машқларни тўғри бажариш хақидаги назарий билимларини оширишлари билан ҳам ҳал қилинади. Жисмоний тарбия дарсларида фақат таълим тарбия эмас, балки инсоний фазилатлар – эътиборлилик, диққатини бошқара олиши, интизоми, иродаси, саранжомлилиги, максадга интилиши, мустақиллиги ва кийинчилдикларни енгишдаги қатоийяти ва бошқаларни қўшиб тарбиялаш талаб қилинади.

Соғломлаштириш вазифалари ҳам тарбия вазифалари каби ҳар бир дарсда ҳал этилиши лозим. Жисмоний тарбия дарсларини тўғри уюштириш

ва ўтказиши тегиши кийим бош билан шуғулланишни, машғулотларнинг жойларида зарурий санитария гигиена ҳолатини сақлаш ва риоя қилиш, дарсларни очик ҳавода ўтказилиши, соғломлаштириш вазифаларини ҳал этиши имкониятини яратади.

Жисмоний тарбия дарсининг самараси кўпинча ўқитувчининг тузган режасини ҳаётийлиги, шуғулланувчилар фаолиятини ташкиллаш учун танлаган усулияти ва услублари мавжуд жиҳозлар ва спорт анжомларидан, техник воситалардан, спорт иншоатларидан эфектли фойдалана олиш, температура, иқлим шароити, ўкувчиларнинг тайёргарлги, уларнинг ёши, индивидуал хусусиятларини хисобга олиб эфектли фойдалана олиш билан боғлик.

Дарснинг ўюштирилишининг теоминланиши қўйидагиларни:

1) тиббий ва гигиена шароитини яратиш ва унга риоя қилишни; 2) моддий-техник жиҳатдан таъминлашни; 3) дарсда ўкувчилар фаолиятини ташкиллаш усулиятларини тўғри танлаш орқали қўйилган вазифани эфектли ҳал қилишни назарда тутади.

Дарсни ўтказишининг тиббий-гигиеник шароитини яратши деганда жисмоний машқлар билан шуғулланиш жараёнида юзага келадиган, соғломлаштириш эфектидан келиб чиқадиган бир бутун комплекс тадбирларни тушунилади.

Шунга кўра машғулотларни ўтказиши жойининг қатијян белгиланган тиббий-гигиеник нормаларга мувофиқлигига эришиш. Спорт зали учунхаво температураси (энг маъкули) $14-16^{\circ}\text{C}$ да ушланиши. Танаффусларда очик майдонларга сув сепилиши, спорт заллари эса ойналари очилиб шамоллатилиши. Аникланишича, инсон ўпкасида у тинч турган ҳолда ҳаво вентиляцияси алмасиши минугига 4 дан 6 л атрофида, юкори интенсивликда бажарилаётган машқларда (югуриш, спорт ўйинлари) организмни ҳаво ютиши 10 ва ундан ортиқ дарражадан ошиши мумкин. Шунинг учун машғулот жойларини тозаҳаво билан таъминлашнинг аҳамияти мухим.

Айниқса, залдаги жиҳозлар, анжомлар, матлар (гиламлар) полни тозалиги доимий диққат ва эотиборни талаб киласди. Ҳар бир дарсдан сўнг зал полини хўлланган пол латта билан намланган латта билан эса жиҳозлар, матларни артиб чиқиши зарурияти мавжуд. Машғулотлар тугагандан сўнг эса шуғулланилган жой тозаловни талаб киласди. Чунки тозаланмаган зал шуғулланувчи соғлигига катта пурт етказади, танани, спорт формаларини кирланишига сабаб бўлади.

Дарсни моддий техник таъминлаши деганда, дарснинг оптималь зичлигини таоминлашга имкон берадиган, қўйилган комплекс вазифаларни тўлақонлиҳал қилиш учун гарантия берадиган, етарли дарражадаги ўқувтарбия жиҳозлари, анжомлари ва машғулот жойи назарда тутилган.

Охириги йилларда кўпчилик мактабларда жисмоний тарбия ўқитувчиларининг ташаббуси билан спорт заллари ва спорт майдонлари бирданига кўпчилик ўқувчи шуғулланиши мумкин бўлган ностандарт

жихозлар, анжомлар ва тренажерлар билан жихозланмоқда. Бундай жихозлардан фойдаланиш дарс зичлигини аҳамиятли даражада юқори эффектли ташкилий формасини вужудга келиши, охир оқибат машгулотлар натижаларини ошишига олиб келмоқда.

13.3.3. Жисмоний тарбия дарснинг мазмунни

Жисмоний тарбия дарсининг мазмунни дарс машғулотларини сифатини белгиловчи тўртта асосий компонентнинг умумийлигида ифодаланади. Бу элеменлар ўзаро узвий боғланган ва дарснинг характерли **компонентлари** деб аталади, улар:

а) *дарснинг таркибиага киритилган жисмоний машқлар*. Дарснинг мазмунининг энг йирик характерли компонентидир. Лекин бундай тушунча бир томонлама бўлиб, тарбиялаш, соғломлаштириш, билим бериш вазифаларини ҳал қилишда шуғулланувчилар учун фаолият предмети бўлиб хизмат қиласи. Машқлар дарснинг умумлаштирилган предметининг мазмуни, бошқа мъянода дарс мазмунининг бир қирраси холос.

б) тавсия қилинган машқларнинг бажариш билан боғлиқ бўлган ўқувчиларнинг дарсдаги фаолияти дарс мазмунининг навбатдаги йирик компонентларидан бири. Бу компонент шуғулланувчини турли кўринишдаги, интеллектуал ва жисмоний фаолиятдан иборат бўлиб, улар: педагогни эшитиш, кўрсатилётган машқни эътибор билан кузатиш, ҳаракат фаолияти орқали ҳосил бўлган тасаввурни устида фикр юритиш, бажарилиши лозим бўлган фаолиятни лойиҳасини фикран тузиш, уни бажариш, ўз ҳаракатларини назорат қилиш ва баҳолаш, вужудга келган муаммоларни педагог билан биргаликда муҳокама қилиш, ўз хиссиётини ва кайфиятини назорат қила олиш, вужудга келган эмоционалликни бошқариш ва ҳ.к.лардир. Шуғулланувчиларини дарс вазифасини ҳал қилиш бўйича барча фаолиятлари дарс мазмунни асосини ташкил қиласи.

в) *педагогнинг фаолияти дарс мазмунининг навбатдаги компоненти бўлиб*, қўйидагича ҳолатларда намоён бўлади. Уйга вазифа бериш ва уни тушунтириш, дарснинг аниқ вазифасини баён қила билиш ва уни ҳал қилишни ташкиллаш, шуғулланувчиларни доимий назоратда ушлаш, уларни фаолиятини таҳлил қилиш, шунингдек шуғулланувчиларнинг фаолиятини лозим бўлган йўлга буриш, улар орасидаги муносабатларни ўзининг диккат марказида ушлаш ва фаолиятларини йўналтириш, бошқариш, назорат қилишдек таълим-тарбия жараёнида ижобий рол ўйнайдиган муҳим асосий ҳолатларни ўз ичига олади.

г) шуғулланувчилар организмида дарс таркибидаги машқларни бажаришда содир бўладиган *физиологик, психологик, биомеханик ва бошқа ўзгаришлар* дарс мазмунининг навбатдаги йирик характерли компонентларидан бири ҳисобланади. Малакаларни шаклланиши орқали режалаштирилган, уларнинг натижасидаги ўзгаришлар, шаклланган назарий ва амалий билимлар, уddeлаш, ҳаракат малакаси ва унинг автоматлашви орқали содир бўладиган яширин (латент) давр дарснинг мазмунининг тўртинчи компоненти ҳисобига содир бўлади. Бунда ўқитувчи фаолияти ва ўқувчилар фаолиятининг самараси яширинган бўлади. Режалаштирилган ўқув тарбиявий ишларни содир бўлмоқдами ёки йўқлиги жорий назорат

қилиниб, педагогик фаолият кейинчалик қандай давом эттирилиши лозимлиги учун йўриқномалар тайёрланади.

13.3.4. Жисмоний тарбия дарснинг тузилиши

Жисмоний тарбия дарслари билан боғлик масалаларнинг энг муҳими уни қандай тузиш масаласидир. Дарсни тузилиш қонуниятлари ҳақидаги гапиришдан аввал уни қандай структуравий бирликлардан ташкил топишини белгилаб олиш ва аниқлаш керак бўлади. аввалиги дарсҳақида йикр билдира етиб уни таркибига киритилган жисмоний машқлар, уларни кетма-кетлиги ва давомийлигига караб «дарс схемаси» атамаси кўлланила бошланди. Кеийнчалик дарсга қўйилган вазифалар ва уларниҳал қилиш учун танланган жисмоний машқлар уларнинг меоёри (дозаси)га қараб «дарс режаси» деган атамалар кўлланилди. «Дарсни структураси» деган атама биринчи маротаба В.В. Белинович томонидан (1939) кўлланилди ва ўринли равишда дарсни тузилиши деб тўғри номланди. Белинович тузилиши дарснинг вазифалари ва жисмоний тарбияни мазмунига караб белгиланишини уқтиради. Н.Н. Ефремов (1959) биринчи маротаба «дарснинг тузилиши» деган тушунчага таориф беришга уринди ва дарс структураси деганда машғулотни таркибий (кириш, тайёрлов, асосий ва якунлов) қисмларини ўзаро жойлашиши ва муносабатини назарда тутди холос. К.А. Кузминанинг фикрича (1960) эса *дарснинг тузилиши – бу уни қисмларининг сони, уларнинг аҳамияти ва мазмuni, кетма-кетлиги ва дарсни ҳар бир қисмини давомийлиги* деб таориф берди. Дарсни тузилишига оид маҳсус илмий-услубий дабиётларда турлича фикрлар мавжуд. Лекинҳозирги кунда бу баҳсларга чек қўйилган ва дарсни тузилишини уч қисмли таркибга эга деб қабул килинган.

Дарс тузилишининг лойиҳаси алоҳида, дарсларни тузища фойдаланиладиган дарс конспекти орқали ифодаланади. Дарсни тузилиши ўқитувчини дарсларга машқларни оқилона танлашга, материалларни тўғри жойлаштириш ва дарсдаги юкламани меоёрини аниқ белгилашга ёрдам беради.

Дарснинг тузилиши дастур материалларини белгиланган вазифа асосида изчил ўрганишни йўлга қўяди. Дарс учун режалаштирилган вазифаларни ҳал қилишда кўлланиладиган таълимнинг усулиятига аниқлик киритади ва уни қўллаш учун дарснинг қисмлари ёки уларнинг айрим бўлакларидан қандай фойдаланиш лозимлигини белгилайди.

Жисмоний тарбия дарсида ҳар қандай педагогик вазифаларни ҳал этиш кўпинча шуғулланувчилар организмидан маълум даражадаги зўриқишини вужудга келтиради, шунинг учун бу ишга организм тегишли даражада тайёр бўлиши керак.

Буюк рус олим И.П. Павлов организмни қийин вазифаларниҳал этишга тайёр бўлиши зарурлигини уқтириб, машқни аста-секинлик билан такрорлаш маълум физиологик коидаларга асосланишини тақазо этади деб уқтиради. Бу кўрсатма ўқитувчи зиммасига шуғулланувчилардан катта куч

талааб қиладиган педагогик вазифаларни ҳал қилиш дарснинг бошида эмас маолум тайёргарликдан сўнг, машғулотларни, дарсларни охирида ҳал қилиниши лозимлигини, шу машғулотдаги асосий вазифаларга шуғулланувчиларнинг организмини уюштириш, зарур кайфиятни вужудга келтириш ва белгиланган вазифаларни бажаришга, машқни ўрганишга бўлган иштиёқни шаклланишини машғулотлар давомида талааб даражасига кўтариш лозимлигига тўхтади.

Ўқувчилар томонидан асосий вазифаларни ҳал қилиш кўпинча шуғулланувчи зўр бераётган яъни уни фаоллигини ошган даврига тўғри келшлигини амалий аҳамияти катта. Уларнинг организми нисбатан катта зўриқиши ва кучли эмоционал ҳолатдан вазмин ҳолатга бирдан ўта олмайди. Шунга кўра дарсни тузишда хотиржам ҳолатга ўтиш ва машғулотларни уюштирилган равиша тугаллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳар бир дарс уч қисмли таркибга эга эканлиги ҳақида юкорида фикр билдирик ва улар **тайёрлов, асосий ва якунлов** қисми деб номланади.

1. Жисмоний тарбия дарсининг **тайёрлов қисми** учун 8-12 мин вақт сарфланади. Бошланғич синфларда эса 20 минутгача билиш мумкин. Иқлим шароити совуқ, иссиқ ва ҳ.кларга қараб сарфланётган вақт бироз кўпайтирилиши мумкин. Тайёрлов қисми асосан дарснинг асосий қисмida бериладиган жисмоний юкка ўқувчи ёки шуғулланувчи организмини функционал ҳолатини тайёрлайди. Организмнинг функционал ҳолатини дарснинг асосий қисмiga тайёрлиги ўқувчини ҳаракат координациясининг яхшиланганлиги, пешонада енгил терлаш юзида қизилликни пайдо бўлиши ўқувчининг ҳаракат фаоллигини ортиши, нафас олиш ритмининг бироз тезлашуви, эмоционал ҳолатини кўтаринкилигини кузатилиши орқали аниқланади. Уни тузилиши дарсда ечиладиган педагогик вазифаларига кўра «ташкилий дақиқа» деб бошланадиган қисм билан бошланиб, ўқувчиларни сафлаш, уларни сонини аниқлаш, навбатчидан (4-синфдан бошлаб) рапорт қабул қилиш саломлашишни ўз ичига олади ва унга 1-1,5 минут вақт сарфланади. Ташкилий дақиқадан сўнг лозим бўлса диққат учун машқлар, дарсни вазифаси ёки мавзусини элон қилиш, қаддикомат учун машқлар, нафас олиш ритми, юрак уриш частотаси, қон айланишини тезлаштириш, тана бўғинлари, мускуллари учунҳаракатда, ўқувчиларни тўхтатиб, турли хил машқлар бажартирилади. Дарснинг тайёрлов қисми асосий қисмida бажарилиши лозим бўлган ҳаракат фаолияти учун «тайёрлов» ва «йўлланма берувчи» машқлар билан тугалланади.

2. **Жисмоний тарбия дарсининг асосий қисми учун** 25-30 минутгача (40 минутли дарсларда) вақт сарфланади ва ўқитувчи томонидан тузиленган дарс сценарияси ёки унинг режа-конспектига киритилган жисмоний тарбиядан. Давлат тандарти дастуридаги шу синф учун режалаштирилган янги машқлар ўқтирилади, ёки аввалги синфларда ўзлаштирилган жисмоний машқлар, ҳаракат фаолиятлари таништирилади, ўзлаштирилади, мустаҳкамланиб такомиллаштирилади. Дарснинг асосий қисмини тузилиши

учун ягона «стандарт схема» мавжуд эмас. дарснинг бу кисми унинг мазмунига киритилган асосий жисмоний машқлар, уларни бажариш учун танланган усул ва усулиятлар, улардан фойдаланишни ташкиллаш шакларини танлаш ва тузищек таркибий қисмларни ўз ичига олади. Бундан ташкари жисмоний тарбиядан. Давлат таълим стандарти дастурининг бўйимлари (гимнастика, енгил атлетика, сузиш, кураш, спорт ўйинлари, ҳаракатли ўйинлар)ни ўкув материалини ўқитиш ўзининг услугубий хусусиятлари билан дарснинг асосий қисмини турлича ташкиллаш талабини кўяди. Дарснинг асосий қисмининг талабларни ҳал қилиш ўқувчилар фаолиятини гурухли, индивидуал, фронтал, узлуксиз-улаб, айланиб юриб бажариш, крейстринг усулиятлари орқали мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг жисмоний тарбия жисмоний ривожланганлиги, тайёрланганлиги ва организмининг анатомо-физиологик хусусиятларини эътиборга олишни тақазо этади.

Дарснинг бу кисмida ўқитувчиларнинг ёрдамчилари физкультура фаолларининг аҳамиятини эътироф этмай иложимиз йўқ. Улар ўқитувчи томонидан ҳафтанинг бошланишида инструктив машғулотлар учун тўпландилар ва уларга дарснинг асосий кисмida алоҳида гурухларда йўриқчи вазифасини бажариш усулияти ўқитувчи томонидан ўргатилади.

3. Жисмоний тарбия дарснинг якунлов қисми дарс учун ажратилган умумий вактининг 3-5 минути сарфланади. Унда жисмоний сифатларни ривожлантириш учун турли хил ҳаракатли ўйинлар ва эстафеталар ва жисмоний машқлардан фойдаланилади. Дарснинг асосий қисмida кўтарилиган эмоционал ҳолатни пасайтирувчи ва саф машқлар бажартирилади, дарс якунланади (ўқувчилар рафбатлантирилади, лозим бўлганларига танбеҳлар берилади, 5-6 нафаригажори баҳо кўйилади), уйга вазифа учун машқлар тушунтирилади ва дарс ўтказилган жой (спорт майдони, спорт зали ва бошқадан уюшган ҳолда кийиниш хонасига кузатиш ташкилланади. Бошланғич синфларда ўтказилган машғулотлардан сўнг ўқувчиларни, ўқитувчининг ўзи кийиниш хонасига кузатиб кўяди.

Турли хил ёшдаги ўқувчилар билан ўтказилган жисмоний тарбия дарсларининг тайёрлов, асосий ва якунлов қисмларини таққослаш натижалари таҳлили биринчидан, қонуний равишда уларни бир-биридан фарқланишини кўрсатди. Иккинчидан, жисмоний тарбия дарсларининг бир хил ёшдагилар чегарасида ўтказилган асосий қисмлари дарснинг турига боғлиқ. Учинчидан, дарснинг тайёрлов, асосий, якунлов қисмларини давомийлигини ўзгариши ўқувчиларни ёшига боғлиқ. Бошланғич синфларда дарснинг асосий қисмлари нисбатан бир хилда, яони тайёрлов ва якунлов қисмларининг давомийлиги асосий қисмнинг давомийлигидан озигина фарқланади холос. Бошланғич синфларда болалар психологияси ва уларнинг физиологик хусусиятлари, жисмоний кучининг озлиги дарснинг асосий қисмida уларни организмини ва диққатини олдинда турган қийин ҳаракат фаолиятларини бажаришга тайёрлаш учун кўп вақт сарфлашни талаб қиласди.

Бундан ташкари тайёрлов машқларини тушунтириш ва кўрсатиш катта ёшдагиларга нисбатан секин олиб борилиши дарсни қисмларида ўқитувчи томонидан кўп вақт сарфлашни тақазо этади. Кичик ёшдагиларда якунлов қисмини асосий қисм ҳисобидан узурнок бўлишининг, сабаби навбатдаги дарсга ўтишга олдиндан тайёрланиш лозимлигидан келиб чикади ва шу билан асосланади. Ўрта ва юқори синфга ўтган сари дарснинг тайёрлов ва якунлов қисмлари учун сарфланган вақт қонуний равишда камайиб боради. Чunksи ўқувчиларда турли хилдаги саф ва тайёрлов машқларини аниқ бажариш малакаси юқори бўлади. Тушунтириш ва кўрсатиш учун кам вақт сарфланади, асосий қисмида ўқувчилар томонидан катта ҳажмдаги юклама билан жисмоний машқларни бажариш учун талаб вужудга келади, шунга кўра тайёрлов асосий якунлов қисмларининг турли хил ёшдаги ўқувчилар билан ўтказилиши турлича ва ўзларининг хусусиятлари билан фарқланади.

13.3..5. Жисмоний тарбия дарсида хатолар ва уларни аниқлаш ва бартараф этиш усулияти

Жисмоний тарбия жараёнидаги машғулотлар жумладан, мактаб дарсларида ўқувчилар томонидан хатолар содир бўлиши кузатилади. Бундай хатолар *асосий ва асосий бўлмаган хатолар* деб гурӯхланади. *Асосий хатолар* деганда ўрганилаётган ҳаракат фаолияти ёки жисмоний машқнинг техникаси асосида кўйилган хатолар, *асосий бўлмаган хатолар* эса ҳаракат акти техникасининг звенолари ёки деталларида содир бўлган хатолар тушунилади.

Уларни *садир бўлишининг сабаблари* турлича: машқ техникасини тушунтиришдаги эътиборсизлик; машқ техникасининг асоси ҳақида тўла тасаввурга эга бўлмаслик; машқни ёки уни техникасини тасаввурига эга бўла туриб уни бажариш учун жисмоний тайёргарлигини вахаракат координацияси захирасини камлиги; ўқитувчи танланган ўқитиш услубиятини таолим жараёни учун мос эмаслиги ва х.к.лар...

Таълим жараёнида содир бўлган хатоларни аниқлаш ва уларни тўғирлаш муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра энг аввало ҳаракат техникаси таркибидағи асосий хатолар сўнг, асосий бўлмаган хатолар аниқланади ва улар шу кетма-кетликда тўғрланади. Таълим жараёни амалиёти шундан гувоҳлик Берадику асосий хатоларни тўғрланиши асосий деб хисобланмаган хатоларни ўз-ўзидан тўғрланиб кетишига олиб келади. Демак, аввал асосий хатолар аниқланади ва тузатилади, сўнгра иккинчи даражали яъни ҳаракат фаолияти техникасининг звенолари ва деталларидаги хатола тузатилади.

13.3..6. Жисмоний тарбия дарсларида ўқувчилар фаолиятини ташкиллаш усулияти

Умумий таълим мактабларида ўтказиладиган жисмоний тарбия дарсларида жисмоний машқлар билан шуғуланиш машғулотларида иштирок этаётган ўқувчиларнинг фаолияти бошқарилади.

Ўқувчилар фаолиятини бошқарии деганда машғулот давомида ўқитувчи режасига мувофиқ жисмоний машқларни бажаришни ташкиллаш услугиятини тушунамиз.

Таълим-тарбия жараёнида жисмоний тарбия ўқитувчилари, ўқувчилар фаолиятини жисмоний тарбия дарсларида бирвара-кайига (фронтал), узлуксиз-улаб, гурухчаларга ажратиб, яккама-якка ва айланиб юриб машқ бажарии услугиятлари орқали ташкиллайдилар.

1. Ўқувчи фаолиятини ташкиллашнинг фронтал усулияти деганда гуруҳдаги барча ўқувчиларни бирваракайга ўқитувчи билан биргаликда бир хил вазифани ҳал қилиш учун машқни ёппасига бажариши тушунилади. Бу услугиятнинг афзаллиги машқни бажариш учун барча ўқувчиларни тенг камраб олинишидир ва уларни бирваракайга банд қилиши бўлиб, дарс (машғулот)да юкори зичликка эришилади ҳамда юкламани суроати, интенсивлиги ва меъёри барча учун бир бўлишлигидир. Бу услугиятдан асосан дарснинг тайёрлов ва якунлов қисмларида, янги материални ўзлаштириш, такомиллаштириш дарсларида, кўпроқ кичик ёшдаги ўқувчилар билан машғулотларда фойдаланилади.

2. Ўқувчи фаолиятини узлуксиз-улаб ташкиллаш усулияти. Машқни бажариш навбатини тушунтиришларсиз, услугбий кўрсатмаларни ҳаракатни бажариш ритмига мос slab, хатоларни тузатиш учун гуруҳни тўхтатмай, юкори зичликка эришиш мақсадида ҳаракат фаолиятини тўла бажариш тарзида намоён бўлади. Бу услугиятнинг афзаллиги юклама меёрини, уни ҳажмини, интенсивлигини гуруҳдаги барча ўқувчи учун (жисмоний тайёргарлигидан қатоий назар) бир хилда бўлишлигига эришишдир. Бу билан синф, гуруҳ ўқувчилари умумий жисмоний тайёргарлигини баҳолаш, айниқса, ўқувчиларнинг ўзлари учун тенгдошларига нисбатан ўзҳаракат имкониятлари даражасини таққослаш, солиштириш имконияти яратилади. Асосан дарснинг тайёрлов, якунлов қисмлари ҳамда янги материални ўзлаштириш бошланган дарснинг асосий қисмida кўпроқ фойдаланилади.

3. Ўқув гуруҳи (синф)ни гуруҳларга ажратиш усулиятининг мазмуни жисмоний ривожланганлиги, жисмоний тайёргарлиги, дарсда кўйилган вазифаларни турлитуманлиги, уни ҳал қилиш учун лозим бўлган жиҳозларни ҳисобга олиш билан, кўп сонли ўқувчилар гурухини майда, кичик гуруҳларга ажратишдир. У услугиятдан асосан дарснинг асосий қисмida фойдаланилади. Ўқувчи фаолиятини ташкиллаш, гуруҳчаларга ажратиш услугияти таълим жараёнида жисмоний ривожланганлиги, жисмоний тайёргарлигини ҳисобга олиб шуғуланиш имкониятини яра-тади. Бу ўз навбатида ўқитиш жараёнини кучига яраша, жисмоний имкониятини ҳисобга олишдек афзалликларни вужудга келтиради ва таълим жараёни учун

сарфланаётган вактни тежайди. Ҳар бир гурух ўқитувчи топшириги билан мустақил, алоҳида вазифаниҳал қилишга йўналтирилади. Бу услубият ҳар бир гурух учун раҳбарлик вазифасини бажара оладиган, олдиндан тайёрланган, мавзуни техникасидан хабардор, гурухга фаолини тайёрлашни ўқитувчи зиммасига юклайди.

4. Ўқувчи фаолиятини яккама-якка ташкиллаш услубиятидан асосан ўқув йилининг, ўқув чорагининг, Давлат стандарти дастуридаги бўлимларнинг ўқитиб бўлинган мавзуларини такрорлаш дарсларида фойдаланилади. Ўқувчилар фаолиятини яккама-якка ташкиллаш ўқувчилардан техник жиҳатдан маълум назарий ва амалий билимларга эга бўлишни, ўз-ўзини ва гуруҳдошини ҳавфисизлигини таъминлай билиш, машқни кўрсата олиш ва энг асосийси ўзлаштирилаётган, таништирилаётган, мустаҳкаланаётган ва такомиллаштирилаётган ўқув материали, ўқувчилар учун олдиндан ўргатилган машқ техникиси таниш материал бўлиши шарт. Қолаверса айрим дарсларда ҳар бир ўқувчи учун ўқув йилида ўзлаштириб улгурмаган мавзулар ёки машқларидан вазифалар берилади. Бу усулиятдан асосан ўрта ва катта мактаб ёшдаги ўқувчилар билан ўtkазилган дарсларда фойдаланиш тавсия килинади.

5. Ўқувчи фаолиятини айланиб юриб машқ бажариш усулияти орқали ташкиллаш асосан юқори синф ўқувчилари билан, режалаштирилган ўқув материали ўрганиб улгурганидан сўнг, машқдан-машқга ўтиш, ўқитувчининг бўйруғи (сигнали), сигналисиз машқни бажаргандан сўнг ўрин алмаштириш мақсадида бошқа жиҳозга ўтиш тарзида ташкилланади. Бу усулиятнинг самаралилиги шундаки, вақт тежалади, ўқувчиларнинг барчаси бирваракайига банд бўлади, уларда мустақил шуғулланишга эҳтиёж ва инструкторлик малакалари шаклланади. Бу усулиятнинг «Крейстриңг» деб аталадиган тўрт хил кўриниши мавжуд.

13.3.7. Жисмоний тарбия дарсида мустақил малакаларини шакллантириш

Ўқувчиларни мустақил ишлиши машғулотларни ташкиллашнинг алоҳида шакли сифатида ҳам, белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун ўқувчи фаолиятини ташкиллаш усуслияти тарзида ҳам кўзга кўриниши мумкин. Мустақил ишлиши ўргатишнинг асосий ва хусусий мақсади машғулотларда ўқувчиларни мустақил шуғуллантирилишини тарбиялаш.

Ўқувчининг фаолиятидаги мустақил ишлиш малакасининг дастлабки белгилари, ташқаридан ёрдамсиз ёки аҳамиятсиз даражадаги ёрдам билан ишлиши орқали намоён бўлади.

Ўқувчининг мустақиллигининг даражаси уни ёшига хос англаши имкониятлари ва ўқув материалининг мазмунига боғлиқ.

Кичик мактаб ёшидаги болаларда мустақиллик биринчи навбатда тақлид қилиш ва уни қайтариш тарзида намоён бўлади. Ўрта ва катта мактаб

ёшида мустақил иш күйидагича олиб борилади: 1) билимнинг турли хил манбалари – жисмоний тарбиянинг дарслерлари, ўқув ва кўргазмали қуролларидан фойдаланиш билан; 2) амалий ўқув материали–вазифалар кўрсатилган ўқув карточкалари, буюртма қилинган машқлар, ўрганишни назорати, карточкалари, дастурни ўргатувчи алгоритмлар принципи асосида тузилган вазифалар асосида ва бошқалар.

Ўқувчиларни ўқув ва кўргазмали қуролларни ўрганини орқали мустақил ишлари улар томонидан текст матнини, кўргазмали қуролда ифодаланган мазмунни ўргангандан сўнг ўқитувчини билимлар назорати дастуридаги танлаб олинган саволларга ва унинг турли вариантиларига берган жавоблари тарзида намоён бўлади.

Ўқув вазифа карточкасида (олдин ўзлаштирилган ҳаракат фаолиятларини мустаҳкамлаш, умумий жисмоний тайёргарлик учун), ҳар бир шуғулланувчини битта дарс (ёки бир неча дарс) давомида жисмоний машқлар саналган бўлади. Карточкалар бўйича муваффакиятли ишлаш факат ўқитувчи билан ўқувчиларни бир-бирларини тўла тушунишлари ва яхши моддий техник базани мавжуд билишлiği орқали амалга оширилади холос. Бу ўқувчиларга бир-бирига халақит бермай, ўзини навбатини у ёки бу снарядда кутмай бажариш имконини беради.

Буюртма тарзидағи машқлар – машқ буюртманинг маъноси шундан иборатки, шуғулланувчиларга ҳар томонламалик, маълум даражадаги хушёрлик, ўзига ишонишдек хислатларни назорати қилиш талабини кўядиган ҳаракатлар (машқлар) тавсия қилинади.

Назорат қилиб таълим берадиган топшириқлар орқали кўрсатма, вазифа бериб дарснинг вазифасини хисобга олиш билан ўқувчиларни мустақил ижодий фаолиятга йўналтирилади. Бундай топшириқлар ҳар бир синф, дарс, таълим этапи учун ишлаб чиқилади. *Жисмоний тарбия дарсларида қўйидаги назорат таълим топшириқларининг хиллари қўлланилади:* а) ҳаракат малакалари ва кўнгикмаларини шакллантириш бўйича; б) умумий ва маҳсус жисмоний тайёргарликни амалга ошириш бўйича; в) ҳаракат фаолиятининг ташкиллашни рационал шаклларини англаб олиш ўйинлар ва мусобақаларда индивидуал ва групхлар билан бажариладиган машқларда тактик усулларни мақсадга мувофиқ қўллаш орқали.

Топшириқнинг биринчи қисми таолим йўналишига эга (масалан, чигал ёзиш учун тавсия қилинган пойма-пой, чала машқлардан уларни кетма-кетлигига риоя қилиб косплекс тузиш), иккинчи қисми назорат йўналиши (масалан, тузилган комплекс бўйича синф билан чигал ёзиш ўтказиш).

Алгоритм типидаги таолим программаси аста-секинлик билан қийинлиги ошириладиган, бир-бири билан ўзаро боғлиқ комплексларни ва секин-асталик билан ҳаракат малакаларини муваффакиятли ўзлаштиришга йўналтирилган ўқув вазифаларини ўз ичига олади. Комплекс 5-6 сериядан иборат ўқув вазифаларидан иборат. Биринчи серияда ўзлаштирилиши керак

бўлган харакат фаолиятини эгаллаш учун ўқувчилар жисмоний тайёргарлиги даражасини оширишга йўналтирилган машқларни ўз ичига олади. Иккинчиси ўрганилаётган харакат фаолиятидаги дастлабки ҳолатни (ёки асосий элементни) ўзлаштириш учун машқ берилади. Учинчи ўзлаштирилиши лозим бўлган харакатни бажарилишини таоминловчи машқ берилади ва уни ёрдами билан фаолият ўзлаштирилади. Тўртингчи ва бешинчи серия харакат фаолияти техникаини айрим кисмлари (элементлари)ни ўзлаштирилиши билан боғлиқ машқларни, олтинчи серия техникани такомиллаштиришга йўналтирилган машқларни ўз ичига олади.

Ўқувчиларни мустакил ишга тайёрлашда бажарилиши лозим бўлган мустакил фаолиятнинг ҳажми, ундан келиб чиқадиган мақсад нимадан иборатлигига аниқлик киритилади, шунингдек, машқ техникасини бажариш (агар техника уларга таниш бўлмаса) яони ўқувчиларни бажариши лозим бўлган вазифа ҳақида тўлиқ кўрсатмалар, тушунтиришлар қилиниши лозим бўлади.

Жисмоний машқларни мустакил бажарилётганининг асосий назрат воситаси, ўқувчиларни харакат фаолияти ва уларнинг жавоблариридир, шунингдек уларнинг жавобларини тўғрилиги, хатоларининг сони ва характеристи ҳақидаги ўқитувчининг аналитик фаолиятидир.

Дарсда ўқувчиларни мустакил фаолияти бўйича педагогик зўр беришнинг мантикий якуни, уларнинг ютуқ ва камчиликларини аниқлаш ҳақида ўтказиладиган муҳокамадир. Унда дарс, ўқувчи, ўқитувчи фаолияти мукаммал таҳлил қилинади ва ўқув фаолиятларининг характеристи ва тўғрилигига баҳо берилади. Ўқувчиларнинг мустакил ишини самараదорлигини ошириш учун ўқув жараёнининг ташки томони билан бирга қаторда ички томонининг тескари алоқасини йўлга қўйилиши яони ўқувчининг ўзи мустакил иши натижаларига кўра олган, эгаллаган, ўзлаштирган билимлари ҳақида маолумотининг аҳамияти катта.

Мустакил иш пайтида ички алоқа ва уни тескарисини юзага келтиришнинг имконияти ўз-ўзини назорат ва ўзини-ўзи текшириш орқали йўлга қўйилса натижга куттилгандек бўлади.

Ўз-ўзини назорат қилиш малакасини ривожланганлиги даражасининг кўрсатиличи жисмоний машқларни бажаришда ва педагог томонидан қўйилган вазифанинг натижасини ўқувчи томонидан мустакил мувофиқлаштира олиши кобилияти орқали намоён қиласди. Ўқувчининг ўзини, ўз фаолияти бўйича камчиликлари ва ютуқлари ҳамда ўзининг ижобий томонлари ҳақидаги фикрининг мавжудли, шулар ҳақида сухбат, баҳс, мунозара га маҳталлигини тарбия жараёнидаги моҳияти бекиёсdir.

Ўз фаолиятига тузатишлар кирита олиши, уни тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида ўзига баҳо бера олши жисмоний тарбия дарсида ёки жисмоний машқлар билан шуғулланиш машғулотларида ўқитувчининг ўз ўқувчиларига мустакил ишлаш малакасини берганлигидан далолатdir. Бу малакани бериш

бутун дарс давомида эмас, уни бир бўлаги ёки кисмидаҳам давом эттирилиши тарбия жараёнининг самарасига таг замин (пойде-вор)дир.

Жисмоний тарбия дарсига қўйидаги талабалар қўйилади:

- жисмоний тарбия дарслари муайян умумий ва хусусий вазифаларга эга бўлиши; умумий вазифалар барча дарс ёки дарслар туркуми жараёнида, хусусий вазифалар эса алоҳида олинган бир дарс мобайнида ҳал қилиниши; дарс усулий томондан ва тарбиявий жиҳатдан тўғри ташкил қилиниши; олдинги ўқитилган материалларни машғулотларда изчил давом эттириш ва айни пайтда улар яхлит тугалланган, муайян даражада бўлғуси дарснинг вазифаси ва мазмуни билан боғланиши; ўқувчиларнинг таркиби, уларнинг ёши, жинси, жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги ҳар томонлама жисмоний ривожланиш, соғликни мустаҳкамлаш, қадди қоматни шакллантиришдек тарбиялаш учун ёрдам берувчи машқлар ва ўйинларни тўғри танлаш; дарсни ўқувчилар учун кизиқарлилиги уларни харакат фаолиятга даоват эттиши; жисмоний тарбия дарси ўкув куни таркибидаги бошқа дарслар билан мувофик, узвий олиб борилишидек талаблар жисмоний тарбия дарсининг асосий талабларидир.

Жисмоний тарбия дарсининг педагогик вазифаларига кўра классификацияси

Жисмоний тарбия дарслари уни ташкиллаш характерига кўра, дарсдаги тарбия ёки талимнинг йўналишига кўра, дарсга қўйилган педагогик вазифаларига кўра классификацияланади. Биз дарснинг педагогик вазифаларига кўра классификациясига тўхталишни лозим топдик. Улар: «Кириш», «Янги материални ўзлаштириш», «Аралаш», «Мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш», «Якуний дарслар» деб хилланади.

1. Кириши дарслари ўкув йилининг, ўкув чоракларининг биринчи, шунингдек, ўкув чораги учун режалаштирилган дастурнинг янги бўлими ёки мавзуларини бошланишидаги дарслар. Бундай дарслар ўзининг мазмуни ва тузилишига кўра, анъанавий дарслардан бироз фарқланади. Улар маъруза, сухбат, ўзаро мулоқат тарзида ташкилланиши мумкин. Ўқитувчи ўқувчиларга ўкув йили, ўкув чораклари учун жисмоний тарбиядан Давлат стандарти дастури бўлимлари бўйичаҳал қилинадиган умумий вазифалар, ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда вазифалар ва уларнинг мазмуни билан ўқувчиларни таништиради, лозим бўлган талабларни кўяди. Кириш дарслари янги ўкув материалини таништириш вазифасини ҳамҳал қилиши мумкин.

Кириш дарслари ўзини тузилишига кўра хилланишидан ташқари қўйидаги элементларни ўз ичига олади:

1. Ўқувчилар диккатини йиғиши.

2. Йил учун ўкув ишларини вазифалари ва мазмуни билан таништириш.

3. Синф физкультура ташкилотчисини сайлаш.

4. Уйга вазифа.

Кириш дарсларининг қайд қилинган элементлари турли хил ёшдаги ўкувчилар билан турлича ташкилланади.

2. Янги материални ўзлаштириши дарслари мазмунан дарснинг хилини аталишига мос тушиб, факат дастурнинг янги мавзуларинига ўзида мужассамлаштирган бўлади, ўзидан олдинги туркум дарслари ниҳояси билан боғланади ва ўзининг куйидаги асосий элементларидан таркиб топади: 1. Ўкувчиларни диққатини йиғиш. 2. Организмни тайёрлаш (умумий чигал ёзиш). 3. Қоидалар, ҳаракат техникаси ва тактикасини ўзлаштириш. 4. Юкламни озайтириш. 5. Дарсни якунлаш ва уйга вазифа.

Қайд қилинганлардан ташқари бошқа элементларҳам мавжуд лекин улар ўзлаштириш дарсларининг типик тузилишига айтарли даражада таосир кўрсатмайди.

Дарснинг ушбу хилини асосий хусусияти факат янги материални ўқитилишида бўлиб, ўқитувчи ва ўкувчилар учун белгиланган талабларни кўяди. Бу талаблар дарсни амалий аҳамияти, унинг ҳаётий зарурий ҳаракат малакалари билан бойлиги ва улар билан боғлиқлиги, ўкувчилар учун қизиқарлилиги, уларни фаоллигини ошира олишлиги тарзида намоён бўлади.

3. Аralasi darslar – педагогик вазифасига кўра дарс хилларининг бошқа турларидан фарқли ўлароқ жисмоний тарбия ўқитувчилари томонидан амалда кўпроқ фойдаланилади. Ўз мазмунига кўра бу дарслар таолим жараёнининг таништириш, ўзлаштириш, мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш этапларининг мазмунини ўз ичига олади ваҳар бир дарс (ёки машғулот)да ҳам янги ўзлаштирилмаган, ёки олдин ўзлаштирилган, мустаҳкамланган, такомиллаштирилган материални ўқитади. Бундай дарсларда янги материал билан ва ўрганилганларни бажариш, такомиллаштириш вазифалари бирга амалга оширилади. Дарснинг асосий қисмида машқларнинг бир турига хос янги материални бериш ва унга ўқитиш учун нисбатан кўпроқ вақт ажратилиши лозим.

Аралаш дарслар ўзининг куйидаги таркибий элементларидан ташкил топади: 1. Ўкувчиларнинг диққатини уюштириш. 2. Организмни тайёрлаш (умумий ва маҳсу чигал ёзиш). 3. Янги материални ўзлаштириш. 4. Ўрганилган ҳаракат фаолиятини тақрорлаш (мустаҳкамлаш) ва такомиллаштириш. 5. Юкламани пасайтириш. 6. Дарсни якунлаш ва уйга вазифа.

Бошланғич синфларда дарснинг элементларини ўзаро муносабати ўрта ёшдагилар, айниқса катта мактаб ёшидагилардагига нисбатан бир маромда. Чунки «диққатни йиғиш», «юкламани пасайтириш», «дарсни якуни ва уйга вазифа бериш» кичик мактаб ёшидагиларда кўпроқ вақтни олади. Қолаверса бу ёшдагилар сафда ва бошқа жихозлар билан машқларни бажариш учун кўп вақт сарфлайдилар. Шунга кўра дарснинг бу хилини асосий қисмида айрим холларда 7-10 дақиқа атрофида вақт сарфланиши мумкин. Бешинчи синфларга бориб дарс элемент-ларининг муносабати нисбатан тенглашади, 7-

ва айниқса 9-синфларда дарс элементлари учун ажратилған вактнинг муносабати кескин фарқланади. Айрим элементларга жуда қысқа вақт кетса айримларига эса айтарлы күп вақт сарфланади. Дарснинг хилига қараб бир-бири билан ўзаро боғланган турли хилдаги дарс элементларидан фойдаланиш мумкин.

4. Мутаҳкамлаштириши дарслари – кириш, янги материални ўзлаштириш дарсларидан сўнг асосанҳаракат техникасининг асоси ўзлаштириб бўлингандан сўнг, ўрганилган машқларни мукаммал бажариш мақсадида ташкилланади. Такомиллаштириш дарслари ўз ичига педагогик вазифасига кўра мустаҳкамлаш ва ўзлаштирилганни такомиллаштириш дарс хилларининг мазмунини мужассамлаштиради. Такомиллаштириш дарсларида асосий эътибор машқларни бажариш орқали ҳосил бўлган ҳаракат малакаларини кўнимкага айлантириш, машқни бажариш таомилини топиш, индивид учун ҳаракат техникасини мослаштиришни, жисмоний сифатларни ривожлантиришни ўз олдига максад қилиб кўяди. Дарсларнинг педагогик вазифасига кўра қайд қилинган хили тренировка машғулотлари тарзида уюштирилади. Дарснинг бу хили ўзида қўйидаги типик элементларни мужассамлаштириши мумкин: 1. Ўқувчилар дикқатини ташкиллаш. 2. Организмни тайёрлаш (махсус чигал ёзиш). 3. Ҳаракат техникаси ва тактикасини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш. 4. Юкламани пасайтириш. 5. Дарсни якунлаш ва уйга вазифа бериши.

5. Якунлаш дарслари – ўз мазмунига ва педагогик вазифаси нутқай назаридан хилланадиган дарслардан бутунлай фарқланади.

Бу дарслар давомида ўқув йили, ўқув чораги, дастур материалини ўзлаштириш учун ўтказилган туркум дарсларга якун ясалади.

Якун ўқувчиларнинг билимлари, эгаллаган ҳаракат малакалари ва кўнималарини баҳолаш тарзида амалга оширилади. Бундай дарслар ўқув чоракларининг охирги ёки дастур материалининг бўлимларини якуни, ўқитилаётган материал учун фойдаланилган дарслар туркумини тугалланишидан сўнг ҳамда ўқув йилининг охирги дарслари сифатида ташкилланади. Якунлов дарслари олдиндан режалаштирилади. Бу дарсларга ўқувчилар ўзларининг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлигининг кўрсаткичларини якуний хисоботи билан қатнашадилар. Ҳозирги кунда дарснинг бу хилини ота-оналар иштироқида ўтказиш одатга айлантирилади. Дарснинг бу хили факат ўқув тарбия жараёни учун якун бўлиб қолмай, энг аввало ўқитувчи, ўқувчи ва ота-оналар учун ҳам якунийдир. Дарснинг бу хили ҳам юқорида қайд қилинган ўзининг ташкилий тузилмасининг қисмларидан ташқари ҳар бир қисмнинг таркибий элементларига эга.

Жисмоний тарбия дарсларини юқорида қайд қилинган педагогик вазифаларига кўра хиллашдан ташқари уларни ташкиллаш характеристига қараб ҳам хилланади. Улар: 1. Акцентли (ургули) дарслар. 2. Арапаш дарслар. 3. Комплексли дарслар.

1. *Акцентли дарслар* ўз мазмунига кўра ўкув дастурининг алоҳида ажратилган бўлими бўйича (гимнастика, енгил атлетика, волейбол, баскетбол ва х.к.лардек дарслар тарзида) ўюштирилади. Дарсда ўқитиш жараёни факат шу бўлим материалини ўзлаштириш, мустахкамлаш, такомиллаштиришга йўналтирилади. Дарс қисмларининг таркибий элементлари ҳам шу бўлим материалыдан иборат бўлиши шарт.

2. *Аралаш дарслар* ўзининг мазмунидаги бир неча бўлим материалини ўқитишиниҳам янги ўзлаштирилмаган, ҳам ўзлаштирилиб, такомиллаштириладиган материални ўқитишига аралаш дарс дейилади. Ўкувчилар бир неча гурухларга ажралиб, дарс давомида ўзлаштириб улгурилмаган мавзулар устида ишлайдилар.

3. *Комплексли* дарсларнинг мазмуни ўкув дастурининг турли хил бўлимлари бўйича у ёки бу жисмоний сифатни тарбиялаш ёки педагогик вазифаларига кўра таништириш, ўзлаштириш, мустахкамлаш, такомиллаштиришни мақсад қилиб, бир дарснинг ўзида бир неча мавзуз (волейбол, енгил атлетика, сузиш, гимнастика ва х.к.лар) ўқитилади.

13.3.11. Жисмоний тарбия дарсини таҳлили

Ҳар қайси ўқитувчи ўзининг ва қасбдошининг дарсини таҳлил қила олиш малакаси ва кўникмасига эга бўлиши зарур. Тўғри ташкил қилинган педагогик кузатиш ва дарснинг таҳлили жисмоний тарбия мутахассисини фикрлаш фаолиятини ва ўқитувчилик маҳоратини шаклланиши ва юксалишига замин яратиши амалда исботланган.

Таҳлил иккига: умумий ва маҳсус бўлади. дарснинг умумий таҳлили деганда: дарс зичлиги, дарсда жисмоний юкни бажари-лиши ва дарснинг ўкув тарбиявий йўналишидаги компонентлари умумлаштириш орқали якуний баҳоланиши тушунилади.

Одатда мактаб педагогика колективи вакили, мактаб илмий бўлим мудири ёки мактаб директори дарсини алоҳида компонентини (ўқитувчи, ўқитувчи фаолиятини, дарсда ўзлаштириши ва шунга ўхшашларни...) ажратиб олиб дарсни айрим қисман таҳлил қилиш мумкин.

Таҳлилининг бу шакли дарс учун тўла баҳо бериш имконини бермайди.

1. *Дарснинг таҳлилидан мақсад:*

- мактаб ўқитувчисининг иш фаолияти билан танишиш ва уни ўрганиш;

- мактабда жисмоний маданият фанини ўқитишинингхолатини ва ўкувчи назарий билимлари, амалийҳаракат, малака ва кўникмаларни қандай даражадалигини ўрганиш;

- мактабда оммавий физкультура соғломлаштириш ва спорт ишларини уни боришини таҳлиллаш;

- илғор иш тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ва тарқатишдир.

Тахлил учун дарсни кузатиши ва тахлил натижаларини қайд қилиш осон жараён эмас. Амалда дарс тахлили учун олдиндан саволлар ёзилган анкеталардан, чизмалардан, графиклардан, карточкалардан фойдаландик, бу тахлилни юзакилигига йўл қўймайди, дарсни туб мазмунин, қўйилган вазифаларни ҳал килинишини тўғри баҳолашга шароит яратади.

2. Жисмоний маданият дарснин таҳлилида ёритилиши лозим бўлган масалалар:

- ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлиги;
- дарснинг мазмунига, ташкил қилиниши, ўтказилишига тўла дарсни киритиш (тайёрлов) асосий ва якунлов қисмлари бўйича баҳо бериш;
- ўқитувчини ва ўқувчини фаолиятини баҳолаш;
- дарснинг ташкилий дақиқасига унда қўлланиладиган иборалар, атомлар, нутқ, муомала, маданиятига баҳо бериш;
- дарснинг тахлилини якуний матнга, ўқитувчига маслаҳат лозим бўлса тавсия ва кўрсатмалар.

3. Таҳлилчуни дарс бошлангунча бажарадиган ишлари.

Тахлил учун дарсни кузатилишини бошлангунча тахлилчи синфнинг педагогик характеристикаси, ўқувчиларнинг ёши, жисмоний ривожланганлиги, жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичлари, соғлигини ҳолати, ўзлаштириш, натижаларини ўрганади. Ўқитувчининг умумий ва касби бўйича иш стажи, ҳақида умумий бўлсада маолумот олади. Дарснинг ўтказиш жойи, муддати, дарсни мавзулари, режа графиги бўйича тартиб номери, рўйхат бўйича синф ўқувчиларининг (қизлар, болалар) сонини, дарснинг жадвал бўйича номери, дарсни бошланиши ва тугалланиши муддатларини килиш шарт.

4. Ўқувчиларни дарс давомидаги интизоми, хулқи, ўзларини тутиши ва уларнинг фаолиятини ташкил қилишини ўзлаштирини таҳлили:

- жисмоний машқларни бажаришга ўқувчиларни муносабати, материалга қизиқишини уйғота олиш масалалари;
- дарс интизомини бузилиш сабаблари;
- дарсга ўқитувчини муносабати;
- ўқитувчининг кўрсатма ва буйруқларини ишораси;
- оғанглийлик фаоллик даражаси;
- ўқувчиларни машқ бажаришларини баҳолаш (ритм, сурат, темп, интенсивлик меъёри);
- дарсда уларнинг ҳакалик, навбатчилик ва группаларга бош бўлишдек мажбуриятларини бажаришга муносабатлари.

5. Дарсда ўқитувчининг раҳбарлик роли, ўзини тутиши ва фаолиятини таҳлили;

Раҳбарлик роли: ўзига ишониш, қатоият, тиришқоқлиги, талабчанлиги, ўқувчилар орасида обрўйи, улар билан мулокоти ва уларга муносабати, синфи қўлда тутиши.

Ўзини тутиши: бардамлиги (эмоционал ҳолати), сусткашлыги, ўзини тарбиялаш, болаларга нисбатан зийраклиги, сезирлиги, ишчанлик фазилати.

Нүкти: овози, буюрукларини, кўрсатмаларини, тўғрилиги, муомала ва нутқ маданияти.

Ўқитувчининг ташқи қиёфаси: кийим бош (спор формаси), хипчанлиги, эпчилиги, қомати.

Ўқитувчининг ўқувчи билан яккана-якка мулоқати: активлиги, пассивлиги (сустлиги), ишончи, дадиллиги, қатоиян, улгурини.

6. *Физқултурда дарсида тарбиявий ишни амалга оширилиши:* дикқатни тартибланишни ва машқни бажарилишига қизиқиш ўйғотиш, интизом, қаттиқ тутиш, ўртоқлик, колективизм ва бошқа сифатлар. Ахлоқий тарбияннг хилма-хил услубланишидан фойдалана олиш (тушунтира олиш, ишонтира олиш, маолум ахлоқ нормаларига риоя қилишга ўргати олиши, рағбатлантириш ва бошқалар) уларнинг мақсадга мувофиқлиги, унумлиги.

Ўқув предмети бўйича дунёкарашини шакллантириш, харакат малакаси ва кўникмасини шакллантиришига боғлиқ бўлган билимлар билан таъминлаши. Дарс жараёни давомида физкультура активини тайёрлаш, ўқитувчини машғулотларидан озод қилинган ўқувчилар билан ишлаши.

7. *Таҳлилчини савиясини таҳлилини сифатига таосири:* Дарсни кузатиш ва унинг таҳлилини кўп қиррали жараён бўлиб, ўқув тарбия фаолиятини барча томонларини кўз ўнгидаги тутиш учун, маъсул даражадаги билим ва кўникмаларга эга бўлиш талабини кўяди.

Кузатилганки, бир вактни ўзида моҳиятига етиб ва баҳолаш мавжуд вазият (ҳолат) учун мақсадга мос келадиган қарорни назарда тутиб, фикр айта олиш дарс ўтказаётган ўқитувчи фикрини ўқий олиш (у нима қилмоқчи), тавсиянома белгилаш, хужжатларни кузатиш протоколларидан, режалар сўроқ, варакалари ва бошқаларни тўғри тузата олиш ва ундан фойдаланиш. Дарсга бериладиган тавсияномадаги маслаҳатларни, матнини тушунарлилиги масалалари таҳлилини сифатига таосир этади. Биз куйидаги фойдаланишга тавсия қилаётган дарс педагогик таҳлилнинг тайёр схемаси физкультура методислари, метод бирлашмалар бошлиқлари, вилоят, нохия, шаҳар, халқ таолими назоратчилари, умумтаълим мактабларининг жисмоний маданият фани ўқитувчилари ва олийгоҳларининг жисмоний тарбия кулиёти талabalари билан амалиётда бир неча йил давомида кўринди ва иш жараёнида қўллаш мумкин деган хulosага келинди.

Жисмоний маданият дарснинг педагогик таҳлилининг тахминий матни

Дарснинг бошланиш вақти: _____
Дарснинг бошланишини уюштирилиши ва ўз вақтидалиги: _____

Дарс вазифасининг аниқлиги ва тушунарлилиги шу бугунги мавзуу учун вазифа:

I. Дарснинг кириши тайёрлов қисмининг таҳтили

1. Ўқитувчининг жой танлай олиши, шуғулланувчиларнинг диккатини тўплай олиши (синфни ўз измига ола билиши):

2. Машқни намойиш қилиниши (харакатларнинг равонлилиги, нафосати, аниқлиги, эркинлиги, кетма-кетлигини ўз ўрнидалиги)

3. Жисмоний машқларнинг тўғри номланиши, тушунтирилишининг ўқувчиларнинг ёшларга муносабилиги бажариш мурати, меъёrlар қайтаришлар сони: _____ 4. Машқ бажарилиши давомида огоҳлантириш, кўрсатмаларнинг ўз вақтидалилиги:

5. Қоматни шакллантириш нафас олиш, юрак уриш частотасини ошириш машқлари, умумий равонлантирувчи ва маҳсус машқларни танланиши, ўринлилиги самараси: _____

6. Жисмоний юкнинг миқдори, ўғиллар ва қизлар учун меъёрини белгиланиши: _____

7. Жисмоний машқларни бажариш давомида нафас олиш ва унинг назорати: _____

8. Тайёрлов ва йўлланма берувчи машқлар (мослиги, фойда берадими):

9. Дарснинг асосий қисмининг ижобий ва салбий томонларига характеристикаси: _____

II. Дарснинг асосий қисми

1. Кўргазмали намоиш методининг қўлланиши ва унинг самараси:

2. Ўқитувчиниг ўз фикрини ифодалай олиши тушунтириши сифати ва фандаги маҳсус атамаларни қўллай олиши, интеллекти: _____

3. Тушунтиришнинг хусусийлиги, ўхшатиш, обравлилиги ўқувчилар ёшига муносабилилиги: _____

Фойдаланилган ўқитиш методларининг хусусиятлари ва самарадорлилиги (харакат ҳолатининг тўла, бўлакларга бўлиш билан ўзлаштириш ва комбинациялаштирилган методлар):

5. Машқ методи, тренировка ва уларнинг самарадорлиги:

6. Ўйин, мусобақа методларини қўллаш услубияти дарсда ўқувчилар билан индивиддан мустақил ишлаш формаларининг қўлланиши:

7. Дарсда ўқувчиларга назарий ва амалий билим берилишининг
самарадорлиги (хаётый амалийлигини талқини):

8. Хатоларни аниқлаш ва уларни тузатиш: _____

9. Ўқувчиларнинг ўз ҳолатларини ва хатоларини аниқлаш, тузатилиши
тахдилига жалб қилинишини синф ўқувчиларининг фаоллигини ошириш
усуллари, уларни алоҳида гурӯхлардаги фаолиятини кузатиш:

10. Умумий жисмоний ишни меъёри, уринишлар сони, толиқишининг
аломатлари (ички, ташки) ва дарснинг соғломлаштириш вазифаларини ҳал
қилиниши:

11. Ўйинни ўтказа олиш маҳорати (тушунтириши, қўрсатиши, ҳакамли
вазифасини бажара олиши, натижаларини аниқлаш, ўйиннинг тарбиявий
аҳамияти ва унинг дарс мазмунига боғлиқлигини талқини):

12. Ўқувчиларни билимларини аниқлаш, баҳолаш ва кунли
ўзлаштиришни олиб борилиши: _____

13. Дарсда ўй вазифаларини қўлланиши: _____

14. Асосий қисми якуни, таклиф ва мулоҳазалар: _____

III. Дарснинг яқунлов қисми

1. Машқларни дарснинг яқунлов қисмига муносиблиги:

2. Дарснинг яқунланиши (кунлик ўзлаштиришни рағбатлантириш ва
баҳолаш, қўлланилган жисмоний машқларни ҳаётый амалийлиги хақида
тушунча бериш, уйга вазифа ва ўқувчиларнинг уюшган холда машғулот
ўтказилган жойни тарқ этишини ташкил қилиниши): 3. Дарснинг
яқунланишининг ўз вактидалилиги (ўқувчиларнинг ушланишини
сабаблари): _____

4. Ўқитувчининг фаолияти савияси (синфни излай олиши, ўзини
тутиши нутқ маданияти, ташки қиёфаси, кайфияти, тарбия ва таълим
бериши): _____

IV. Таҳлил қилинган дарснинг муҳокамаси мажлисининг БАЁНИ

НИНГ

(ўқитувчининг исми ва фами.)

«_____» 200 _____

ўкув йилининг _____ синфида ўтказилган физкультура дарси таҳлилиниң муҳокамасида қатнашувчилар:

(катнашувчиларнинг исми ва фамилияси)

НИНГ

(ўқитувчининг фамилияси)

физкультура дарси таҳлили

1. Ўртоқ_____ (дарс ўтган ўқитувчи ўз-ўзини таҳлил ҳақида фикрларини қайд қиласди).

2. Ўртоқ_____ (дарснинг педагогик таҳлили бўйича гапиради _____)

3. Ўртоқ_____ (Дарснинг зичлиги бўйича гапиради) _____

4. Ўртоқ_____ (Дарсда жисмоний нагрузка, юк ва унинг бошқарилиши бўйича қуидагиларни айтди
нагрузка, юк ва унинг бошқарилиши бўйича қуидагиларни айтди
5. Ўртоқ_____ (Дарсда қатнашган бошқа ўқитувчиларни
фикрларини кайд қиласди).
6. Ўртоқ_____ (нохия, шахар, метод бирлашмаси
бошлигининг якуний нутқи қайд қилинади).

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида, Вазирлар маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги 271-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат дастури Концепцияси. Вазирлар маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги қарорига илова.

Каримов И.А. «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» Т., Ўзбекистон, 1992.

Каримов И.А. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» Т., Ўзбекистон, 1994.

Каримов И.А. «Баркамол авлод орзуси», «Шарқ» нашриёт матбаа концерни бош таҳририяти, Т., 1999.

Умумий ўрта таолимнинг Давлат таолим стандарти ва ўкув дастури, «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти, Тошкент, 1999.

Абдумаликов Р., Юнусов Т.Т. ва бошқалар. «Ўзбекистонда жисмоний тарбия таолимининг ривожланиши», методик тавсиянома. Т., ЎзДЖТИ, 1992.

Саркизов-Сиразини И.Н. «Тансиҳатлик – туман бойлиқ», Т., «Медицина», 1966.

Раджабов С.Р., «Педагогические исследования и пропаганда педагогических знаний», Т., «Ўқитувчи», 1977.

Рихсиева О.А. «Абу Али ибн Сино о роли физических упражнений в сохранении здоровья человека», Т., «Ўқитувчи», 1982.

Кошбахтиев И.А. «Основ оздоровителғной физкультурқ молодежи», Т., 1994.

Турсунов У., «Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси», ўқув қўкулланма, Қўқон, 1992.

Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси, дарслик, таржима, Т., «Ўқитувчи», 1967.

Советская система физического воспитания., гл. ред., Г.И. Кукушкин, М., ФиС. 1975

Основы методики физического воспитания школьников., Б.Н. Минаев, Б.М. Шиян., М., «Просвѣтение» 1989.

Теория и методика физического воспитания. I том, под. ред. А.Д. Новикова, Л.П. Матвеева, ФиС, М., 1967.

Теория и методика физического воспитания. Изд. 2-е, исправленное и дополненное. Под. обў. ред. доктора пед. наук, профессора Л.П. Матвеев и профессора А.Д. Новикова. М., ФиС, 1976.

Теория и методика физического воспитания. Учеб пос-е. Под ред. Б.А. Ашмарина. М., «Просвѣтение», 1979.

Очерки по теории физической культуры. Под обў. ред. Л.П. Матвеева, М., ФиС, 1984.

Теория и методика физического воспитания. Учеб пос-е. под ред. Б.М. Шияна, М., Просвѣтение, 1988.

Матвеев Л.П. Теория и методика физической культуры. Учебник для институтов. физ. культуры. М. ФиС, 1991.

Ф. Хўжаев, Т. Усманхўжаев. Бошлиғич синфларда жисмоний тарбия, ўқув қўлланма. Т., «Ўқитувчи», 1996.

А. Абдуллаев. Жисмоний тарбия воситалари. Ўқув қўлланмас. Фарғона, 1999.

Керимов Ф.А. Спорт соҳасидаги илмий тадқиқотлар. Т.. «Zar qalam». 2004.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
1-боб. Жисмоний тарбия назарияси ва усулияти предмети	5
1.1. Жисмоний тарбия назариясининг манбалари	7
1.2. Жисмоний тарбия назарияси ва усулиятини ривожланишининг даврлари	8
1.3. Жисмоний тарбия назарияси ва усулиятининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги	10
1.4. Жисмоний тарбия назариясининг етакчи тушунчалари ва жисмоний тарбиянинг ижтимоий моҳияти	11
2-боб. Жисмоний тарбия тизими	21
3-боб. Жисмоний тарбияни тарбиянинг бошқа йўналишлари билан боғлиқлиги	27
3.1. Жисмоний тарбия жараёнида ақлий тарбия	28
3.2. Жисмоний тарбия жараёнида ахлоқий тарбия	30
3.3. Жисмоний тарбия жараёнида эстетик тарбия	
4-боб. Жисмоний тарбия назариясининг умумий принциплари	32
4.1. Жисмоний тарбия меҳнат ва ҳарбий амалиёт билан боғлиқлиги принципи	32
4.2. Шахсни ҳар томонлама ривожлантириш принципи	34
4.3. Жисмоний тарбияни соғломлаштиришга йўналтириш принципи	36
5-боб. Жисмоний тарбия назариясининг илмий тадқиқот усулияtlари	39
5.1. Илмий тадқиқотда назарий таҳлил ва умумлаштириш усулияти	39
5.2. Педагогик кузатиш илмий тадқиқот усулияти	40
5.3. Эксперимент илмий тадқиқот методи	41
5.4. Математик хисоблаш илмий тадқиқот услубияти	42
6-боб. Жисмоний тарбия воситалари	44
6.1. Жисмоний машқлар жисмоний тарбиянинг асосий воситаси сифатида	44
6.1.1. Жисмоний машқлар классификацияси	55
6.1.2. Жисмоний машқларни тарихий классификацияси	56
6.1.3. Жисмоний машқларни ҳаракат сифатларини ривожлантиришига караб классификациялаш	63
6.2. Табиатнинг соғломлаштирувчи кучлари ва гигиеник омиллар	65
6.3. Гигиеник омиллар жисмоний тарбия воситаси сифатида	66

6.4. Жисмоний машқларнинг таҳсирини белгиловчи омиллар	67
7-боб. Жисмоний (ҳаракат)ини сифатлар ва уларни ривожлантириш	69
7.1. Чаққонлик ва уни тарбиялаш усулияти	70
7.2. Чидамлиликни ривожлантириш методикаси	75
7.3. Тезкорлик сифати ва уни ривожлантириш усулияти	82
7.4. Эгилувчанлик ва уни ривожлантириш усулияти	86
7.5. Куч ва уни ривожлантириш усулияти	89
8-боб. Жисмоний тарбия таҳлили, унинг вазифалари ва хусусиятлари	99
8.1.Ҳаракатларни уддалай олиш қобилияти ва ҳаракат малакаси	103
8.2.Ҳаракатни бажаришнинг олий мақоми	110
9-боб. Таълимнинг жараёнининг тузилиши	112
9.1.Ҳаракат фаолиятини танишитириш этап ива унинг мазмуни	113
9.2.Ҳаракат фаолиятини ўзлаштириш этап ива унинг мазмуни	115
9.3.Ҳаракат фаолиятини такомиллаштириш этапи ва унинг мазмуни	124
10-боб. Таълимнинг услубий принциплари	129
10.1. Таълим жараёнида онглилик ва фаоллилик	132
10.2. Таълим жараёнида кўргазмалилик принципи	133
10.3. Кучига ярашалилик ва индивидуаллаштириш услубий принципи	135
10.4. Мунтазамалилик услубий принципида	137
10.5. Такрорийлик ва вариациялаш (шаклини ўзгартириб кўллаш принципи)	144
(прогрессивлаштириш) принципи	150
10.7. Услубий принципларнинг ўзаро алокаси	151
11-боб. Жисмоний тарбия Таълимнинг усулиятлари	155
11.1. Сўздан фойдаланиш усулияти	158
11.2.Ҳаракатни кўрсатиш орқали ҳис қилдириш усулиятлари	163
11.3. Амалий усулиятлар	171
12-боб. Мактабгача ёшдаги болалар жисмоний тарбияси	172
12.1. Мактабгача ёшдагиларнинг жисмоний (ҳаракат) сифатларини тарбиялаш	173
12.2. Ўқитиш ва тарбиянинг асосий услубиятлари	
12.3. Мактабгача ёшдагиларнинг жисмоний тарбия	

воситалари

12.4. Мактабгача ёшдагилар жисмоний тарбиясининг шакллари

13-боб. Умумий Таълим мактаби ўқувчиларининг жисмоний тарбияси

13.1. Ўқувчи жисмоний тарбиясининг асосий шакллари ва машғулот формалари

13.2. Ўрта маҳсус хунар касб лицейлари умум Таълим мак-табларининг ўқувчи ёшлариниҳаракатга ўргатиш ва машғулотларда жисмоний сифатларни ривожлантириш, Таълим жараёнларининг принциплари

13.3. Ўқувчилар жисмоний тарбиясининг ўқув ишлари шакли

13.3.1. Жисмоний тарбия дарсининг вазифалари ва унга қўйилган талаблар

13.3.2. Жисмоний тарбия дарсини ташкиллаш ва ўтказишнинг усулий асослари

13.3.3. Жисмоний тарбия дарсининг мазмуни

13.3.4. Жисмоний тарбия дарсининг тузилиши

13.3.5. Жисмоний тарбия дарсида хатолар ва уларни аниқлаша ва бартараф этиш усулияти

13.3.6. Жисмоний тарбия дарсларида ўқувчилар фаолиятини ташкиллаш усулияти

13.3.7. Жисмоний тарбия дарсида мустакил малакаларини шакллантириш

13.3.8. Жисмоний тарбия дарсининг педагогик вазифаларига кўра классификацияси

13.3.9. Дарснинг умумий ва мотор (харакатга солувчи) зичлиги

13.3.10. Жисмоний тарбия дарсида юклама

13.3.11. Жисмоний тарбия дарсини таҳлили

Босишига рухсат этилди 07.11.05. Қоғоз бичими 60×84 1/16. Ҳажми 15,5 физ. б. т. 27-05 ракамли шартнома. Адади 200 нусха. ___ - сон буюртма.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг нашриёт матбаа бўлими, 700052, Тошкент, Оққўрон кўчаси, 2-йй.

фан ва технологиялар маркази босмахонаси, Тошкент, Олмазор кўчаси, ___ - уй.

14-БОБ. СПОРТ ТРЕНИРОВКАСИНИНГ АСОСЛАРИ

14.1. Умумий характеристикаси

Спорт тренировкаси педагогик ходиса бўлиб, машқ қилиш усулиятлари тизими ёрдамида бевосита юкори спорт натижаларига эришишга қаратилган ва жисмоний тарбиянинг ихтисослашган жараёнидир. Шуни таъкидлаш мухимки, спорт педагогика нуқтаи назаридан бирдан-бир мақсад бўлмасдан, тарбиялаш, соғломлаштириш ва ҳаётга тайёрлашнинг воситасидир.

Спорт машгулотининг вазифалари: соғликни мустаҳкамлаш ва маонавий тарбия талаблари, шахсни ҳар томонлама гармоник ривожлантириш; спорт техникаси ва тактикасини эгаллаш; танланган спорт турига хос жисмоний, руҳий ва иродавий сифатларни ривожлантириш, спорт гигиенаси ва ўз-ўзини назорат килиш соҳасида амалий ва назарий билимларни эгаллашдан иборат. Спорт машгулоти давомида факат юкори маҳоратинигина эгалламасдан, соғлигини мустаҳкамлаш, жисмоний сифатларини ривожлантириш, серунум меҳнат ва Ватан ҳимояси учун зарур бўлган ҳаётий зарурий малакаларни эгаллаш вазифалари ҳал қилинади.

14.2. Спорт тренировкаси воситалари

Юкори натижаларга эришиш учун жисмоний тарбиянинг барча воситалари жисмоний машқлар, гигиеник омиллар ва табиатнинг соғломлаштирувчи кучлари, шунингдек, машгулотлар давомида воситаларнинг кенг ишлаб чиқилган тизими қўлланилади. Л.П. Матвеев спортчиларнинг ютуқларига караб спорт турларини тренировка воситаси сифатида 5 гурӯхга ажратади.

1. Якка кураш, енгил ва оғир атлетика, спорт ўйинлари, гимнастика ва бошқа спорт турлари.
2. Матоцикл, автомобилр, самалёт, қайиқ каби техник воситалари.
3. Милтиқ, камон каби нишонга олиш спорт турлари.
4. Авиомоделлар, автомободеллар сингари конструкторлик спорт турлари.

5. Шахмат, шашка, янги маънавий спорт турлари.

Барча воситалар мусобақалаш ва тайёрлов машқларига бўлинади, тайёрлов машқлари ўз навбатида маҳсус тайёрлов ва умум тайёрлов машқларини ўз ичига олади.

Мусобақалашини машқлари – бу спорт турига хос бўлган ва тўлиқ муайян спорт турининг талабларига биноан бажариладиган яхлит харакат фаолиятидир. Кўпгина мусобақалашув машқлари харакат тузилиши бўйича чекланган ва қиска йўналишига эга бўлади; буларmonoструктурали машқлардир. Бунга тезкорлик кучини талаб қиласидиган машқлари (сакрашлар, улоқтириш, оғирликни кўтариш, спринт) ва чидамлиликни талаб қиласидиган субмаксимал, катта ва ўртача зўрикиш билан бажариладиган циклик (югуриш, сузиш ва бошқа) харакатлар киради.

Мусобақалашув машқларининг комплекси – доимий мазмунга эга бўлган икки кураш ва кўп курашлардан иборат. Бир турдаги кўпкурашларга конркида югуриш тўрт кураши, тоғ чанғиси учкураши кирса, турлари кўп курашларга енгил атлетика ўн кураши, замонавий бешкураш, чанғи икки кураши, «Алномиши» ва «Барчиной» кўп курашлари киради.

Тренировкада мусобақалашиш машқлари асосий ўринни тутади, чунки улар ёрдамида спорт классификацияси билан белгиланган маҳсус талабларнинг мажмуйи яратилади. Бироқ, бу комплекс машғулотларда нисбатан кам қўлланилади. Чунки улар организмни тез чарчатади, ҳар доим ҳам самарали бўлмаган стереотипларни мустахкамланишига сабаб бўлади ва х.к.

Мусобақалашиш машқлари машғулотларда катта вариативлиги билан яхралиб туриши зарур. Маҳсус тайёргарлик машқлари мусобақалашиш харакатларини шакли ва характерига ўхшаш ҳаракатларни ўз ичига олади.

Масалан, енгил атлетикачиларда муайян масофанинг ажратилган қисмлари бўйича югуриши, мусобақалашиш комбинациясининг элементлари ва бўлакларини ёки имитация машқларни бажариши шулар жумласидандир. Машқлар танлаб олинган мусобақалашиш машқи билан қандайдир яхлитликка эга бўлган тақдирдагина маҳсус тайёргарлик машқлари даражасида бўлиши мумкин. Спорт машғулотининг кайд қилинган воситалари фақатгина жисмоний воситалар бўлибгина қолмай, балки спортчими техник, тактик ва иродавий тайёrlаш воситаси ҳамдир.

14.3. Спорт тренировкаси усулиятлари

Юкори спорт маҳоратига эришишга қаратилган барча воситалар спорт машғулоти усулиятларига киради. Ҳаракат фаолиятига ўргатиш усулиятлари жисмоний тарбия назарияси ва методикасининг умумий асосларидан сизга маълумдир. Бу ерда уларни спорт машғулотларига нисбатан аниқлаштиришга тўғри келади. Усулиятларнинг асосий мақсади ҳаракат малакаларини такомиллаштириш ва жисмоний сифатларни тарбиялашга қаратилган. Спорт машғулотида белгиланган вазифаларига кўра, **қатоий регламентлаштирилган машқ** усулиятларининг турли хил варианлардан фойдаланилади. Тренировка машғулотларидағи ҳаракат малакаларини такомиллаштириш жараёнида **стандарт** ва **алмаштириб машқ қилиши** усулияти кенг қўлланилади.

Ҳаракат сифатларини ва организмнинг функцияларини такомиллаштиришда мақсадга мувофиқ танланган машқлар комплекси, **интервал машқ қилиши** усулиятини (навбатдаги нагрузкалар орасида белгиланган вақтда дам олиш), **узлуксиз машқ қилиши** (дам олинмасдан машқлар комплекси узлуксиз бажарилади) ва юкорида кайд қилинган турли хил усулиятлар қўлланилади. Бир усулиятнинг ўзи кенг вазифаларни ҳал қилиш ва спортчими тайёrlашда асос бўлиб хизмат қилиши мумкин, масалан, югуришда **ўзгарувчан машқ қилиши** усулияти ёрдамида бир

вақтнинг ўзида чидамлиликни тарбиялаш, югуриш техникасини такомиллаштириш, масофа бўйлаб кучни тақсимлашнинг тактик варианtlарини машқ қилиш мумкин ва ҳоказо, яони бир усул орқали спорчнинг жисмоний, техник ва тактик тайёргарлигини амалга ошириш мумкин.

Қатоий регламентлаштирилган усулиятдан ташқари спорт машғулотида **мусобақалашши ва ўйин усулияти**, шунингдек, доиравий машқ қилиш методи кенг қўлланилади.

Мусобақалашши усулиятининг асосини фақат рақиб билан куч синаш эмас, балки ўз-ўзи билан ҳам мусобақалашши машқлари ҳам ташкил қиласди. Шунинг билан биргага машғулотга киритилган ўйин усуслари ёрдамида юқори руҳий кўтаринкиликка эришилади, фикрлаш қобилияти, қўйилган мақсадга эришиш, иродаси ва катоийяти ривожланади.

Доиравий машқ қилиши жисмоний машқларни қўллашнинг ташкилий усулиятининг шакли сифатида жисмоний сифатларнинг комплекс намоён қилишни такомиллаштиришга қаратилган.

Машғулот жараёнлари муайян спорт турида максимум натижаларга эришишга қаратилган. Юқори спорт камолотига эришиш кўпкіррали ва жуда мураккаб жараёндир. У спорчининг ўзини ҳар томонлама функционал, жисмоний, техник ва тактик тайёрлаш орқалигини эмас, унинг натижасининг ўсишига таъсир қилувчи бошқа омиллар таосирида кам амалга оширилади. Бу омилларга биринчи ўринда тренернингхар томонлама тайёргарлигини (унинг назарий билими, амалий тажрибаси, ташкилотчилик қобилияти, шунингдек, илмий тадқиқот ва методик фаолиятга интилишининг бевосита ташки мухитини, моддий-техника, хўжалик ва медицина таъминоти ва бошқаларни) киритиш лозим. Шундай қилиб, спортчи рекорд ўрнатишида унга юзлаб кишилар ёрдамлашади, улар уни шахс ва спорчни сифатида шакллантиришади.

14.4. Спорчининг умумий ва маҳсус тайёргарлиги бирлиги

Хозирги даврда спорт машғулоти спорчининг жисмоний ва маънавий сифатларини ривожлантиришга, унинг билим даражасини тўхтовсиз кенгайтиришга қаратилган ҳолда ҳар томонлама тарбиялаш жараёнини ташкил қилгандагина тўлиқ педагогик натижага эришилади.

Спорт тренировкасининг шундай йўналиши жисмоний тарбия тизимининг умумий принципларига мос келади. Спорт кайд этилганидек, ягона мақсад бўлмасдан шахс қобилиятни ҳар томонлама ривожлантирувчи, ижодий ва онгли фаолиятига тайёрловчи воситалардан биридир.

Спорт машғулоти икки йўналиши; **умумий ва маҳсус жисмоний тайёргарлик (МЖТ) жараёнини таркибан бирлаштиради**.

Умумий жисмоний тайёргарлик (УЖТ) жараёнда органлар, системалар ва функцияларни умумий ривожлантириш асосида спорт ихтисослигига мавжуд шартшароитларни яратади, кенгайтиради, шунингдек,

унинг турли хил харакат, кўникма ва малакаларининг муносабатларини бойитади.

Махсус тайёргарлик эса, муйян спорт тури учун – хос бўлган сифат ва қобилиятларни ривожлантиришни таоминлайди, шунингдек, унга хос техник ва тактик билим ва малакалар билан қуроллантиради.

Умумий тайёргарликни ҳам, махсус тайёргарликни ҳам, машғулот жараёнидан олиб ташлаб ёки бирини иккинчиси билан алмаштириб бўлмайди. Чунки умумий ва махсус тайёргарликнинг орасида ўзаро узвий боғлиқлик мавжуд. Уларнинг ўртасидан чегара ўtkазиш мумкин эмас. Айrim мутахассислар шунга таяниб, спорт тренировкасининг бу жиҳатларини ажратмасликни таклиф қиласидар. Бизнинг фикримизча эса умумий ва махсус тайёргарлик ўзининг хусусий функциялари, воситалари, усуслари ва шунингдек, машғулот жараёнлари билан бирмунча фарқ қиласидар.

Махсус жисмоний тайёргарлик спорт ихтисосининг муҳим омилидир, умумий жисмоний тайёргарлик эса спортчи ривож-ланишининг у ёки бу томонлари орасидаги турли хил алоқалар орқали ихтисослашиш жараёнига билвосита таосир қилувчи омилдир.

Спортчининг умумий тайёргарлиги ихтисослиги хусусиятларини ҳам акс эттириши лозим. Чунки, алоҳида жисмоний машқлар давомида ижобий ва шунингдек, салбий таосирлар учраб, умумий тайёргарлик ҳар хил спорт турларида бир хил бўлишини чеклаб туради.

Кўрганимиздек, умумий тайёргарлик ҳар хил спорт турларида турлича бўлади, аммо уни махсус тайёргарлик билан аралаштириб бўлмайди.

Умумий ва махсус тайёргарлик спорт тренировкасида ҳар доим, кўп йиллар давомида амалга ошириладиган узлуксиз жараён: қатор музаллифлар спорчанинг маҳорати ортиб бориши билан умумий жисмоний тайёргарлик машғулларининг сони ва унга ажратиладиган вактни камайтириш керак деб ишонтиришга уринадилар. УЖТнинг ҳажми унга ажратиладиган вактни камайтириш хисобига эмас, балки махсус жисмоний тайёргарлик устида кўпроқ ишлаш хисобига қисқартилиши керак. Машғулот туркумларида УЖТ ва МЖТнинг ўзаро муносабатига келсак, у қўйидагича ифодаланади: тайёргарлик даврининг

I босқичида айниқса пойдевор мезоциклида УЖТ устунлик қиласиди, кейинчалик аста-секин у камайтирилади, тайёргарликнинг

II босқичида ва мусобакалашиш даврида МЖТ ортади, бу даврда УЖТ актив дам олиш шаклида марказий ўрин эгаллайди.

14.5. Тренировка жараёнининг узлуксизлиги, нагрузка ва дам олишни навбатлашуви

Тренировка жараёнининг узлуксизлиги қўйидаги асосий моментлар билан характерланади:

1) Танланган спорт тури бўйича машғулот жараёни такомиллаштиришни моҳиятини сақлаганича бир ва қатор йиллар давомида ўтказилади;

2) навбатдаги ҳар бир машқ олдинги ўтган машқнинг изига (соясига) жойлаштирилиб, **мустахкамланади ва чуқурлаштирилади**.

3) машғулотлар орасидаги дам олиш интервали тикланиш ва иш қобилиягининг ўсиши умумий тенденцияга тўғри келадиган даражада бўлиши керак.

Биринчи қоиданинг муҳимлигихеч қандай шубҳа колдирмайди.

Иккинчи ва учинчи масалалар баҳсли ҳисобланади. Навбатдаги машғулотнинг олдинги машғулот изига жойлаштириш самараси тўғрисида гап борганда, «из» маоносида организмда содир бўладиган ижобий ўзгариш (физиологик, биохимик, морфологик чизик)лар тушунилади, улар иш қобилиягининг ўсиши, сифатларнинг, билим ва малакаларнинг яхшиланишида ифодаланади.

Ҳафтада ўtkазиладиган барча машғулотларнинг (ҳафталик сони 15-18 тага етади) организмга таъсири бир хил бўлмайди. Бир хил нагрузкалар тўлиқ тикланишдан кейин бошқалари ўта тикланиш ёки тикланмаслик даврида берилади. Бу нарсага ҳар хил функционал системалар ва органлар турли вақтдан кейин – гетерохроник тикланганлиги учун эришилади. Масалан, юрак қон томир тизимлари – ЮҚЧ – қон босими, юрак қисқаришининг механик кучи, нафас олиш тизимларининг функцияси нисбатан тез тикланади, бироқ қон хосил қилиш, чикариш тизимларининг тикланиши учун узокроқ вақт талаф килинади. Шунинг учун тикланиш воситалари қанчалик тўғри танланса, машғулот нагрузкаси шунчалик муваффакиятли бўлади.

Дам олиши учун пассив дам олиши эмас, балки тикланишининг барча шакл ва воситалари машғулот жараёнидаҳар 30-40 минут ишдан кейин, шунингдек, машғулотлар ўргасида ҳам (чўзиш, бўшатиш машқлари, аутоген чиқиш, ташқи баланд ҳарорат шароитида аутоген машқ қилиш гипотермик паузалар ва ҳоказо) шунингдек, тўқ тутувчи таом (шоколад, сузма, шарбатлар, олмалар, кўк чой, морфончилар учун пиёвалар ваҳоқазо)лар берилади. Бироқ, машғулотнинг ҳар хил давр ва босқичларида ҳолатларини давом этиш турлича, чунки айрим босқичларда ишҳажмини, бошқаларида эса шиддатини ошириш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Нагрузка ва дам олишининг навбатлашувини кўриб чиқиб биз мавхум нагрузка тўғрисида фикр юритдик. Бироқ, амалий машғулотда нагрузкахажми, шиддати тўхтовсиз навбатлашади, шунинг учун навбатлашувининг реал тизими турлитуман бўлиши мумкин. Масалан, агар бутун А нагрузка қўлланилса, албатта, шу нагрузкадан кейин тўлиқ тикланишни кутиш зарур эмас, балки бошқа аллақачон тикланган Б нагруззкани бериш мумкин ва шу билан бир вақтда А нагрузка учун актив дам олиш нукта юзага келади.

Машғулот нагрузкасини аста-секин максимал даражага ошириши.

Спорт машғулоти жараёнида юқори натижага эришиш учун, нагруззкани динамикаси (ҳажми ва шиддати бўйича) максимумгача ошириш зарур. «Максимал нагрузка» тушунчасини кўплар организм функционал

инкониятигининг ниҳоясида турган «ўта оғир нагрузка» билан чалкаштирадилар. Максимал нагрузка организмга максимал талаб кўяди ва функциялар фаолиятининг ортишига ёрдамлашади.

Нагрузканинг аста-секин ва максимал оширилиши бир-бирига зид ҳам бўлиши мумкин. Нагрузкани максимал оширишдан олдин организмни аста-секин бундай нагруззага кўниклириш лозим. Организмни кўниклириш учун эса, машғулотнинг ҳар бир босқичида машқ қилишнинг максимал самараасига эришиш керак, факат шундагина мослашув механизмлари эгилувчан ва харакатчан бўлади.

Машғулот нагрузкасини ошириш давомида «спорт турининг моҳиятига қараб унинг ҳажм ва шиддати ўзгаради. Нагрузка ҳажми қанчалик катта бўлса, шунчалик изчил ўзгартиришлар киритилиши лозим.

Чидамлиликни талаб қилувчи спорт турларида нагруззка аста-секин ошиб борса, тезкор куч талаб қилувчи турларда (ўта стрессли нагрузкалар бундан мустасно) тўлқинсимон харакат характерлидир.

Нагрузканинг тўлқинсимон ўзгариши. Спорт машғулоти учун тўлқинсимон динамика хосдир.

Кўйидаги масштабдаги «тўлқин»лар мавжуд:

1) кичик тўлқинлар майдага туркумдаги (2-7 кун) нагрузкаларнинг динамикасини ифодалайди;

2) ўргача тўлқинлар – бу бир неча (3-6) кичик тўлқинларнинг моҳиятни кўрсатади ва ўзича ўрта туркумни ифодалайди;

3) катта тўлқинлар катта туркумларни ташкил қилувчи машғулот босқичлари ва даврларидаги ўрта туркумларнинг тўлқинсимон ўзгаришини ифодалайди.

Нагрузка (ҳажм ва шиддати)нинг тўлқинсимон ўзгаришини Л.П. Матвеев «кечикувчи трансформация»ходисаси деб тушунтиради, яони нагруззканинг сон, сифат ва вактни ифодаловчи томонларига қайта мослашиш бир вақтда содир бўлмайди. Бунда табиий биоритм, табиий мухит, мусобака календари ва бошқаларни ҳисобга олиш зарур. Чунончи, ўрта ва айникиса катта «тўлқин»ларнинг бошланишида ҳажм кўрсаткичлари (ҳафта ва ой ичida машғулот ишларининг умумий сони) юқори кўрсаткичларга етади, кейин ҳам барқарорлашади ва камайиб боради. Шунинг асосида эса, турли шиддат кўрсаткичлари (машғулотнинг моторн зичлиги, харакатларнинг тезлик, куч томонлари ва бошқалар) катта аҳамиятга эга бўлади. кичик «тўлқинларда» кўпинча ҳажм ва шиддатнинг қарама-карши муносабатлари кузатилади: микроциклнинг биринчи ярмида иккинчи ярмига нисбатан машғулотлар катта шиддатда, лекин кичикҳажмда олиб борилади. Бу умумий муносабатлар машғулот жараёнида у ёки бу машқларнинг ўрни ва аҳамиятига қараб турлича намоён бўлади.

14.6. Тренировка жараёнида техник маҳоратни ошириш ва функционал тайёргарлик

Техник маҳорат – спорт кураш шароитида максимал натижага эришишга қаратилган спорт машқларининг энг рационал ҳаракат структурасини пухта ўзлаштиришдан иборат.

Ҳаракатларни ўзлаштириш, мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришда онг жуда катта аҳамиятга эга, унга хаттоқи автоматлаштирилган ҳаракатлар ҳам тобе бўлади. Ундан ташқари ҳар қандай мақсадга мувоғиқ ҳаракат марказий нерв системасига афферент нервлардан қайта алоқа шаклида келадиган маълумотлар асосида тўхтовсиз коррекция килиш жараёнида шаклланади.

Шу боисдан тренер ҳаракат малакасининг такомиллашишини бошқариш боришдан ташқари спортчининг психикасига таъсир кила билиши керак.

Амалда *техник маҳоратни такомиллаштиришининг икки асосий хили учрайди:* 1) техника асосан ҳаракатнинг замонавий рационал структурасига тўғри келади ва шунинг билан бирга спортчи жисмоний тайёргарлигининг шахсий хусусиятларига мос келади; 2) спортчи ҳаракатининг техникаси унинг функционал имкониятига тўлиқ мос келмайди ва замонавий техника моделига нисбатан озми кўпми камчилклари мавжуд бўлади.

Шунинг учун ҳаракат малакаларини такомиллаштириш жараёнига турлича ёндошиш зарур. Биринчи ҳолда у тўғри ҳаракатларнинг сон жиҳатдан янада ривожланишига боғлиқ; тезлик ва амплитуданинг ортиши, куч импулсларининг кўпайиши, координациянинг бош элементларини аниқлаш ва уларни яхлит ҳаракат фаолиятининг ритми билан ўзаро муносабати ва шунинг асосида маълум ҳаракат фаолиятини шакллантириш. Иккинчи ҳолда ҳаракат техникасини такомил-лаштириш ҳаракат малакасини анча ўргатиш ваҳаракат структурасининг кам самарали қисмларини самаралироғи қисмларга алмаштириш билан боғлиқ бўлади.

Иш тажрибаси ва маҳсус тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ҳаракат техникаси камчилкларининг асосий сабаблари тренер ва спортчилар техник маҳорат даражасини аниқлашнинг объектив кўрсатичларига, унинг такомиллашиб боришини кузатиш ўлчовларига эга бўлмасликларида ва шунингдек, ижро этиш техникасининг мукаммал моделининг аниқ эмаслигидадир.

Шунинг учун тренер ҳам, спортчи ҳам ҳаракатларни мунтазам тўғрилаб бориш ва уларнинг ижро этилишини кузатиб бориш учун техник воситалар ёрдамида тез маълумот олиш методларига эга бўлишлари шарт.

Техник такомиллаштиришининг усуслари

I. *Қисмларга ажратили усулияти* ҳаракат тузилишини соддалаштиришдан иборат бўлиб, англаб олиш жараёнини осонлаштиради, бутун координацияда ҳар бир элементнинг тузилишини билиб олишга ёрдамлашади.

Бунда қўйидаги воситалар тавсия қилинади: ҳаракат шаклини ўзлаштириш учун имитация машқлари; ўзлаштирилган ҳаракат шаклларини

бажаришга қаратилған *максус машқларни* зарур бўлган тезлиқда, маълум зўр бериш ва меъерда бажариш.

II. Машқни тўлиқ бажсарии усусли мусобака шароитида нерв мускул фаолиятининг шартига ва режимига мувофиқ яхлит ҳаракат малакасининг шаклланишига ёрдам беради.

Бу усулда қуйидагилар тавсия қилинади: яхлит ҳаракатни осонлаштирилган шароитда бажариш, яхлит ҳаракат тузилишини соддалаштириш, умумий бажариш тезлигини камайтириш (ярим куч билан ва ҳ.к.) мускул зўр беришини енгиллаштириш, енгиллаштирилган снаряд кўллаш, ҳаракат амплитудасини кисқартириш, чамалаш ва чекловчи нарсалардан фойдаланиш, яхлит машқ шароитини аста-секин мураккаблаштириб (тезлигини, қаршилик кучини ошириб, мухитнинг ўзгарувчан шароитида ва ҳ.к.) бажариш, мусобақадагидек юқори нерв кўзғалиш шароитида техник маҳоратни такомиллаштириш (ўзини жалб қила билиш, максимал зўр беришни ривожлантириш ва уни таксимлай олиш ва ҳ.к.).

Техник маҳоратни такомиллаштиришда идеомотор машқ қилишга аҳамият бериш лозим. Ўрганишда ҳаракатларни хаёлий ижро этиш шу ҳаракат тўғрисидаги тасаввур образини яхшилайди. Идеомоторни хусусияти тренировка килдириш бўлибҳаракатларни қайта ўзгаришиш, хатоларни тузишиш ва малакаларни такомиллаштиришга ёрдам беради.

Техник тайёrlашишинг босқичлари:

1. *I босқич – замин тайёrlаши ва тасаввур ҳосил қилдириши.* Бунда ўрганиладиган ҳаракат тўғрисида тушунча ҳосил қилинади, спорт кураши ва ҳаракатнинг умумий схемасини ўзлаштириш қоида ва мақсадлари билан танишириш вазифаси қўйилади. Бу босқичда ҳаракат соддалаштирилади, машқ учун шароит ҳосил қилдирилади (баландлик пасайтирилади, снаяд оғирлиги ва машқ бажариш шиддати камайтирилади, масофа, майдончаларнинг ўлчами қисқартирилади, қоида соддалаштирилади ва ҳ.к.).

2. *II босқич – элемент техникасини чуқур ўзлаштириши* бир неча ҳафтадан бир неча ойгача давом эади. Бу босқичнинг вазифаси спорт машқи техникасини тўғри ижро этиш даражасигача ўзлаштиришдан иборат.

3. *III босқич – ҳаракат техникасини такомиллаштириши* шуғулланувчиларнинг ўз интилишлари тутагунга қадар давом этади. Босқичнинг вазифаси – спорт курашининг турли шароитларида максимал зўр берганда ҳам техникани тўғри саклаб туриш учун спорт машқларини такомиллаштиришга эришишдир. Бунда юқори мускул сезгиси (сув, муз, вақт ва ҳоказо сезгилари)га эга бўлиш зарур бу босқичда ҳаракат малакалари мунтазам ошади, функционал тайёргарлик ўсиб боради, тактик фикрлаш такомиллашади.

Техник маҳоратнинг таорифи. Техник маҳорат уч хил кўрсаткич: 1) ҳажм; 2) ҳар томонламалик; 3) спортчи ўзлаштирган техниканинг самараси билан ифодаланади.

Техниканинг ҳажми спортчи бажара оладиган ҳаракатлар техникасининг умумий сони орқали белгиланади ва амалда ижро этилиши билан баҳоланади. Кўпинча техниканинг ҳажми ва унинг жисмоний тайёргарлиги орасидаги боғлиқлик кузатилади (масалан, курашчилар алоҳида мускул гурухларининг яхши ривожланганлигихисобига айрим техник усулларни яхши ижро этишади ё аксинча, яхши кўрган приёмларни яхши бажаргандари сабабли баъзи мускул группалари уларда кучлироқ бўлади).

Тактик тайёргарлик.

Тактика – бу спорт курашини олиб бориш саноатидир. Бунда ютукқа эришиш учун спортчи куч ва барча имкониятларидан мақсадга мувофиқроқ фойдаланиши зарур. Олдиндан белгиланган режа бўйича ва тезлик биланҳал қилиниши даркор вазифаларга кўра ташки мухитнинг доимий ва ўзгарувчан шароитида фойдаланадиган техника тактиканинг асосий воситаси хисобланади.

Тактик маҳорат барча спорт турлари учун зарурдир, айниқса, шароитни бирданига англаб олмок, рақибини жуда яхши ҳис қилиш ва бой тажрибадан тез фойдаланиши талаб этадиган спорт ўйинларида аҳамиятлидир. Маълум режа ва курашнинг ҳар бир дақиқасини англаб олиш асосида турли усуллар, приёмлар ва ҳаракатларни кўллашда спорчиларнинг руҳий, жисмоний ва техник қобилиятларидан самаралироқ фойдаланишида тактика зарур бўлади. Умуман тактика – маҳорат, белгиланган режани амалга оширишни таоминлайдиган яхши билим, кўнукма ва малакаларга асосланади. *Спорт тактикаси уч шаклда намоён бўлади:*

1) *шахсий кураш:* а) рақибнинг бевосита қаршилиги билан (йўлакчаси белгиланмаган жойларда югуриш, велосипед пойгаси, спортча юриш, чанғи ва ҳ.к.) ва рақибларнинг нисбий таъсири билан (йўлакларда) югуриш, гимнастика, сузиш, кайик хайдаш, фигурали учиш ва ҳ.к.);

2) *икки кишининг кураши:* а) рақибнинг бевосита қаршилиги билан (бокс, қиличбозлиқ, дзю-до, кураш); б) рақибларнинг билвосита таосирида (теннис, стол тенниси, бадминтон, шахмат ва ҳ.к.);

3) *жамоали мусобақалари:* а) рақибнинг бевосита қаршилиги билан (баскетбол, футбол, қўл тўпи, ҳоккей ва ҳ.к.) ва б) рақибнинг билвосита таосири билан (волейбол, эстафетали югуриш, бадиий гимнастика бўйича команда мусобақалари ва ҳ.к.)

Спорт курашини ташкил қилиш ва олиб бориш ҳаракатларнинг тактик муаммоси спорт тактик муаммоси спорт мусобақаларини уюштириш ва олиб боришда намоён бўлади. Спорт мусобақасини тактикаси деганда энг яхши натижага эришиш учун мусобақа олдиндан ва бевосита мусобақа вақтида амалга ошириладиган чоратадбирларни тушунамиз.

Тактик фаолият тактик машғулотлар, техник малака, жисмоний қобилиятнинг ривожланиши даражаси, иродавий фазилатлар, реакция тезлиги ва бошқаларга асосланади. *Тактик ҳаракатнинг уч фазаси мавжуд:*

а) мусобақа ситуатциясини англаш ва таҳлил қилиш;

- б) маҳсус тақтиқ вазифани ҳаёланхал қилиш;
- в) тақтиқ вазифани амалий ҳал қилиш.

Идрок қилиш сифати кўриш хажми, кўриш доираси, кўриш орқалиҳаракатни баҳолаш, техник малакаларнинг ривожланиш даражаси, фикрлаш жараёнининг сифати, билим ва тажрибаларга боғлиқ бўлади.

Тақтиқ вазифа аввало ҳаёлан, кейин эса амалий ҳал қилинади. Спортчи нима қилиши кераклигини жуда тез белгилаши, ўз билимини малака ва қобилиятини баҳолай олиши керак. Айрим спортчилар мусобақа ситуациясини идрок ва таҳлил қилишда билим ва тажрибанинг камлиги сабабли мантиқий фикрлашга борлиқ бўлган тақтиқ вазифаларни ҳал қилишда қўйинчилликка дуч келадилар.

14.7. Спортчининг функционал маънавий, психологик тайёргарлиги

Функционал тайёргарликнинг моҳияти мураккаб мухитда ва катта жисмоний нагрузкалар орқали организмнинг функционал системаларини мақсадга мувофиқ, ривожлантиришдан, яони катта мускул функционал ва психик зўр беришларга бардош беришга эришишдан иборат.

Функционал тайёргарликка маҳсус тайёргарлик машқлари киритилиб улар куйидагиларга таъсир кўрсатади:

1. *Нерв тизимининг функциясини таомиллаштириши.* Марказий нерв системасини шундай тайёrlаш зарурият, у катта жисмоний ва психик зўр беришларга бардош бериш учун нерв жараёнининг маълум кучига эга бўлиши керак.

2. Барча функцияларни, биринчи ўринда *бош мия томирларини вегетатив таомиллашга, юрак қон томир ва нафас олиши системаларини таомиллаштиришига*, шунингдек, чиқариш органларига таъсир кўрсатади.

3. *Анлизаторлар функционаларининг ривожлантириши* ва таомиллаштиришни программалаштириши.

4. *Жисмоний сифатларни тарбиялаши* учун сувук мускул системасининг ривожланишига таосир кўрсатади.

Функционал тайёргарлик шакллари. 1. Функционал тайёргарликнинг айрим қисмларини барча машғулотларга киритиш.

2. Яхлит машғулотларни функционал тайёrlаш мақсадида ўтказиш.

3. Машғулот циклларига соғломлаштириш тадбирлари (эрталабки гимнастика, сайдар, туризм)ни киритиш.

Функционал тайёргарликни амалга ошириш учун куйидагиларда фойдаланиш керак:

- а) танлаш воситалари (чўмилиш, бўшаш, ҳолатсизланиш);
- б) мияда қон айланишини бошқарувчи машқлар;

в) юқори мускул сезгиси, вестибуляр ва ҳаракат анализаторлари, нафас олиш ва юрак қонтомир системалари ва ҳоказоларни ривожлантируви машқлари.

Спортчини маонавий ва психологияк тайёрлаш

Спортчини маонавий тайёрлаш ўзининг педагогик моҳияти бўйича спорт фаолияти шароитида кўлланилишига қараб амалга ошириладиган ахлоқий ва иродавий тарбиялаш жараёни хисобланади.

Спорт – кучли иродани талаб қиладиган мashaққатли ва мураккаб фаолиятдир.

Кучли ирода, мақсадд сари интилиш. Ташаббускорлик ва саботлилик фазилатларини тарбиялаш спортчини тайёрлашнинг ажralmas қисмини ташкил қиласди.

Спортчини тарбиялаш жараёнида қуйидаги фазилатларини ривожлантириш зарур:

- халқ ишига садокат, ижтимоий ва давлат ишини ўз шахсий ишидан юқори кўйишга интилиш, меҳнат ва Ватанни ҳимоя қилиш мақсадида ўз соғлиги тўғрисида мунтазам ғамхўрлик қилиш;
- ижтимоий мулкка тежамли бўлиш;
- жамоанинг амалий фаолиятида актив қатнашиш, спорт маҳоратини ошириш, турмуш шароитидаги хатти-ҳаракати учун жамоа олдида жавобгарликни ҳис қилиш, шахспарастлик, жамоа ишига бепарво қарашга йўл кўймаслиқ;

Мамлакатнинг барча халқлари билан дўст бўлиш, бошқа мамлакат халқлари билан муносабати мустаҳкамлаш, халқаро учрашувлар жараёнида иркӣ ажратишиларга ва миллий хурофотларга беғараз бўлиш, тинчлик демократия ва тараққиёт душманларига қарши курашиш.

Спортчиларининг юқори *ахлоқий фазилатлари* меҳнатда, турли фаолиятда, хаттиҳаракатларида, кишилар мумаласида шаклланади ва спорт этикасини белгилашда манба бўлиб хизмат қиласди. *Спорт этикаси* – бу спортчининг ўзига хос фаолиятда (машгулот, мусобака, кўргазмаличиқишиларда ва ҳ.к. да) спортчи учун мажбурий бўлган хаттиҳаракатлар нормаси ва қоидаларининг йиғиндинсизидир. Спорт этикасининг асоси – ўзбек спортчисига кўйиладиган ахлоқий талаблардир.

Улар мусобақаларнинг талабларида, низом ва программаларида конунлаштирилган: мусобақаларда спортчилар учун бир хил шароит яратиш, галибларни аниқлашда обоектив бўлиш, рақиб ва судряга нисбатан хурматда бўлиш, мусобақаларда ҳавфсизликни таъминлаш, маросимларга риоя қилиш, спорт мусобақаларини тарғибот ташвиқот қилишдир.

Бу талбалар спортчиларимизда юқори онгли интизомни, жисмоний камолотта эришиш, соғликни мустаҳкамлаш ва ижодий узоқ умр кўриш учун курашда спорт меҳнатсеварлигини тарбиялашга ёрдам беради. Ўзбек спортчилари юқори спорт ютуқлари ва жаҳон рекордларини ўрнатишда ўзларининг жамоа бўлиб ва актив курашишлари орқали Ватанни ва спортини

улуғлашлари, халқаро миқёсда Ўзбекистон спортининг байрофини баланд тушишлари, шахс парастлик олдида таозим қилмаслиқ, камчиликларга муросасиз бўлишлари, ёшларга спорт билан энди шуғулланувчиларга ўз спорт тажрибаларини ўрнатишлари керак.

Спорчани ўзининг тарбиясисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўз-ўзини тарбиялашга интилиш, спортчининг етукли ишончга эга бўлганлиги, иродаси ва характеристидан далолат беради. Шахсий тарбия қуидагиларни ўз ичига одади:

1) ўз-ўзини тута билиш, ижобий ва салбий томонларни ажратса билиш, ўз хатти-харакатини танқидий баҳолаш, ўзи тўғрисида бошқаларнинг фикрига кулоқ солиш; 2) ўз фаолияти ва хатти-харакатларини таҳдил қилишдан иборат.

Шахсий тарбия ўз-ўзини рағбатлантиришга, ўз олдига мажбурият қўйишга ёрдам беради. Ўз-ўзини енгис ўз имкониятларига ишонч ҳосил қилдиради. Ўз-ўзини тарбиялаш шахсий хусусиятларига, маданиятига, ҳаётий тажрибаси ва бошқаларга боғлик бўлади.

Психологик тайёргарлик. Жисмоний, техник, тактик ва функционал тайёрлаш жараёнини бошқариш учун билим, малака ва тажриба зарур бўлади. Спортчининг руҳий ҳолатини бошқариш энг мураккаб ҳисобланади.

Жисмоний ва техник тайёргарларлари бир хил бўлган спортчилар бир-биридан фикрлаш, сезиши, кузатиш ҳислатлари билан фарқ қилишади, шунга кўра психологияк тайёргарлик анча олдинроқ бошланади. Энг аввало уни аҳамияти аниқланади.

Мусобақа бошланишида одам ҳаяжонланади. Бу «старт олдхолат» бўлиб, психик ҳолат ўзгаради ва организмда вегетатив ўзгаришлар содир бўлади (пулрс, кон босими ортади, энергия алмашуви кучайди, ичак-корин фаолияти ўзгаради, уйқу бузилади ва х.к.). старт олди ҳолати спортчининг малакасига, ўз кучига ишониш даражасига, спортчани мусобақадан ажратадиган вақтга, унинг нерв фаолиятининг хусусиятига, тайёргарлигига, унинг командасининг ўюшқоқлиги ва ўзаро мослашувига боғлик бўлади.

Тренер спортчига ўз иродасини курашга жалб қилишига ёрдамлашуви зарур.

Мусобақага яхши тайёрланиш учун икки ҳолат билан курашиш зарур: 1) бўлажак мусобақага спортчининг бефарқ муносабати ва 2) мусобақага катта аҳамият бериб, унинг бўлажак тақдирини ҳал қиласигандек қарашга ўйл қўймаслик. Бунда спортчига қандай натижага эришишдан қатоий назар ўз имкониятидан тўлиқ фойдаланиш муҳим эканлигига ишонтириш лозим.

Психологик тайёрлашда спортчининг ўз кучига ортиқча ишониши салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Психологик тайёрлаш катоий индивидуаллаштирилган бўлиши керак. Тезкор кучи талаб қилинадиган спорт турларида ўта оғир, лекин қисқа вақт давом этадиган зўр беришларга, чидамлилик талаб этиладиган спорт

турларида эса, узок вақт иродавий зўр бериш ва чарчашга бардош беришга тайёрлаш зарур бўлади.

Спортчинихаддан ташқари руҳий зўр беришлардан сақлаш ва унга чукур ва бир текис нафас олишни, музикани тинглаб ва ижро этишни, ўз ичидаги кўшик айтиши, онгли равишда мускулларни бўшаштириш, аутоген чўкиш усулларини қўллашни, мимика мускулларининг зўриқишини йўқ қилишни (кўзларни юмиб кулиш, бет қисмларини уқалашни) ўргатиш зарур.

Тайёргарлик кўришда мураккаб қисмларига диққатни жалб этишда идеомотор машқ қилиш яхши ярдам беради.

Фақатгина кузатувчан, билишга интилган, кучли иродага эга бўлган, ўз эмоцияларини бошқара оладиган спортчигина юксак спорт натижаларига эришади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида, Вазирлар маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги 271-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат дастури Концепцияси. Вазирлар маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги қарорига илова.

Каримов И.А. «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» Т., Ўзбекистон, 1992.

Каримов И.А. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» Т., Ўзбекистон, 1994.

Каримов И.А. «Баркамол авлод орзуси», «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти, Т., 1999.

Умумий ўрта таълимнинг Давлат таолим стандарти ва ўқув дастури, «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти, Тошкент, 1999.

Абдумаликов Р., Юнусов Т.Т. ва бошқалар. «Ўзбекистонда жисмоний тарбия таълимининг ривожланиши», методик тавсиянома. Т., ЎзДЖТИ наш, 1992.

Саркизов-Сиразини И.Н. «Тансихатлик – туман бойлик», Т., «Медицина», 1966.

Раджабов С.Р., «Педагогические исследования и пропаганда педагогических знаний», Т., «Ўқитувчи», 1977.

Рихсиева О.А. «Абу Али Ибн Сино о роли физических упражнений в сохранении здоровья человека», Т., «Ўқитувчи», 1982.

Кошбахтиев И.А. «Основы оздоровительной физкультуры молодежи», Т., 1994.

Турсунов У., «Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси», ўқув қўкулланма, Кўқон, 1992.

Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси, дарслик, таржима, Т., «Ўқитувчи», 1967.

Советская система физического воспитания., гл. ред., Г.И. Кукушкин, М., ФиС. 1975

Основы методики физического воспитания школьников., Б.Н. Минаев, Б.М. Шиян., М., «Просвещение» 1989.

Теория и методика физического воспитания. I том, под. ред. А.Д. Новикова, Л.П. Матвеева, ФиС, М., 1967.

Теория и методика физического воспитания. Изд. 2-е, исправленное и дополненное. Под. обў. ред. доктора пед. наук, профессора Л.П. Матвеев и профессора А.Д. Новикова. М., ФиС, 1976.

Теория и методика физического воспитания. Учеб пос-е. Под ред. Б.А. Ашмарина. М., «Просвещение», 1979.

Очерки по теории физической культуры. Под обў. ред. Л.П. Матвеева, М., ФиС, 1984.

Теория и методика физического воспитания. Учеб пос-е. под ред. Б.М. Шияна, М., Просвещение, 1988.

Матвеев Л.П. Теория и методика физической культуры. Учебник для институтов. физ. культуры. М. ФиС, 1991.

Ф.Хўжаев, Т. Усманхўжаев. Бошланғич синфларда жисмоний тарбия, ўқув қўлланма. Т., “Ўқитувчи”, 1996.

А. Абдуллаев. Жисмоний тарбия воситалари. Ўқув қўлланмас. Фарғона, 1999.

Керимов Ф.А. Спорт соҳасидаги илмий тадқиқотлар. Т.. «Zar qalam». 2004.

14-БОБ. ЎҚУВ ИШЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

Ўқув ишларини самарадорлиги уни ўқув йили давомида режали амалга ошириши тақазо этади.

Режалаштириш технологиясини тўғри ишлаб чиқилиши самарадорликнинг мухим омилларидан бири бўлиб белгиланган мақсад ва вазифаларни аниқ ва пухта бажариш учун лозим бўлган имкониятларни яратади.

Амалий иш пайтида режалаштиришга эотибор сусайиши таолим тарбия жараёнида муваффақиятсизлик манбаига айланади, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг юзаки муносабатларига сабаб бўлади. Режалаштириш ўқув дастурини ва ҳамкаслари томонидан бошқа мактаблар учун тузилган тайёр ўқув режасини ўйламай кўчириб олишдан иборат бўлган механик тарздаги канцелярия иши эмас. Ўқитувчи ўз иш фаолиятини ва тўплаган тажрибасини таҳлил килиб, уни янги назарий ва амалий материаллар билан бойитиб, тўғри мулоҳазалар килишдан, янги ўқув йилида вужудга келган шарт-шароитлардан келиб чиқиб, лозим бўлган ўзгартиришлар билан ўқитишнинг ўқув йили учун янги лойиҳасини тузишдан иборат бўлган фаолиятдир.

Режалаштириш учун ўқитувчи олдиндан катта тайёргарлик кўради ва керакли зарур ахборотларни тўплайди. Бу маълумотлар ўқув материалини тартибли ўқитиш, ишнинг формаси ва воситаларини тўғри аниқлашга ёрдам беради.

Режалаштиришдан олдин тўпланадиган маълумотлар тахминан қўйидагича бўлиши мумкин:

1. Қайси синфларда иш олиб бориладиган бўлса, шу синфларнинг ўқув дастурини чуқур ўрганиб чиқиш керак бўлади. Чунки айрим машкларнинг техникасини ўқитиш бир неча синфларга тақсимланган бўлиши мумкин. Шунинг учун режалаштириш хар бир синф учун жисмоний машқ техникасининг аниқ бўлагини ўрганишни вазифа килиб қўйиши керак. Бундан ташқари дастурни билиш ўқув материалини синфдан-синфга бирин-кетин тақсимлашда хатога йўл қўймаслик имкониятини яратади.

2. Машғулот иштирокчиларнинг таркиби, уларнинг соғлиғи, назарий билимлари, жисмоний ва техник тайёргарликларини ўрганиш режалаштиришин реаллигини оширувчи маълумотдир. Бу маълумотларни олиш учун режалаштирувчидан илгари тайёрланган хужжатларни, тиббий кўрик варакаларини, чоракли, йиллик хисоботларни ўрганиш лозим бўлади. Колаверса ўқувчилар билан сухбатлар ҳам кутилган натижани беради.

3. Мактабнинг жисмоний тарбия ва спорт бўйича спорт иншоотлари, анжомлари ва улардан фойдаланиш учун мавжуд шарт-шароитни хисобга олиш режалаштириш ишини самарадорлигини оширади ва мавжуд муаммоларни ҳал қилиш чоратадбирларини кўришга имконият яратади.

4. Мактаб дирекцияси ва педагогика жамоасининг жисмо-ний тарбияга маносабатини билиш учун мактабнинг жисмоний тарбиядан синфдан

ташкари ишларнинг йиллик режаси ва мактаб директорининг умумий иш режаси билан танишиш.

5. Вилоят ва туманнинг иклими, об-ҳавосини ўрганиш.

6. Вилоят ва туман спорт мусобақаларининг календар режаси билан танишиш ва шу аснода мактабнинг оммавий спорт ва соғломлаштириш ишларини режасини тузиш.

7. Жисмоний машқларни вилоят ва тумандаги етакчи спорт турларини аниқлаш ва мавжул иш шаклини жонлаштириш учун ўқитувчи томонидан мактабнинг ва шухудуд ахолисининг миллый спорт анъаналарини ўрганиш режалаштиришда қўйилган мақсадни осон ҳал қилиш учун асосий маълумот ролини ўйнайди.

Режалаштиришига маълум технологик талаблар қўйилади. Улар қўйидагилардан иборат.

1. Режалар Республика ҳалқ таолими Вазирлиги ва бошқа бошқарув органларининг қарорлари, меъёрий хужжатлари ва кўрсатмаларининг мазмунига мос тушиши ҳамда уни ўзида акс эттириши лозим. Давлат дастури материаллари асосида жисмоний тарбия тизимининг барча звеноларида жисмоний тарбия жараёни режалаштирилади. Барча тузилган режалар мамлакатимизда амалга оширилаётган жисмоний тарбиянинг умумий мақсади ва вазифаларига мос тушиши шарт ва Ўзбекистон ҳалқ таолими Вазирлигининг услубий кўрсатмаларига асосида бўлиши керак.

2. Режалаштиришда жисмоний тарбия умумий ва услубий принципларга амал қилиши ва уларсиз режалаштириш жараёнидан кўзланган мақсадга эришиш қийин бўлади. Шахсни ҳар томонлама ривожлантириш, жисмоний тарбияни меҳнат ва ҳарбий амалиёти билан боғлаш ва уни соғломлаштиришга йўналтирилиши режалаштиришнинг қимматини оширади. Шунинг учун дарсни воситаларини танлашда соғлиқ учун фойдали, шуғулланувчиларни ҳар томонлама ривожлантирадиган жисмоний тарбия воситаларини алоҳида эотибор билан танлаб, машғульотларни иложи борича очик ҳавода, табиий шароитда, куёш нури, ҳаво ва сувдан табиатни соғломлаштирувчи кучлари тарзида самарали фойдаланишни режалаштиришни аҳамияти бекиёс.

3. Мақсадга йўналтирилган ва истиқболли йўналишга эга бўлган режа тузиш режалаштиришнинг асосий талабларидан бири деб саналиши керак. Маълум муддатга (дарсларга, чорак, йиллик) тузилган режалар олдингиларига таяниши ва уларни давомийлигини ўзида акс эттириши, бўлажак ишларга тайёрлаши режалаштиришнинг асосий талабларидандир. Шундагина тасодифий, эпизодик дарсларга чек қўйилади, режада илгари сурилган тизимнинг истиқболи сари дадил одимланади.

4. Режани аник амалга ошириш имкониятига эга бўлиши, уни амалга оширувчини кучига ярашалилиги, мактабдаги шарт-шароит ҳисобга олинганлиги, моддий техник база ва бошқа имкониятларни ҳақиқий ҳисобга олинган бўлиши, ўқитувчини ўз имкониятларига реал баҳо бера билганлиги,

ўкув дастурида қайд қилинган материалларни ўқитишда эришилган сиљишини кўра билиш ва уни режалаштириш талабига риоя қилиш.

5. Режалаштиришни конкретлиги, реаллиги ўқитишини аниқ босқичларга бўлинганлиги, белгиланган топшириклар ва уни ҳал қилиш танланган воситаларда намоён бўлишлиги, кўп сонли машқлардан кераклигини танлаб режалаштира олиш орқали максимум педагогик натижага эришиш. Машқларни кетма-кет бажаришда «кучли таъсирили машқлар»ни содда машқлардан олдин ўрганмаслик.

6. Режалаштиришни амалиётда жадвал, чизма шаклида кўргазмали ифодалашдек талаблар мавжуд.

Режалаштиришининг технологияси бир неча бирин-кетин амалга ошириладиган операциялар сифатида тасаввур қилиш мумкин бўлган ўқитувчининг ижодий йўналишлари гоясини пайдо бўлиши, услубий саволларини очимиға принципиал ёндошишдан бошланади. Бу аломатлар бўлажак мутахассисга талабага талабалик давридаёк сингдирилади.

14.1. Жисмоний тарбиядан режалаштириш ҳужжатларининг ишлаш технологияси

Технология – ишлаб чиқариш методлари ва жараёнларининг мажмуи деб таърифланади (С.И.Ожегов, Н.Ю.Шведова, 1994).

Педагогик технология – ўкув-тарбиявий жараёнини олдиндан лойихалаштирилиб амалиётта тизимли ва аста-секинлик билан қўллаш деб тушунилади.

Ҳар қандай ўкув тарбиявий жараённи ифодалаш айрим педагогик тизимни ифодалаш тарзи деб тасаввур қилинади. Шунга кўра, табиийки, педагогик технология модел шаклидаги амалиётга қўлланиладиган педагогик тизимни маълум бир лойихасидир.

Педагогик технологиянинг қайта ишланиш имконияти ва режалаштирилган самарадорликнинг бир бутунлиги, уни тизимлилиги ва уни тузилишига боғлик. Унда билим бериш жараёнларининг самарадорлигини ошириш, ўкувчиларга режалаштирилган билимларни бериш натижалари гарантияси максад қилиб қўйилган ва унга эришиш амалга оширилади. **Педагогик технология структурасига жисмоний тарбиядан режалаштирининг асосий ҳужжатларини ишлаш киради**, улар:

1) жисмоний тарбиядан умумий иш режаси; 2) ўкув-тарбия жараённинг йиллик режа жадвали; 3) ҳар бир дарс учун мавзуларни тақсимлаш режа жадвали (ҳар бир дарс учун ёки мавзулар бўйича) чораклар ёки дастурнинг бўлимлари бўйича; 4) дарснинг конспект режаси. Қайд қилинган режалар мантиқан ва мазмунан ўзаро бир-бири билан боғлик. Ҳар бири навбати билан нисбатан хусусий характердаги ҳужжат бўлиб, олдингисига мувофиқлаштирилади. Шунга қарамай ҳар бир ҳужжатни режалаштириш тизимида ўзини аҳамиятли ўрин бўлиб, алоҳида функцияни бажаради.

Хулоса килганимизда, белгиланган контингентта мүлжаллаб режалаштиришнинг асосий хужжатлари ўқув-тарбия жараёнини ташкиллаш, унга воситалар ва ўқитиш методикасини оптимал вариантларини танлашга хизмат килиши керак.

Жисмоний тарбия соҳаси бўйича ўқитувчи томонидан ишланадиган режалаштириш хужжатлари маҳсус, давлат таълим муассасалари томонидан тавсия қилинган.

Хужжатлар – намунавий ўқув режаси ва давлат таълим стандарти асосида тузилиши белгилаб қўйилади. Ўқув режаси маълум ёшдагилар учун қайси ўқув фанлари ўқитилишини қайд қилса, давлат таълим стандартидаги шу фанлар бўйича ўқувчига ўқитилиши лозим бўлган ўқув материали тавсия қилинади ва қатийян белгиланади. Жисмоний тарбия фани асосий фан тарзида таълим тизимининг барча ўқув муассасаларида мажбуран ўқитиладиган ўқув фани хисобланади.

Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси курсини ўрганаётib, енгил атлетика, гимнастика, спорт ўйинлари ва ўқув дастуридаги бошқа бўлимларнинг хусусий методикаси ҳамда ўқитувчиларнинг амалий фаолиятини амалиёт пайтида кузатиб, талаба ўзлаштириб олаётган билим ва амалий малака ва кўнкималарини ўзининг ўлчовига солиб бўлажак фаолиятида қандай фойдаланиш лозимлигини тасаввур қилиб кўради ва ўзининг мустақил фикрига эга бўлади.

Ўқитувчидаги келгуси ўқув йили ишлари гояси ўз шахсий тажрибаси, бошқа ўқитувчиларнинг педагогик фаолитини кузатиш, ўз устида ишлаш жараёнида ташкил топади. Бу шароитда ўз мутахассислигига тўғри келадиган фан ўқитувчилар тажрибасига таяниб қолмасдан, бошқа фан ўқитувчилари тажрибасидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Сўнг бу ғоя ишнинг аниқ шароитлари, ўқитувчиларнинг тайёргарлик даражаси билан таққосланади ва бунда бир неча ўзгаришлар, кисқартиришлар ёки тўлдиришлар юз бериши мумкин. Ана шундан сўнгина, ишнинг аниқ мақсади вужудга келади, бунда ўқитувчиларни ҳам назарий, ҳам жисмоний ва техник тайёргарлик ҳолатлари даражаси хисобга олинади. Исталган натижага эришиш учун бир қатор аниқ вазифалар белгиланади, бунда лозим бўлган назарий билимларга эга бўлинади, мактаб дастурида кўзда тутилган жисмоний машқлар орқали тарбия жараёни йўлга қўйилади. Демак режалаштиришнинг технологик операцияси деб ўқитиш ва тарбиялашнинг аниқ вазифаларини навбатма-навбат кўя билиш тушунилади.

Айрим топширикларни бажариш учун ўқитувчи ўқувчиларга педагогик таъсир ўтказиш тизимини аниқлайди. Методлар ва иш шароити шу воситалар таркибига киради. Бу операциялар ҳам илгаргисидай ўқитувчиларнинг актив иштироқида ҳам бажарилиши мумкин. Бунда жисмоний тарбия жараёнининг тўғри ташкил қилинишига ҳалакит берадиган нокулай факторларни хисобга олиш зарурати мавжуд. Шунинг учун педагогик жараённинг тури ва уни қандай бораётганлигини текшириб бориш учун

алоҳида ажратиб олинган экспресс тестлар ёрдамида этапма-этап назорат қилиш тизими ташкил қилинади. Агар ҳар этап бўйича олинган ҳисоб натижаси режалаштирганига яқин ёки тўғри келса барча операциялар тўғри режалаштирилган деб хулоса чиқариш мумкин. Агар назорат натижалари режалаштирилгандан анча фарқ қилса, режалаштириш технологиясида хатолар мавжудлиги ва уларни учта звенодан қидириш тавсия қилинади. Биринчидан барча нокулай факторлар ҳисобга олинган олинмаганлиги, иккинчидан педагогик таъсир тизими назорати қандайлиги ўрганилади, бу ерда ҳам хатолар топилмаса, педагогик вазифаларнинг ҳаққонийлиги баҳоланади.

Агар хатолар биринчи звенода эканлиги аниқланса ва ўқитувчи айнан шу хатолар натижаларини юзага чиқмаганлигига сабабчи деб ишонса, бунда керакли тадбирлар қабул қилиниб, бошқа звенолар текширилмайди. Ўқитувчи фаолиятининг биринчи йилларида, барча ёш ўқитувчиларнинг иш фаолиятларида айнан шу холлар юз берадики режалаштириш технологияси операцияларида эътиборсизлик, хатолар содир бўлади. Албатта булар барчаси иш натижаларига ё ижобий ё салбий таъсир этмай қолмайди. Шунинг учун барча ёш ўқитувчилар ўз фаолиятларини тизимли таҳлил қилиб боришлари, ўзларига нисбатан қаттиқ қўлҳакам бўлишлари керак бўлади. Булар ўз навбатида келгуси ютукларга заминдири.

Режалаштиришнинг шакллари маҳсус илмий, ўкув ва услубий адабиётларда турлича. Ҳозирги кунда русий забон олимлар Б.А.Ашмарин, Л.П.Матвеев ва бошқаларнинг ўкув ишларини режалаштириш технологиясидан амалиётда кўпроқ фойдаланилади.

14.2. Жисмоний тарбиядан умумий иш режа

Жисмоний тарбиядан умумий иш режаси ўкув муассасасининг иш режасини таркибий қисми ҳисобланади. Уни мактаб физкультура ўқитувчиси, мактаб директорининг ўринбосарлари, мактаб врачи, ташкилий ишлар бўйича маъсул ўқитувчилар иштироқида тузилиб, педагогик кенгаш мухокамасидан ўтказилади. Режа ўзида қўйидагиларни мужассамлаштириш лозим: 1) ташкилий ишлар; 2) ўкув ишлари; 3) ўкув-куни таркибидаги физкультура соғломлаштириш ишлари; 4) дарсдан ташқари вақтдаги оммавий физкультура ва спорт ишлари; 5) тарғибот-ташвиқот ишлари; 6) тиббий назорат ва тиббий-санитария текшируви;

7) хўжалик ишлари.

Умумий иш режасининг тадбирлари шундай тузилиши лозимки, улар мактабнинг ёки ҳудуддаги соҳа бўйича тадбирлар билан бир вақтга тушиб қолмаслиги, шунинг учун у администрация мухокамасидан ўтказилиши шарт қилиб қўйилган. Тадбирлар бир маротабали бўлмай анъанавий, тизимли бўлиши соҳа бўйича белгиланган самарани бериши амалиётда исботланган. Тавсия қилинган режа тахминий, уни ҳар бир мактаб ёки ўкув муассасаси ўз шароитидан келиб чиқиб тузиши тавсия қилинади.

Мактаб пед.кенг.

мұхқама қилинган
200_август1-баённома
**Умумий таълим мактабининг 200_/200_ ўқув йили учун
жисмоний тарбиядан таҳминий умумий иши режаси**

	Бажариладиган ишлар мазмунни	Утказиш муддати	Бажариш учун маъсул
	I. Ташкилий ишлар		
	Жисмоний тарбия ишларининг хужжатларини тузиш ва уни тасдиқлатиш: а)йиллик режса-жадваллар б)хар бир дарс учун ишчи режалар I-чорак II-чорак III-чорак IV-чорак	август август октябр декабр март	Физкультура ўқитувчиши
	Педагогика кенгашида дарсгача гимнастика физкультура дакикаларини ва уюнтирилган танаффусларни ўтказиш тартибини муҳокамаси.	август	Администрация физкультура ўқитувчиши
	Бошлангич синф ўқитувчилари учун ўкув куни тартибида физкультура согломлаштириш тадбирларини ташкиллаша, синфдан ташкари ишларни кичик мактаб ёнидагилар билан ўтказиш масалаларидан онд семинарлар ташкиллаша.	август	Физкультура ўқитувчилари, директор ўринбосари, бошлангич синифлар учун директори мувонини
	Хар бир синф учун дарсгача гимнастика ва танаффусдаги ўйинларни ўтказишга жой ажратиш.	август	Физкультура ўқитувчиши
	Синифларда ўкувчини кун режими, дарсгача гимнастика, танаффусдаги ўйинларни ўтказиш тартиби бўйича сухбатлар ташкиллаша.	10 сентябр	Синф раҳбарлари
	Секцияларнинг машгулотлари жадвалини тузиш ва тасдиқлаш.	10 сентябр	Физкультура ўқитувчиши
	II. Ўкув ишлари		
	Физкультура дарсларини ўтказиш	Дарс жадвали бўйича	Физкультура ўқитувчиши
	III. Ўкув куни режимида физкультура-согломлаштириш тадбирлари		
	Дарсгача гимнастика машгулотини ўтказиш.	Хар куни	Жамоатчи йўриқчилар
	Харакатли ўйинлар ва катта танаффуслардаги жисмоний машқлар билан шугувланиши машгулотларини ўтказиш.	Хар куни	Жамоатчи йўриқнома
	Мактабнинг I-XI синифларидаги умум таолим фанлари дарсларида физкультура дакикаларини ўтказиш.	Хар куни	Ўқитувчилар, жамоатчи фаоллар
	Куни узайтирилган гурухлар (синифлар)да жисмоний машқлар билан шугувланиши машгулотларини ўтказиш.	Хар куни	Тарбиячи
	IV. Оммавиғ-физкультура ва спорт ишларини дарслан ташкари вактда ташкиллаша.		
	Ўкув йилининг бошланнишига багишилланган физкультура байрамини ўтказиш.	Сентябр	Администрация ва физкультура ўқитувчилар
	Спорт секциялари ва кружокларда машгулотлар ўтказиш	Йил давомида	Ўқитувчилар, йўриқчилар
	Мактаб спорт тактикасини ўтказиш.	Йил давомида	Администрация, синф раҳбарлари, физкультура ўқитувчилари.
	Алоҳида спорт турлари бўйича шахар, туман ўкувчилари мусобакаларида катнашиши.	Йил давомида	Администрация, физкультура ўқитувчилари.
	«Алноминш» ва «Барчиной» тести талаб ва нормалари бўйича мактаб мусобакалари.	Режа бўйича	Физкультура ўқитувчилари, синф раҳбарлари
	V. Таргибот ва ташвиҳот ишлари		
	Физкультура бурчагини, деворини, мукофотлар, мастов, когозлари, дипломлар билан безаш туўиш.	Сентябр, октябр	Физкультура ўқитувчилари
	Мактаб рекордлари доскаси, энг яхши мактаб спорчилари албронини юрттиши.	Йил давомида	Физкультура ўқитувчилари
	Мактабнинг моҳир спорчилари	Октябр	Физкультура ўқитувчилари
	Спорт кечалари, спорт викториналари, кувноклар ва зукколар учрашувларини ўтказиш	Йил давомида	Физкультура ўқитувчилари
	VI. Тиббий назорат ва тиббий-санитария текшируви		
	Тиббий текширув ўтказиш ва ўкувчиларни тиббий гурухларга ажратиш.	сентябр	Врач, администрация
	Махсус тиббий гурухдаги ўкувчиларни назорати.	Хар ойда	Врач
	Ўкувчиларни якуний тиббий кўриклан ўтказиш.	Май 197	Врач, администрация
	VII хўжалин ишлари		
	Спорт жихозларини, снарябларни ремонти	Йил давомида	Физкультура ўйитувчиши
	Физкультураудан кўргазмали куроллар, ностандар жихозлар, янги спорт майдонлари, куриш, жихозлар, таомирланган ваҳоҳазоллар.	Йил давомида	Физкультура ўйитувчиши

14.3. Жисмоний тарбиядан ўқув жараёнининг йиллик режа-жадвали

Режа жадвалнинг асосида ўқув материалини ўқув йилининг чораклари учун мақсадли тақсимлаш ётади.

Йиллик режа жадвал тузишда, давлат таълим стандарти таркибидаги жисмоний тарбия дастуридан фойдаланилади. Унда мактаб ёшидагиларнинг индивидуал хусусиятлари хисобга олинган ҳолда инсон жисми маданиятига оид ўқув материали мужассамлаштирилган. Ўқув жараёнининг жисмоний тарбиядаги режа жадвал орқали умумтаълим мактабида дастур бўлимлари материалини ўқитишнинг кетма-кетлиги, хафтама-хафта, ойма-ой, ўқув йилининг фасллари, иқлими шароитини хисобга олиб ўқув чоракларига тақсимланади. Албатта мактабнинг моддий-спорт базаси, спорт анжомлари ва жиҳозларининг сони, сифати хисобга олиниши шарт.

Ўзбекистон шароитида йил фасллари шароити хисобга олиниб ўқитиш жараёни қуйидаги этапларга ажратилади:

1) кузги (Ichorak), 2) кузги-қишки (II чорак), 3) кишки (III чорак), 4) баҳорги-ёзги (IVчорак).

Ҳар бир этапда умумий жисмоний тайёргарликнинг маълум вазифалари ҳал қилинади ва мувофиқ воситалардан фойдаланилади. Хусусан фасллар оралиғида (иккинчи этап)га дарсларда гимнастика материалини (асосий восита сифатида ва ўйинлар (кўшимча восита сифатида) ўқитиш режалаштириш амалиётда кўпроқ учрайди.

Машғулотларнинг мазмуни ҳар бир этапда олдинги этап дарслари ва ўзидан кейинги этапнинг дарслари билан органик бир бўлиши, боғланиши лозим. Шунинг учун материали бир предметдан иборат бўлган дарслардан фойдаланиши билан чекланмай, иложи борича комплексли усул, бир дарсни ёки вактни ўзида жисмоний тайёргарликни бир неча хил воситаларидан фойдаланишни амалий аҳамияти катта. Албатта, асосий вактни шу этап учун «бош»хисобланган (машқни) материални ўтиш учун сарфлаш лозим. Машғулот мазмунларининг энг муҳими, ўқувчиларнинг жисмоний сифатларини узлуксиз ривожлантиради ва югуриш, сакраш, улоқтириш ва бошқа қатор табиий ҳаракатларни такомиллаштиради.

Ўқув нормаларини кабул қилиш этапларни охирларига режалаштирилади, факат тақрорий топшириш учун захира вақт қолдириш лозим бўлади.

Йиллик ўқув режа жадвали икки кўринишда бўлиши мумкин: жисмоний тарбия дастурини асосий бўлимларини ўз ичига олган йирик таркибли блоклар тарзида ёки дастур материалини ўқув йилини дарсларига аниқ тақсимлаб сочиб юбориш тарзида тузилади. Материални ўзлаштириб олишга ажратилган вакт икки хил усулда режалаштирилади.

Машқларни бажариш учун аниқ вақт кўрсатилиб ёзилади ёки вақтни ўрнига символика (белги ёки бошқа аломат) билан белгилаб қўйилади.

Жисмоний тарбия дастури материалини йиллик ўқув режа жадвални вариантынан бири расмда ифодаланган.

Ўқув ишларининг йиллик режа жадвали 6 устунга ажратилган бўлиб, уни биринчи устунида ДТС даги жисмоний тарбия дастурининг бўлимлари, иккинчи устунида дастур бўлимлари бўйича ташкилланадиган дарслари сони, 3-4-5-6 устунларида йиллик 68 та жисмоний тарбия дарсларининг чоракларга тақсимланиши қайд қилинади.

Навбатдаги йил учун йиллик режа жадвалини ишлаш учун, жорий йилдаги йўл қўйилган хатоларни, режада бажарилмай қолинган ишларни хисобга олиш ўқув-тарбия жараёни самарадорлигига айнан таъсир қиласди.

14.4. Мавзуларни ўқитиш режа жадвали

Бу режа ўқув жараёнининг йиллик режа жадвали асосида хар бир ўқув чораги ёки ўқув дастурининг хар бир бўлими учун алоҳида тузилади. Унда йиллик ўқув режа жадвалидаги дастури материаллари кенгайтирилади. Бу режа жадвал ўзида тартиб номери, дастур бўлимларидағи ўқув метириали (мавзулари) ифодаланган графа, мавзуларни қайтаришлари сони кўрсатилган ва ушбу дастур бўлимининг материали ўқитилиши лозим бўлган дарсларнинг тартиб номерлари қайд қилинган графалари бўлади.

Режа жадвал мактаб илмий бўлим мудири ёки директори томонидан август ёки сентябр ойининг учинчи кунигача тасдиқдан ўтиши тавсия қилинади. Одатда бу режа дастурнинг алоҳида бўлими учун ёки хар бир ўқув чорагининг алоҳида туркумланган дарслари учун ҳам тузилиши мумкин. Биз кейинги варакда умумтаълим мактабининг 6 синфлари учун жисмоний тарбиядан дастур материалини тақсимлашнинг таҳминий режа жадвални тавсия қилдик. Улар турлича шаклда, мазмунда бўлишига қарамасдан, асосий мақсад дастур материалини ўзлаштирилишини осонлаштиришни назарда тутади.

Мавзулар ифодаланган бўлимида дастурнинг хар бир мавзууси алоҳида йўлга ёзилади. Бу графада мавзуларни танлаб тақсимлаш режа жадвали дастурининг қайси бўлими учун тузилган бўлса шу бўлим учун «назарий материал», амалий машқлар учун «кўнгикма ва малака» бўлими, ўқувчилар учун қўйилган талаблар, уйга бериладиган вазифалар аниқ қилиб кўрсатилади ва у дастур бўлими учун ажратилган талаблар, уйга вазифа сифатида тавсия қилинади.

Режа жадвалнинг ўқувчилар учун талаблар ва уйга вазифа бўлими материали дарс учун танланган мавзуларга мос slab, ўша мавзуни ўқитиб бўлингандан сўнг, уйга вазифа дарсида тақсимланиши ва уни бажарилишининг назорати ўқитувчи ва ўқувчининг ота-онаси томонидан олиб борилиши шарт. Берилган жисмоний топшириқ ва уни бажарилиши ота-оналар мажлиси, синф мажлиси, синф раҳбари томонидан назоратга

олинишининг аҳамияти каттадир. Режада вазифанинг берилиши икки кўринишда ифодаланади:

а) ўтилган мавзу (машқ техникаси)ни «ўзлаштириш», «мустахкамлаш», «такомиллаштириш» деб айнан мавзуга оид вазифа тарзида;

б) дарсдаги мавзуни айнан ўзини уйда такрорлаш имконияти йўқ бўлган вазифа бўлса, вазифа дарсдаги машқларни бажаришда иштирок этган мускуллар гурухи учун асосий машқга бутунлай ўхшамайдиган машқлар тарзида алмаштирилиб тавсия қилиниши мумкин.

Мавзуларни дарсларга танлаб тақсимлаш режа жадвали ўз мазмунига қуйидагиларни олади.

1. Дарснинг тузилишини эътиборга олиб белгиланган дарс учун уларни кетма-кетлигини хисобга олиш, мавзу танлаш. Аввалига саф машқлари, умумий ривожлантирувчи машқлар, керак бўлса харакатли ўйинлар организмни катта юкламага тайёрлаш мақсадида, сўнг дарснинг асосий қисми учун материал, якунлов қисми учун материал режалаштирилади.

2. Дарснинг асосий қисмida ўқитиладиган материал дастурининг айнан шу синфи учун кўнишка ва малакалар деб аталган ўқув материалидан танланishi лозим. Чунки асосий қисмда ўқувчилар бир неча ўқув гурухларига бўлинади ёки ўқувчилар фаолиятини ташкиллаш методларидан қайсинаси ёки бир нечасида бир варакайига фойдаланишни назарда тутсак асосий қисмida 3 дан 6 тагача мавзуни ўқитишга тўғри келади. Шунга кўра танланган материал ўқувчини бир неча жисмоний ёки харакат сифатини ривожлантиришни назарда тутади ва мавзулар сони кўп бўлиши мумкин.

3. Мавзуларни танлаб дарсларга тақсимлаш режа жадвалининг асосий услубий хусусияти шундаки, дарсда мавзуга қўйилаётган педагогик вазифалар жисмоний тарбия таълимдининг этаплари (таништириш, ўзлаштириш, мустахкамлаш ва такомиллаштириш)ни ўз ичига олиши шарт. Шундагина, ўқитилаётган харакат фаолиятини ўқувчидаги бажара олиши (уддалаши), уни малакага, сўнг кўнишкага айланнишга замин яратади. Демак, жисмоний тарбия дарси мавзуси мавзуларни ўқитиш режа жадвалида бир неча дарсда кетма-кет (харакат техникасини осон қийинлигига қараб) тақрорланиши мумкин.

Жисмоний тарбия дарси ва унда ўқитилиши лозим бўлган мавзулар сони, уни ўқитиш умум таълим мактабида ўқитиладиган бошқа фанлардан ўзининг хусусий томони билан фарқланади. Бу фарқ фан учун ажратилган дарслар сони ва унда ўқитилиши учун режалаштирилган мавзулар билан боғлиқ.

Масалан, физика, математика, табииёт фанларида ўқув иили учун ажратилган соатлар (дарслар сони) билан унда ўқитиладиган мавзуларнинг сони бир хил. Жисмоний тарбияда эса ундей эмас. Чунки жисмоний тарбия фани бўйича назарий билим бериш билан унда жисмоний тарбия қилиш

жараёни жисмоний сифатлардан куч, чидамлилик, чаққонлик, тезкорлик, мускуллар эластиклиги ва бўғинлар харакатчанлигини ривожлантириш ёки харакат техникасини ўзлаштириш назарда тутилади. Шунга кўра жисмоний тарбия фани учун йиллик ўқув режада ажратилган 68 та дарсга 80-90 та мавзу, айрим синфларда эса мавзулар сони 150 тагача бориши мумкин.

Шунинг учун дарсга мавзу тақсимлаш ва униҳар бир дарс учун танлашнинг аҳамияти муҳим. Шунинг учун мавзуларни танлаш ва дарсларга тақсимлаш режа жадвалини тузиш талаби табиий. Қатор ўқув кўлланма ва дарсларда қайд қилинган режа «Дастур бўлимларининг мавзуларини ўқитиш режа жадвали», «Кенгайтирилган мавзулар режа жадвали», «Мавзуларни чоракларга тақсимлаш режа жадвали» деб турлича номланади.

14.5. Жисмоний тарбиядан дарснинг ишчи режаси

Ишчи режа мавзуларни дарсларга тақсимлаш режа жадвали асосида тузилиб, ундан ўқув чоракларида ўқитиладиган ўқув материалиниҳар бир дарснинг тайёрлов асосий ва якунлов қисмларида нимани ўқитиш кераклиги режалаштирилади.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Илмий бўлим мудири

К.Эргашев

«_____» _____

Жисмоний тарбия б-синф дарсларининг ишчи режаси

Дарснинг №	Тайёрлов қисми мазмуни	Асосий қисми мазмуни	Якунлов қисми мазмуни
1	2	3	4
0	Сафлаш, ўқувчи сонини аниқлаш, рапорт қабул килиш, саломлашиш ўқувчиларни дарсга тайёргарлигини аниқлаш, саф машклари, БМРМ, тайёрлов ва йўлланма берувчи машклар.	Акробатика: а) _____ б) _____ в) _____ Осиљ.таян: а) _____ б) _____ в) _____ Мувозанат сақлаш а) _____ б) _____ в) _____	Қайта сафлаш, эмоционалхолатн и пасайтирадиган машклар, дарсга якун ясаш, уйга вазифа, уюшганхолда машғулот жойидан кетиш.
1	ваҳоқазо		

Ишчи режаҳар бир ўкув чораги учун ёки жисмоний тарбия дастуринингхар бир бўлими учун алоҳида тузилиши мумкин. Мактабдагиҳар бир дарснинг ишчи режаси икки қисмга эга: режага тушунтириш хати ва режанинг мазмуни.

Тушунтириш хатида шу чорак учун параллел синфлар ўкувчилар биланҳал килинадиган аниқ вазифалар тушунарли қилиб ифодаланади, янги ўзлаштириладиган асосий материалниҳажми белгиланади, кўшимча тарзида такомиллаштириладиган ёки мустахкамлайдиган такрорий материал кўрсатилиди. Ўкув чорагининг машғулотларини ташкиллашнинг хусусий томонлари очилади; чорак учун назорат нормалари ва талаблар белгиланади.

Ишчи режада дастурдаги ўзлаштириладиган асосий мавзулар ва уларни ўзлаштиришдаги мувофиқлик, кетма-кетлик, аста-секинлик билан қийинлаштира бориш (дарсдан дарсга) эотиборга олиниб шунга риоя қилинади.

Жисмоний юкни (хажми ва интенсивлиги) хам машғулотдан машғулотга асте-секинлик билан оширилади.

Юқоридагилардан ташқариҳар бир дарсда жисмоний тарбиянинг назарий материалини ўқитиш учун вакт ажратилиди.

Айнан шу дарсда билим асослари қанча ўқитилиши лозимлиги амалий материалга караб режалаштирилади. Масалан, ҳаракат фаолиятига ўргатиш режалаштирилган бўлса, унда ўзлаштирилаётган машқни техникаси ҳақидаги билимлар, шу жисмоний машқни организмга таъсири, уни бажаришдагиҳавфиззликни таоминлашга оид маолумотлар берилиши лозим бўлади.

Ишчи режани ишлашда қуидаги методик тавсияномаларга риоя қилишга тўғри келади.

1) машқни тузилиши нуқтаи назаридан қийинлигиниҳисобга олиб ўкувчиларни уни ўзлаштиришга тайёрлаш;

2) аниқ ҳаракат фаолиятининг техникасини ўқитишни бир ёки бир неча аралаш машғулотларда узлуксиз, танаффусларсиз ўқитиш диккатни факат шу ҳаракатга қаратиш;

3) ўкув жараёнини шундай тузиш лозимки, унда малакани ижобий ўтиши (кўчиши) эффицидан максимал фойдаланишга имкон яралсин.

Талаб даражасидаги илмий асосда ишланган ишчи режа ўкув жараёнини усулий таоминлашдек функцияни тўла бажарсин.

Ишчи режалар жадвал ёки матн шаклида тузилади. Графика тарзидағи режа соддалаштирилган характеристерга эга бўлади. Унда ажратилиди: «Бўлимлар ва машғулотнинг мазмуни» (бўлимлар бўйича машқлар ёзилади); «Бўлим материалини ўтиш учун соатлар сони» ва «Ўқувҳафталарига ўзлаштириладиган материални тақсимлаш (+) ёки дарс вазифаларини бошхарфлари «Т», «Ў», «М», «Тқ» билан белгиланади).

Матн тарзидағи режа мақулроқ, чунки унда факат мазмун ифодаланмай, машғулотлар тизимидағи ўқитиш методлари,

режалаштирилган тренировка юклamasи ва уни аста-секинлик билан ошириш очиб берилади. Матн тарзидаги кўпроқ тарқалган ишчи режа ўз ичига қўйидагиларни олади: дарс номери, дарснинг асосий вазифаларини маолум формада ифодалаш, ўқитиш ва тренировка мазмуни ҳақида, уни юкламасини хажми ва интенсивлигини кўрсатиш билан эркаклар ва аёлларга дифференциялаб қисқача ёзувлар.

Мисол сифатида иш режасининг қатор варинтларини тавсия қилганимиз.

Биринчи чоракнинг ишчи режасига мувофиқ таолимни ҳар бир дарснинг таолими вазифасини кўриб чиқамиз.

Биринчи чоракнинг 18 та дарси учунҳар бир дарснинг тахминий вазифалари:

1-дарс. 1. Эрталабки гигиеник гимнастика (ЭГГ) комплекси билан таништириш. 2 Спорт майдонидаги дарслада (югуриш, сакраш, улоқтириш, тўсиклардан ошиш) техникасиҳавфсизлигиҳақида сұхбат ўтказиш. 3. Бир кўлга таяниб старт олишни мутақил ва паст стартни ўргатиш (холатини). 4. 2 минутли югуриш орқали чидамлиликни ривожлантириш. 5. Уч кураши бўйича назорат.

2-дарс. 1.Бир кўлга таяниб старт олиш техникасини қайтариш. 2.Паст старт техникасини ўзлаштиришни давом эттириш (мустаҳкамлаш). 3.Тезликхаракати тайёргарлиги даражасининг назорати (30м.га юқори старт олиб югуриш)ни ўтказиш. 4. 3 минутли югуриш ичida 100 м.га кескин югуриш.

3-дарс. 1.Паст старт техникасини такомиллаштириш. 2.Жойидан узунликга сакраш ҳаракати тайёргарлиги даражасини текшириш. 3. «Оёқларни букиш» усули билан узунликка сакрашни таништириш ва ўзлаштириш. 4.Тўрт минутли югуришда 50-60м.га икки маротабалаб тез югуришни тақрорлаш.

4-дарс. 1. Баланд старт билан 30 м. югуришни ўзлаштирилганлигини назоратини ўтказиш. 2. Узунликга сакраш техникасини мустаҳкамлаш (танага тезлик бериш ва депсиниш). 3.Теннис тўпини 4-5 қадамлаб югуриш билан улоқтиришни таништириш ва ўзлаштириш. 4. Иккита 50-60 м.ли кескин югуриш билан 5 минутли югуриш.

5-дарс. 1.Паст стартдан 60 м.га югуришни ўзлаштиришни текшириш. 2. Югуриб узунликга сакраш техникасини такомиллаштириш. 3.Теннис тўпини улоқтиришда югуриш техникасини такомиллаштириш. 4. 5 минутли югуриш таркибида 60 м.ли иккита кескин югуришни бажариш.

6-дарс. 1. Югуриш билан узунликга сакрашни ўзлаштирилишини текшириш. 2. Югуриш билан теннис тўпини улоқтириш техникасини такомиллаштириш. 3. 7минут давомида югуришни оралиғида 50-60 м.га икки-уч марта кескин югуриш.

7-дарс. 1. Ҳаракат координацияси ва чаққонликни ривожлантириш мақсадида 4-5 та түсікни ошиш ўтиш. 2. Югуриб түпни узоққа улоқтиришни ўзлаштирилғанligини ҳисобини олиш. 3.8 минутлы югуришини ташкиллаш.

8-дарс. 1. Турли хил түсіклардан ошиш (ўтиш) техникасини такомиллаштиришни давом эттириш. 2. Ўкувчиларни иккиге бўлиб (қизлар ва болалар) 1500 ва 1000 м.га вақтга югуришини ўтказиш. 3. Югуришдан бўш гурухда «Миниволейбол» ўтказиш.

9-дарс. 1. Асосий мускул гурухларини мустаҳкамлаш учун жуфт-жуфт бўлиб, қарама-қаршилик кўрсатиш машқларини бажариш.

2. Баскетболдаги түпни илиб олиш ва узатиш машқлари техникасини тақрорлаш. 3. Түпни тез узатиш техникасини жойда турганҳолда, жойини ўзгартириб, уч кишидан бўлиб туриб такомиллаштириш. 4. Түпни олиб юриш ва узатиш билан ўйин ўтказиш.

10-дарс. Олдин ўтказилган 9-дарсни мазмунини тақрорлаш, ўқитилган материал бўйича танлов билан айрим ўкувчиларни баҳолаш.

11-дарс. 1. Гимнастика арғимчоғи билан бажариладиган машқлар комплексини ўрганиш, ЮҚЧси ва нафас частотасини текшириш. 2. Баскетбол тўпи билан илгари ўрганган машқларини такомиллаштириш, ўзлаштирилган материал бўйича бир неча кишини баҳолаш. 3. Түпни олиб юриш ва узатиш элементлари билан эстафета ўқазиш.

12-дарс. 1. Гимнастика арғамчиси билан ўрганилган машқларини мустаҳкамлаш. 2. Юриб ва югуриб бир кўл билан түпни олиб юриш техникасини тақрорлаш. 3. Корзинага түпни олиб юриб ташлашни ўргатиш. 4. Түпни олиб юриш ва корзинага ташлаш элементлари билан ўйин. 5. Назорат машқи (НМ)-жойидан узунликга сакраш.

13-дарс. 1. 12-дарс мазмунини тақрорлаш. 2. Ўзлаштирилган материал бўйича ЖБ.лаш (бир нечасини).

14-дарс. 1. Бир, иккى кг.ли тўлдирма тўплар билан машқлар комплексини ўргатиш. 2. Машқ техникасини бажариш (12-дарсники)ни такомиллаштириш. 3. Соддалаштирилган қоида билан 3x3 бўлиб ҳимоя ваҳужум вазифаларини кўйиб ўйнаш.

15-дарс. 1. Тўлдирма тўплар билан бажариладиган машқ комплексини бажариш темпи ва тақрорлаш сониниг ошириш билан бажариш. 2. Соддалаштирилган қоида билан 3x3 бўлинуб ўйнашни тақрорлаш.

16-дарс. 1. Тўлдирма тўплар билан машқ бажариш бўйича билимларини мустаҳкамлаш. 2. Турникда тортилиш бўйича тренировка ўтказиш. 3. 3x3 ёки 4x4 бўлиб соддалаштирилган ўйин қоидаси билан ўйин ўтказиш. 4. Илиб олиш ёки узатиш бўйича НМ (назорат машқи).

17-дарс. 1. Эрталабки гимнастика типидаги машқ комплексини ўрганиш. 2. Тортилиш бўйича тренировка ўтказиш. 3. »Отиш« ўйинини ўйнаш.

18-дарс. 1. Тортилиш бўйича жисмоний назорат. 2. I чорак учун баҳоларни элон қилиш. Зҳаракатли ўйин.

(И.И.Должиков. 1997)

3-вариант

VI синфлар учун ўкув йилининг

I чораги учун иичи режса

Ўкув материалы	0	1	2	3	4	5	6	7	8
Бизим асослари Тўсиклардан ошиш (ўтиш)даҳавғизлиқ коидаларин. Эрталабки гимнастика (ЭГТ)нинг янги комплекси мазмумни									
Саф IV синифда ўтилганларни такрорлаш									
Саф кадами УРМ Югурши билан маҳсус машиқлар									
Сакрашлар билан маҳсус 50мли йўлакда бажариладиган эстафеталар									
Тўсикларни ошиб ўтиш (4-5 та тўсик)									
Каршилик кўрсатиш билин жуфт бўлиб гимнастика кўрсатиш билан жуфт бўлиб									
Гимнастика аргамчилари билин									
Тўлдирма тўп (гацел)лар билин заридка типидаги									
Енгил атлетика Бир кўлга таяниб старт олиш (такрорлаш) паст старт									
Паст стартдан 60 м.га югурши Югурниб узунликга сакраш									
Тўрт-беш кадам килиб тенисс тўпини (150гр) улоқтириш									
Узгармас темпи билан югурши									
Баскетбол Тўпни кабул килиш ва узатиш									
Уч киши бўлиб турган жойини ўзгартириб тўп узатиш									
Юриб ва югурниб (тўргига) тўп узатиш									
Тўпни олиб юриб корзинага ташлаш									
2x3, 4x4 бўлиб соддалаштирилган коида билан ўйнаш									

<i>Үйиншар</i> эстафеталар	Түсикшар эстафеталар	оша											
	Жисмалар эстафеталар	билин											
		Баскетбол билин эстафеталар	элементлари										
			Бир-бiriга отиши										
	<i>Харакат</i> <i>тайерхарлышыны назорати</i>												
	Юкори	стартдан	30м.га										
	югуриш												
	Узунликга жойидан сакраш	турган											
	Перекладинада	тортилиш											
	<i>Текшириши машқлари</i>												
	Югуриш-60м.га												
	югуриб)	Түп улоктириш (150гр.											
	Узунликга югуриб турғыб сакраш												
	Югуриш-150м.га												
	Перекладинада тортапши												
	Уғил болалар баланд												
турникда	Кіз болалар паст												
турникда													

Шартлы белгилар:

(+) белгиси материалдан дарсда фойдаланиш кераклигини билдиради.

У –харакат фаолиятини бевосита ўқитувчи назорати остида ўзлаштириш.

М –харакат фаолиятини мустахкамлаш.

Тқ –харакат фаолиятини такомиллаштириш.

Н – ўкув дастуридаги билимлар, малака ва күнімділар, тест бўйича назорат кўрсатгичлариниҳисобга олиш. «Жисмоний маданият» предметини ўқитилиши

V синфнинг II чораги учун иши режаси

дарслар	вакти	дүшанба	сешанба	чоршанба	пайшанба	жума	шанба

Ишчи режанинг тушунтириш хати

«Жисмоний маданият» предметини V синфларнинг II чорагида ўқитиши ишчи режаси умумий таолим мактаблари учун маълум дастур асосида тузилган. II чоракдаги ишчи режада жисмоний тарбиянинг қуидаги вазифалариниҳал килиш назарда тутилади:

1) V синф ўқувчиларини соғлигини янада мустаҳкамлаш ва жисмоний тайёргарлигини ошириш. Жисмоний машқларнингхар томонлама таосири орқали улар организмини муҳим функционал тизимларини ривожлантиришга баосир этиш, аоссий жисмоний сифатларини тарбиялаш;

2) дастурнинг «Акробатика асослари билан гимнастика» бўлимининг базаси бўлган малакаларга ўқитиш ва «Баскетбол» спорт ўйини техникаси билан бирламчи таништириш.

Ишчи режада кўрсатилган вазифалар билан мувофиқ II чоракнингхар бир дарсига ўкув материалининг қуидагилари тавсия қилинган:

1)ушбу чоракга режалаштирилган амалий турларнинг асосий билимлари;

2)саф машқлари;

3)умумий ривожлантирувчи жисмоний машқлар;

4)гимнастикадаги таяниб сакрашлар;

5)акробатиканинг асослари;

6)бревнодаги мувозанат саклаш машқлари (қизлар);

7)турли хил баландликдаги брусярдаги машқлар (қизлар);

8)паст брусярлардаги машқлар;

9)турникда машқлар (ўғил болалар);

10)жисмоний сифатларни ривожлантириш учун ўйинлар ва маҳсус машқлар.

Аслидаҳозирги кун иш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки II чоракдаги дарсларни комплексли ташкиллаш мақсадга мувофиқ. Чунки Ўзбекистоннинг иқлим шароитида II чорак асосан спорт залидан ташқарида ўтказиладиган дарслар, уларда асосан енгил атлетика, спорт ўйинлари, батба ва унга тайёргарлик бўйича материаллар режалаштирилиши мақсадга мувофиқ. Гимнастика материалини чоракнинг охирги икки ҳафтасига режалаштирилса (кутилган ёғингарчилик, совук) хуллас кеч куз капризлари содир бўлса, машғулотлар спорт залларига кўчирилади ва режа бузилмайди, таълимда кўзланган мақсадга осон эришилади. Асосан югуриш, ҳаракатли ўйинлар, эстафеталар, баскетбол ўйинининг элементларини режалаштириш тавсия этилади.

Барча дарсларнинг чигал ёзиш (дарснинг тайёрлов қисми) машқлари мазмунига давом этиш муддати узок бўлмаган югуришлар, бунда асосий эотибор югуриш техникасига қаратилиди. Унда камчиликлар аниқланса ўқиувчи томонидан лозим бўлган тузатишлар қилинади. Умумий чидамлиликни тарбиялаш учун тренировка воситаларини йўналтирилган кетма-кетлиқда кўллаш мақсадида I чорак (енгил атлетика югуриш

юкламаси) ва III чоракда (кишкни югуришлар)га қатор дарсларда дарснинг асосий қисмини охирга югуриш бўйича, тренировкалар (давомли югуришлар), шунингдек харакатли ўйинлар ва эстафеталар режалаштирилади.

Биз тавсия қилган тахминий иш режаларида гимнастикдан қатор гимнастика комбинацияларни бажариш билан жорий зачетлар топшириш назарда тутилган: бревнодаги машқлар (қизлар учун), акробатика машқлари (болалар ва қизлар), козелда таяниб ўтириб депсиниш билан сакрашлар, эгилиш билан соскок (эгилиб сакраб тушишлар) бажаришлар (болалар ва қизлар), канатга икки усул кўллаб тирмасиб чикишлар маҳсус режалаштирилади.

Биз 286 бетда 2-чоракнинг 22-дарсини тахминий мазмунини ёритдик. Шу йўсингдаги дарс мазмуни вактдан мукаммал фойдаланишинг имконини беради ва ҳар бир дарс учун ёзилади.

II чорак учун дарсларнинг мазмуни

22.Дарс.

1.Суҳбат «Гимнастика дарсларида ўзини тутиш қоидалари ва гимнастика снарядларида машқ бажариш пайтидаги ҳавфсизлик чоралари»;

2.Биттадан бўлиб колонага сафланиш, дистанция тушунчаси билан танишиш;

3.Саф қадамини ваҳаракатда бўрилишларни ўрганиш;

4.Эрталабки гимнастика машқларини комплексини ўрганиш;

5.Гимнастика кўпригида сакрашларни, тиззага таяниб қолиш учун (козелга) сакраш.

6.Таяниб ўтирган ҳолдан эгилиб «соскок»ни аниқ жойга тувиш билан бажариш.

7.Олдинга дўмбалоқ ошишлар.

8.Орқага «перекат»ларни бажариш.

9.Гимнастика ходаси: юриш, оёкни кўтаргандан сўнг уни остида қарсак уриш, эгилиб «соскок» қилиш.

10.Кичик брусяяга таянибҳаракатланиш.

11.Оёкни елка кенглигига қилиб брусяядага горизонтал ётиб кўлларни букиш ва тўғрилаш.

12.30 сек давомида «скакалка» билан сакрашлар.

13. «Брюшной пресс» ва орқа мушаклар учун гимнастика гиламлари устида машқлар.

2.Дарс... ва ҳоказо.

Қайд қилинган дарс мазмунига ўхшатиб ўкув йилининг II ва қолган чоракларидаги қолган дарслари учун ишчи дастур ва иш режалари тузиш ўкув жараёни ва ДТСдаги жисмоний тарбия дастури материалини ўқитишига аниқлик киритади.

II чорак иши режасини мазмуни

Уқув жараёни бўлимларининг мазмунни	Чорақдаги қайтариши лар сони	Таълим ва тарбия вазифалари
2	3	4

14.6.Режа-конспекти ва уни матнини тузиш усулияти

Режа конспект ҳар бир жисмоний тарбия дарсини режалаштиришнинг деталлаштирилганхужжати бўлиб, ўқув тарбия жараёнини оператив бошқариш учун хизмат қилади.

Ҳар бир дарснинг самараси режа конспекта ифодаланган мавзуу ва уни вазифасини аниқ қўйилиши билан чамбарчас боғлик.

Вазифани белгилашда ҳар бир дарснинг ишчи режасидаги мазмундан келиб чикиш, олдинги дарснинг натижасини, янги материални ўзлаштиришнинг осон ёки қийинлигини, шунингдек шуғулланувчилар таркиби, уларнинг тайёргарлиги, машгулотни ўtkазиш жойини шароитини ҳисобга олишлозим бўлади.

Белгиланган вазифаларнинг сони ўша даврда амалга ошириш мумкин ёки йўклиги билан боғлик. Дарснинг режа конспектида унинг асосий қисмидаҳал қилинадиган асосий ва хусусий вазифалар ифодаланади. Хусусиф вазифалар дарснинг ҳар бир қисмидаги машклар бўйича алоҳида ифодаланиб, режа конспектнинг алоҳида устунига ёзиб қўйилади. Педагогик вазифалар иложи борича аниқ ифодаланиши зарурияти мавжуд бўлиб, уларни бир ёки бир неча дарслар рамкасида ҳал қилиш имкони бўлиши ҳисобга олиниши лозим.

Жисмоний тарбия дарснинг мазмунни давлат дастури ва чорак учун, маълум дарслар мажмуи учун ишланган мавзуларни тақсимлаш режа жадвалида ёки чоракларнинг иш режаларида белгилаб қўйилган бўлади.

Жисмоний тарбия дарснинг мазмунини яратишида:

1) дарснинг ҳар бир вазифасини ҳал қилиш учун унинг воситалари ва усулиятларини олдиндан белгилаб олиш;

2) дарс учун зарурый жиҳозларни ҳисобга олиш;

3) ҳар бир вазифаниҳал қилиш учун ўқувчилар фаолиятини ташкиллаш усулиятининг устида ишлаш;

4) дарсда ўқувчилар фаолиятини баҳолаш критериясини белгилаб олиш зарур бўлади.

Бошланишига дарснинг режа конспектини тузишда дарснинг асосий қисмини мазмунни, сўнгра мувофиқ холда тайёрлов қисми ва охирида якунлов қисмининг мазмунлари ишлаб чиқилади.

Амалиётда режа конспектини тузишни турлича варианtlари мавжуд. Мисол сифатида улардан бирини эотиборингизга ҳавола қиласиз.

Тавсия қилинаётган кенгайтирилган конспект матниҳисобланади. Тажрибага бой педагогиклар ва ўз касбини яхши билимдонлари турли

хилдаги конспектлардан фойдаланадилар. Биз тавсия қилған конспектлар матни шулардан биридей.

-бетларда дарснинг тахминий режа жадваллари берилган.

Жисмоний тарбиядан ____ синф ўқувчилари учун ____ дарснинг режса-конспект

Дарснинг мавзуси ва вазифалари:

1. _____

2. _____

3. _____

Ўтказиш жойи _____ ўтказиш муддати _____

Дарс кисмлари	X усусий вазифалар	Дарс нинг мазмуни	Юклама мөъёри	Ташкилий услугубий кўрсатма
1 мин				
2 мин				
3 мин				

Керакли жиҳозлар _____
Ўтказилиш вақти ва жойи _____

Изоҳ: 1. Конспектнинг «Дарсни қисмлари» устунида ракам билан дарснинг қисмлари (1-тайёрлов; 2-асосий; 3-якунлов) ва уларни давом эиш вақтининг минутлари кўрсатилиди.

2.Хусусий вазифалар устунида эса ўзлаштирилганҳаракат фаолиятини ўзлаштириш ва такомиллаштириш бўйича вазифалар ёзилади, шунингдек мазмунига кўра катта бўлмаган асосий материалга қўшимча вазифалар ҳил килинади.

Хусусий вазифаларга мисоллар: Дарснинг тайёрлов қисми: а)дарснинг вазифасини элон қилиш; б)aloҳида сафланиш учун усулларини ўргатиш; в)қабби-қоматни тўғри шаклланишига таъсир қилиш ва бошқалар. Дарснинг асосий қисми: а)шуғулланувчиларда ўзлаштириладиган фаолиятҳақида тасаввурхосил қилиш; б)ҳаракат фаолиятини алоҳида элементларини ўргатиш (масалан, таяниб сакрашда-югуриш ва «кўприк»дан депсиниш); в)таяниб сакрашда юмшоқ ва тургун ерга тушиб; г)ҳаракатли (спорт) ўйинларининг асосий қоидалари билан танишиш ва бошқалар.

3.Дарснинг мазмуни устунида дарснингҳар бир қисмida ўтказиладиган жисмоний машқлар ўз навбатида кетма-кет ёзилади. Умумий ривожлантирувчи машқларни ёзишда унинг дастлабкиҳолати ва

қанчаҳисобда бажарилиши вахар бирхисобда нима қилиниши ёзилади. Агарда асосий қисмда гурухли усуслият қўлланса конпектдаҳар бир гурух учун машқлар алоҳида ёзилади ва машқларни қайси томонга қараб ўрин алмашишигача кўрсатилади. Қизлар ва болалар учун материал алоҳида берилган бўлса, улар ажратиб ёзилади.

4. «Юклама меоёри» устунида машқларни қайтаришлар сони, уни бажариш учун сарфланадиган вақт (минутлар билан), босиб ўтиладиган масофа ва бошқалар ёзилади.

5. «Ташкилий-услубий ўрсатмалар» устунида ўкувчиларни ташкиллаш усувлари, машқларни бажариш усулиятлари, уларни бажаришга қўйилган талаблар, шунингдек қуидаги типда – «хатолар ҳақида сўзлаб ғериш», «ҳавфсизликни таъминлаш», «ўйин қоидасини эсга солиш»дек бошқа ёзувларҳам ёзиб қўйилади.

15-БОБ. СПОРТ ТРЕНИРОВКАСИННИГ АСОСЛАРИ

15.1. Умумий характеристикасаси

Спорт тренировкаси педагогик ҳодиса бўлиб, машқ қилиш усулиятлари тизими ёрдамида бевосита юқори спорт натижаларига эришишга каратилган ва жисмоний тарбиянинг ихтисослашган жараёнидир. Шуни таокидлаш мұхимки, спорт педагогика нұқтаи назаридан бирдан-бир мақсад бўлмасдан, тарбиялаш, соғломлаштириш ва ҳаётга тайёрлашнинг воситасидир.

Спорт машғулотининг вазифалари: соғликни мустаҳкамлаш ва маонавий тарбия талаблари, шахсни ҳар томонлама гармоник ривожлантириш; спорт техникаси ва тактикасини эгаллаш; танланган спорт турига хос жисмоний, руҳий ва иродавий сифатларни ривожлантириш, спорт гигиенаси ва ўз-ўзини назорат қилиш соҳасида амалий ва назарий билимларни эгаллашдан иборат. Спорт машғулоти давомида факат юқори маҳоратинингина эгалламасдан, соғлигини мустаҳкамлаш, жисмоний сифатларини ривожлантириш, серунум меҳнат ва Ватан ҳимояси учун зарур бўлган ҳаётий зарурий малакаларни эгалаш вазифалари ҳал қилинади.

15.2. Спорт тренировкаси воситалари

Юқори натижаларга эришиш учун жисмоний тарбиянинг барча воситалари жисмоний машқлар, гигиеник омиллар ва табиатнинг соғломлаштирувчи кучлари, шунингдек, машғулотлар давомида воситаларнинг кенг ишлаб чиқилган тизими кўлланилади. Л.П. Матвеев спортчиларнинг ютуқларига қараб спорт турларини тренировка воситаси сифатида 5 гурӯхга ажратади.

1. Якка кураш, енгил ва оғир атлетика, спорт ўйинлари, гимнастика ва бошка спорт турлари.
2. Матоцикл, автомобилр, самалёт, қайиқ каби техник воситалари.
3. Милтиқ, камон каби нишонга олиш спорт турлари.
4. Авиомоделлар, автомобиллар сингари конструкторлик спорт турлари.
5. Шахмат, шашка, янги маонавий спорт турлари.

Барча воситалар мусобақалаш ва тайёрлов машқларига бўлинади, тайёрлов машқлари ўз навбатида маҳсус тайёрлов ва умумтайёрлов машқларини ўз ичига олади.

Мусобақаларини машқлари – бу спорт турига хос бўлган ва тўлиқ муайян спорт турининг талабларига биноан бажарила-диган яхлитҳаракат фаолиятидир. Кўпгина мусобақалашув машқлариҳаракат тузилиши бўйича чекланган ва қисқа йўналишига эга бўлади; булар monoструктурали машқлардир. Бунга тезкорлик кучини талаб қиласидан машқлари (сакрашлар, улоқтириш, оғирликни кўтариш, спринт) ва чидамлиликни талаб қиласидан субмаксимал, катта ва ўргача зўриқиши билан бажариладиган циклик (югуриш, сузиш ва бошқа)ҳаракатлар киради.

Мусобақалашув машқларининг комплекси – доимий мазмунга эга бўлган икки кураш ва кўпкурашлардан иборат. Бир турдаги кўпкурашларга конркида югуриш тўрткураши, тоғ чанғиси учкураши кирса, турлари кўп курашларга енгил атлетика ўнкураши, замонавий бешкураш, чанғи икки кураши, «Алномиши» ва «Барчиной» кўпкурашлари киради.

Тренировкада мусобақалашиш машқлари асосий ўринни тутади, чунки улар ёрдамида спорт классификацияси билан белгиланган маҳсус талабларнинг мажмуйи яратилади. Бироқ, бу комплекс машғулотларда нисбатан кам қўлланилади. Чунки улар организмни тез чарчатади, ҳар доимхам самарали бўлмаган стереотипларни мустаҳкамланишига сабаб бўлади ваҳ.к.

Мусобақалашиш машқлари машғулотларда катта вариатив-лиги билан яжралиб туриши зарур. Маҳсус тайёргарлик машқ-лари мусобақалашиш харакатларини шакли ва характерига ўхшаш ҳаракатларни ўз ичига олади.

Масалан, енгил атлетикачиларда муайян масофанинг ажратилган қисмлари бўйича югуриши, мусобақалашиш комбинациясининг элементлари ва бўлакларини ёки имитация машқларни бажариши шулар жумласидандир. Машклар танлаб олинган мусобақалашиш машқи билан қандайдир яхлитликка эга бўлган тақдирдагина маҳсус тайёргарлик машқлари даражасида бўлиши мумкин. Спорт машғулотининг қайд қилинган воситалари фақатгина жисмоний воситалар бўлибгина қолмай, балки спортчини техник, тактик ва иродавий тайёrlаш воситаси ҳамдир.

15.3. Спорт тренировкаси усулиятлари

Юқори спорт маҳоратига эришишга қаратилган барча воситалар спорт машғулоти усулиятларига киради. Ҳаракат фаолиятига ўргатиш усулиятлари жисмоний тарбия назарияси ва методикасининг умумий асосларидан сизга мардумдир. Бу ерда уларни спорт машғулотларига нисбатан аниқлаштиришга тўғри келади. Усулиятларнинг асосий максади ҳаракат малакаларини такомиллаштириш ва жисмоний сифатларни тарбиялашга қаратилган. Спорт машғулотида белгиланган вазифаларига кўра, **қатоий регламентлаштирилган машқ** усулиятларининг турли хил варианtlардан фойдаланилади. Тренировка машғулотларидағи ҳаракат малакаларини такомиллаштириш жараённда **стандарт** ва **алмашибирб машқ қилиши** усулияти кенг қўлланилади.

Ҳаракат сифатларини ва организмнинг функцияларини такомиллаштиришда мақсадга мувофиқ танланган машклар комплекси, **интервал машқ қилиши** усулиятини (навбатдаги нагрузкалар орасида белгиланган вақтда дам олиш), **узлуксиз машқ қилиши** (дам олинмасдан машклар комплекси узлуксиз бажарилади) ва юқорида қайд қилинган турли хил усулиятлар қўлланилади. Бир усулиятнинг ўзи кенг вазифаларниҳал қилиш ва спортчини тайёrlашда асос бўлиб хизмат қилиши мумкин,

масалан, югуришда *ўзгарувчан машқ қилиши* усулияти ёрдамида бир вақтнинг ўзида чидамлиликни тарбиялаш, югуриш техникасини такомиллаштириш, масофа бўйлаб кучни тақсимлашнинг тактик варианtlарини машқ қилиш мумкин ва ҳоказо, яъни бир усул орқали спортчининг жисмоний, техник ва тактик тайёргарлигини амалга ошириш мумкин.

Қатоий регламентлаштирилган усулиятдан ташқари спорт машғулотида *мусобақалашши ва ўйин усулияти*, шунингдек, доиравий машқ қилиш методи кенг қўлланилади.

Мусобақалашши усулиятининг асосини факат ракиб билан куч синаш эмас, балки ўз-ўзи билан ҳам мусобақалашши машқлари ҳам ташкил қиласди. Шунинг билан бирга машғулотга киритилган ўйин усувлари ёрдамида юқори руҳий кўтариқчиликка эришилади, фикрлаш қобилияти, қўйилган мақсадга эришиш, иродаси ва қатоийяти ривожланади.

Доиравий машқ қилиши жисмоний машқларни қўллашнинг ташкилий усулиятининг шакли сифатида жисмоний сифатларнинг комплекс намоён қилишни такомиллаштиришга қаратилган.

Машғулот жараёнлари муайян спорт турида максимум натижаларга эришишга қаратилган. Юқори спорт камолотига эришиш қўпкіррали ва жуда мураккаб жараёндир. У спортчининг ўзини ҳар томонлама функционал, жисмоний, техник ва тактик тайёrlаш орқалигини эмас, унинг натижасининг ўсишига таъсир қилувчи бошқа омиллар таосирида кам амалга оширилади. Бу омилларга биринчи ўринда тренернинг ҳар томонлама тайёргарлигини (унинг назарий билими, амалий тажрибаси, ташкилотчилик қобилияти, шунингдек, илмий тадқиқот ва методик фаолиятга интилишининг бевосита ташки мухитни, моддий-техника, хўжалик ва медицина таъминоти ва бошқаларни) киритиш лозим. Шундай қилиб, спортчи рекорд ўрнатишида унга юзлаб кишилар ёрдамлашади, улар уни шахс ва спортчи сифатида шакллантиришади.

15.4. Спортчининг умумий ва маҳсус тайёргарлиги бирлиги

Ҳозирги даврда спорт машғулоти спортчининг жисмоний ва маънавий сифатларини ривожлантиришга, унинг билим даражасини тўхтовсиз кенгайтиришга қаратилган ҳолда ҳар томонлама тарбиялаш жараёнини ташкил қилгандагина тўлиқ педагогик натижага эришилади.

Спорт тренировкасининг шундай йўналиши жисмоний тарбия тизимининг умумий принципларига мос келади. Спорт қайд этилганидек, ягона мақсад бўйласдан шахс қобилияти ҳар томонлама ривожлантирувчи, ижодий ва онгли фаолиятига тайёrlовчи воситалардан биридир.

Спорт машғулоти икки йўналиши; *умумий ва маҳсус жисмоний тайёргарлик (МЖТ) жараёнини* таркибан бирлаш-тиради.

Умумий жисмоний тайёргарлик (УЖТ) жараённада орган-лар, системалар ва функцияларни умумий ривожлантириш асосида спорт ихтисослигига мавжуд шарт-шароитларни яратади, кенгайтиради,

шунингдек, унинг турли хилхаракат, кўникма ва малакаларининг муносабатларини бойитади.

Махсус тайёргарлик эса, муайян спорт тури учун – хос бўлган сифат ва қобилиятларни ривожлантиришни таоминлайди, шунингдек, унга хос техник ва тактик билим ва малакалар билан қуроллантиради.

Умумий тайёргарликни ҳам, махсус тайёргарликни ҳам, машғулот жараёнидан олиб ташлаб ёки бирини иккинчиси билан алмаштириб бўлмайди. Чунки умумий ва махсус тайёргарликнинг орасида ўзаро узвий боғлиқлик мавжуд. Уларнинг ўртасидан чегара ўтказиш мумкин эмас. Айrim мутахассислар шунга таяниб, спорт тренировкасининг бу жиҳатларини ажратмасликни таклиф қиласидар. Бизнинг фикримизча эса умумий ва махсус тайёргарлик ўзининг хусусий функциялари, восита-лари, усуслари ва шунингдек, машғулот жараёнлари билан бирмунча фарқ қиласидар.

Махсус жисмоний тайёргарлик спорт ихтисосининг муҳим омилидир, умумий жисмоний тайёргарлик эса спорччи ривожланишининг у ёки бу томонлари орасидаги турли хил алоқалар орқали ихтисослашиш жараёнига билвосита таосир қилувчи омилдир.

Спортчининг умумий тайёргарлиги ихтисослиги хусусиятларини ҳам акс эттириши лозим. Чунки, алоҳида жисмоний машқлар давомида ижобий ва шунингдек, салбий таосирлар учраб, умумий тайёргарлик ҳар хил спорт турларида бир хил бўлишини чеклаб туради.

Кўрганимиздек, умумий тайёргарликхар хил спорт турларида турлича бўлади, аммо уни махсус тайёргарлик билан аралаштириб бўлмайди.

Умумий ва махсус тайёргарлик спорт тренировкасидаҳар доим, кўп йиллар давомида амалга ошириладиган узлуксиз жараён: катор музаллифлар спорччининг маҳорати ортиб бориши билан умумий жисмоний тайёргарлик машғулларининг сони ва унга ажратиладиган вактни камайтириш керак деб ишонтиришга уринадилар. УЖТнинг ҳажми унга ажратиладиган вактни камайтиришҳисобига эмас, балки махсус жисмоний тайёргарлик устида кўпроқ ишлашҳисобига кисқартилиши керак. Машғулот туркумларида УЖТ ва МЖТнинг ўзаро муносабатига келсак, у қўйидагича ифодаланади: тайёргарлик даврининг I босқичида айниқса пойdevor мезоциклида УЖТ устунлик қиласиди, кейинчалик аста-секин у камайтирилади, тайёргарликнинг II босқичида ва мусобақалашиш даврида МЖТ ортади, бу даврда УЖТ актив дам олиш шаклида марказий ўрин эгалладайди.

15.5. Тренировка жараёнининг узлуксизлиги, нагрузка ва дам олишни навбатлашуви

Тренировка жараёнининг узлуксизлиги қўйидаги асосий моментлар билан характерланади:

1) Танланган спорт тури бўйича машғулот-жараёни такомиллаштиришни моҳиятини сақлаганича бир ва қатор йиллар давомида ўтказилади;

2) навбатдагиҳар бир машқ олдинги ўтган машқнинг изига (соясига) жойлаштирилиб, **мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади**.

3) машғулотлар орасидаги дам олиш интервали тикланиш ва иш қобилиятининг ўсиши умумий тенденцияга тўғри келадиган даражада бўлиши керак.

Биринчи қоиданинг муҳимлиги ҳеч қандай шубҳа қолдирмайди.

Иккинчи ва учинчи масалалар баҳслихисбланади. Навбатдаги машғулотнинг олдинги машғулот изига жойлаштириш самараси тўғрисида гап борганда, «из» маоносида организмда содир бўладиган ижобий ўзгариш (физиологик, биохимик, морфологик чизик)лар тушунилади, улар иш қобилиятининг ўсиши, сифатларнинг, билим ва малакаларнинг яхшиланишида ифодаланади.

Ҳафтада ўтказиладиган барча машғулотларнинг (хафталик сони 15-18 тага етади) организмга таъсири бир хил бўлмайди. Бир хил нагрузкалар тўлиқ тикланишдан кейин бошқалари ўта тикланиш ёки тикланмаслик даврида берилади. бу нарсағаҳар хил функционал системалар ва органлар турли вақтдан кейин – гетерохроник тикланганлиги учун эришилади. Масалан, юрак қон томир тизимлари – ЮҚЧ – қон босими, юрак қисқаришининг механик кучи, нафас олиш тизимларининг функцияси нисбатан тез тикланади, бироқ қон ҳосил қилиш, чиқариш тизимларининг тикланиши учун узоқроқ вақт талаб қилинади. Шунинг учун тикланиш воситалари қанчалик тўғри танланса, машғулот нагрузкаси шунчалик муваффакиятли бўлади.

Дам олиши учун пассив дам олиши эмас, балки тикланишининг барча шакл ва воситалари машғулот жараёнида ҳар 30-40 минут ишдан кейин, шунингдек, машғулотлар ўртасида ҳам (чўзиш, бўшатиш машқлари, аутоген чиқиш, ташқи баландҳарорат шароитида аутоген машқ қилиш гипотермик паузалар ва ҳоказо) шунингдек, тўқ тутувчи таом (шоколад, сузма, шарбатлар, олмалар, кўк чой, морфончилар учун пиёвалар ва ҳоказо)лар берилади. Бироқ, машғулотнинг ҳар хил давр ва босқичларида ҳолатларини давом этиш турлича, чунки айрим босқичларда иш ҳажмини, бошқаларида эса шиддатини ошириш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

*Нагрузка ва дам олишининг навбатлашуви*нинг кўриб чиқиб биз мавхум нагрузка тўғрисида фикр юритдик. Бироқ, амалий машғулотда нагрузка ҳажми, шиддати тўхтовсиз навбатлашади, шунинг учун навбатлашуви реал тизими турли-туман бўлиши мумкин. Масалан, агар бутун А нагрузка кўлланилса, албатта, шу нагрузкадан кейин тўлиқ тикланишни кутиш зарур эмас, балки бошқа аллақачон тикланган Б нагрузкани бериш мумкин ва шу билан бир вақтда А нагрузка учун актив дам олиш нуқта юзага келади.

Машғулот нагрузкасини аста-секин максимал даражасага ошириши. Спорт машғулоти жараёнида юкори натижага эришиш учун, нагрузкани

динамикаси (хажми ва шиддати бўйича) максимумгача ошириш зарур. «Максимал нагрузка» тушунчасини кўплар организм функционал инкониятигининг нихоясида турган «ўта оғир нагрузка» билан чалкаштирадилар. Максимал нагрузка организмга максимал талаб кўяди ва функциялар фаолиятининг ортишига ёрдамлашади.

Нагрузканинг аста-секин ва максимал оширилиши бир-бирига зидҳам бўлиши мумкин. Нагрузкани максимал оширишдан олдин организмни аста-секин бундай нагруззага кўнигириш лозим. Организмни кўнигириш учун эса, машғулотнинг ҳар бир босқичида машқ қилишнинг максимал самараисига эришиш керак, факат шундагина мослашув механизмлари эгилувчан ваҳаракатчан бўлади.

Машғулот нагрузкасини ошириш давомида «спорт турининг моҳиятига қараб унингҳажм ва шиддати ўзгаради. Нагрузка ҳажми қанчалик катта бўлса, шунчалик изчил ўзгартиришлар киритилиши лозим.

Чидамлиникин талаб қилувчи спорт турларида нагруззка аста-секин ошиб борса, тезкор куч талаб қилувчи турларда (ўта стрессли нагруззкалар бундан мустасно) тўлқинсимон ҳаракат характеридир.

Нагрузканинг тўлқинсимон ўзгариши. Спорт машғулоти учун тўлқинсимон динамика хосдир.

Кўйидаги масштабдаги «тўлқин»лар мавжуд:

1) кичик тўлқинлар майдага туркумдаги (2-7 кун) нагруззкаларнинг динамикасини ифодалайди;

2) ўртача тўлқинлар – бу бир неча (3-6) кичик тўлқинларнинг моҳиятини кўрсатади ва ўзича ўрта туркумни ифодалайди;

3) катта тўлқинлар катта туркумларни ташкил қилувчи машғулот босқичлари ва даврларидаги ўрта туркумларнинг тўлқинсимон ўзгаришини ифодалайди.

Нагруззка (ҳажм ва шиддати)нинг тўлқинсимон ўзгаришини Л.П. Матвеев «кечикувчи трансформация»ходисаси деб тушуниради, яони нагруззканинг сон, сифат ва вактни ифодаловчи томонларига қайта мослашиш бир вактда содир бўлмайди. Бунда табиий биоритм, табиий мухит, мусобақа календари ва бошқаларни хисобга олиш зарур. Чунончи, ўрта ва айниқса катта «тўлқин»ларнинг бошланишида ҳажм кўрсаткичлари (ҳафта ва ой ичидаги машғулот ишларининг умумий сони) юқори кўрсаткичларга етади, кейинҳам баркарорлашади ва камайиб боради. Шунинг асосида эса, турли шиддат кўрсаткичлари (машғулотнинг моторн зичлиги, ҳаракатларнинг тезлик, куч томонлари ва бошқалар) катта аҳамиятга эга бўлади. Кичик «тўлқинларда» кўпинча ҳажм ва шиддатнинг қарама-карши муносабатлари кузатилади: микроциклнинг биринчи ярмида иккинчи ярмига нисбатан машғулотлар катта шиддатда, лекин кичик ҳажмда олиб борилади. Бу умумий муносабатлар машғулот жараёнида у ёки бу машқларнинг ўрни ва аҳамиятига қараб турлича намоён бўлади.

15.6. Тренировка жараёнида техник маҳоратни ошириш ва функционал тайёргарлик

Техник маҳорат – спорт кураш шароитида максимал натижага эришишга қаратилган спорт машқларининг энг рационалхаракат структурасини пухта ўзлаштиришдан иборат.

Ҳаракатларни ўзлаштириш, мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришда онг жуда катта аҳамиятга эга, унга хаттоки автоматлаштирилган ҳаракатлар ҳам тобе бўлади. Ундан ташқари ҳар қандай мақсадга мувоғиқ ҳаракат марказий нерв системасига афферент нервлардан қайта алоқа шаклида келадиган маолумотлар асосида тўхтовсиз коррекция қилиш жараёнида шаклланади.

Шу боисдан тренерҳаракат малакасининг такомиллашишини бошқариш боришдан ташқари спортчининг психикасига таъосир қила билиши керак.

Амалда *техник маҳоратни такомиллаштиришининг икки асосий хили учрайди*: 1)техника асосан ҳаракатнинг замонавий рационал структурасига тўғри келади ва шунинг билан бирга спортчи жисмоний тайёргарлигининг шахсий хусусиятларига мос келади; 2) спортчи ҳаракатининг техникаси унинг функционал имкониятига тўлиқ мос келмайди ва замонавий техника моделига нисбатан озми-кўпми камчилклари мавжуд бўлади.

Шунинг учун ҳаракат малакаларини такомиллаштириш жараёнига турлича ёндошиш зарур. Биринчи ҳолда у тўғри ҳаракатларнинг сон жиҳатдан янада ривожланишига боғлиқ; тезлик ва амплитуданинг ортиши, куч импулсларининг кўпайиши, координациянинг бош элементларини аниқлаш ва уларни яхлит ҳаракат фаолиятининг ритми билан ўзаро муносабати ва шунинг асосида маълум ҳаракат фаолиятини шакллантириш. Иккинчи ҳолда ҳаракат техникасини такомиллаштириш ҳаракат малакасини анча ўргатиш ваҳаракат структурасининг кам самарали қисмларини самаралироғи қисмларга алмаштириш билан боғлиқ бўлади.

Иш тажрибаси ва маҳсус тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ҳаракат техникаси камчилкларининг асосий сабаблари тренер ва спортчилар техник маҳорат даражасини аниқлашнинг объектив кўрсаткичларига, унинг такомиллашиб боришини кузатиш ўлчовларига эга бўлмасликларида ва шунингдек, ижро этиш техникасининг мукаммал моделининг аниқ эмаслигидадир.

Шунинг учун тренер ҳам, спортчи ҳам ҳаракатларни мунтазам тўғрилаб бориш ва уларнинг ижро этилишини кузатиб бориш учун техник воситалар ёрдамида тез маолумот олиш методларига эга бўлишлари шарт.

Техник такомиллаштиришининг усуслари

I. Қисмларга ажратилиши усулияти ҳаракат тузилишини соддалаштиришдан иборат бўлиб, англаб олиш жараёнини осонлаштиради, бутун координацияда ҳар бир элементнинг тузилишини билиб олишга ёрдамлашади.

Бунда күйидаги воситалар тавсия қилинади: харакат шаклини ўзлаштириш учун иммитация машқлари; ўзлаштирилган харакат шаклларини бажаришга қаратылған маҳсус машқларни зарур бўлган тезликда, маълум зўр бериш ва меоёрда бажариш.

II. Машқни тўлиқ бажарии усусли мусобака шароитида нерв-мускул фаолиятининг шартига ва режимига мувофиқ яхлит харакат малакасининг шаклланишига ёрдам беради.

Бу усулда күйидагилар тавсия қилинади: яхлит харакатни осонлаштирилган шароитда бажариш, яхлитхаракат тузилишини соддалаштириш, умумий бажариш тезлигини камайтириш (ярим куч билан ва х.к.) мускул зўр беришини енгиллаштириш, енгиллаштирилган снаряд кўллаш, харакат амплитудасини қисқартириш, чамалаш ва чекловчи нарсалардан фойдаланиш, яхлит машқ шароитини аста-секин мураккаблаштириб (тезлигини, қаршилик кучини ошириб, мухитнинг ўзгарувчан шароитида ва х.к.) бажариш, мусобақадагидек юқори нерв қўзғалиш шароитида техник маҳоратни такомиллаштириш (ўзини жалб қила билиш, максимал зўр беришни ривожлантириш ва уни тақсимлай олиш ва х.к.).

Техник маҳоратни такомиллаштиришда идеомотор машқ қилишга аҳамият бериш лозим. Ўрганишдахаракатларни хаёлий ижро этиш шухараракат тўғрисидаги тасаввур образини яхшилади. Идеомоторни хусусияти тренировка қилдириш бўлибхаракатларни қайта ўзгаришиш, хатоларни тузатиш ва малакаларни такомиллаштиришга ёрдам беради.

Техник тайёрлашнинг босқичлари:

1. I босқич – замин тайёрлаш ва тасаввурҳосил қилдириши. Бунда ўрганиладиганхаракат тўғрисида тушунчаҳосил қилинади, спорт кураши ваҳараракатнинг умумий схемасини ўзлаш-тириш қоида ва мақсадлари билан танишириш вазифаси қўйилади. Бу босқичдахаракат соддалаштирилади, машқ учун шароитҳосил қилдирилади (баландлик пасайтирилади, снаряд оғирлиги ва машқ бажариш шиддати камайтирилади, масофа, майдончаларнинг ўлчами қисқартирилади, қоида соддалаштирилади ваҳ.к.).

2. II босқич – элемент техникасини чўкур ўзлаштириши бир нечаҳафтанан бир неча ойгача давом эади. Бу босқичнинг вазифаси спорт машқи техникасини тўғри ижро этиш даража-сигача ўзлаштиришдан иборат.

3. III босқич – харакат техникасини такомиллаштириши шугулланувчиларнинг ўз интилишлари тугагунга қадар давом этади. Босқичнинг вазифаси – спорт курашининг турли шароитларида максимал зўр берганда ҳам техникани тўғри саклаб туриш учун спорт машқларини такомиллаштиришга эришишдир. Бунда юқори мускул сезгиси (сув, муз, вақт ва ҳоказо сезгилари)га эга бўлиш зарур бу босқичда харакат малакалари мунтазам ошади, функционал тайёргарлик ўсиб боради, тактик фикрлаш такомиллашади.

Техник маҳоратнинг таорифи. Техник маҳорат уч хил кўрсаткич: 1) ҳажм; 2) ҳар томонламалик; 3) спортчи ўзлаштирган техниканинг самараси билан ифодаланади.

Техниканинг ҳажми спортчи бажара оладиган ҳаракатлар техникасининг умумий сони орқали белгиланади ва амалда ижро этилиши билан баҳоланади. Кўпинча техниканинг ҳажми ва унинг жисмоний тайёргарлиги орасидаги боғлиқлик кузатилади (масалан, курашчилар алоҳида мускул гурухларининг яхши ривожланганлиги ҳисобига айрим техник усувларни яхши ижро этишади ё аксинча, яхши кўрган приёмларни яхши бажаргандари сабабли баози мускул группалари уларда кучлироқ бўлади).

Тактик тайёргарлик.

Тактика – бу спорт курашини олиб бориш саноатидир. Бунда ютуққа эришиш учун спортчи куч ва барча имкониятларидан мақсадга мувофиқроқ фойдаланиши зарур. Олдиндан белгиланган режа бўйича ва тезлик билан ҳалиниши даркор вазифаларга кўра ташки мухитнинг доимий ва ўзгарувчан шароитида фойдаланадиган техника тактиканинг асосий воситаси ҳисобланади.

Тактик маҳорат барча спорт турлари учун зарурдир, айниқса, шароитни бирданига англаб олмоқ, рақибини жуда яхшихис қилиш ва бой тажрибадан тез фойдаланиши талаб этадиган спорт ўйинларида аҳамиятлидир. Маолум режа ва курашнингҳар бир дақиқасини англаб олиш асосида турли усувлар, приёмлар ва ҳаракатларни кўллашда спортчиларнинг руҳий, жисмоний ва техник қобилиятларидан самаралироқ фойдаланишда тактика зарур бўлади. Умуман тактика – маҳорат, белгиланган режани амалга оширишни таъминлайдиган яхши билим, кўнишка ва малакаларга асосланади. *Спорт тактикаси уч шаклда намоён бўлади:*

1) *шахсий кураши:* а) рақибнинг бевосита қаршилиги билан (йўлакчаси белгиланмаган жойларда югуриш, велосипед пойгаси, спортча юриш, чанғи ва ҳ.к.) ва рақибларнинг нисбий таосири билан (йўлакларда) югуриш, гимнастика, сузиш, қайик ҳайдаш, фигурали учиш ва ҳ.к.);

2) *икки кишининг кураши:* а) рақибнинг бевосита қаршилиги билан (бокс, қиличбозлик, дзю-до, кураш); б) рақибларнинг билвосита таосирида (теннис, стол тенниси, бадмinton, шахмат ва ҳ.к.);

3) *жамоали мусобақалари:* а) рақибнинг бевосита қаршилиги билан (баскетбол, футбол, кўл тўғпи, хоккей ва ҳ.к.) ва б) рақибнинг билвосита таосири билан (волейбол, эстафетали югуриш, бадиий гимнастика бўйича команда мусобақалари ва ҳ.к.)

Спорт курашини ташкил қилиш ва олиб бориш. Ҳаракатларнинг тактик муаммоси спорт тактик муаммоси спорт мусобақаларини уюштириш ва олиб боришда намоён бўлади. Спорт мусобақасини тактикаси деганда энг яхши натижага эришиш учун мусобақа олдиндан ва бевосита мусобақа вақтида амалга ошириладиган чоратадбирларни тушунамиз.

Тактик фаолият тактик машғулотлар, техник малака, жисмоний қобиلىятнинг ривожланиши даражаси, иродавий фазилатлар, реакция тезлиги ва бошқаларга асосланади. *Тактик ҳаракатнинг уч фазаси мавжуд:*

- а) мусобақа ситуатциясини англаш ва таҳлил қилиш;
- б) маҳсус тактик вазифани хаёлан ҳал қилиш;
- в) тактик вазифани амалий ҳал қилиш.

Идрок қилиш сифати кўришҳажми, кўриш доираси, кўриш орқали ҳаракатни баҳолаш, техник малакаларнинг ривожланиш даражаси, фикрлаш жараёнининг сифати, билим ва тажрибаларга боғлиқ бўлади.

Тактик вазифа аввало хаёлан, кейин эса амалий ҳал қилинади. Спортчи нима қилиши кераклигини жуда тез белгилаши, ўз билимини малака ва қобиلىятини баҳолай олиши керак. Айрим спортчилар мусобақа ситуациясини идрок ва таҳлил қилишда билим ва тажрибанинг камлиги сабабли мантиқий фикрлашга борлиқ бўлган тактик вазифаларни ҳал қилишда қийинчиликка дуч келадилар.

15.7. Спорчининг функционал маонавий, психологияк тайёргарлиги

Функционал тайёргарликнинг моҳияти мураккаб муҳитда ва катта жисмоний нагрузкалар орқали организмнинг функционал системаларини максадга мувофиқ, ривожлантиришдан, яони катта мускул функционал ва психик зўр беришларга бардош беришга эришишдан иборат.

Функционал тайёргарликка маҳсус тайёргарлик машқлари киритилиб улар қуидагиларга таъсир кўрсатади:

1. *Нерв тизимининг функциясини таомиллаштириши.* Марказий нерв системасини шундай тайёrlаш зарурият, у катта жисмоний ва психик зўр беришларга бардош бериш учун нерв жараёнининг маълум кучига эга бўлиши керак.

2. Барча функцияларни, биринчи ўринда *бош мия томирларини вегетатив таъминлашга, юрак қон томир ва нафас олиши системаларини таомиллаштиришига*, шунингдек, чиқариш органларига таосир кўрсатади.

3. *Анлизаторлар функционаларининг ривожлантириши* ва таомиллаштиришни программалаштириш.

4. *Жисмоний сифатларни тарбиялаш* учун сукун мускул системасининг ривожланишига таосир кўрсатади.

Функционал тайёргарлик шакллари. 1. Функционал тайёргарликнинг айрим қисмларини барча машғулотларга киритиш. 2. Яхлит машғулотларни функционал тайёrlаш мақсадида ўtkазиш. 3. Машғулот циклларига соғломлаштириш тадбирлари (эрталабки гимнастика, сайдрлар, туризм)ни киритиш.

Функционал тайёргарликни амалга ошириш учун қуидагиларда фойдаланиш керак:

- а) танлаш воситалари (чўмилиш, бўшаш, ҳолатсизланиш);
- б) мияда қон айланишини бошқарувчи машқлар;

в) юқори мускул сезгиси, вестибуляр ва ҳаракат анализаторлари, нафас олиш ва юрак қон томир системалари ва ҳоказоларни ривожлантируви машқлари.

Спортчани маънавий ва психологияк тайёрлаши

Спортчани маънавий тайёрлаш ўзининг педагогик моҳияти бўйича спорт фаолияти шароитида кўлланилишига қараб амалга ошириладиган ахлоқий ва иродавий тарбиялаш жараёни хисобланади.

Спорт – кучли иродани талаб қиладиган мешақатли ва мураккаб фаолиятдир.

Кучли ирода, мақсадд сари интилиш. Ташаббускорлик ва саботлилик фазилатларини тарбиялаш спортчани тайёрлашнинг ажralmas қисмини ташкил қиласди.

Спортчани тарбиялаш жараёнида қуйидаги фазилатларини ривожлантириш зарур:

- халқ ишига садокат, ижтимоий ва давлат ишини ўз шахсий ишидан юқори кўйишга интилиш, меҳнат ва Ватанни ҳимоя қилиш мақсадида ўз соғлиги тўғрисида мунтазам ғамхўрлик қилиш;
- ижтимоий мулкка тежамли бўлиш;
- жамоанинг амалий фаолиятида актив қатнашиш, спорт маҳоратини ошириш, турмуш шароитидаги хатти-ҳаракати учун жамоа олдида жавобгарликни ҳис қилиш, шахспарастлик, жамоа ишига бепарво қарашга йўл кўймаслик;

Мамлакатнинг барча халқлари билан дўст бўлиш, бошқа мамлакат халқлари билан муносабати мустаҳкамлаш, халқаро учрашувлар жараёнида иркӣ ажратишиларга ва миллий хурофотларга беғараз бўлиш, тинчлик демократия ва тараққиёт душманларига қарши курашиш.

Спортчиларининг юқори *ахлоқий фазилатлари* меҳнатда, турли фаолиятда, хатти-ҳаракатларида, кишилар муомаласида шаклланади ва спорт этикасини белгилашда манба бўлиб хизмат қиласди. *Спорт этикаси* – бу спортчининг ўзига хос фаолиятда (машгулот, мусобака, кўргазмали чиқишлиларда ва х.к. да) спортчи учун мажбурий бўлган хатти-ҳаракатлар нормаси ва қоидаларининг йиғиндинсизидир. Спорт этикасининг асоси – ўзбек спортчисига кўйиладиган ахлоқий талаблардир.

Улар мусобақаларнинг талабларида, низом ва программаларида конунлаштирилган: мусобақаларда спортчилар учун бир хил шароит яратиш, галибларни аниқлашда обоектив бўлиш, рақиб ва судряга нисбатанхурматда бўлиш, мусобақаларда ҳавфсизликни таъминлаш, маросимларга риоя қилиш, спорт мусобақаларини тарғибот ва ташвиқот қилишдир.

Бу талбалар спортчиларимизда юқори онгли интизомни, жисмоний камолотта эришиш, соғликни мустаҳкамлаш ва ижодий узоқ умр кўриш учун курашда спорт меҳнатсеварлигини тарбиялашга ёрдам беради. Ўзбек спортчилари юқори спорт ютуқлари ва жаҳон рекордларини ўрнатишда ўзларининг жамоа бўлиб ва актив курашишлари орқали Ватанни ва спортини

улуғлашлари, халқаро миқёсда Ўзбекистон спортининг байрофини баланд тушишлари, шахспарастлик олдида таозим қилмаслик, камчиликларга муросасиз бўлишлари, ёшларга спорт билан энди шуғулланувчиларга ўз спорт тажрибаларини ўрнатишлари керак.

Спорчани ўзининг тарбиясисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўз-ўзини тарбиялашга интилиш, спортчининг етукли ишончга эга бўлганлиги, иродаси ва характеристидан далолат беради. Шахсий тарбия қуидагиларни ўз ичига одади:

1) ўз-ўзини тута билиш, ижобий ва салбий томонларни ажратса билиш, ўз хатти-харакатини танқидий баҳолаш, ўзи тўғрисида бошқаларнинг фикрига кулоқ солиш; 2) ўз фаолияти ва хатти-харакатларини таҳдил қилишдан иборат.

Шахсий тарбия ўз-ўзини рағбатлантиришга, ўз олдига мажбурият қўйишга ёрдам беради. Ўз-ўзини енгисх ўз имкониятларига ишонч ҳосил қилдиради. Ўз-ўзини тарбиялаш шахсий хусусиятларига, маданиятига, ҳаётий тажрибаси ва бошқаларга боғлик бўлади.

Психологик тайёргарлик. Жисмоний, техник, тактик ва функционал тайёрлаш жараёнини бошқариш учун билим, малака ва тажриба зарур бўлади. Спортчининг руҳий ҳолатини бошқариш энг мураккаб ҳисобланади.

Жисмоний ва техник тайёргарларлари бир хил бўлган спортчилар бир-биридан фикрлаш, сезиши, кузатиш ҳислатлари билан фарқ қилишади, шунга кўрапсихологик тайёргарлик анча олдинрок бошланади. Энг аввало уни аҳамияти аниқланади.

Мусобақа бошланишида одам ҳаяжонланади. Бу-«старт олдхолат» бўлиб, психик холат ўзгаради ва организмда вегетатив ўзгаришлар содир бўлади (пулрс, кон босими ортади, энергия алмашуви кучайди, ичак-корин фаолияти ўзгаради, уйқу бузилади ва х.к.). старт олди холати спортчининг малакасига, ўз кучига ишониш даражасига, спортчани мусобақадан ажратадиган вақтга, унинг нерв фаолиятининг хусусиятига, тайёргарлигига, унинг командасининг ўюшқоқлиги ва ўзаро мослашувига боғлик бўлади.

Тренер спортчига ўз иродасини курашга жалб қилишига ёрдамлашуви зарур.

Мусобақага яхши тайёрланиш учун иккисолат билан курашиш зарур:
1) бўлажак мусобақага спортчининг бефарқ муносабати ва

2) мусобақага катта аҳамият бериб, унинг бўлажак тақдирини хал қиласидигандек қарашга йўл қўймаслик. Бунда спортчига қандай натижага эришишдан қатоий назар ўз имкониятидан тўлиқ фойдаланиш муҳим эканлигига ишонтириш лозим.

Психологик тайёрлашда спортчининг ўз кучига ортиқча ишониши салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Психологик тайёрлаш қатоий индивидуаллаштирилган бўлиши керак. Тезкор кучи талаб қилинадиган спорт турларида ўта оғир, лекин қисқа вақт давом этадиган зўр беришларга, чидамлилик талаб этиладиган спорт

турларида эса, узок вақт иродавий зўр бериш ва чарчашга бардош беришга тайёрлаш зарур бўлади.

Спортчини ҳаддан ташқари руҳий зўр беришлардан саклаш ва унга чуқур ва бир текис нафас олишни, музикани тинглаб ва ижро этишни, ўз ичидаги кўшик айтиши, онгли равишда мускулларни бўшаштириш, аутоген чўкиш усулларини қўллашни, мимика мускулларининг зўриқишини йўқ қилишни (кўзларни юмиб кулиш, бет қисмларини уқалашни) ўргатиш зарур.

Тайёргарлик кўришда мураккаб қисмларига диққатни жалб этишда идеомотор машқ қилиш яхши ярдам беради.

Фақатгина кузатувчан, билишга интилган, кучли иродага эга бўлган, ўз эмоцияларини бошқара оладиган спортчигина юксак спорт натижаларига эришади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора тадбирлари тўгрисида, Вазирлар махкамасининг 1999 йил 27 майдаги 271-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириши давлат дастури Консепцияси. Вазирлар махкамасининг 1999 йил 27 майдаги қарорига илова.

Каримов И.А. «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» Т., Ўзбекистон, 1992.

Каримов И.А. «Биздан озод ва обод Ватан колсин» Т., Ўзбекистон, 1994.

Каримов И.А. «Баркамол авлод орзуси», «Шарқ» нашриёт матбаа концерни бош таҳририяти, Т., 1999.

Умумий ўрта таолимнинг Давлат таолим стандарти ва ўкув дастури, «Шарқ» нашриёт матбаа концерни бош таҳририяти, Тошкент, 1999.

Абдумаликов Р., Юнусов Т.Т. ва бошқалар. «Ўзбекистонда жисмоний тарбия таолимнинг ривожланиши», методик тавсиянома. Т., ЎзДЖТИ наш, 1992.

Саркизов-Сиразини И.Н. «Тансихатлик – туман бойлик», Т., «Медицина», 1966.

Раджабов С.Р., «Педагогические исследования и пропаганда педагогических знаний», Т., «Ўқитувчи», 1977.

Рихсиева О.А. «Абу Али Ибн Сино о роли физических упражнений в сохранении здоровья человека», Т., «Ўқитувчи», 1982.

Кошбаҳтиев И.А. «Основы оздоровительной физкультуры молодежи», Т., 1994.

Турсунов У., «Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси», ўкув кўулланма, Кўкон, 1992.

Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси, дарслик, таржима, Т., «Ўқитувчи», 1967.

Советская система физического воспитания., гл. ред., Г.И. Кукушкин, М., ФиС. 1975

Основы методики физического воспитания школьников., Б.Н. Минаев, Б.М. Шиян., М., «Просвещение» 1989.

Теория и методика физического воспитания. I том, под. ред. А.Д. Новикова, Л.П. Матвеева, ФиС, М., 1967.

Теория и методика физического воспитания. Изд. 2-е, исправленное и дополненное. Под. обў. ред. доктора пед. наук, профессора Л.П. Матвеев и профессора А.Д. Новикова. М., ФиС, 1976.

Теория и методика физического воспитания. Учеб пос-е. Под ред. Б.А. Ашмарина. М., «Просвещение», 1979.

Очерки по теории физической культуры. Под обў. ред. Л.П. Матвеева, М., ФиС, 1984.

Теория и методика физического воспитания. Учеб пос-е. под ред. Б.М. Шияна, М., Просвещение, 1988.

Матвеев Л.П. Теория и методика физической культуры. Учебник для институтов. физ. Культуры. М. ФиС, 1991.

Ф. Хўжаев, Т. Усманхўжаев. Бошлангич синфларда жисмоний тарбия, ўкув кўулланма. Т., «Ўқитувчи», 1996.

А. Абдуллаев. Жисмоний тарбия воситалари. Ўкув кўулланмас. Фарғона, 1999.

Керимов Ф.А. Спорт соҳасидаги илмий тадқиқотлар. Т.. «Zar qalam». 2004.

МУНДАРИЖА

Сўз боши

1-боб. Жисмоний тарбия назарияси ва усулияти предмети

1.1. Жисмоний тарбия назариясининг манбалари

1.2. Жисмоний тарбия назарияси ва усулиятини ривожланишининг даврлари

1.3. Жисмоний тарбия назарияси ва усулиятининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги

1.4. Жисмоний тарбия назариясининг етакчи тушунчалари ва жисмоний тарбиянинг ижтимоий моҳияти

2-боб. Жисмоний тарбия тизими

3-боб. Жисмоний тарбияни тарбиянинг бошқа йўналишлари билан боғлиқлиги

3.1. Жисмоний тарбия жараёнида ақлий тарбия

3.2. Жисмоний тарбия жараёнида ахлоқий тарбия

3.3. Жисмоний тарбия жараёнида эстетик тарбия

4-боб. Жисмоний тарбия назариясининг умумий принциплари

4.1. Жисмоний тарбия меҳнат ва ҳарбий амалиёт билан боғлиқлиги принципи

4.2. Шахсни ҳар томонлама ривожлантириш принципи

4.3. Жисмоний тарбияни соғломлаштиришга йўналтириш принципи

5-боб. Жисмоний тарбия назариясининг илмий-тадқиқот усулияти

5.1. Илмий тадқиқотда назарий таҳлил ва умумлаштириш усулияти

5.2. Педагогик кузатиш илмий тадқиқот усулияти

5.3. Эксперимент илмий тадқиқот методи

5.4. Математик хисоблаш илмий тадқиқот услубияти

6-боб. Жисмоний тарбия воситалари

6.1. Жисмоний машқлар жисмоний тарбиянинг асосий воситаси сифатида

6.1.1. Жисмоний машқлар классификацияси

6.1.2. Жисмоний машқларни тарихий классификацияси

6.1.3. Жисмоний машқларни ҳаракат сифатларини ривожлантиришига қараб классификациялаш

6.2. Табиатнинг соғломлаштирувчи кучлари ва гигиеник омиллар

6.3. Гигиеник омиллар жисмоний тарбия воситаси сифатида

6.4. Жисмоний машқларнинг таҳсирини белгиловчи омиллар

7-боб. Жисмоний (ҳаракат)ини сифатлар ва уларни ривожлантириш

7.1. Чаққонлик ва уни тарбиялаш усулияти

7.2. Чидамлиликни ривожлантириш методикаси

7.3. Тезкорлик сифати ва уни ривожлантириш усулияти

7.4. Эгилувчанлик ва уни ривожлантириш усулияти

7.5. Куч ва уни ривожлантириш усулияти

8-боб. Жисмоний тарбия таҳлили, унинг вазифалари ва хусусиятлари

8.1. Ҳаракатларни уддалай олиш қобилияти ва ҳаракат малакаси

8.2. Ҳаракатни бажаришнинг олий мақоми

9-боб. Таълимнинг жараёнининг тузилиши

9.1. Ҳаракат фаолиятини таништириш этап ива унинг мазмуни

9.2. Ҳаракат фаолиятини ўзлаштириш этап ива унинг мазмуни

9.3. Ҳаракат фаолиятини такомиллаштириш этап ива унинг мазмуни

10-боб. Таълимнинг услубий принциплари

10.1. Таълим жараёнида онглилик ва фаоллилик

10.2. Таълим жараёнида кўргазмалилик принципи

10.3. Кучига ярашалилик ва индивидуаллаштириш услубий принципи

10.4. Мунтазамалик услубий принципида

10.5. Такрорийлик ва вариациялаш (шаклини ўзгартириб қўллаш принципи)

10.6. Талабларни аста-секинлик билан ошириш (прогресс-сивлаштириш) принципи

10.7. Услубий принципларнинг ўзаро алоқаси

11-боб. Жисмоний тарбия Таълимининг усулияtlари

11.1. Сўздан фойдаланиш усулияти

11.2. харакатни кўрсатиш орқали хис қилдириш усулиятлари

11.3. Амалий усулиятлар

12-боб. Мактабгача ёшдаги болалар жисмоний тарбияси

12.1. Мактабгача ёшдагиларнинг жисмоний (харакат) си-фатларини тарбиялаш

12.2. Ўқитиш ва тарбиянинг асосий услубиятлари

12.3. Мактабгача ёшдагиларнинг жисмоний тарбия воситалари

12.4. Мактабгача ёшдагилар жисмоний тарбиясининг шакллари

13-боб. Умумий Таълим мактаби ўқувчиларининг жисмоний тарбияси

13.1. Ўқувчи жисмоний тарбиясининг асосий шакллари ва машғулот формалари

13.2. Ўрта маҳсус ҳунар касб лицейлари умумтаълим мактабларининг ўқувчи ёшларини харакатга ўргатиш ва машғулотларда жисмоний сифатларни ривожлантириш, Таълим жараёнларининг принциплари

13.3. Ўқувчилар жисмоний тарбиясининг ўкув ишлари шакли

13.3.1. Жисмоний тарбия дарсининг вазифалари ва унга қўйилган талаблар

13.3.2. Жисмоний тарбия дарсини таш киллаш ва ўтказишнинг усулий асослари

13.3.3. Жисмоний тарбия дарсининг мазмуни

13.3.4. Жисмоний тарбия дарсининг тузилиши

- 13.3.5. Жисмоний тарбия дарсида хатолар ва уларни аниқлаш ва бартараф этиш усулияти
- 13.3.6. Жисмоний тарбия дарсларида ўқувчилик фаолиятини ташкитлаш усулияти
- 13.3.7. Жисмоний тарбия дарсида мустақил малакаларини шакллантириш
- 13.3.8. Жисмоний тарбия дарснинг педагогик вазифаларига кўра классификацияси
- 13.3.9. Дарснинг умумий ва мотор (ҳаракатга солувчи) зичлиги
- 13.3.10. Жисмоний тарбия дарсида юклама
- 13.3.11. Жисмоний тарбия дарсини таҳлили

